



Бош илмий-методик  
марказ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ



**“ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ  
ЯНГИ БОСҚИЧИДА ФУҚАРОЛИК  
ЖАМИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА  
РИВОЖЛАНИШИ”**

**МОДУЛИ БЎЙИЧА  
ЎҚУВ –УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Б.Ғаниев ФарДУ, Фуқаролик  
жамият кафедраси муdiri,  
доцент, ф.ф.б.ф.д. (PhD)**

**2021**

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди ва ФарДУ Илмий кенгашининг 2020 йил «28» декабрдаги 2-сонли қарори билан тасдиқланган.

**Тузувчи:** **Б.Ғаниев ФарДУ, Фуқаролик жамият кафедраси мудири, доцент, ф.ф.б.ф.д. (PhD)**

**Такризчилар:** **Н.Ҳакимов Тошкент Иқтисодиёт университети профессори, фалсафа фанлари доктори**  
**Г.Рўзиева - Ўзбекистон Миллий университети профессори, фалсафа фанлари доктори**

## МУНДАРИЖА

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>4</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....</b>	<b>15</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАЪЛУМОТЛАР.....</b>	<b>17</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАЪЛУМОТЛАР.....</b>	<b>155</b>
<b>V. КЕЙСЛАР БАНКИ .....</b>	<b>163</b>
<b>VI. ГЛОССАРИЙ.....</b>	<b>166</b>
<b>VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>170</b>

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Ўзбекистонда янги жамиятни ривожлантириш ислохотлари жараёнида жаҳондаги турли мамлакатларда фуқаролик жамияти асосларининг яратилиши турли даражада ва даврларда амалга оширилганлигининг назарий ва амалий жиҳатларини, замонавий концепцияларини, тажрибаларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, фуқаролик жамиятининг бу ижобий жиҳатлари (тамойиллари ва белгиларини) синалган тажриба сифатида ўтиш даврини ўз бошидан кечираётган мамлакатларда фуқаролик жамияти қуришда эътиборга олишга имкон беради. Шу нуқтаи назардан фуқаролик жамияти фанини олий таълим тизимида ўқитиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ушбу талаблардан келиб чиққан ҳолда **“Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши”** модули айнан Олий таълим тизимида “Фуқаролик жамияти”, “Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти” “Миллий ғоя. Фуқаролик жамияти” фанларидан дарс берадиган педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга мулжалланган.

## **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**“Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши” модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курси мутахассислик фанлари блокадаги асосий модуллардан бири бўлиб, унда фуқаролик жамияти тўғрисидаги замонавий концепсиялар, эришилган ютуқлар, истиқболдаги вазифаларни, “Ҳаркатлар стратегияси” асосий йўналишларининг мазмун-моҳиятини таҳлил қилиш ва уни ўқитиш соҳасидаги тажрибаларни умумлаштириш, мавжуд муаммолар, уларнинг ечимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилган.

**Модулнинг вазифалари:** - Замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик;

- Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти тўғрисидаги ғоя, назария, ёндошув ва замонавий концепсияларининг, асосий йўналишлари тўғрисида тушунчалар бериш;

- олий таълим муассалари педагог кадрларини Фуқаролик жамияти куриш соҳасидаги янги ғоя, ёндошувлар ва эришилган янгиликлар билан таништириш.

## **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

**“Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида**

### **Тингловчи:**

- фуқаролик жамияти тўғрисидаги ғоя ва назариялар эволюциясининг асосий йўналишларини

- фуқаролик жамияти замонавий концепсияларининг мазмун моҳиятини;

- Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланиши бўйича жаҳон ҳамжамиятидаги эришилган ютуқларни;

- янги инновацион, педагогик технологияларни ва уларнинг халқаро қиёсий таҳлилини;

- Ўзбекистонда фуқаролик жамияти соҳасига оид янги назарий қарашлар ва концепцияларни, илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини таҳлил қилишни;

- Ўзбекистонда фуқаролик жамияти соҳасига оид назарий ва амалий масалаларини ечиши, янги технологияларни ва дастурлар пакетларини қўллашни;

- ўтказилаётган илмий-тадқиқот лойиҳалари мавзуси бўйича моделлар, алгоритмлар, методлар тадқиқот қилиши ва ишлаб чиқишни *билиши зарур*;

### **Тингловчи:**

- ўқув фанларини ўқитиш методикасини эгаллаш;

- янги педагогик технологияларни қўллаш;
- фуқаролик жамияти соҳасида ахборот технологиялари ёрдамида мустақил равишда янги билим ва амалий кўникмаларни эгаллаши ҳамда улардан амалий фойдалана олиш қобилиятига эга бўлиш;
- янги ғояларни яратиш ва илмий-тадқиқот ишларини мустақил олиб бориш қобилиятига ҳамда илмий жамоада ишлаш **кўникмаларга эга бўлиши керак:**

#### **Тингловчи:**

- тингловчиларни ўзига жалб қилган ҳолда янги педагогик технологиялар асосида фанни тушунтириш;
- фуқаролик жамиятини қуришсоҳаси бўйича фаолиятнинг илмий, ижтимоий-сиёсий соҳаларида фаол иштирок этиш;
- соҳа бўйича жаҳон тажрибаларини таҳлил қилиш учун хорижий тиллардан бирида эркин сўзлашув **малакаларга эга бўлиши керак:**

#### **Тингловчи:**

- замонавий ва инновацион таълим муҳитини бошқариш;
- фуқаролик жамияти бўйича замонавий ва инновацион таълим технологияларига асосланган ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш;
- фуқаролик жамияти соҳаси бўйича тингловчиларнинг изланишли-ижодий фаолиятга жалб этиш **компетенцияларни эгаллаши лозим.**

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

**“Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши”** модули материаллари билан курс тингловчиларини таништириш маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий усуллари, компьютер технологиялари, интернет тармоғидан олинган янгиликларни қўллаш усулидан фойдаланилади. Маъруза дарсларида презентация усулида, амалий машғулотларда ақлий хужум, Хулосалаш методи, SWOT таҳлили каби усулларидан фойдаланиш назарда тутилади.

Амалий машғулотларда соҳадаги янгиликлар билан танишиш, улардан таълим муассасасида мутахассисларга билим беришда фойдаланиш кўзда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

**“Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши”** модули ўқув режадаги биринчи блок ва мутахассислик фанларининг барча соҳалари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади. Бунда

модулнинг бакалавр босқичи 1 блок фанларининг боғлиқлиги эътиборга олинади.

### Модулнинг олий таълимдаги ўрни

“Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши” модулини ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим жараёнини ташкил этишдаги технологик ёндошув асосларини, бу борадаги илғор тажриба ва янгиликларни ўрганадилар, уларни таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий ютуқларга эга бўладилар.

### Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат					
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси				Мустақил таълим
			жами	жумладан			
				Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот	
1.	Фуқаролик жамияти қуриш мамлакатимизнинг асосий стратегик пировард мақсади	4	4	2	2		
2.	Фуқаролик жамияти инсоният тараққиётининг - юқори босқичи	4	4	2	2		
3.	Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожлантириш стратегияси	4	4	2	2		
4.	“Миллий тикланишдан миллий юксалишга” концептуал ғояси	6	6	4	2		
5.	Фаннинг предмети, объекти, мақсади, ўқув, илмий, амалий, тарбиявий вазифалари, функциялари ва бошқа ижтимоий фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ҳамда ўзига хос хусусиятлари	8	8	4	4		
	<b>Жами:</b>	<b>26</b>	<b>26</b>	<b>14</b>	<b>12</b>		

## **II. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу: Фуқаролик жамияти қуриш мамлакатимизнинг асосий стратегик пировард мақсади**

#### **Режа:**

1. Фуқаролик жамияти қўриш мамлакатимиз олдидаги асосий мақсади. Фуқаролик жамияти қуришда республикада амалга оширилаётган ишлар ва уларнинг асосий йўналишлари.

2. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуришнинг назарий, ҳуқуқий ва амалий асослари. Ўзбекистонда қурилаётган фуқаролик жамиятининг ўзига хослиги. Фуқаролик жамияти асосий мезони - адолат ва қонун устуворлиги.

3. Ўзбекистоннинг фуқаролик жамияти қуришнинг асосий стратегик асослари ва мақсадлари. Очiq ва эркин фуқаролик жамияти қуриш пировард мақсадимиз.

### **2-мавзу: Фуқаролик жамияти инсоният тараққиётининг - юқори босқичи**

#### **Режа:**

1. Инсоният тарихида турли ижтимоий-формацион тузулмалар ва жамоалар қўринишлари. Қадимги даврда адолатли жамият, адолатли ҳукмдор тўғрисидаги гоя ва қарашлар.

2. Ўрта асрларда инсонларнинг тенглиги борасидаги қарашлар ва концепцияларнинг ривожланиши. Янги даврда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари. “Инсон ҳуқуқлари бўйича” халқаро декларациясини қабул қилиниши фуқаролик жамиятининг халқаро-ҳуқуқий асоси ва кафолати сифатида.

3. Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий-демократик давлат - инсоният тараққиётининг юқори кўриниши. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуришдаги ютуқ ва муаммолар.

### **3-Мавзу: Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожлантириш стратегияси**

#### **Режа:**

1. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуришнинг назарий-методологик асослари. Янги тараққиёт босқичида фуқаролик жамиятини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар.

2. Ўзбекистонда янада ривожлантириш стратегиясининг асосий мақсади ва йўналишлари. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш бўйича узоқ истиқболга қаратилган стратегиясининг ўзига хос хусусиятлари.

3. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини юксалтириш истиқболлари.



#### **4-мавзу: “Миллий тикланишдан миллий юксалишга” концептуал ғояси**

##### **Режа:**

1. Ўзбекистоннинг дастлабки тараққиёт давридаги миллий ўзликни англаш ва миллий қадриятларимизни тиклашга доир амалга оширилган ишлар. Шу даврда миллий тикланиш борасида амалга оширилган ишлар.

2. Янги тараққиёт босқичида мамалакатимизни ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги амалга оширилаётган туб ислохотлар. Ўзбекистонни ривожланишининг янги концепцияси.

3. Янги тараққиёт босқичида “Миллий тикланишдан миллий юксалишга” ғоясини илгари сурилиши. Миллий юксалиш сари амалга оширилаётган ишлар ва истиқболлар.

#### **5-мавзу: Фаннинг предмети, объекти, мақсади, ўқув, илмий, амалий, тарбиявий вазифалари, функциялари ва бошқа ижтимоий фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ҳамда ўзига хос хусусиятлари**

##### **Режа:**

1. Фуқаролик жамияти фанининг предмети, объекти, мақсади. Фуқаролик жамияти фанининг ўқув, илмий, амалий ва тарбиявий вазифалари. Фуқаролик жамияти фанининг функциялари ва бошқа ижтимоий фанлар билан ўзаро боғлиқлиги.

2. Фуқаролик жамияти фанининг ўзига хос хусусиятлари. Фуқаролик жамиятининг вужудга келиши. Фуқаролик жамияти тушунчасининг тарихий илдизлари ва уларнинг турли тавсифлари. Фуқаролик жамиятининг асослари.

3. Фуқаролик жамияти тушунчасининг умумийлиги ва ўзига хос жиҳатлари. Фуқаролик жамияти ва адолатли жамият. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг асосий белгилари. Фуқаровийлик, фуқаровий онг ва фуқаровий фаоллик. Фуқаролик жамиятида ҳуқуқий маданият.

### **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

#### **1-мавзу: Фуқаролик жамияти қуриш мамлакатимизнинг асосий стратегик пировард мақсади**

Фуқаролик жамияти қуриш мамлакатимиз олдидаги асосий мақсади. Фуқаролик жамияти қуришда республикаимизда амалга оширилаётган ишлар ва уларнинг асосий йўналишлари. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуришнинг назарий, ҳуқуқий ва амалий асослари. Ўзбекистонда қурилаётган фуқаролик жамиятининг ўзига хослиги. Фуқаролик жамияти асосий мезони - адолат ва қонун устуворлиги. Ўзбекистоннинг фуқаролик жамияти қуришнинг асосий стратегик

асослари ва мақсадлари. Очiq ва эркин фуқаролик жамияти қуриш пировард мақсадимиз.

## **2-мавзу: Фуқаролик жамияти инсоният тараққиётининг - юқори босқичи**

Инсоният тарихида турли ижтимоий-формацион тузулмалар ва жамоалар кўринишлари. Қадимги даврда адолатли жамият, адолатли ҳукмдор тўғрисидаги ғоя ва қарашлар. Ўрта асрларда инсонларнинг тенглиги борасидаги қарашлар ва концепцияларнинг ривожланиши. Янги даврда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари. “Инсон ҳуқуқлари бўйича” халқаро декларациясини қабул қилиниши фуқаролик жамиятининг халқаро-ҳуқуқий асоси ва кафолати сифатида. Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий-демократик давлат - инсоният тараққиётининг юқори кўриниши. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуришдаги ютуқ ва муаммолар.

## **3-Мавзу: Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожлантириш стратегияси**

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуришнинг назарий-методологик асослари. Янги тараққиёт босқичида фуқаролик жамиятини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар. Ўзбекистонни янада ривожлантириш стратегиясининг асосий мақсади ва йўналишлари. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш бўйича узоқ истиқболга қаратилган стратегиясининг ўзига хос хусусиятлари. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини юксалтириш истиқболлари.

## **4-мавзу: “Миллий тикланишдан миллий юксалишга” концептуал ғояси**

Ўзбекистоннинг дастлабки тараққиёт давридаги миллий ўзликни англаш ва миллий қадриятларимизни тиклашга доир амалга оширилган ишлар. Шу даврда миллий тикланиш борасида амалга оширилган ишлар. Янги тараққиёт босқичида мамалакатимизни ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги амалга оширилаётган туб ислохотлар. Ўзбекистонни ривожланишининг янги концепцияси. Янги тараққиёт босқичида “Миллий тикланишдан миллий юксалишга” ғоясини илгари сурилиши. Миллий юксалиш сари амалга оширилаётган ишлар ва истиқболлар.

## **5-мавзу: Фаннинг предмети, объекти, мақсади, ўқув, илмий, амалий, тарбиявий вазифалари, функциялари ва бошқа ижтимоий фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ҳамда ўзига хос хусусиятлари**

Фуқаролик жамияти фанининг предмети, объекти, мақсади. Фуқаролик жамияти фанининг ўқув, илмий, амалий ва тарбиявий вазифалари. Фуқаролик жамияти фанининг функциялари ва бошқа ижтимоий фанлар билан ўзаро

боғлиқлиги. Фуқаролик жамияти фанининг ўзига хос хусусиятлари. Фуқаролик жамиятининг вужудга келиши. Фуқаролик жамияти тушунчасининг тарихий илдизлари ва уларнинг турли тавсифлари. Фуқаролик жамиятининг асослари. Фуқаролик жамияти тушунчасининг умумийлиги ва ўзига хос жиҳатлари. Фуқаролик жамияти ва адолатли жамият. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг асосий белгилари. Фуқаровийлик, фуқаровий онг ва фуқаровий фаоллик. Фуқаролик жамиятида ҳуқуқий маданият.

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

### **II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар**

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон

Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

### **Ш. Махсус адабиётлар**

18. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.

19. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010, 204.

20. H.Q. Mitchell “Traveller” B1, B2, MM Publications. 2015. 183.

21. H.Q. Mitchell, Marileni Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publications. 2015. 191.

22. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan. 2013. 175.

23. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan 2010.

24. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.

25. Борис Капустин Гражданство и гражданское общество. – М.: “Высшая школа экономики”. 2011. – 224 с.

26. Гулобод Кудратуллоҳ кизи, Р.Ишмухамедов, М.Нормухаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.

27. Д.Дж.Грин Возвращение в гражданское общество: социальное обеспечение без участия государства. – М.: “Новое издательство”. 2008, – 220 с.

28. Джим Л. Коэн, Эндрю Арато Гражданское общество и политическая теория. – М.: “Весь мир”, 2011. – 784 с.
29. Джон Кин Демократия и гражданское общество. – М.: “Прогресс - Традиция”, 2001. – 400 с.
30. Ж.Мавлонов Коммуникативные основы деятельности институтов гражданского общества: тенденции и инновации (Монография) - Т.: “Адабиёт учкунлари”, 2018. 12 б.т.
31. Жалилов А. ва бошқ. Фуқаролик жамияти асослари. – Т.: Vaktriya press, 2015.
32. Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик кўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраймов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.
33. Ишмухамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.
34. Ли Кан Ю Из третьего мира - в первый. История Сингапура. 1965-2000. – М.: Манн, Иванов и Фербер, 2016. – 420 с.
35. М.Бекмуродов ва бошқ. Харакатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари, – Т.: “Ғофур Ғулом НМИУ”. 2017, - 236 б.
36. Мохаммад Хотами Ислам, диалог и гражданское общество. – М.: “РОССПЭН”. 2001. – 242 с.
37. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти (Услужий кўлланма) – Т.: “Info Capital Group”, 2019. – 432 б.
38. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик кўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
39. Образование в цифровую эпоху: монография / Н. Ю. Игнатова; М-во образования и науки РФ; ФГАОУ ВО «УрФУ им. первого Президента России Б.Н.Ельцина», Нижнетагил. технол. ин-т (фил.). – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с. [http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0\\_2017.pdf](http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0_2017.pdf)
40. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. [https://hiedtec.ecs.uni-ruse.bg/pimages/34/3\\_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf](https://hiedtec.ecs.uni-ruse.bg/pimages/34/3_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf)
41. Р.Хасанов, А.Ўтамуродов Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт (Ўқув кўлланма) – Т.: 2016. 14 б.т.
42. Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. Книга 16 / О.К. Асекретов, Б.А. Борисов, Н.Ю. Бу-гакова и др. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с. <http://science.vvsu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>
43. Трудным путём демократии: Процесс государственного управления в США (Перевод с англ. А.Н.Кулик). – М.: “РОССПЭН”, 2006. – 656 с.

44. У.Бўтаев Жамият барқарорлиги: Ўзбекистон тажрибаси. – Т.: “Фан ва технологиялар”, 2017. 11.9 б.т.
45. Уил Кимлика Современная политическая философия. Введение. – М.: “Высшая школа экономики”, 2013. – 585 с.
46. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш.–Т.: “ТКТИ” нашриёти, 2019.
47. Ўтамурадов А. ва бошқ. Фуқаролик жамияти (Ўқув кўлланма) – Т.: “Университет”, 2018. 21 б.т.
48. Ўтамурадов А. ва бошқ. Фуқаролик жамияти фанидан тушунча ва атамалар луғати. Лотин ёзувида. – Т.: “Турон-Замин-Зиё”. 2017. 23 б.т.
49. Ўтамурадов А. ва бошқ. Фуқаролик жамияти: Ҳоялар эволюцияси (Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари талқинида). Лотин ёзувида. – Т.: “Адабиёт учқунлари”, 2018. – 96 б.
50. Фуқаролик жамияти. Дарслик лойихаси – Т.: 2016. Ziyonet.uz Муаллифлар жамоаси.
51. Хакимов Н.Х., Садиков А.К. Стратегия развития страны. Гражданское общество (Учебное пособие) - Т.: “Иқтисодиёт”, 2020. - 252 с.


#### **IV. Интернет сайтлар**

52. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: [www.edu.uz](http://www.edu.uz).
53. Бош илмий-методик марказ: [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)
54. [www.Ziyonet.Uz](http://www.Ziyonet.Uz)
55. Открытое образование. <https://openedu.ru/>
56. <https://foxford.ru/wiki/obshchestvoznanie/grazhdanskoe-obshchestvo>
57. <https://www.linguee.com/russian-english/translation>
58. [https://enc.for.uz/w/index.php?title=Fuqarolik\\_jamiyati&variant=uz-cyrl](https://enc.for.uz/w/index.php?title=Fuqarolik_jamiyati&variant=uz-cyrl)
59. <http://www.uzbekembassy.ir/Development.aspx>
60. <https://icscentre.org/tag/civil-society/>

### III. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

#### Давра столининг тузилмаси.

Ёзма давра суҳбатида стол-стуллар айлана шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир таълим олувчига конверт қоғози бериледи. Ҳар бир таълим олувчи конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради ва “Жавоб варақаси”нинг бирига ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди. Шундан сўнг конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади. Конвертни олган таълим олувчи ўз жавобини “Жавоблар варақаси”нинг бирига ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги таълим олувчига узатади. Барча конвертлар айлана бўйлаб ҳаракатланади. Якуний қисмда барча конвертлар йиғиб олиниб, таҳлил қилинади. Қуйида “Давра суҳбати” методининг тузилмаси келтирилган



#### “Давра суҳбати” методининг афзалликлари:

- ўтилган материалнинг яхши эсда қолишига ёрдам беради;
- барча таълим олувчилар иштирок этадилар;
- ҳар бир таълим олувчи ўзининг баҳоланиши масъулиятини ҳис этади; ўз фикрини эркин ифода этиш учун имконият яратилади **“Кейс-стади”**

## методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натига (What).

### “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари.

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"><li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li><li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li><li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li><li>✓ ахборот таҳлили;</li><li>✓ муаммоларни аниқлаш</li></ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"><li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li><li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li><li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li></ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"><li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li><li>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;</li><li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li><li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li></ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"><li>✓ якка ва гуруҳда ишлаш;</li><li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li><li>✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш;</li><li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li></ul>



### Ш.НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

#### 1-МАВЗУ: ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҚУРИШ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ АСОСИЙ СТРАТЕГИК ПИРОВАРД МАҚСАДИ

##### РЕЖА:

1. Фуқаролик жамияти қўриш мамлакатимиз олдидаги асосий мақсади. Фуқаролик жамияти қуришда республикаимизда амалга оширилаётган ишлар ва уларнинг асосий йўналишлари.

2. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуришнинг назарий, ҳуқуқий ва амалий асослари. Ўзбекистонда қурилаётган фуқаролик жамиятининг ўзига хослиги. Фуқаролик жамияти асосий мезони - адолат ва қонун устуворлиги.

3. Ўзбекистоннинг фуқаролик жамияти қуришнинг асосий стратегик асослари ва мақсадлари. Очiq ва эркин фуқаролик жамияти қуриш пировард мақсадимиз.

#### **Фуқаролик жамияти қўриш мамлакатимиз олдидаги асосий мақсади. Фуқаролик жамияти қуришда республикаимизда амалга оширилаётган ишлар ва уларнинг асосий йўналишлари.**

Мамлакатимизда демократлаштириш жараёнлари самарадорлиги ва сифатини тубдан яхшилаш, фуқароларнинг эркинликлари, ҳуқуқлари, муносиб турмуш тарзи ва манфаатларини таъминлаш, бунда давлат идоралари масъулиятини кучайтириш, халқ билан очiq мулоқотларни йўлга қўйишда янги самарадор воситалар ва усулларни жорий этиш, “Инсон манфаатлари-барча нарсадан устун” шиори остида иш олиб бориш ҳисобланади. Президент Ш.Мирзиёев давлат ва бошқарув органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилот мутасаддилари фаолиятига нисбатан таъкидлаганларидек, *“Биз кейинги пайтда одамлар билан мулоқот қилишни унутиб қўйдик. Уларнинг ичига кириб, очiq ва самимий гаплашиш, дардини эшитиш бизнинг фаолиятимизда, афсуски, охириги ўринга тушиб қолди”*<sup>1</sup>. Халқ қабулхоналарининг барча ҳудудларда иш бошлагани, халқ билан кенг миқёсда мулоқот олиб борилаётгани давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очiq-ошкоралигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишларни янги босқичга олиб чиқди.

Мамлакат тараққиётининг замонавий босқичида кенг кўламли ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши давлат бошқарувининг мутлақо янги ва самарали фаолият юритувчи тизимини яратишни талаб қилади.

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқ. Халқ сўзи, 8 декабрь, 2016 йил.

Шу муносабат билан мамлакатда давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш ва модернизация қилиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Давлат органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш ва давлат хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш учун электрон порталлар ва маълумотлар базалари яратилди. Хусусан, рухсат берувчи ҳужжатлар ва лицензия олишни соддалаштириш учун [www.license.gov.uz](http://www.license.gov.uz), «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатишни таъминлаш учун [birdarcha.uz](http://birdarcha.uz) веб-сайтлари яратилди. Давлат хизматларини қайта кўриб чиқиш ва оптималлаштириш натижасида тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг тартиб-таомиллари 4 мартага, рўйхатга олиш учун зарур вақт эса 30 дақиқага қадар қисқартирилди. Шу билан бирга, сўнгги йилда амалга оширилган кенг кўламли ишларнинг объектив таҳлили, давлат бошқаруви органлари фаолияти, аҳоли билан очик ва тўғридан-тўғри мулоқот натижалари мавжуд муаммо ва камчиликларни тизимли ҳал этишга эҳтиёж вужудга келганлигини кўрсатди. Бу, биринчи навбатда, қуйидаги ҳолатларга тааллуқлидир:

бир қатор идораларнинг вазифалари декларатив хусусиятга эгаллиги ва уларни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари етарли эмаслиги;

фақат ҳолатларни қайд этиш ва статистикани тўплашдан иборат бўлиб қолган фаолиятни баҳолашнинг самарасиз тизими ва бу кўпчилик ҳолларда жойлардаги ишларнинг ҳаққоний ҳолатини акс эттирмайди;

ҳудудларни ривожлантириш дастурларини шакллантириш ва аҳолининг энг муҳим муаммоларини ҳал қилишда маҳаллий ҳокимият органлари ролининг пасайишига олиб келувчи давлат функцияларининг ҳаддан ташқари марказлаштирилганлиги;

бюрократлаштириш ва юқори сарф-харажатларга олиб келаётган инновацион ривожланишнинг паст даражаси;

хўжалик бошқаруви органлари томонидан давлатнинг тартибга солиш ва хўжалик функциялари кўшиб олиб борилиши, соғлом рақобат муҳитининг ривожланишига тўсқинлик қилувчи имтиёз ва преференцияларни танлаб тақдим этиш амалиёти;

ҳудудларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган айрим раҳбарларда лозим даражада масъулият ва ташаббускорликнинг мавжуд эмаслиги.


Ушбу камчиликлар иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани модернизациялаш, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини юксалтириш бўйича давлат сиёсатини муваффақиятли амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда.

Бу борада давлат раҳбари томонидан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармон 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг

бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясини амалга оширишда муҳим қадам ҳисобланади ҳамда моҳиятига кўра Ўзбекистоннинг давлат ва жамият қурилишида янги саҳифани очиб беради.

Мустақиллик туфайли биз ўзлигимизни англадик, озод халқ, мустақил давлат сифатида Ўзбекистоннинг улкан салоҳиятини бутун дунёга намоён қилиш имкони туғилди. Қисқа давр ичида давлат ва жамият қурилишида, сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда улкан зафарлар қўлга киритилди, фуқароларимиз онгида том маънода янгича қараш ва янгича фикрлаш асослари шаклланди.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг “Ўзбек модели” асосида юртимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш мақсадида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилди. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида амалга оширилган ислохотлар жуда муҳим бир мақсадга, яъни ҳокимиятлар бўлинишининг конституциявий принципини ҳаётга тадбиқ этиш, улар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини самарали тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи, маҳаллий давлат вакиллик органлари ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг ролини кучайтириш, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш ва мустақиллигини таъминлаш, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида демократик ўзгаришларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг роли ва аҳамиятини, ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган муҳим чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилди.



Мамлакатимизда давлат ҳокимияти субъектлари

Президентлик институти ва унинг шаклланиши. Президент сўзи лотинча бўлиб, “олдинда ўтирувчи” деган маънони билдиради. Ўзбекистон тарихида президентлик бошқаруви биринчи бор 1990 йил 24 мартда таъсис этилди ва

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ислом Каримов сайланди. 1991 йил 18 ноябрда “Ўзбекистон Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Бу қонунга 1997 йил 26 декабрь ва 1999 йил 19 августда ҳамда 2003 йил 24 апрелда, 2007 йил 11 апрелда ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Мустақиллик йилларида президентлик институти тўла шаклланди. Ўзбекистон Конституцияси 19-бобининг 89-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди. Президентлик лавозимига 35 ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган Ўзбекистон фуқароси сайланиши мумкин. Айти бир шахс сурункасига икки мартадан ортиқ президент бўлиши мумкин эмас. Президент фуқаролар томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан 7 йил муддатга сайланади.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов 2005 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир” мавзусидаги маърузасида давлат қурилиши ва бошқарув соҳасидаги энг муҳим вазифа бўлган мамлакат Парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришиш йўллари белгилаб берди. Шунга кўра, 2006 йили Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига)” лойиҳаси матбуотда эълон қилиниб, халқнинг фикр мулоҳазалари ўрганилди ва натижада ушбу қонун Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йили 29 мартда маъқулланди. Президент Ислом Каримов 2007 йил 11 апрелда “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий Қонунга имзо чекди. 2010 йил 27 январдаги Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги Президент маърузасида ҳам айнан давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди. Ана шу “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига)”ги Қонунга кўра, Конституциямизнинг 89-моддаси янги таҳрирда қабул қилинди.

Бугунги кунда Конституциямизнинг **89-моддасида** “Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини

таъминлайди” деган қоида белгилаб қўйилди. Натижада Президентнинг ижро этувчи ҳокимият бошлиғи сифатидаги норма олиб ташланди, парламент фаолиятига оид “муҳолифат”, “кўпчилик” каби тушунчалар киритилди.

**93-модданинг 15-банди** қуйидагича таҳрир қилинди: “15) вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини қонунга мувофиқ тайинлайди ҳамда лавозимидан озод этади. Конституцияни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган хатти-ҳаракат содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини Президент ўз қарори билан лавозимидан озод этишга ҳақли”.

**102-модданинг иккинчи қисми** қуйидагича таҳрир этилди: “Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонунга мувофиқ тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади”. Ушбу қонун 2008 йил 1 январидан кучга киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг илгари эгаллаб турган Вазирлар Маҳкамаси Раиси лавозимининг тугатилиши давлат ҳокимияти ва бошқарувини либераллаштириш ва демократлаштириш йўлида муҳим қадам бўлди.

Демак, мустақиллик йилларида мамлакатимизда президентлик институти шаклланиб, у янада такомиллашди, унинг ҳуқуқий негизлари мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислоҳ Каримов давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, президентлик институтини янада либераллаштириш, дунёдаги ривожланган давлатлар бошқаруви тизимига мос тизимга ўтиш бўйича бир қатор таклифларни илгари сурди. Бу таклифлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 96-моддасига тааллуқлидир.

Мамлакат Президенти турли сабабларга кўра, ўз вазифасини бажара олмайдиган ҳолат юзага келган тақдирда ноаниқлик, ушбу моддани турлича талқин этишга йўл қўймаслик мақсадида унинг янги таҳририни қуйидаги мазмунда баён этиш таклиф қилинди: “Мамлакатнинг амалдаги Президенти ўз вазифаларини бажара олмайдиган ҳолатларда унинг вазифа ва ваколатлари вақтинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг зиммасига юклатилади, бунда уч ой муддат ичида, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонунга тўлиқ мувофиқ ҳолда, мамлакат Президенти сайлови ўтказилади”.

**Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида** мамлакатимизда икки палатали парламентнинг барпо этилиши натижасида Президент ваколат муддатининг ўзгартирилиши ва унга тегишли айрим ваколатларнинг Сенат ва Бош вазирга ўтказилди. 2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан мамлакат Президенти бир вақтнинг ўзида ижро этувчи ҳокимият бошлиғи эканини белгиладиган норма чиқариб ташланди, давлат бошқарувида сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришга оид, яъни Олий Мажлис Қонучилик палатасидаги сиёсий партия фракцияларига ҳукумат дастурларига ёки унинг

айрим йўналишларига қўшилмаган тақдирда ўзини муҳолифат деб эълон қилиши ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди. 2009 йил 1 июлдан кучга кирган “Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг такомиллаштириши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мазкур йўналишдаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда бошқарув соҳасини марказлаштиришни чеклаш, бу борадаги вазифаларнинг бир қисмини республика даражасидан вилоят, туман ва шаҳар миқёсига ўтказишда маҳалла тизимини шакллантириш масалаларига катта аҳамият қаратилди. Бу эса Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти томонидан эътироф этилган, марказий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатларини борган сари маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ўтказиб бориш лозимлиги хусусидаги ғоянинг амалдаги тасдиғидир.

<b>Ўзбекистон Республикаси Президенти</b>	
<i>Шу кунгача бўлган ҳолат</i>	<i>Президентимизнинг муҳим тақлифлари</i>
<p><b>93-модданинг 8-банди:</b> 8) Ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади; республика олий ҳокимият ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди; вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади ва тугатади, шу масалаларга доир фармонларни кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари тасдиғига киритади.</p>	<p><b>93-модданинг 8-банди:</b> 8) Республика олий ҳокимияти ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди; вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади ва тугатади, шу масалаларга доир фармонларни кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари тасдиғига киритади.</p>
<p><b>93-модданинг 12-банди:</b> 12) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади, кейинчалик бу масалаларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тасдиғига киритади.</p>	<p><b>93-модданинг 12-банди:</b> 12) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, <b>Ҳисоб палатаси</b> раисини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади, кейинчалик бу масалаларни <b>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати</b> тасдиғига киритади.</p>

<p><b>93- модданинг 15-банди:</b> 15)  вилоятлар ҳокимларини ҳамда  Тошкент шаҳар ҳокимини қонунга  мувофиқ тайинлайди ҳамда  лавозимидан озод этади.  Конституцияни, қонунларни бузган ёки  ўз шаъни ва кадр-қимматига доғ  туширадиган хатти-ҳаракат содир этган  туман ва шаҳар ҳокимларини Президент  ўз қарори билан лавозимидан озод  этишга ҳақли.</p>	<p><b>93-модданинг 15-банди:</b> 15)  <b>Ўзбекистон Республикаси Бош  вазирининг тақдимига биноан</b>  вилоятлар ҳокимларини ҳамда  Тошкент шаҳар ҳокимини қонунга  мувофиқ тайинлайди ҳамда  лавозимидан озод этади.  Конституцияни, қонунларни бузган  ёки ўз шаъни ва кадр-қимматига доғ  тушурадиган хатти-ҳаракат содир  этган туман ва шаҳар ҳокимларини  Президент ўз қарори билан  лавозимидан озод этишга ҳақли.</p>
<p><b>93-модданинг 16-банди:</b> 16)  Республика давлат бошқарув  органларининг, шунингдек  ҳокимларнинг қабул қилган  ҳужжатларини тўхтатади, бекор қилади.</p>	<p><b>93-модданинг 16-анди:</b> 16)  Республика давлат бошқарув  органларининг, шунингдек  ҳокимларнинг қабул қилган  ҳужжатларини тўхтатади, бекор  қилади. <b>Ўзбекистон Республикаси  Вазирлар Маҳкамаси  мажлисларида раислик қилишга  ҳақли.</b></p>
<p><b>96-модда.</b> Ўзбекистон  Республикаси Президенти бетоблиги  сабабли ўз вазифасини бажара  олмаслиги Ўзбекистон Республикаси  Олий Мажлисининг палаталари қўшма  қарорига кўра тузилган давлат тиббий  комиссияси хулосаси билан  тасдиқланган тақдирда ўн кун муддат  ичида палаталарнинг қўшма фавкулудда  йиғилишида депутатлар, сенаторлар  орасидан уч ойигача бўлган муддатга  Ўзбекистон Республикаси Президенти  вазифасини вақтинча бажарувчи  сайланади. Бу ҳолда уч ой муддат ичида  Ўзбекистон Республикаси  Президентлигига умумхалқ сайлови  ўтказилиши шарт.</p>	<p><b>96-модда.</b> Мамлакатнинг  амалдаги Президенти ўз  ваколатларини бажара олмайдиган  ҳолатларда унинг вазифа ва  ваколатларини вақтинча Ўзбекистон  Республикаси Олий Мажлиси Сенати  Раисининг зиммасига юклатилади,  бунда уч ой ичида “Ўзбекистон  Республикаси Президенти сайлови  тўғрисида”ги Қонунга тўлиқ  мувофиқ ҳолда мамлакат  Президенти сайлови ўтказилади.</p>

**Қонун чиқарувчи ҳокимият (Парламент).** Олий қонун чиқарувчи ҳокимият ҳар бир давлатда ўзига хос хусусиятга эга ва турлича аталади

(масалан, АҚШда – Конгресс, Швецияда - Риксдаг, Хитой Халқ Республикасида – Халқ вакиллари умумхитой мажлиси). Ўзбекистонда бундай ҳокимият Олий Мажлис деб номланади. Унинг мақоми, тизими, тузилиши, вазифалари, иш фаолиятига оид қоидаларни белгилашда дунёдаги илғор давлатларнинг ва умуман, олий қонун чиқарувчи органни ташкил қилиш бўйича халқаро тарихий тажриба чуқур ўрганилган ва инобатга олинган.

Ўзбекистонда Олий Мажлис айна пайтда ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва вакиллик органи ҳисобланади, унинг таркибидаги депутатлар халқ мафаатларини ифодалайди. Олий Мажлис 5 йил муддатга сайланади. 25 ёшга етган Ўзбекистон фуқаролари сайланиш ҳуқуқига эга.

2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусида маъруза қилди. Ушбу маърузада ўта долзарб аҳамиятга эга бўлган муҳим вазифаларни ҳал этишда давлат ҳокимияти тармоқларини, хусусан, парламентни янада ривожлантириш ва мустақамлаш, сиёсий партияларнинг родини ошириш, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, шунингдек, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштиришга қаратилган бир қатор қонунчилик ташаббуслари илгари сурилди.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида амалга оширилган ислохотлар жуда муҳим бир мақсадга, яъни ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципни ҳаётга татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг родини кучайтириш, суд тизимини либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш бўйича ғоят долзарб чора-тадбирларни кўришга қаратилган эди<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президентимиз “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” (1999 й.) асари мамлакатимизнинг янги асрдаги тараққиёти учун 6 та устувор йўналишни белгилаб берар экан, аввало сиёсий, иқтисодий ҳаётни, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштиришни биринчи устувор вазифа қилиб қўйган эди. Бунда сиёсий соҳани эркинлаштириш билан бирга

---

<sup>2</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси // Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябрь, № 220 (5135).



давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда асосий эътибор қуйидаги масалаларга қаратилган эди:

- 1) ҳокимият барча тармоқларининг мустақил фаолиятини таъминлаш;
- 2) нодавлат ва жамоат ташкилотлари, фуқаролик жамиятини босқичма-босқич эркинлаштириш. Бунда “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” концепцияси белгилаб берилди.

Бу масалаларни бевосита амалиётга татбиқ қилиш учун “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз”(2000 й.) рисоласида ҳам 7 та устувор вазифадан биринчи ва иккинчи вазифа қилиб сиёсий соҳада қуйидаги масалалар белгилаб берилди:

### **1. Сиёсий соҳада:**

- 2) сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш;
- 3) кўппартиявийлик муҳитини таъминлаш;
- 4) нодавлат тузилмаларни, фуқаролик жамиятини қарор топтириш;
- 5) фикрлар хилма-хиллигига эришиш. Оммавий ахборот воситаларини том маънода “тўртинчи ҳокимият” даражасига кўтариш;
- 6) инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, одамлар онгида демократик кадриятларни қарор топтириш;

### **1. Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасида:**

- 1) ҳокимият органларининг конституциявий асосда бўлишини таъминлаш;
- 2) маъмурий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш;
- 3) кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, янгилаш тизимини такомиллаштириш;

Марказий ижро этувчи ҳокимиятнинг бошқарув тузилмалари ва маъмурий органларнинг ваколатларини бозор тамойилларига мувофиқлаштириш ва пировард натижада давлатнинг иқтисодиётни бошқаришдаги ролини жиддий камайтириш кўзда тутилган эди.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислоҳ Каримов томонидан кейинги ўтган ўн йил давомида, яъни 2000 йилдан кейинги даврда бошқарув соҳасини марказлаштиришни чеклаш, бу борадаги вазифаларнинг бир қисмини республика даражасидан вилоят, туман ва шаҳар миқёсига ўтказиш, Ўзбекистонда маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб шакли бўлган маҳалла тизимини шакллантириш масаласига катта аҳамият қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг

2010 йил 12 ноябрда ўтказилган қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузаси ҳамда мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилишда Олий Мажлис Сенати ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ролини кучайтириш борасидаги вазифалари муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Аслида парламент французча “parler”- гапирмоқ сўздан келиб чиққан бўлиб, расмий сўзлашиш жойи маъносини англатади. Парламент давлатнинг олий вакиллик органи ҳисобланади ва қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Парламент қонун бўйича белгиланган сондаги депутатлардан иборат бўлиб, ҳудудий сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида белгиланган ёшга тўлган фуқаролардан сайланади. Парламентаризм тажрибаси шуни кўрсатадики, парламент бир палатали ва икки палатали бўлиши мумкин. Маълумки, демократик мамлакатларнинг аксариятида парламент икки палаталидир. XX асарнинг сўнгги ўн йиллигида икки палатали парламентлар сони 45 тадан 75 тага кўпайди. Ҳозирги замонда икки палатали тизим парламентаризм тараққиётининг асосий тенденциясига айланди. 2000 йилнинг 14 мартда Париж шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон сенатларининг махсус анжуманида парламентнинг икки палатали бўлиши мамлакат ҳаётида ижобий роль ўйнайди, деган хулосага келинди.

1990-1994 йилларда мамлакатимиз парламенти Олий Кенгаш номи билан аталиб, бир палатали, 150 депутатдан иборат эди. 1995-2004 йилларда парламент Олий Мажлис номи билан аталиб, бир палатали ва унинг 250 депутати мавжуд эди.

Мустақиллик йилларида халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларига 60 депутат, туман ва шаҳар Кенгашларига эса 30 нафар депутат сайланиши йўлга қўйилди.

2005-2009 йилларда Олий Мажлис икки палатали парламент бўлиб, унинг қуйи Қонунчилик палатаси 120 депутат, Сенат (юқори палатаси) эса 100 сенатордан ташкил топди, жами 220 депутатдан иборат бўлиб келди.

Икки палатали миллий парламентни ташкил қилиш масаласи Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримовтомонидан 2000 йил 25 майда Олий Мажлиснинг 2-сессиясида илгари сурилди. “Шуни яхши англаб олишимиз зарурки, ҳаёт ўзгариши билан, одамларимизнинг аввалги сиёсий ва маънавий онги улғайиши билан, бизнинг парламентимизнинг ташкил этилишида ҳам, унинг фаолиятида ҳам тегишли ўзгаришлар бўлиши табиийдир. Шу ҳолатларни назарда тутиб, мен доимий асосда ишлайдиган икки палатали парламент тизимига ўтиш таклифини киритмоқчиман, яъни биз 2004 йилда бўладиган сайловларда

парламентни икки палатали қилиб ташкил этишимиз лозим”<sup>3</sup>.

Олий Мажлиснинг 2001 йил 6 декабрда қабул қилган Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш тўғрисидаги қарорига кўра, 2002 йил 27 январда референдум ўтказилди. Шу асосдаги “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги Конституциявий Қонуннинг қабул қилиниши қонун чиқарувчи ҳокимиятни тубдан ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди.

2002 йил 12 декабрда Олий Мажлиснинг 10-сессияси халқимизнинг хоҳиш иродаси билан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенати тўғрисида” ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий Қонунлар ҳамда уларни амалга ошириш тўғрисида қарорлар қабул қилди. Шунингдек, 2003 йил 24 апрелда “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Қонун қабул қилинди. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида тўпланган парламентаризм тажрибаси, Ўзбекистон халқининг қадриятлари ва менталитетини ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқилган ушбу қонунлар икки палатали парламентимиз ваколатларини ва фаолиятининг ташкилий шаклларини аниқ белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан – Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида халқаро ҳуқуқ андозалари ва илғор хорижий давлатлар талабларига мос янги сайлов қонунчилиги яратилди. Ўзбекистонда сайлов қонунчилиги, яъни парламент 4 босқичдан иборат тараққиёт йўлини босиб ўтди:

**Биринчи босқич.** Конституциямиз қабул қилингунга қадар давр бўлиб, бу даврда Ўзбекистон Республикасининг Президенти сайлови ва Референдум тўғрисидаги бир қатор қонунлар қабул қилинди.

**Иккинчи босқич.** Конституциямиз қабул қилингандан то 1997 йилгача давом этди. Бу даврда миллий сайлов тизими шакллантирилди.

**Учинчи босқич.** 1997 йилдан то 2003 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу босқичда амалдаги сайлов қонунларига айрим ўзгартишлар киритилди. Марказий сайлов комиссияси тўғрисидаги қонун қабул қилинди.

**“Маҳалла” арабча сўздан** олинган бўлиб, “жой” деган маънони англатади. Тарихчи олим Наршахий “Бухоро тарихи” асарида бундан 1100 йил илгари маҳалла халқнинг бошқаруви эканини ёзган эди. “Маҳалла” атамасига Маҳмуд Кошғарий “Девону луғатит- турк”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарларида ҳам изоҳ берилган. Қадимда маҳалла нафақат ижтимоий, балки,

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Асарлар,8-жилд. Тошкент: Ўзбекистон, 2000- 483-бет.

маъмурий-худудий тузилма тарзида ҳам эътироф этилган. Алишер Навоийнинг “Ҳайратул-аброр” (“Яхши кишиларнинг ҳайратланиши”) асарида қуйидаги банд учрайди: Шаҳарлар отини маҳалот этиб, Бўлди чу юз шаҳар Ҳири от этиб. Маҳалланинг “жой” деган мазмуни юқоридаги ташбеҳдан кўриниб турибдики, ўрта асрларда Ҳири деб аталган Ҳирот шаҳри юзта кичик “шаҳарча” - маҳаллалардан ташкил топган экан.

Маҳалла деганимизда, авваламбор, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган ва ривожлантирадиган, шу билан бирга, келажак авлодлар қандай бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи, ҳаёт мактабини тасаввур этамиз.

Мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш органлари фуқаролик жамиятининг асосий институти сифатида йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Шунингдек, мазкур органларнинг бошқарув тизимидаги кўламнинг кенгайиб бориши билан ҳуқуқий давлатнинг ўз ваколатларини демократик тамойиллар асосида амалга ошириши учун қулай ва кенг имкониятлар пайдо бўлмоқда.

Ривожланган демократик мамлакатларда XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб давлат бошқарувининг марказлашувини чеклаш натижасида ўзини ўзи бошқариш органлари жамиятнинг асосий институтларидан бирига айланди. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш (ғарбда “муниципал” дейилади) деганда, муайян маъмурий-худудий бирликдаги аҳоли ваколатларини ифода этадиган, шунингдек, сайланган органлар ва уларнинг маъмуриятлари томонидан амалга ошириладиган, маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ишларни бошқариш тушунилади. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш демократик тамойиллар асосидаги бошқарувдир. Унинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат:

- 1) мазкур органларнинг фуқаролар томонидан тўғридан-тўғри сайланиши;
- 2) маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ўзини ўзи бошқарувнинг нисбатан мустақиллиги; 1985 йил 15 октябрда Европа Иттифоқи томонидан қабул қилинган “Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тўғрисидаги Европа хартияси”нинг 3-моддасида бу тушунча қуйидагича ифодаланган: “Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш деганда, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ўз масъуллигида, маҳаллий аҳоли манфаатлари асосида, қонунлар доирасида унинг давлат ишларининг аксарият қисмини бошқариши ва уни реал уддалай олиш қобилиятига айтилади. Бу ҳуқуқлар эркин, яширин, тенг ва тўғридан-тўғри умумий сайловларда сайланган аъзолардан иборат кенгашлар ёки мажлислар ўзларига ҳисобот бериб боровчи ижроия органларига эга бўлиши мумкин. Бу қоидалар фуқаролар мажлисларига, референдумларга ёки фуқаролар тўғридан-тўғри иштирок этишининг қонун йўл қўйган бошқа шаклларига мурожаат этишни истисно этмайди”.

Ғарб жамиятшунос олимлари маҳаллий ўзини ўзи бошқаришга доир тушунчаларнинг назарий жиҳатларини ҳам ишлаб чиққанлар. Биринчи назарияга

биноан, “маҳаллий бошқарув” деганда, давлат бошқарувидан қуйидаги барча бўғинларни, “маҳаллий ҳокимият ” деганда эса, “сайланган кенгаш ва унинг ижроия органлари воситасида ўз сайловчилари манфаатларини ифода этувчи ва ҳаракат қилувчи ташкилотлар” тушунилади. Шунингдек, “маҳаллий ўзини ўзи бошқариш” – “миллий бошқарувдан қуйи даражадаги демократик автоном бирликларнинг маҳаллий аҳоли манфаатлари асосида жамоатчилик муаммоларининг аксарият қисмини мувофиқлаштириши ва бошқариши” дир.

Конституциявий асосдан келиб чиқиб, 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги (янги таҳрири) Қонуннинг 1-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тушунчаси қуйидагича таърифланди: “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши – фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятидир”. Қўриниб турибдики, мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш органлари тизими тушунчаси ва унинг ҳуқуқий мақоми ривожлантирилди ва улар илғор демократик мамлакатлардаги ҳуқуқий мезонлар даражасида ифодалана бошланди.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш, машҳур олим Алексис де Токвилнинг талқинича, “шундай бир сиёсий институтки, у нафақат сиёсатчилар учун, балки, умуман барча фуқаролар учун бир мактабдир. Бу институтга хос бўлган имкониятлар шу қадар юксак-ки, у фуқароларнинг кенг сиёсий иштироки учун шарт-шароитлар яратиб беради. Ўзини-ўзи бошқариш органлари сиёсий маданият элементларини шакллантиришнинг ҳам беқиёс омилидир. Охир-оқибатда бу органлар фаолияти сиёсий тизимнинг бир бутун барқарорлиги ва мослашувчанлигини таъминлаб беради. Миллат жамоавий институтларсиз ҳам эркин ҳукумат шакллантириши мумкин. Лекин у эркинликнинг ҳақиқий руҳига эга бўла олмайди”.

XX асрнинг иккинчи ярмида иккинчи назария пайдо бўлди. Ушбу “умумий фаровонлик давлати” назарияси билан боғлиқ ҳолда, муниципал (ўзини ўзи бошқаришга доир) концепция ҳам пайдо бўлди. Муниципалитетлар жамиятнинг барча табақалари манфаатларини таъминловчи ва қўриқловчи ижтимоий хизмат кўрсатиш воситаси сифатида қаралди. Европа, Шимолий Америка ва Япония каби мамлакатларда муниципал кенгашлар мақоми ҳуқуқий жиҳатдан муниципал ижроия бошқарувидан юқори қўйилган бўлиб, уларнинг ваколатига қуйдагилар киради: маҳаллий бюджетни қабул қилиш, юқори ташкилотлар томонидан ҳал қилинмаган айрим масалалар бўйича меъёрий қарорлар қабул қилиш, маҳаллий солиқларни жорий этиш, шунингдек, кўпчилик давлатларда муниципалитетнинг

ижроия раҳбарлик органларини ташкил этиш ва уларни назорат қилиш, маҳаллий референдумларни белгилаш.

АҚШ ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам муниципалитетлар муҳим ўрин эгаллайди. Муниципал мактаблар, шифохоналар, кутубхоналар, санитария ишлари, сув билан таъминлаш, парклар, ёнғинга қарши хизматларни бошқариш асосан муниципал кенгашлар тасарруфидадир. Айрим мамлакатларда (масалан, Германияда) кенгашлар ўз ваколатларини ижроия органларига бериш ҳуқуқига ҳам эга.

Собиқ СССР даврида маҳалланинг мазмуни ва вазифалари бутунлай сохталаштирилган эди. Бу даврда маҳаллалар ўзининг ҳуқуқий мақомини йўқотди. Уларнинг асосий фаолияти собиқ коммунистик партиянинг маҳаллий ташкилотларини қўллаб-қувватлашдан, шунингдек, шўравий одатларни тарғиб қилиш, оилалардаги маросимлар ва бошқа тадбирларни ўтказишда коммунистик партиянинг “кўз ва қулоғи” бўлиб туриш каби вазифалардан иборат бўлиб келди. Бу даврда қадимдан маънавият, таълим ва тарбия масалаларини ҳал этиб келган маҳаллаларнинг ўрни деярли йўққа чиқарилди.

Мустақиллик даврига келиб фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг қонуний мақомини мустаҳкамлашга, уларни фуқаролик жамиятининг асосий институтига айлантиришга доир жиддий ислоҳотлар амалга оширилди (2.1.1-расм). Ўзбекистонда маҳаллалар миллий мустақиллик даврига келибгина ўзини ўзи бошқариш органига айланди. Ўзбекистон Конституцияси маҳалланинг мақомини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи сифатида мустаҳкамлади. Мамлакатимизда шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқий мақомини олди. Жумладан, мустақиллик даврида юртимизда 10 мингдан кўпроқ ўзини ўзи бошқариш органлари шаклланган бўлса, улардан 8142 тасини маҳалла фуқаролар йиғинлари ташкил этади. Маҳалла мустақил ташкилот сифатида қайтадан мустаҳкамланди ва уларнинг аксарияти ўзининг қадимги номларини ва халқ ўртасидаги обрў-эътиборларини қайтадан тиклаб олди.

**Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг демократик тамойиллари қуйидагилардан иборат:**

1. Демократия, ошкоралик, фикрлар хилма-хиллиги тамойили.
2. Ворислик тамойили.
3. Ижтимоий муносабатларни демократлаштириш.
4. Юксак маънавият тамойили.
5. Маҳалла хавфсизлигини таъминлаш тамойили.
6. Фуқаро йиғини раиси (оқсоқоли) ва маслаҳатчиларининг ўз масъулиятини ҳис қилиш тамойили.
7. Ижтимоий ҳимоя, ижтимоий адолат, ижтимоий кафолат тамойили

(жамоатчилик ва ўзаро ёрдам).

8. Кенгаш, машварат (маслаҳатлашиш) тамойили.

9. Инсонпарварлик.

10. Мустақиллик ва ҳ.к.

Бундай бошқарув тамойиллари сифат ва миқдор кўрсаткичлари орқали амалга оширилади.

Собиқ шўро даврида **маъмурий-буйруқбозлик тизими** қуйидаги тамойилларга асосланган эди:

1. Бюрократларча марказлашув.

2. Номенклатура (юқоридан рўйхат асосида тайинлаш) бошқаруви.

3. Ўзига ўзи хизмат қилиш, шахсий манфаатларни устун қўйиш.

4. Буйруқбозлик (мажбурлаш, даҳшатли қарорлар чиқариш).

5. Демократияни тан олмаслик.

6. Расмиятчилик (қоғозбозлик).

7. Маҳдудлик (махфий маълумотлар асосида бошқариш).

8. Консерватизм ва ҳ.к.

Халқ билан мулоқот бу - фуқароларнинг ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, аҳоли билан очиқ мулоқотни йўлга қўйишнинг янги самарали механизмлари ва усулларини жорий этиш, барча даражадаги давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг аҳоли олдида ҳисобот бериши тизимини амалиётга жорий этиш, шу асосда халқнинг давлат ҳокимиятига бўлган ишончини мустаҳкамлашга қаратилган бошқарувнинг янги шаклидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2016 йил 17 декабрдаги “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида Ф-4760-сон фармойишида айнан жойларда “халқ қабулхоналари”ни ташкил этиш, талаб этиладиган давлат хизматларини аҳолига “ягона дарча” тамойили бўйича бир идора орқали кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш, “Адолат-қонун устуворлигида” тамойилини жамият ҳаётида кенг қарор топтириш, оила институтини мустаҳкамлаш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизациялаш ва иқтисодиётнинг барқарор суръатлар билан ўсишини таъминлаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди<sup>4</sup>.

Ўзбекистонда давлат бошқаруви асослари ва ҳокимият органларининг айнан миллий демократик тамойиллар асосида қарор топиши бу энг аввало, Ўзбекистон

---

<sup>4</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисидаги Ф-4760-сон Фармойиши. Т.: 2016 йил 17 декабрь. // <http://lex.uz/docs/3121798>.

Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримовни буюк давлат ва сиёсат арбоби сифатидаги ташаббуслари, амалий ислохотлари билан боғлиқдир. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” асарида янгиланган жамият асослари ва давлат тузилишини қуйидагича таърифлайди: “Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини ажратиш асосида миллий давлатчиликни барпо этиш, жамиятнинг сиёсий тизимини тубдан яхшилаш, республика ҳокимияти билан маҳаллий ҳокимиятнинг ваколатлари ва вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш, адолатли ва инсонпарвар қонунчиликни вужудга келтириш лозим бўлади”<sup>5</sup>.

Ушбу масалаларни бевосита амалиётда тадбиқ қилиш учун Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримовнинг “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз” рисоласида (2000 й.) 7 та устувор вазифадан биринчи ва иккинчи вазифалар сифатида сиёсий соҳада қуйидаги масалалар:

-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш;

-кўппартиявийлик муҳитини таъминлаш;

-нодавлат тузилмаларини, фуқаролик жамиятини қарор топтириш;

-фикрлар хилма-хиллигига эришиш, Оммавий ахборот воситаларини том маънодаги “тўртинчи ҳокимият” даражасига кўтариш;

- инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, одамлар онгида демократик қадриятларни қарор топтириш;

Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасида:

-ҳокимият органларининг конституциявий асосда бўлинишини таъминлаш;

-маъмурий соҳадаги амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш;

-кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, янгилаш тизимини такомиллаштириш<sup>6</sup> каби устувор йўналишлар белгилаб берилган эди.

Мазкур йўналишлар Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизимига давлат бошлиғи сифатида Президент, республика ҳукумати сифатида Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари, марказий давлат бошқаруви идоралари ва уларнинг жойлардаги маҳаллий органлари, вилоят, шаҳар, туман ҳокимлари, уларнинг бўлимлари ва бошқармалари каби бошқарув институтларини жорий этилишида муҳим асос бўлиб хизмат қилди.

Кейинги йилларда бошқарув соҳасидаги вазифаларнинг бир қисми

<sup>5</sup>Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. -Т.: “Ўзбекистон”, 1992.-Б.16.

<sup>6</sup>Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Асарлар, 8-жилд. Т., Ўзбекистон, 2000. Б. 319-321.



республика даражасидан вилоят, туман ва шаҳар миқёсига ўтказилди, маҳалла тизимини шакллантиришга катта эътибор берилди. Бошқарув соҳасини марказлаштиришни чеклаш ишлари амалга оширилди ва бу борадаги ислохотлар давом эттирилмоқда.

Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, бугунги кунда президентлик институти амал қилаётган давлатларда давлат бошқарувининг умумий ва ўзига хос ҳуқуқий хусусиятлари мавжуд. Гарчи тарихий-ҳуқуқий нуқтаи назардан дунёда президентлик институти давлат бошқарув шаклининг асосан кенг тарқалган ва тан олинган институти бўлса-да, у давлат америкача ёки бу давлат французча моделларга тўла асосланган, дея айта олмаймиз ва бундай дейишнинг ўзи ҳам нотўғри бўлади. Чунки, халқаро ҳуқуқ тили билан айтганда, ҳар бир давлат ўзига хос тараққиётга ва миллий ҳуқуқий тизимга, ўзига хос суверен демократик ривожланиш йўлига эгадир. Масалан, давлат бошқарувининг президентлик республикасига асосланган мамлакатларга хос бўлган хусусиятлардан бири - бу президентнинг фуқаролар томонидан умумий, тенг, тўғридан-тўғри ва яширин овоз бериш орқали сайланиши ҳисобланса, айрим мамлакатларда президент билвосита сайлов ҳуқуқи асосида сайланади. Хусусан, АҚШда президент тўғридан-тўғри эмас, балки сайловчилар коллегияси орқали, Индонезияда миллий консультатив конгресс орқали, Италияда парламент палаталарининг қўшма мажлисида сайланади.

Ўзбекистонда Республикасида Президент лавозими 1990 йил 24 мартда Олий Кенгашнинг 1-сессиясида таъсис этилди. Ўзбекистонда президентлик лавозимини мустақамланишида 1992 йил 8-декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIX боби “Ўзбекистон Республикасининг Президенти” деб номланиб, мазкур боб 9 модда (89-97 моддалар)ни қамраб олиб, унда президентликка номзод олдига қўйиладиган талаблар, Президентни сайлаш тартиби, Президент қасамёдининг матни, унинг ваколатлари, Президент чиқарадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳуқуқий нормалар белгиланган.<sup>7</sup>

Шунингдек, 2008 йил 1 январдан бошлаб<sup>8</sup>, Ўзбекистон Республикасида Президентнинг ҳуқуқий мақоми янги мазмун касб этиб, унинг зиммасига давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлаш масъулияти юклатилди. Мазкур норманинг мазмун-моҳияти шундан иборатки, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳокимиятлар бўлиниши принципига асосан ташкил қилинган бўғинлар таркибига кирмайди,

<sup>7</sup>Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т., “Ўзбекистон”, 2017 й. XIX-боб.

<sup>8</sup>Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонуни. Т.: 2007 йил 11 апрель, ЎРҚ-88-сон. Манбаа: <http://www.lex.uz/docs/1164590>.

балки Конституцияда мустаҳкамланган ваколатлари асосида ҳар уч мустақил бўғин фаолияти натижасида давлат ҳокимиятининг мақсади ва мазмуни ягоналигини таъминлаш функциясини бажаради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Президенти фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафилидир, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мамлакат ички ва ташқи сиёсатини амалга оширишнинг энг муҳим масалалари юзасидан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга, мамлакат ичкарисида ва халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради.

Мамлакатимизда президентлик институтининг бошқа давлатлардан фарқли ўлароқ, яна бир муҳим ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади. Ўзбекистонда, авваламбор, миллий тарихий тараққиёт, кўп мингйиллик ўзига хос ҳуқуқий тизим ҳамда ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибасини инобатга олган ҳолда ҳеч бир давлатга ўхшамайдиган, бугунги кунда халқаро жамоатчиликнинг катта қизиқиши ва доимий эътиборида бўлган президентлик институтининг ўзига хос тажрибаси яратилган.

2002 йил 4 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикаси Конституциясинининг бешинчи бўлими XVIII, XIX, XX ва XXIII-бобларига демократик ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши сабаб бўлди. Унга мувофиқ, Президент ваколатларининг бир қисми, биринчи навбатда, давлат бошқаруви органлари вакиллари тайинлаш ва тасдиқлаш каби масалалар Олий Мажлиснинг Сенатига ўтказилди. 89-модданинг “Ўзбекистон Республикасининг Президенти айна вақтда Вазирлар Маҳкамасининг раиси ҳисобланади”, деган 2-хатбошиси олиб ташланди.

Шунингдек, 2007 йил 11 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонунни имзоланиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг илгари эгаллаб турган Вазирлар Маҳкамаси раиси лавозимини тугатилиши давлат ҳокимияти ва бошқарувини либераллаштириш ва демократлаштириш йўлида навбатдаги кадам бўлди.<sup>9</sup>

<sup>9</sup>Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89-моддаси янги тахрирда баён этилди: “Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди”. Шу билан бирга, амалдаги қонунчиликка парламент фаолиятига оид “парламентдаги кўпчилик” тушунчаси ҳамда парламент фаолиятига оид “муҳолифат” тушунчаси ҳам киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда ўтказилган кўшма мажлисдаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузаси мамлакатимизнинг демократик тараққиёт йўлидан оғишмай янада илдамлаб боришида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ушбу маърузада ўта долзарб аҳамиятга молик бўлган муҳим вазифаларни ҳал этишда давлат ҳокимияти тармоқларини, хусусан, парламентни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, сиёсий партияларнинг ролини ошириш, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини ва сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини ва оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, шунингдек, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодий либераллаштиришга қаратилган бир қатор қонунчилик ташаббуслари илгари сурилди.

Парламентаризм принциплари асосида фаолият кўрсатувчи давлат институтлари билан боғлиқ масалалар Ўзбекистонда ҳуқуқий давлатчиликнинг қарор топишига тааллуқли муаммолар силсиласида муҳим ўрин тутди. Чунки XXI асрнинг бошларига келиб оддий бир ҳақиқат - тўла ваколатга эга бўлган парламентсиз мамлакатда тўлақонли демократия бўлиши мумкин эмаслиги яққол кўзга ташланиб қолди. Бинобарин, фуқаролар демократия тўғрисидаги тасавурларини аввало давлатни идора этишда ўзлари иштирок этишларининг реал имконияти билан, қолаверса парламент орқали қонун ижодкорлиги жараёнига таъсир кўрсата олиш имкониятлари билан боғлайдилар.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва ривожланган давлатларнинг илғор тажрибаларига мос ўзининг янги сайлов қонунчилигини яратди. Ўзбекистонда демократик тамойилларга хос сайлов йўли билан давлат бошқаруви органларини шакллантириш ҳамда сайлов жараёнларининг ҳуқуқий базасини янада мустаҳкамлаш борасидаги ислохотлар ўзининг муайян тараққиёт босқичига эга. Хусусан:

-биринчи босқич Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилингунга қадар бўлган давр бўлиб, бунда “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови

тўғрисида” ва Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида” бир қатор қонунлар қабул қилинди.

-иккинчи босқич Конституция қабул қилинган вақтдан - 1997 йилгача бўлган даврни ўзи ичига олувчи миллий сайлов тизимининг тўлиқ қарор топиши, давлат бошқаруви органларини ташкил этилиши босқичи бўлиб ҳисобланди.

-учинчи босқич 1997 йилдан 2005 йилгача бўлган даврни ўз ичига олган амалдаги сайлов жараёнларини тартибга солувчи қонунларга айрим ўзгартиришлар киритиш хусусан, “Марказий сайлов комиссияси тўрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда икки палатали миллий парламент тизимини ривожлантириш босқичи ҳисобланади.<sup>10</sup>

Жумладан, Олий қонун чиқарувчи ҳокимият **Парламент** ҳар бир давлатда ўзига хос хусусиятга эга бўлиб у турлича номланади (масалан, АҚШда-Конгресс, Швецияда-Риксдаг, Хитой Халқ Республикасида-Халқ вакиллари умумхитой мажлиси). Ўзбекистонда бундай ҳокимият-Олий Мажлис деб номланади. Унинг мақоми, тизими, тузилиши, вазифалари, иш фаолиятига оид қоидаларни белгилашда дунёдаги илғор давлатларнинг ва умуман, олий қонун чиқарувчи органни ташкил қилиш бўйича халқаро тарихий тажриба чуқур ўрганилган ва инобатга олинган. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда ўтказилган кўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли мавзусидаги маърузаси ҳамда мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилишда Олий Мажлис Сенати ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг родини кучайтириш борасидаги вазифалари муҳим аҳамиятга эга бўлди. Икки палатали миллий парламентни ташкил қилиш масаласи Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислам Каримов томонидан 2000 йил 25 майда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 11-сессиясида илгари сурилган эди. “Шуни яхши англаб олишимиз зарурки, ҳаёт ўзгариши билан, одамларимизнинг аввалги сиёсий ва маънавий онги улғайиши билан, бизнинг парламентимиз ташкил этилишида ҳам, унинг фаолиятида ҳам тегишли ўзгаришлар бўлиши табиийдир. Шу ҳолатларни назарда тутиб, мен доимий асосда ишлайдиган икки палатали парламент тизимига ўтиш таклифини киритмоқчиман, яъни биз 2004 йил бўладиган сайловларда парламентни икки палатали қилиб ташкил этишимиз лозим”.<sup>11</sup>

Олий Мажлиснинг 2001 йил 6 декабрда қабул қилган “Ўзбекистон

<sup>10</sup>Усмонов Қ. Ўзбекистонда парламент тараққиётининг янги босқичи .Т., 2004, 11 – 12 бет.

<sup>11</sup>Каримов. И.А. Озод ва обод Ватан. эркин ва фаровон ҳаёт- пировард мақсадимиз. Асарлар, 8-жилд. Т., Ўзбекистон, 2000. Б. 319-321.

Республикаси референдумини ўтказиш тўғрисида”ги қарорига кўра, 2002 йил 27 январда Олий Мажлисни икки палатали парламент тизимига ўтказиш юзасидан халқ референдуми ўтказилди. Шу асосда “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги Конституциявий Қонуннинг қабул қилиниши қонун чиқарувчи ҳокимиятни тубдан ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди.

2002 йил 12 декабрда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 10-сессияси ҳалқимизнинг хоҳиш иродаси билан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида” ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий Қонунлар ҳамда уларни амалга ошириш тўғрисида махсус қарорлар қабул қилинди. Шунингдек, 2003 йил 24 апрелда “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Қонун ишлаб чиқилди. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида тўпланган парламентаризм тажрибаси, Ўзбекистон халқининг қадриятлари ва миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқилган ушбу қонунлар икки палатали парламент ваколатларини ва фаолиятининг ташкилий шаклларини аниқ белгилаб берди.

2011 йил 18 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78,80,93,96 ва 98-моддаларига) ги” Қонуни қабул қилинди. 2011 йил 18 апрелда Ўзбекистон Президенти томонидан имзоланди ва 19 апрелдан кучга кирди. Натижада, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг ваколатлари, Олий Мажлис Сенатининг мутлақ ваколатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатларига, Вазирлар Маҳкамаси ваколатларига ҳамда Бош Вазирни тайинлаш тартибига ҳамда ваколатларига тубдан ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Ўз ўрнида икки палатали парламентнинг ташкил этилиши, Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи ҳокимиятни ўз тараққиётида янги поғонага олиб чиқди. Энг асосийси, гарчи қонунчилик жараёни анча мураккаблашган бўлса-да, қабул қилинган қонунларнинг сифати сезиларли даражада ошди. Қонунларни қабул қилишда сиёсий партияларнинг роли кучайди. Қонун лойиҳаларини партияларнинг фракцияларида олдиндан кўриб чиқиш, Қонунчилик палатаси ялпи мажлисларида ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама қилишда уларнинг фикрларини албатта эшитиш амалиёти шаклланди.

Мазкур ислохотлар ўз натижасига кўра, яна бир бор давлат ҳокимиятининг бўлиниш тамойилида мавжуд шароитларни ўзига ҳослигини инобатга олиш, жаҳондаги ривожланган демократик мамлакатлар тажрибасидан ижодий фойдаланиш амалиётини исботлаб берди. Шунингдек, давлат бошқарувининг яна

бир муҳим тармоғи бўлган Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати - Вазирлар Маҳкамаси давлат ҳокимияти тизимининг ягона бир тармоғи ҳисобланади.

Қонунлар рўёбга чиқарилиши учун шарт-шароитларни таъминлаш ижро этувчи органларнинг асосий вазифасидир. Ҳокимиятлар бўлиниши принципига мувофиқ, ижро этувчи ҳокимият, яъни мамлакат ҳукумати Вазирлар Маҳкамасига юклатилади. Одатда ижроия ҳокимият парламентга ўтказилган сайловлардан сўнг камида бир ой ичида шакллантирилади. Вазирлар Маҳкамасининг асосий ҳуқуқий мақоми-унинг мустақил Ўзбекистон ҳукумати эканидадир. Унга, ўз ваколати доирасида, қонунларни ва Президент фармонларини ижро этиш масъулияти юкланган. Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни таъминлайди. Вазирлар Маҳкамаси давлат бошқарув идоралар тизими ва ўзи ташкил этадиган хўжалик бошқаруви муассасаларига раҳбарлик қилади.<sup>12</sup>

2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти эгаллаб турган Вазирлар Маҳкамаси Раиси лавозимининг тугатилиши-давлат ҳокимияти ва бошқарувини либераллаштириш ва демократлаштириш йўлида муҳим қадам бўлди.

Мустақиллик йилларида Вазирлар Маҳкамаси, яъни ижроия ҳокимият таркиби 4 марта янгидан тасдиқланди. 2010 йил 12 мартда амалдаги Вазирлар Маҳкамаси таркиби белгиланди.

Демократик тамойиллар асосида 2005 йили Ўзбекистонда Вазирлар Маҳкамаси раҳбари - Бош вазир лавозими жорий этилди. Конституциянинг 89-моддаси биринчи бандидаги Президентга тегишли ваколатлар ижроия ҳокимиятга ўтказилди. Бу ҳолат бир қатор дунё мамлакатларида, хусусан Франция ва Россия давлатлари Конституциялари нормаларида ҳам мавжуд. Вазирлар Маҳкамаси қонун, фармон, фармойиш, қарор ижроларини таъминлаш мақсадида махсус қарорлар қабул қилади ҳамда назорат йўли билан бошқарувини амалга оширади, ижро ҳокимиятини таъминлайди.

Умуман, ҳозирги кунда мазкур ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида ислохотлар чуқурлаштирилмоқда. Олий Мажлис ваколатлари тартибида Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми (лот. эрк, ихтиёр, ҳошиш) билдириш ҳуқуқи берилди. Вазирлар Маҳкамаси ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи Президент ваколати доирасидан чиқарилди.

Сайловларда энг кўп депутатлик ўринига эга бўлган сиёсий партия тақдим этган Бош вазир номзодининг Парламент томонидан кўриб чиқилиши ва

---

<sup>12</sup>“Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида” Ўзбекистон республикасининг Қонуни, 1993 йил 6 май. 2003 йил 29 август “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 202-модда) ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқланган.

тасдиқланиши ҳақидаги конституциявий тартиб белгиланиб, ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми (сайловчи ташкилот вакилларининг кўпчилик овози билан қабул қилинган қарорлар) институти жорий қилинди.

Олий Мажлисга ҳокимият вакиллик органлари ва ташаббускор гуруҳлардан номзод кўрсатиш институти тугатилди. Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқи фақат сиёсий партияларга берилди. Олий Мажлисга сайловларни тайинлаш институти тугатилди ва унинг ўрнига “Сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш” институти жорий этилди. Бу вазифани Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси амалга ошириши белгилаб қўйилди.

Сиёсий партияларнинг ваколатли вакили тушунчаси “Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонун ҳужжатиغا киритилди. Мазкур институт Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партия сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқини вужудга келтирди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилиши, Олий Мажлис палаталари қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимидан озод этиш бўйича қарор қабул қилиши, бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқиши борасидаги киритилган таклифлар ушбу йўналишдаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқди. Вазирлар Маҳкамаси ваколатига кирувчи масалалар юзасидан Бош вазирнинг қарор қабул қилиши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимига номзодлар Бош вазир томонидан тақдим этилиши Вазирлар Маҳкамаси ва Бош вазир ваколатларини янада мустаҳкамлаб, унинг масъулиятини кучайтирди.

Мутахассис олим Р.Жумаев таъкидлаганидек, “Ўзбекистан сиёсий тизимининг мослашув қобилятининг қатъий усули ўлароқ, сиёсий тизим яхлитлигини сақлаб қолган ҳолда босқичма-босқич замонавий андозаларга ўтмоқда. Маҳаллий ҳокимият тузилмалари, ўзини-ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, жамият ва ижодий уюшмаларнинг мустақиллик даражаси кенгайиб, эркинлик даражаси босқичма-босқич ортиб бормоқда. Уларнинг фаолиятини жонлантириш, умумдемократик ўзгаришлар жараёнидаги фаол иштирокини таъминлаш Ўзбекистоннинг бугунги ривожланиш

босқичидаги энг долзарб вазифаларидан биридир”<sup>13</sup>.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, мамлакатимизда давлат бошқаруви соҳасида чуқур демократик ислохотларни амалга ошириш ва модернизациялаш жараёнлари энг аввало, миллий маданий хусусиятларга таянган ҳолда, дунё халқлари умумэътироф этилган демократик тамойилларга асосланиб, мунтазам ҳолда тадрижий эволюцион амалга оширилаётганлиги билан характерлидир.

Мустақил тараққиёт йўли Ўзбекистонда давлат бошқарувининг аниқ мақсадларини белгилаб олишда ва амалга оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Бу мамлакатимизда мустақиллик туфайли белгилаб олинган “Кучли давлатдан, кучли фуқаролик жамиятига ўтиш” жараёнида яққол намоён бўлмоқда.

Давлат ҳокимиятини ташкил этишда, унинг бўлиниши тамойилига амал қилиш ҳуқуқий давлат қуришда муҳим ва белгиловчи аҳамиятга эга. Унда қонун устуворлиги, фуқароларнинг эркинлиги, ҳуқуқ ва манфаатларини амалда таъминлашнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари шаклланади ва мустаҳкамланиб боради.

Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, давлат ва жамият муносабатининг демократик моҳиятга эга эканлигини англатади. Мазкур мақсад фаол фуқаролик жамиятини қуришнинг стратегиясини белгилаб беради.

Давлат ва жамият бошқарувини демократлаштириш ва модернизациялаш умум эътироф этилган демократик принципларга, қонун устуворлиги, давлат ҳокимияти ва бошқарувини эркинлаштириш, давлат ҳокимиятини ташкил этишда ҳокимият бўлиниши принципи, адолат, инсон эркинлиги ва манфаатлари устуворлиги, сайловлар, кўппартиявийлик каби мезонларга асосланганлиги билан характерланади. Демократия умумэътироф этилган қадриятдир. Уни амалга оширишда ҳар бир халқ, мамлакатнинг ўзига хос тараққиёт йўли, миллий маънавий хусусиятлари, миллий давлатчилиги негизлари билан боғлиқ хусусиятлари ҳам ҳисобга олиниши, ҳурмат қилиниши демократия талабларига мос келади.

Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг ишлаб чиқилиши, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонининг қабул қилиниши яқин истиқболда мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-ғоявий соҳаларида амалга оширилиши зарур бўлган дастурий мўлжалларни белгилаб берди. Бу мустақил тараққиёт йўлимизни

---

<sup>13</sup>Жумаев Р. “Давлат ва жамият: демократлаштириш йўлида”. –Т., “Шарк” нашриёти, 1998 й, 31-бет.



аниқ мақсадлар орқали ифода этади ҳамда демократик қадриятларни янада чуқурроқ ҳаётимизга сингиб, демократик фуқаролик жамиятини қарор топишига хизмат қилади.

## **2. Давлат бошқарувини марказлаштиришдан чиқариш.**

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг кўринишлари, тасниф мезонларига боғлиқ ҳолда, қуйидагича тақсимланиши мумкин:

-ҳокимиятларнинг бўлиниш тамойили бўйича: қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари;

-худудий миқёси бўйича: минтақавий (худудий), маҳаллий ҳокимиятлар;

-давлат фаолияти кўриниши бўйича: фуқаролик, ҳарбий, ҳуқуқ-тартибот, махсус ихтисослашган ҳокимиятлар;

-ташкилий-ҳуқуқий меъёрларга бўйича: жамоавий, якка тартибдаги ҳокимиятлар;

-қарор қабул қилиш шакли бўйича: коллегиял, якка-тартибдаги ҳокимиятлар;

-давлат бошқарув вазифаларини амалга ошириш шакл ва усуллари бўйича: сиёсий, маъмурий, молиявий, куч ишлатувчи, иқтисодий, жазо, назорат-кузатув, маслаҳат, мувофиқлаштирувчи ҳокимиятлар;

-юклатилган ваколатларни бажариш хусусиятлари бўйича: марказий ҳокимият бошқаруви, функционал ҳокимият бошқаруви.<sup>14</sup>

Хусусан, 1995 йил мамлакатимиз тарихида биринчи марта кўп партиявийлик асосида ўтказилган эркин парламент сайловлари ҳам, жойларда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларидан тортиб, вакиллик, ижроия, суд органларигача бўлган идора тизимларини барпо этиш, барча сиёсий ва жамоатчилик ҳаракатлари, партиялар ҳамда республика аҳолисининг жамики қатламларидан вакиллар бўлган республика парламенти - Олий Мажлисни шакллантириш имконини берди<sup>15</sup>.

Давлат ҳокимияти ва бошқарувида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, айниқса фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даврида (2000-2010 йй.) жадаллашди. Ушбу жараён, жумладан, аҳолининг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни талаб қилди. ХХI асрнинг дастлабки йилларида ислохотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгиланишнинг устувор йўналишларини амалга ошириш дастури” доирасида фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаши, ўз манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқини таъминлаши учун зарурий ҳуқуқий майдон,

<sup>14</sup>Василенко И.А. Государственное и муниципальное управление: учебник для академического бакалавриата / И. А. Василенко. -6-е изд., пер. и доп. -М. : Издательство Юрайт, 2014. С. 494.

<sup>15</sup>Каримов И.А. Бунёдкорлик - фаровон ҳаёт асоси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IV- сессиясида сўзланган нутқ, 1995 йил 21 декабрь. 84-бет.

имкониятлар ва кафолатлар яратиш, жамиятда манфаатлар ва қарама-қарши кучлар ўртасида мувозанатни таъминлайдиган кучли механизмларни шакллантириш чора-тадбирлари комплекси яратилди<sup>16</sup>.

2002 йил 27 январда ўтказилган референдумда Ўзбекистон халқи мамлакатда икки палатали парламентни тузишни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йилга ўзгартиришни ёқлаб овоз берди. 2002 йил 4 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги Конституциявий Қонуни қонун устуворлигини, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд тармоқлари ўртасида мувозанатни, улардан ҳар бирининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир ишларнинг асосий йўналишлари эканини белгилаб берди<sup>17</sup>.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов ташаббуслари билан 2003 йил 9 декабрда “Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-3358-сон Фармони қабул қилиниб, унда жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш ва ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичи талабларига мувофиқ иқтисодиётни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, давлат тузилмаларининг ҳокимият ваколатларини қисқартириш, давлат ва хўжалик бошқаруви вазифаларини аниқ чегаралаб қўйиш, шунингдек республика давлат бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида: “Вазирликлар, давлат қўмиталари, қўмиталар, агентликлар, шунингдек улар ҳузурида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этиладиган давлат бошқаруви тузилмалари республика давлат бошқаруви органлари жумласига киради”<sup>18</sup> деб белгилаб берилди. Ушбу жараён Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини замонавий талаблар асосида ислоҳ этишни илк модернизациялашган усулини бошлаб берди. Бугун давлат бошқаруви тушунчасига замонавий ёндашув деб қаралаётган “модернизациялаш стратегияси” энг аввало давлат ҳокимияти органлари тизимида “институционал ўзгариш” воситаларидан кенг фойдаланадиган концепция сифатида эътироф этилади. Бунда энг асосий эътибор давлат ҳокимияти органлари фаолиятини белгилашда:

---

<sup>16</sup>XXI аср дастлабки йилларида ислохотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгилашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш дастурлари рўйхати. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 10 июнь “Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузаси асосий қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”даги Қарорига илова // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари Миллий базасининг веб-сайти – [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>17</sup>Ўзбекистон Республикасининг “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги Конституциявий Қонуни // Халқ сўзи. – 2002. - 12 апрель.

<sup>18</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 11-12-сон, 178-модда.

-ваколат ва вазифаларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини қайта такомиллаштириш;

-хизматчи кадрлар ва моддий ресурсларни ҳисобга олган ҳолда оптималлаштириш;

-стратегик режалаштиришнинг инновацион шакллари жорий этиш;

-бюрократиядан холи қилиш, фаолиятнинг шаффофлигини ошириш;

-давлат ҳокимияти органлари иш самарадорлигини ўлчаш индикаторларини қўллаш каби талаблар мазкур концепциянинг асосий белгилари сифатида баҳоланади.

Бугунги кунда мамлакатимиз бошқарув тизимида демократик давлатлар тажрибасида синалган қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари ўртасида барқарор мувозанат, бир-бирининг фаолияти устидан назорат қилиш ва ўзаро чегаралаб туришни таъминловчи механизм шакллантирилди. Бу механизм Конституция ва қонунларимизда мустаҳкамланган. Ўзбекистон Президенти, ижро ҳокимиятининг бошлиғи сифатида, ҳокимиятнинг конституциявий асосда бўлиниши тамойили доирасида Конституция бўйича ўзига юкланган вазифаларни бажариб, турли ҳокимият тармоқларининг ўзаро ҳамкорликда ишлашини таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 89-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди”, деган қоида мустаҳкамлаб қўйилган. **Шунингдек, мамлакат ва жамият тараққиётининг ҳар қандай босқичида, Президентлик институти ҳокимият тармоқларининг ўзаро келишилган ҳолда фаолият юритишини таъминловчи институт сифатида ўзини намоён этади.**

Президентнинг ҳокимиятлар бўлиниши шароитидаги ҳокимият тармоқларининг ўзаро мутаносиб ишлашини таъминлашга қаратилган фаолиятининг конституциявий асоси 93-модданинг 8-бандида мустаҳкамланган бўлиб, унга биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти “Республика олий ҳокимият ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди; вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан тузади ва тугатади, шу масалаларга доир фармонларни кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари тасдиғига киритади”<sup>19</sup>. Мазкур жиҳат бугунги кунда бир қатор МДХ мамлакатлари давлат ҳокимиятини ташкил этиш амалиёти тажрибасида ҳам давлат бошлиғи-Президентнинг ҳеч бир ҳокимият тармоғига мансуб бўлмасдан, балки уларнинг ўзаро баҳамжиҳат

<sup>19</sup>Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2017. 93-модда. (93-модданинг биринчи қисми 8-банди Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 16 апрелдаги ЎРҚ-366-сонли Қонуни таҳририда-ЎР ҚХТ, 2014 й., 16-сон, 176-модда).

ишлашани таъминловчи институт сифатида фаолият юритиши қонун ҳужжатларида исботланган. Хусусан, Россия Федерацияси Конституциясининг 80-моддаси 2-бандида мустақамланишича, Россия Федерацияси Президенти давлат ҳокимияти органларининг мувофиқлашган тарзда фаолият олиб боришини ва ўзаро ҳаракат қилишини таъминлайди<sup>20</sup>. Тожикистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасида Президент давлат органларининг мувофиқлашган тарзда фаолият олиб боришини ва ўзаро ҳаракат қилишининг кафили эканлиги белгилаб қўйилган<sup>21</sup>.

Баъзи хорижий манбаларда ҳокимиятнинг конституциявий бўлиниши тамойили кўпҳокимиятчилик ҳолатига олиб келиши, давлат ҳокимияти таъсирини заифлаштириши мумкин, деган фикрларни ҳам учратиш мумкин. Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ягона бўлиб, унинг бирдан-бир манбаи, Конституциянинг 7-моддасига биноан, халқдир. Ҳеч бир давлат ўз органи ҳокимиятини мутлақо суверен (мустақил) ҳолда амалга оширмайди ва бунга интилмайди ҳам. Давлат ҳокимияти тегишли органлар ўртасида бўлинмайди, уни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари конституция берган ваколатлар доирасида амалга оширади.

Ўзбекистонда парламент тизимини ислоҳ қилиш, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг сифати ва асосли бўлишини яхшилаш билан бир қаторда давлат миқёсидаги манфаатлар билан минтақаларнинг манфаатлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш, давлат ва жамият қурилишида фуқаролик жамияти институтларининг иштироки кўламини анча кенгайтириш имконини берди.

2007 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий Қонунни<sup>22</sup> амалга ошириш натижасида қонунчилик ҳокимияти бўлмиш Олий Мажлис ва жойлардаги маҳаллий кенгашларнинг ваколатини, ижро ҳокимияти бўлган ҳукуматнинг мустақиллигини ошириш, Президентнинг ваколат ва вазифаларига ўзгартишлар киритиш ва уларни қисқартириш имкони яратилди.

Биринчи чақириқдаги парламент ишининг (2004-2009 йй.) яқунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини икки палатали парламентга айлантириш юзасидан кўрилган чора-тадбирларнинг тўғрилиги ва ўз вақтида амалга оширилганини исботлади. Қабул қилинаётган қонунларнинг сифати жиддий равишда яхшиланди, самарали ўзаро тийиб туриш ва мувозанат тизими яратилди, давлат миқёсидаги ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблиги ва

<sup>20</sup>См. Конституция Российской Федерации. -М.: Юрлит, 2008.

<sup>21</sup>Тожикистон Конституцияси. -Душанбе: Ирфон, 2006.

<sup>22</sup>Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. -2007. -№15. -151-модда.

уйғунлиги таъминланди. Мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи органи фаолиятида сиёсий партиялар, маҳаллий вакиллик ҳокимияти органларининг роли ва таъсири янада ошди.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти ташаббуси билан 2010 йилда қабул қилинган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”га асосан, давлат ҳокимияти идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар, шу жумладан, прокуратура фаолиятида қонунчилик талабларига риоя қилиш ва қонун устуворлигини таъминлаш бўйича адлия органларининг ролини янада кучайтиришга қаратилган янги ҳуқуқий механизмларни жорий этадиган ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш талаб этилди. Адлия органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги соҳаси ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида ягона давлат сиёсатини ўтказишдаги ролини кучайтириш учун уларга зарур бўлган тегишли ваколатларнинг берилиши мамлакатимизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари тизимида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизмини яратиш имконини берди, бу эса мазкур органлар фаолиятида қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилди<sup>23</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ<sup>24</sup>, Олий Мажлис палаталари мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ҳисоботини эшитиш ҳуқуқига эга бўлди. Бинобарин, мазкур қонун марказий ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолияти устидан парламент назоратини такомиллаштириш, давлат ҳокимияти тизимида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати механизмларини янада ривожлантиришнинг, мамлакатимизда кенг қўлланми демократик ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишда парламент ролини оширишнинг муҳим омилига айланди.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, давлат ҳокимити ўртасида ўзаро тийиб туриш ва мувозанат тизими фақат раҳбарлар эмас, балки аниқ бир шахснинг ҳам ўзини намоён этиши ҳамда муҳим институционал ўзгаришлар ташаббускори бўлиши учун эркин ва ҳақиқий имкониятларга эга бўлган тақдирдагина раванк топади. Албатта, бу босқичма-босқич амалга оширилади ва муайян давлатдаги кучли, очиқ ҳамда адолатли фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш билан боғлиқ бўлади.

---

<sup>23</sup>И.А.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. // [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz).

<sup>24</sup>Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. -2011. - №16. - 159-модда.

Бу борада Осиё минтақасида ривожланган Хитой ва Японияда амалга ошириб келинаётган замонавий маъмурий ислохотлар ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Хитойдаги маъмурий ислохотларнинг асосий йўналишлари этиб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари аппарати ходимларини қисқартириш, такрорланувчи функцияларни бартараф этиш, Давлат кенгаши тузилмасини қайта тузиш, самарали кадрлар сиёсатини юритиш, коррупцияга қарши кураш каби вазифалар устуворлиги белгиланган. Бир пайтнинг ўзида ислохотлар жамиятдаги барқарорликни бузилмаслигига жиддий эътибор берилди. Буни ноҳукумат ташкилотлар билан ишлаш бўйича давлат органлари функциялари кучайтирилганида ҳам кўриш мумкин.<sup>25</sup>

XXI асрнинг бошида бошланган Япониядаги маъмурий ислохотларнинг ўзига хос жиҳати давлат хизмати функционал ва таркибий ўзгаришларга асосий эътибор қаратилиши билан изоҳланади. Бунинг асосий мазмуни ягона давлат тартибга солиш механизми доирасида умумий бошқарувчилик даражасини кўтариш мақсадида ҳуқуқ ва жавобгарликни қайта тақсимлашдан иборат. Ислохот натижасида бош вазир ва унинг функционал роли кучайтирилди, вазирлик ва идоралар қайта тузилди, улар маъмурияти фаолиятини баҳолашнинг янги шакллари жорий этилди, бир қисм бошқарув функциялари қуйи органларга берилди, давлатнинг кадрлар сиёсати ўзгартирилди.

Хусусан, Японияда давлат бошқаруви кадрлар сиёсатида бетарафлик, холисликни таъминлаш ҳамда кадрлар масаласини илмий асослантирилган бошқарувини ривожлантириш учун маълум бир давлат хизматчисига нисбатан кадрга оид ишлар бевосита қўл остида бўлган раҳбари томонидан эмас, балки бошқа давлат органи томонидан кадрга доир ваколатлар профессионал тарзда бажара оладиган тизимнинг ишлаб чиқилганлигида.

Айнан Японияда ушбу тизим:

1) алоҳида (ҳар бир) давлат хизматчисининг ишга олиниши, ишдан бўшатилиши, бўйсунуви ва ходим устидан назорат олиб бориш каби бевосита кадрга оид масалалар марказий давлат органлари даражасида вазирлик, қўмита ва бошқа органлар раҳбарлари (яъни вазир, раис ва ҳ.к) томонидан, маҳаллий даражада эса префектура (вилоят, шаҳар, туман) мэр (ҳоким)лари томонидан амалга оширилади;

2) кадрга оид бошқарувда сиёсий бетарафлик, холисликни таъминлаш ҳамда кадрлар масаласининг илмий асослантирилган бошқарувини таъминлаш мақсадида мустақил орган-кадрлар масаласи бўйича давлат бошқаруви органини жорий этилиши.

---

<sup>25</sup>Армянинова А.А. Государственное управление в Японии и Китае: сравнительный анализ // Гуманитарные научные исследования. ФГБОУ ВО «Башкирский государственный университет», 2017. № 1 [Электронный ресурс]. URL: <http://human.snauka.ru/2017/01/18875>

Давлат марказий аппарати даражасида бундай орган Кадрлар бошқармаси деб номланса, маҳаллий даражада кадрлар бўйича комиссия ёки адолат комиссиялари фаолият юритади<sup>26</sup>.

2014 йил 16 апрелдаги ЎРҚ-366-сон “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)”ги Қонун тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини таъминлаш жараёнини янада юқори босқичга олиб чиқди. Хусусан, мазкур қонун билан жамоатчилик ва парламент назорати институтларини жорий этиш учун конституциявий асос яратилди, ижро этувчи ҳокимиятнинг вакиллик органлари олдидаги масъулияти янада оширилди. Ўзбекистон Республикасининг давлат механизмини самарали тартибни ўрнатиш жараёнида ижро этувчи аппаратнинг ўрнига алоҳида эътибор қаратилди.

Ижро этувчи аппарат бу-республика Ҳукумати фаолиятини ташкилий ва ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлашни, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларини, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини тайёрлайди, уларни амалга ошириш юзасидан амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда тизимли равишда ижрони назорат қилади<sup>27</sup>.

Ижро этувчи аппаратнинг тузилмасига Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси ва унинг ўринбосари, Ижро этувчи аппаратнинг таркибий бўлинмалари-мамлакат иқтисодиётининг муҳим комплекслари, тармоқлар ва соҳалари бўйича ахборот-таҳлил департаментлари, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг котибияти, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарларининг аппаратлари, Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси ва ўринбосарининг котибиятлари, Ҳуқуқий экспертиза ва халқаро шартномалар бошқармаси, функционал бўлимлар киради.

Давлат расмий ҳокимият ташкилоти сифатида ўзининг ижтимоий жараёнларни бошқариш бўйича турли вазифаларини бажарар экан, бу ҳокимиятни белгиланган тартибда ташкил этиладиган давлат ҳокимияти органлари ва бошқарув идоралари ёрдамида амалга оширади. Бу тизим давлат ҳокимиятининг ёрдамчи институти, унинг қарорларини ҳаётга жорий этувчи, ҳокимият ваколатларини маълум ҳуқуқ ва мажбуриятларга мувофиқ тарзда амалда ижро этадиган унинг тузилмалари бўлиб ҳисобланади. Демак, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳокимият тармоқлари тизимида:

-функционал;

-институционал;

<sup>26</sup>Нематов Ж. Японияда давлат хизматининг ўзига хос хусусиятлари: киёсий-ҳуқуқий таҳлил.//Ўзбекистон Республикасида давлат хизматини ислоҳ этишнинг ҳуқуқий асослари: давра суҳбати материаллари. - Тошкент: Baktria press, 2015. Б.38.

<sup>27</sup>“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати тўғрисида” Низом. 3-банди.Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 2 майдаги 81-сон қарорига 2-илова.

-персонал жиҳатлари билан ажралиб туради. Унинг тизимида жуда катта бошқарув, моддий ва инсоний ресурслар тўпланган бўлиб, бу ҳолат давлат ҳокимияти органларининг жамиятда тутган реал ўрни ва аҳамиятига таъсир этади.

Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилиш бўйича ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида ҳокимият тармоқлари ваколатлари ва назорат функцияларини кучайтириш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Бу борада бошқарув аппаратини демократлаштириш қуйидагиларни англатади:

-ҳокимиятни марказдан соқит қилиш-бошқарув тизимида куйи поғонада турадиган ҳокимият органлари ваколатларини кенгайтириш;

-ҳокимият ваколатини бериш-давлат бошқаруви вазифаларининг бир қисмини фуқаролик жамияти институтлари ва ташкилотларига ўтказиш;

-ҳокимиятни демократлаштириш-бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш<sup>28</sup>.

Давлат идоралари давлат ҳокимиятини ижро этиш ва давлат бошқарув вазифаларини амалга ошириш учун ташкил қилинади. Бунда давлат-бошқарув фаолиятининг ижтимоий мақсади сифатида қуйидаги вазифаларни бажаришга қаратилган:

-меъёрий ҳужжатлар, инсонларнинг хатти-ҳаракат қоидаларини қабул қилиш билан боғлиқ мувофиқлаштириш вазифаси;

-ҳуқуқ-тартибот, қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлайдиган ташкилотчилик вазифаси;

-фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдан иборат муҳофаза вазифаси<sup>29</sup>.

Давлат ва ҳокимият ваколатларининг мавжудлиги-давлат органининг катта аҳамиятга молик белгиси. Бошқа белги, аломатлар билан биргаликда у бир томондан, давлат ҳокимияти органлари ва бошқарув идоралари ўртасида, бошқа томондан эса, давлат ташкилотлари ҳамда нодавлат идора ва ташкилотлар ўртасида аниқ чегара қўйиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикасидаги давлат идоралари давлат ҳокимиятини амалга оширишнинг ягона тизимини ташкил этади. Ўзбекистон фуқаролари давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини амалга оширар экан, сайловлар ва ўз вакиллари орқали давлат органларини шакллантиришга таъсир кўрсатиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 99-моддасига мувофиқ “Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик

<sup>28</sup>Хутинаев И.Д. Децентрализация государственной власти как элемент теории институционализации // Социология власти. – 2005. - № 6.С.83-84.

<sup>29</sup>Раҳмонов А. “Ўзбекистон Республикасида давлат бошқаруви”. Т., “Академия” 2006 й. Б. 25-26.



қиладиган халқ депутатлари кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар<sup>30</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 100-моддасида қайд этилганидек, маҳаллий ҳокимият идоралари ваколатига қуйидагилар киради:

-қонунийликни, ҳуқуқий тартиботни ва фуқароларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш;

-ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш масалалари;

-маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш;

-маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш;

-атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;

-фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш;

-норматив ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Юқоридаги фикрлардан шу нарса аниқ бўладики, Ўзбекистонда давлат органлари тизими деганда унинг марказ, вилоятлар, туман ва шаҳарлардаги вакиллик идоралари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимият органларининг яхлитлиги тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни сўзсиз амалга ошириш, жойларда ишларни ташкил этиш, биринчи навбатда, жамоатчилик олдида ҳисобот бериш шакллари ва услубларини тубдан такомиллаштириш, аҳолининг ҳаёт сифати ва даражасини юксалтириш, давлат органлари раҳбарларининг масъулиятсизлиги ҳолатларининг юзага келишига қатъий равишда барҳам бериш ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сон қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорга асосан ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича янгича тизим-секторлар фаолияти йўлга қўйилди. Унга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳудудлари тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари, прокуратура, ички ишлар ва давлат солиқ хизмати ҳудудий органлари раҳбарлари бошчилик қиладиган

<sup>30</sup>Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т., “Ўзбекистон”, 2017 йил, 99-модда.

комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича 4 та секторларга бўлинди<sup>31</sup>. Худудлар ва туманларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар ишини ташкил этиш “маҳалла-туман (шаҳар)-вилоят-республика” схемасига мувофиқ фаолиятини ташкил этилиши мазкур қарорда белгилаб қўйилди. Ушбу жараён:

- давлат бошқаруви органларининг вазифалари, функциялари ва ваколатлари, уларни амалга ошириш механизмлари ҳамда жавобгарлик соҳасини аниқлаштириш, мувофиқлаштириш ҳамда стратегик режалаштириш жараёнларини марказлаштиришдан чиқариш ва такомиллаштиришга;

- давлат бошқаруви органлари фаолиятини ташкил этишнинг институционал, молиявий асосларини такомиллаштириш, давлат хизматларининг сифати ва улардан фойдаланиш имкониятини ошириш, шу жумладан, уларнинг электрон шаклда тақдим этилишини тўлақонли таъминлашга ўтиш, “Электрон ҳукумат” тизимини янада ривожлантиришга;

- иқтисодиёт тармоқларини давлат томонидан тартибга солиш самарадорлигини ошириш ва хўжалик бошқаруви органлари мақомини қайта кўриб чиқишга;

- маҳаллий давлат ҳокимияти органларини ташкил этиш ва фаолиятини такомиллаштиришга;

- профессионал давлат хизматининг самарали тизимини шакллантириш, давлат бошқаруви органлари фаолиятида коррупцияга қарши курашишнинг самарали механизмларини жорий этишга хизмат қилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари аппарати фаолиятини амалга ошириш, яъни унинг асосий мақсадлари тизимига хизмат қилиш роли-вазифаларга ажратилганлигидадир. Шу боис, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида қабул қилиниши назарда тутилган, “Давлат хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, шунингдек, давлат бошқаруви тизимини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари таркиби мазмунини самарали амалга оширилишини таъмин этувчи мажбурий вазифалар ўзининг аниқ ифодасини топади.

## **2.Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси.**

Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясида давлат бошқаруви тизимини тубдан ислох қилишнинг 6 та асосий йўналиши белгилаб

---

<sup>31</sup>Йил сарҳисоби. 2017 йил-шиддатли ислохотлар йили. -Т.: “Адолат”, 2017. -96 б.

берилди. Биринчи йўналиш ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга бағишланган. Мазкур соҳадаги чора-тадбирлар қуйидагиларни назарда тутди:

ижро этувчи ҳокимият органларини ташкил этиш ва тугатишнинг аниқ мезонлари ҳамда тартиб-таомилларини жорий қилиш;

кадрлар ва моддий ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда, ижро этувчи ҳокимият органларини оптималлаштириш;

ижро этувчи ҳокимият органларининг мустақиллигини ошириш ҳамда уларнинг Вазирлар Маҳкамаси билан ўзаро ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш;

давлат хизматлари кўрсатиш тизимини изчил такомиллаштириш ва «Электрон ҳукумат» тизимини янада кенг жорий этиш;

маъмурий адлияни ривожлантириш ва муружаатларни коллегиял эшитишни жорий қилиш.

Иккинчи йўналиш ижро этувчи ҳокимият органларининг вазифаларини, уларни амалга ошириш механизмлари ва жавобгарлик соҳаларини аниқлаштиришни назарда тутди. Шу муносабат билан қуйидаги масалалар бўйича чора-тадбирлар кўрилади:

ривожланиш дастурларини шакллантиришда ҳудудий ижро этувчи ҳокимият органларининг ташаббускорлиги ва ролини ошириш;

мақсадли индикаторларга эришишга асосланган, барча даражадаги ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг раҳбарлари фаолиятини баҳолашнинг принципаал янги тизимини жорий қилиш;

ҳалқаро амалиётда муваффақиятли қўлланилаётган, шу жумладан, сифат менежменти, индикатив режалаштириш, аутсорсинг, краудсорсинг каби ишни ташкил этишнинг замонавий услубларидан фойдаланиш;

ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини мониторинг қилишда жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорликнинг замонавий шакллари жорий этиш.

Учинчи йўналиш иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсирни қисқартириш ва бошқарувнинг бозор механизмларини кенгайтириш ҳисобланади. Ушбу йўналишда қуйидагилар режалаштирилмоқда:

хусусий сектор самарали фаолият кўрсатаётган соҳаларда давлат иштирокидаги тижорат ташкилотларини тузишни чеклаш ва амалдаги давлат корхоналарини қайта ташкил этиш;

иқтисодий фаолиятда давлат иштирокининг аниқ бозор механизмларини ишлаб чиқиш;

ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишда ижтимоий ҳамда давлат-хусусий шерикликнинг ҳуқуқий ва институционал базасини такомиллаштириш;

айрим давлат функцияларини хусусий секторга ўтказиш.

Тўртинчи йўналишда, жумладан, қуйидагилар орқали вертикал бошқарув тизими ва ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамкорлигининг механизмларини такомиллаштириш назарда тутилган:

давлат бошқарувини босқичма-босқич номарказлаштириш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий имкониятларини кенгайтириш, уларнинг роли ва жавобгарлигини ошириш;

ҳудудий органларнинг раҳбар кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш масалаларида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кучайтириш.

Бешинчи йўналиш давлат бошқаруви тизимига стратегик режалаштиришнинг замонавий шакллари, инновацион ғоялар, ишланма ва технологияларни жорий этиш бўйича чора-тадбирларни ўз ичига олган. Мазкур чора-тадбирлар қаторида қуйидагиларни таъкидлаш лозим:

давлат хизматлари кўрсатиш тартиб-таомилларини оптималлаштириш ва соддалаштиришни таъминлайдиган давлат бошқарувининг инновацион шакллари жорий этиш;

инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқишга инвестицияларни фаол жалб этиш;

замонавий илмий-тадқиқот ва инновацион ютуқларни муваффақиятли жорий қилиш учун зарур бўлган ривожланган инфратузилмани яратиш;

табиатни муҳофаза қилиш, ресурс ва энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш.

Ва ниҳоят, сўнгги олтинчи йўналишда профессионал давлат хизматининг самарали тизимини шакллантириш, шунингдек, коррупцияга қарши курашишнинг таъсирчан механизмларини ўрнатиш белгиланган. Уларга эришиш учун қуйидагилар режалаштирилган:

давлат хизматининг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш, аҳоли билан очиқ мулоқотни йўлга қўйишнинг янги механизмларини жорий этиш;

давлат хизматчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва ижтимоий таъминотининг замонавий тизимини киритиш орқали уларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш.

Бундан ташқари, Фармон билан Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси нормаларини амалий рўёбга чиқариш бўйича 40 дан ортиқ аниқ тадбирларни назарда тутувчи «Йўл харитаси» тасдиқланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотла концепциясини амалга ошириш бўйича комиссия ҳамда давлат бошқаруви тизимини танқидий ўрганиш ва уни тубдан ислоҳ қилиш юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳлар ташкил этилди.

Комиссия ишчи гуруҳлар томонидан тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этади, шунингдек, Маъмурий ислоҳотлар концепцияси ва «Йўл харитаси»нинг тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши устидан қатъий назорат олиб боради.

Шу билан бир қаторда, Комиссияга давлат бошқаруви тизимини танқидий ўрганиш ва уни тубдан ислоҳ қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш жадвалини тасдиқлаш вазифалари юклатилди, унга асосан 100 дан ортиқ давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятини қайта кўриб чиқиш режалаштирилди.

Маъмурий ислоҳотларнинг амалга оширилиши қуйидаги натижаларга эришишга қаратилган.

1. Кутилаётган ислоҳотларнинг тўлиқ амалга оширилишини таъминлашга, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ва самарали ҳал этишга қодир бўлган, инновацион ривожланишнинг умумжаҳон тенденцияларига жавоб берадиган давлат бошқаруви тизимини яратиш, шу жумладан, қуйидагилар орқали яратиш:

ортиқча ва ўзига хос бўлмаган вазифа, функция ва ваколатларни бартараф этиш, такрорлаш ва параллелизмни тугатиш ҳисобига давлат бошқаруви тизимини оптималлаштириш ҳамда номарказлаштириш;

давлат бошқарувини бюрократиядан холи қилиш ва унинг сарф-харажатларини пасайтириш, бошқарув қарорлари қабул қилиш тизимининг фаолият самарадорлигини ва шаффофлигини ошириш;

стратегик режалаштириш, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар тизимини жорий этиш;

иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсир кўрсатишни янада қисқартириш ҳамда бошқарувнинг соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлиги ва аҳолининг ишчанлик фаоллигини оширишга қаратилган бозор механизмларини кенгайтириш;

жамоатчилик ва парламент назоратининг, энг аввало, коррупция кўринишларининг олдини олишга қаратилган самарали шакллари жорий этиш.

2. Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг таъсирчан механизмларини яратиш, уларнинг фаровонлигини ва ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятдан қаноатланганлик даражасини янада ошириш, шу жумладан, қуйидагилар орқали янада ошириш:

давлат органларининг жисмоний ва юридик шахслар билан ҳуқуқий муносабатларини аниқ тартибга солишга қаратилган маъмурий тартиб-таомилларни такомиллаштириш;

ижро этувчи ҳокимият органларининг қарорлари ва ҳаракатлари устидан шикоят қилиш тартибини такомиллаштиришни, жисмоний ва юридик

шахсларнинг мурожаатларини коллегиял эшитиш механизмларини жорий этишни назарда тутувчи маъмурий адлия тизимини ривожлантириш;

«Электрон ҳукумат» тизимини такомиллаштириш орқали давлат хизматлари кўрсатишнинг самарадорлигини ошириш;

жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш.

Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясида назарда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, сўзсиз, инновацион ривожланишнинг замонавий тенденциялари ва жаҳон стандартларини ҳисобга олган ҳолда давлат бошқаруви тизимини модернизация қилишга янги куч бағишлайди.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотларнинг амалга оширилиши «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган улуғвор ғояни ҳаётга тўлиқ татбиқ этишга хизмат қилади.

Мамлакат тараққиётининг замонавий босқичида кенг кўламли ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши давлат бошқарувининг мутлақо янги ва самарали фаолият юритувчи тизимини яратишни талаб қилади.

Шу муносабат билан мамлакатда давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш ва модернизация қилиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлат органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш ва давлат хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш учун электрон порталлар ва маълумотлар базалари яратилди.

Хусусан, рухсат берувчи ҳужжатлар ва лицензия олишни соддалаштириш учун [www.license.gov.uz](http://www.license.gov.uz), «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатишни таъминлаш учун [birdarcha.uz](http://birdarcha.uz) веб-сайтлари яратилди. Давлат хизматларини қайта кўриб чиқиш ва оптималлаштириш натижасида тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг тартиб-таомиллари 4 мартага, рўйхатга олиш учун зарур вақт эса 30 дақиқага қадар қисқартирилди.

Шу билан бирга, сўнгги йилда амалга оширилган кенг кўламли ишларнинг объектив таҳлили, давлат бошқаруви органлари фаолияти, аҳоли билан очик ва тўғридан-тўғри мулоқот натижалари мавжуд муаммо ва камчиликларни тизимли ҳал этишга эҳтиёж вужудга келганлигини кўрсатди.

Бу, биринчи навбатда, қуйидаги ҳолатларга тааллуқлидир:

бир қатор идораларнинг вазифалари декларатив хусусиятга эгаллиги ва уларни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари етарли эмаслиги;

фақат ҳолатларни қайд этиш ва статистикани тўплашдан иборат бўлиб қолган фаолиятни баҳолашнинг самарасиз тизими ва бу кўпчилик ҳолларда жойлардаги ишларнинг ҳаққоний ҳолатини акс эттирмайди;

ҳудудларни ривожлантириш дастурларини шакллантириш ва аҳолининг энг муҳим муаммоларини ҳал қилишда маҳаллий ҳокимият органлари ролининг пасайишига олиб келувчи давлат функцияларининг ҳаддан ташқари марказлаштирилганлиги;

бюрократлаштириш ва юқори сарф-харажатларга олиб келаётган инновацион ривожланишнинг паст даражаси;

хўжалик бошқаруви органлари томонидан давлатнинг тартибга солиш ва хўжалик функциялари қўшиб олиб борилиши, соғлом рақобат муҳитининг ривожланишига тўсқинлик қилувчи имтиёз ва преференцияларни танлаб тақдим этиш амалиёти;

ҳудудларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган айрим раҳбарларда лозим даражада масъулият ва ташаббускорликнинг мавжуд эмаслиги.

Ушбу камчиликлар иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани модернизациялаш, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини юксалтириш бўйича давлат сиёсатини муваффақиятли амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда.

Бу борада Давлат раҳбари томонидан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармон 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясини амалга оширишда муҳим қадам ҳисобланади ҳамда моҳиятига кўра Ўзбекистоннинг давлат ва жамият қурилишида янги саҳифани очиб беради.

Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясида давлат бошқаруви тизимини тубдан ислох қилишнинг 6 та асосий йўналиши белгилаб берилди.

Биринчи йўналиш ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга бағишланган. Мазкур соҳадаги чора-тадбирлар қуйидагиларни назарда тутди:

ижро этувчи ҳокимият органларини ташкил этиш ва тугатишнинг аниқ мезонлари ҳамда тартиб-таомилларини жорий қилиш;

кадрлар ва моддий ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда, ижро этувчи ҳокимият органларини оптималлаштириш;

ижро этувчи ҳокимият органларининг мустақиллигини ошириш ҳамда уларнинг Вазирлар Маҳкамаси билан ўзаро ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш;

давлат хизматлари кўрсатиш тизимини изчил такомиллаштириш ва «Электрон ҳукумат» тизимини янада кенг жорий этиш;

маъмурий адлияни ривожлантириш ва мурожаатларни коллегиял эшитишни жорий қилиш.

Иккинчи йўналиш ижро этувчи ҳокимият органларининг вазифаларини, уларни амалга ошириш механизмлари ва жавобгарлик соҳаларини аниқлаштиришни назарда тутди. Шу муносабат билан қуйидаги масалалар бўйича чора-тадбирлар кўрилади:

ривожланиш дастурларини шакллантиришда ҳудудий ижро этувчи ҳокимият органларининг ташаббускорлиги ва ролини ошириш;

мақсадли индикаторларга эришишга асосланган, барча даражадаги ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг раҳбарлари фаолиятини баҳолашнинг принципаал янги тизимини жорий қилиш;

халқаро амалиётда муваффақиятли қўлланилаётган, шу жумладан, сифат менежменти, индикатив режалаштириш, аутсорсинг, краудсорсинг каби ишни ташкил этишнинг замонавий услубларидан фойдаланиш;

ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини мониторинг қилишда жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорликнинг замонавий шаклларини жорий этиш.

Учинчи йўналиш иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсирни қисқартириш ва бошқарувнинг бозор механизмларини кенгайтириш ҳисобланади. Ушбу йўналишда қуйидагилар режалаштирилмоқда:

хусусий сектор самарали фаолият кўрсатаётган соҳаларда давлат иштирокидаги тижорат ташкилотларини тузишни чеклаш ва амалдаги давлат корхоналарини қайта ташкил этиш;

иқтисодий фаолиятда давлат иштирокининг аниқ бозор механизмларини ишлаб чиқиш;

ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишда ижтимоий ҳамда давлат-хусусий шерикликнинг ҳуқуқий ва институционал базасини такомиллаштириш;

айрим давлат функцияларини хусусий секторга ўтказиш.

Тўртинчи йўналишда, жумладан, қуйидагилар орқали вертикал бошқарув тизими ва ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамкорлигининг механизмларини такомиллаштириш назарда тутилган:

давлат бошқарувини босқичма-босқич номарказлаштириш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий имкониятларини кенгайтириш, уларнинг роли ва жавобгарлигини ошириш;

ҳудудий органларнинг раҳбар кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш масалаларида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кучайтириш.



Бешинчи йўналиш давлат бошқаруви тизимига стратегик режалаштиришнинг замонавий шакллари, инновацион ғоялар, ишланма ва технологияларни жорий этиш бўйича чора-тадбирларни ўз ичига олган. Мазкур чора-тадбирлар қаторида қуйидагиларни таъкидлаш лозим:

давлат хизматлари кўрсатиш тартиб-таомилларини оптималлаштириш ва содалаштиришни таъминлайдиган давлат бошқарувининг инновацион шакллари жорий этиш;

инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқишга инвестицияларни фаол жалб этиш;

замонавий илмий-тадқиқот ва инновацион ютуқларни муваффақиятли жорий қилиш учун зарур бўлган ривожланган инфратузилмани яратиш;

табиатни муҳофаза қилиш, ресурс ва энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш.

Ва ниҳоят, сўнгги олтинчи йўналишда профессионал давлат хизматининг самарали тизимини шакллантириш, шунингдек, коррупцияга қарши курашишнинг таъсирчан механизмларини ўрнатиш белгиланган. Уларга эришиш учун қуйидагилар режалаштирилган:

давлат хизматининг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш, аҳоли билан очиқ мулоқотни йўлга қўйишнинг янги механизмларини жорий этиш;

давлат хизматчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва ижтимоий таъминотининг замонавий тизимини киритиш орқали уларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш.

Бундан ташқари, Фармон билан Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси нормаларини амалий рўёбга чиқариш бўйича 40 дан ортиқ аниқ тадбирларни назарда тутувчи «Йўл харитаси» тасдиқланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини амалга ошириш бўйича комиссия ҳамда давлат бошқаруви тизимини танқидий ўрганиш ва уни тубдан ислоҳ қилиш юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳлар ташкил этилди.

Комиссия ишчи гуруҳлар томонидан тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этади, шунингдек, Маъмурий ислохотлар концепцияси ва «Йўл харитаси»нинг тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши устидан қатъий назорат олиб боради.

Шу билан бир қаторда, Комиссияга давлат бошқаруви тизимини танқидий ўрганиш ва уни тубдан ислоҳ қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш жадвалини тасдиқлаш вазифалари юклатилди, унга асосан 100 дан ортиқ давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятини қайта кўриб чиқиш режалаштирилди.

Маъмурий ислохотларнинг амалга оширилиши қуйидаги натижаларга эришишга қаратилган.

1. Кутилаётган ислохотларнинг тўлиқ амалга оширилишини таъминлашга, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ва самарали ҳал этишга қодир бўлган, инновацион ривожланишнинг умумжаҳон тенденцияларига жавоб берадиган давлат бошқаруви тизимини яратиш, шу жумладан, қуйидагилар орқали яратиш:

ортиқча ва ўзига хос бўлмаган вазифа, функция ва ваколатларни бартараф этиш, такрорлаш ва параллелизмни тугатиш ҳисобига давлат бошқаруви тизимини оптималлаштириш ҳамда номарказлаштириш;

давлат бошқарувини бюрократиядан холи қилиш ва унинг сарф-харажатларини пасайтириш, бошқарув қарорлари қабул қилиш тизимининг фаолият самарадорлигини ва шаффофлигини ошириш;

стратегик режалаштириш, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар тизимини жорий этиш;

иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсир кўрсатишни янада қисқартириш ҳамда бошқарувнинг соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлиги ва аҳолининг ишчанлик фаоллигини оширишга қаратилган бозор механизмларини кенгайтириш;

жамоатчилик ва парламент назоратининг, энг аввало, коррупция кўринишларининг олдини олишга қаратилган самарали шакллари жорий этиш.

2. Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг таъсирчан механизмларини яратиш, уларнинг фаровонлигини ва ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятидан қаноатланганлик даражасини янада ошириш, шу жумладан, қуйидагилар орқали янада ошириш:

давлат органларининг жисмоний ва юридик шахслар билан ҳуқуқий муносабатларини аниқ тартибга солишга қаратилган маъмурий тартиб-таомилларни такомиллаштириш;

ижро этувчи ҳокимият органларининг қарорлари ва ҳаракатлари устидан шикоят қилиш тартибини такомиллаштиришни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини коллегиял эшитиш механизмларини жорий этишни назарда тутувчи маъмурий адлия тизимини ривожлантириш;

«Электрон ҳуқумат» тизимини такомиллаштириш орқали давлат хизматлари кўрсатишнинг самарадорлигини ошириш;

жамиyatда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш.

Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясида назарда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, сўзсиз, инновацион ривожланишнинг замонавий тенденциялари ва жаҳон стандартларини ҳисобга олган ҳолда давлат бошқаруви тизимини модернизация қилишга янги куч бағишлайди.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотларнинг амалга оширилиши «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган улуғвор ғояни ҳаётга тўлиқ татбиқ этишга хизмат қилади.

#### **4. Давлат хизматларини кўрсатиш самарадорлигини ошириш.**

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2005 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялашнинг устувор вазифалари ва йўналишларини амалга ошириш бўйича ПҚ-24-сон қарори билан “Давлат қурилиши ва бошқаруви, қонунчилик ҳокимиятининг роли ва таъсирини кучайтириш соҳасида ислохотларнинг устувор йўналишларини амалга ошириш концепцияси”<sup>32</sup> тасдиқланган бўлиб, мазкур Концепцияда “Давлат хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини тайёрлаш ва унда давлат хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми, давлат хизматини ўташ тартиби ҳамда давлат хизматчиларининг жавобгарлиги ва масъулиятини ошириш бўйича чора-тадбирларни акс эттириш назарда тутилган эди.

Шу билан бирга, республикамизда давлат хизматининг айрим соҳалари ёки айрим тоифадаги давлат хизматчиларининг фаолиятини тартибга солувчи алоҳида қонун ҳужжатлари ҳам қабул қилинган бўлиб, улар жумласига “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги, “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги, “Прокуратура тўғрисида”ги, “Судлар тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисида”ги, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги, “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги ва шу каби қонунлар мажмуаси киради. Ушбу қонунларда тегишли соҳада давлат хизматини ташкил этиш принциплари, тегишли соҳадаги давлат хизматчиларининг мақоми, уларга қўйилган талаблар, жавобгарлик ва улар томонидан хизматни ўташ шартлари белгилаб қўйилган.

Бу соҳада муҳим қонунчилик ҳужжатлари сифатида Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги “Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-3358-сон ва 2003 йил 22 декабрдаги “Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-3366-сон фармонларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Мазкур фармонларда республика бошқарув органлари, хўжалик бошқарув органларининг тизими ва уларнинг тоифалари аниқ таснифлаб берилди.

---

<sup>32</sup> Манба. <http://www.lex.uz/acts/682776/> Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 10-11-сон, 71-модда; 45-сон, 337-модда.

Шунингдек, миллий қонунчилигимизда айрим давлат органларида давлат хизматини ўташ юзасидан Ҳукумат ёки Президент ҳужжати даражасида хизматни ўташ тартиблари тасдиқланган бўлиб, масалан ички ишлар, прокуратура, давлат солиқ ва давлат божхона хизмати, Суд департаменти органларида хизматни ўташ тартиби-тамойилларида хизматни ўташнинг умумий принциплари, хизматга қабул қилиш, хизмат бўйича ўсиш ва хизматдан озод қилиш шартлари, давлат хизматчиларига қўйиладиган талаблар, уларнинг масъулияти, мажбуриятлар ва таъқиқлар, аттестация ва ротация шартлари, даражалар ва унвонлар, ижтимоий ҳимоя каби қоидалар батафсил тартибга солинган. Бошқа органларнинг айримларида ҳам бу қоидалар ички идоравий ҳужжатларда ўз аксини топган.

Кўриниб турибдики, давлат хизматини ташкил этишга оид қонунчилик бугунги кунда бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда тарқоқ ривожланиб келмоқда. Уларни унификация қилишга, ягона концептуал, тизимли қонун ҳужжати қабул қилишга эҳтиёж мавжуд.

Режалаштирилаётган маъмурий ислохотлар, шунчаки шаклий ўзгартиришлар, қайсидир ташкилотни тугатиб, бошқасини ташкил этиш эмас, балки давлат ва жамиятни эркинлаштириш ва ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичи талабларига жавоб берадиган замонавий давлат менежментини жорий этиш ва ўз навбатида стратегик мақсадларимизга эришиш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлиши лозим.

Бугун миллий Парламент томонидан эришилган ютуқлар билан бирга, ҳокимият вакиллик органлари, сиёсий партиялар ва Экологик ҳаракатнинг ўтган даврдаги фаолияти танқидий руҳда таҳлил қилинди ҳамда келгуси ислохотларни янада чуқурлаштириш йўлида муҳим вазифалар белгилаб олинди. Жумладан, ушбу вазифаларни амалга ошириш ҳамда соҳада назоратни кучайтириш мақсадида юқори палата ҳузурида махсус комиссиялар ташкил этилди. Комиссия аъзолари ҳар ойда жойларга чиқиб, мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш ва уларни баратараф этиш бўйича амалий чора-тадбирларни амалга ошириш вазифалари юклатилди. Тошкент шаҳрида туманлар даражасида халқ депутатлари кенгашлари таъсис этилди. Натижада, Тошкент шаҳри аҳолиси ҳам ўз вакиллари-депутатлар орқали туманларни бошқаришда иштирок этиш имкониятига эга бўлди. Фуқароларнинг каофлатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш, ёшлар ҳамда оила ва аёллар масалалари бўйича Парламент комиссиялари ташкил этилиб, улар томонидан миллий ва халқаро ҳамкорлик доирасидаги долзарб масалаларни очиқ муҳокама этишда сезиларли даражада фаоллик кўрсатилди. Парламент ва ижроия ҳокимиятининг ҳамкорлигини самарали кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг Олий Мажлис палаталаридаги доимий вакили лавозими таъсис этилди ва унинг ҳуқуқий мақоми белгилаб берилди.

Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимининг аҳоли ва тадбиркорлик

субъектлари эҳтиёжларини тўлиқ қаноатлантирадиган сифат жиҳатидан янги даражаги ўтишига айрим тизимли муаммоларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрь куни “Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур Фармон ва Қарор давлат хизматларининг сифати, тезкорлиги, шаффофлиги ва фойдаланиш имкониятини тубдан ошириш бўйича комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни, “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган улуғвор ғояни сўзсиз амалга оширувчи асосий ғояларни белгилаб берди. Мазкур ғояларнинг амалда татбиқ этилиши давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида “Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади” деган муҳим тамойилни жорий этиш имконини беради. Хусусан, мазкур соҳадаги давлат сиёятини амалга оширишга масъулият юкланган алоҳида давлат органи-Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилди. Амалга оширилаётган ушбу ислохотларнинг уйғунлиги ва изчиллигини таъминлайди, давлат хизматларини сифатли бажариш учун ваколатли органлар ва ташкилотларнинг жавобгарлигини оширади. Шу билан бирга, аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида бошқарувни амалга оширишнинг аниқ ташкилий-институционал асосларини шакллантириш таъминланмоқда. Шунингдек, давлатни аҳоли билан ўзаро боғлайдиган ягона жой сифатида Давлат хизматлари марказлари ва Халқ қабулхоналари давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятини ошириш, фуқароларнинг вақт ва молиявий харажатларини камайтириш, шунингдек, уларнинг давлат органлари фаолиятидан қаноатланганлик даражасини оширишга хизмат қилиши жорий этилди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида яна бир жамиятнинг муҳим институти “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш, унда мазкур қонуннинг нормаларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги, “Парламент назорати тўғрисида”ги қонунларга мослаштириш, омбудсман минтақавий вакилларининг ҳуқуқий мақоми, ваколат ва мажбуриятларини белгилаш назарда тутилди.

Бу стратегик вазифаларни илгари сурилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрда қабул қилинган “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ишлар бошқармасининг Фуқаролар қабулхонаси негизида тузилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, шунингдек ҳар бир туман ва шаҳарда (туманга бўйсунувчи шаҳарлардан ташқари) тузилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари (бундан кейин – халқ қабулхоналари) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси (бундан кейин – Виртуал қабулхона) вазифалари ва ваколатларини белгиланиши билан узвий равишда боғлиқдир.

Президент фармонида уларнинг аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга қаратилган, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари (бундан буён – мурожаатлар) билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги ва самарали тизими фаолиятини таъминлаш, фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентига, Олий Мажлисга, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига, Ҳукуматга, давлат бошқаруви органларига, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, бошқа давлат ташкилотларига ва хўжалик бошқаруви органларига мурожаат қилишга оид конституциявий ҳуқуқларининг сўзсиз амалга оширилиши учун шароитлар яратиш, Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонага келиб тушган ҳамда тегишлилиги бўйича давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органларига юборилган мурожаатлар кўриб чиқилиши устидан тизимли мониторинг ва назоратни амалга ошириш, Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонага келиб тушаётган мурожаатларнинг қайд этилиши, умумлаштирилиши, тизимлаштирилиши ва кўриб чиқилиши устидан назорат қилиниши бўйича ягона электрон ахборот тизимини жорий этиш ва юритиш йўли билан мурожаатлар билан ишлашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш каби вазифалар белгиланган. Шу билан бирга, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги, “Парламент назорати тўғрисида”ги қонунларни қабул қилиниши билан мамлакатда парламент назоратини амалга оширишнинг ҳозирги даврга – фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатга хос бўлган даражага кўтариш долзарб вазифага айланган эди. Шунинг учун ҳам Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) юқорида қайд этилган қонунларда назарда тутилган қонунлар ижроси, уларнинг шаффофлигини таъминлаш жараёнларини парламент назорати остига олишиша

қатор ваколатлар беради, фуқароларнинг ўз қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини бузилаётганлигига доир мурожаатларини адолатли ва самарали тарзда ҳал этишга имкониятлар яратади. Парламентнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш ва таъминлашга доир фаолиятини олиб борадиган Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг ҳуқуқи ва мустақил институт сифатида фаолият юритиши кафолатланади.

Фикримизча, давлат ва маъмурий тузилмаларни янада чуқурроқ ислоҳ қилишга интилиш-бу давлат аппаратини модернизациялашнинг эволюцион давомидир. Унинг моҳияти давлат бошқарувининг миллий органларини тузиш босқичидан уларнинг иш фаолиятини такомиллаштириш босқичига ўтиш билан белгиланади.

Маълумки, ҳозирги даврда демократик ислоҳотларни ривожлантиришнинг янги вазифаларидан келиб чиқиб, давлат бошқаруви аппарати зиммасига ўз-ўзини такомиллаштириш борасида жиддий вазифалар юклатилган.

Давлат, ислоҳотлар ташаббуси билан чиқиш ва уларни амалга ошириш борасидаги вазифаларни бажарар экан, аста-секинлик билан умуммиллий вазифаларни амалга оширувчи, фуқаролик жамиятини қуришни ташкилий жиҳатдан таъминловчи тизимга айланиб бормоқда. Шу билан бирга, бошқарув органлари фаолиятини модернизациялаш борасида ҳам амалий қадамлар ташланмоқда ва қонуний нуқтаи назардан такомиллаштирилмоқда.

Бошқарув органларини ислоҳотлаштириш марказда ва жойларда давлат ҳокимиятининг янги органларини пайдо бўлишига ва расмийлашувига ёрдам берди, давлат қурилишини концептуал таъминлаш соҳасидаги бўшлиқни тўлдирди, бизга мерос бўлиб қолган бошқарув тузилмаларининг маълум даражада ривожланиш имкониятини таъминлайди, иқтисодиётдаги айрим бошқарув органларини давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда мулкчиликнинг нодавлат шакллариغا ва амал қилиш тамойилларига асосланган ташкилотларни тузиш борасида қўшимча туртки бўлди.

### **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:**

1. Бошқарув тушунчасининг қандай назарий ёндашувлари мавжуд?
2. Давлат бошқаруви соҳасида Франция ва Германия мактаби концепцияларининг қандай фарқли томонлари мавжуд?
3. Ўзбекистон давлат бошқарувини ташкил этилиши ва олиб борилиши борасида нималарни биласиз?
4. Ҳокимиятлар бўлиниши принципининг давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришдаги аҳамияти нималардан иборат?
5. Ўзбекистон Республикасида икки палатали парламент тизимининг вужудга келиши борасида нималарни биласиз?

6. “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси” ҳақида нималарни билиб олдингиз?

7. Ўзбекистон Республикасида Бош вазирнинг ҳуқуқий фаолияти ҳақида гапириб беринг?

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажак фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

## **2-МАВЗУ: ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ - ИНСОНИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЮҚОРИ БОСҚИЧИ**

### **Режа:**

1. Инсоният тарихида турли ижтимоий-формацион тузулмалар ва жамоалар кўринишлари. Қадимги даврда адолатли жамият, адолатли ҳукмдор тўғрисидаги ғоя ва қарашлар.

2. Ўрта асрларда инсонларнинг тенглиги борасидаги қарашлар ва концепцияларнинг ривожланиши. Янги даврда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари. “Инсон ҳуқуқлари бўйича” халқаро декларациясини қабул қилиниши фуқаролик жамиятининг халқаро-ҳуқуқий асоси ва кафолати сифатида.

3. Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий-демократик давлат - инсоният тараққиётининг юқори кўриниши. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти куришидаги ютуқ ва муаммолар.

“Фуқаролик жамияти” тушунчаси-кишилиқ жамиятининг асрлар мобайнида шаклланган тафаккур маҳсулидир. Фуқаролик жамиятининг пойдеворини яратиш ва уни амалда шакллантириш учун аввало у ҳақидаги ғоялар генезисини билишга зарурат туғилади. Бу уларнинг ижобий жиҳатларини муайян жамиятга нисбатан татбиқ этиш имконини беради.



Инсоният тараққиётининг барча даврларида фуқаролик жамиятини қуриш энг эзгу ғоя сифатида яшади. Унга эришиш учун турли даражадаги назарий қарашлар илгари сурилган. Бир гуруҳ олимлар фуқаролик жамиятини қуриш ғояси Ғарб тамаддуни маҳсули сифатида амалиётга тадбиқ этилмоқда деб ҳисобласа, бошқалари Шарқ мамлакатлари мутафаккирлари ижодида бу масалага оқилона ёндашув уч минг йил илгари шаклланган, деган қарашни илгари сурмоқда. Албатта, дастлаб ижтимоий тараққиётнинг маълум даврларида Шарқ мамлакатлари фозил жамиятга доир назарияларни яратишда етакчилик қилди.

Фуқаролик жамияти ва унинг тушунчалари дастлаб Марказий Осиё ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётининг ёрқин намунаси “Авесто” муқаддас китобида келтирилган. “Авесто”нинг бош ғояси “эзгу фикр, эзгу мақсад, эзгу амал” эканлиги ҳар қандай жамият ва инсонлараро муносабатларнинг маънавий асоси эканлигидан далолатдир.

Авестонинг “Ясна”, “Яшт”, “Вис парад” ва “Вендидод” қисмларида оила ва жамоада берилган сўздан ёки қасамдан воз кечиш, одамлар ўртасида тузилган аҳдногани бузиш катта гуноҳ эканлиги ўз ифодасини топган. Хусусан, “О Спитама, шартномани бузувчи киши бутун мамлакатни бузади, шу билан бирга Артага тегишли барча мулку молларга путур етказди”. “О Спитама, аҳдингни бузма...” ғоялари давлатлар сиёсий тизимининг ҳуқуқий асоси, адолат манбаи бўлиб, улар Рим ҳуқуқидан ҳам қадимийроқдир. Авестодаги фуқаролик жамиятига хос бу унсур - эркак ва аёлнинг тенг ҳуқуқлилиги, оиланинг барқарорлигини таъминлаш ғояси ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Фуқаролик жамияти концепциясининг Европача аънанаси илдизлари антик антик даврдан озикланади. Мазкур аънананинг мазмун-моҳияти нафақат сиёсий, балки шахсни ижтимоий-ахлоқий нуқтаи назардан баҳолаш билан боғлиқ эди. Бунга мисол тариқасида Платон, Аристотел, Цицерон каби мутафаккирларнинг қарашларини келтириш мумкин.

Фуқаролик жамияти унсурларига оид антик концептуал таълимотда жамият ва давлат феноменларининг ўзаро узвийлиги қадимги юнон фалсафасининг муҳим хусусиятларидан бири ҳисобланади. Хусусан, Платоннинг (мил. ав. 427–347 йй.) “Давлат” асарида фуқароларнинг шахсий ва ижтимоий ҳаётини бир-биридан ажратиб қарашнинг ўзи эмас, балки ижтимоий соҳани ҳозиргидек замонавий талқинда, сиёсий фаоллик сифатида талқин этилган. Бунда жамият ҳаётининг сиёсий жиҳатлари фуқаролик жамияти тизимининг умумий тавсифи сифатида талқин этилади.

Фуқаролик жамияти унсурларига доир ғояларнинг кейинги ривожини Платоннинг шогирди Аристотель (мил. ав. 384–322 йй.) томонидан амалга оширилди.. Устози каби Аристотель ҳам энг мукамал жамият ғоясини ишлаб чиқишга ўз диққат эътиборини қаратди. Бироқ, унинг қарашидagi фуқаролик

жамияти ғоялари таркиби анча ўзгача назарий жиҳатлардан ташкил топади. Уни кўпроқ ижтимоий трансформациялашув эмас, балки кўпроқ давлат тузилмасидаги (сиёсий) ўзгаришлар қизиқтиради. Шу билан бирга, Аристотель ўзининг назарий ишланмаларида Платонга хос бўлган давлат ҳақидаги мавҳум ғояларга таянишни эмас, балки воқеъликда мавжуд бўлган турли бошқарув усулларини солиштириш, уларни қиёсий таҳлил қилишга киришади. Натижада унинг давлат ва жамиятга тааллуқли қарашлари олдинги мутаққирлар қарашларидан аниқроқ ва равшанроқ бўлганлиги кўзга ташланади.

Платондан фарқли ўлароқ, Аристотель жамиятдаги фуқароларнинг хусусий мулкка эгалик қилишини эътироф этади. Чунки, мулкка эгалик инсон табиатига хос хусусият бўлиб, у одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ўзагини ташкил этади. Аристотел мулк ҳуқуқининг фуқаролар фаровонлиги, давлат ва унинг бошқарувининг хавфсиз кечиши, қонунчилик ҳокимияти фаолиятида фуқароларнинг иштироки, лавозимларни эгаллаш жараёнлари ва ўз вазифаларини бажаришлари, уларнинг суд органлари ишидаги ролини атрофлича синчиклаб ўрганди. Ҳуқуқни Аристотель адолат мезони, деб ҳисоблади ва унга ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ва айни вақтда уларни муҳофаза қилувчи институт сифатида қаради. Аристотель фикрича, сиёсий бошқарув – бу одамларнинг эмас, балки қонунларнинг бошқарувидир: ҳаттоки, энг яхши ҳукмдорлар ҳам туйғулар ва ҳиссиётга берилувчан бўлади, қонун эса “оқилона тафаккур”дир.

Қадимги рим мутафаккири **Марк Тулий Цицерон** (мил. ав. 106-43 йй.) ҳам жамият ва давлат (республика)ни бир-биридан ажратмайди, уларни биргаликда таҳлил этади. У давлатни умумий манфаатлар билан ўзаро бир-бирларига боғланган одамлар мажмуи сифатида тасаввур қилади, давлат халқнинг умумий мулки ҳисобланади. Давлат одамлар биргаликда яшашга табиий эҳтиёж сезгани туфайли пайдо бўлади. Унинг фикрича, давлатнинг вазифаси мулкни муҳофаза қилишдан иборатдир. Давлат айни шу мақсадда ташкил этилади. Цицерон фикрича, учта бошқарув шакли (монархия, аристократия ва демократия) унсурларини ўзида мужассамлаштирган аралаш давлат энг идеал давлатдир. Фақат шундай давлатда ҳар бир жамият аъзосининг манфаатларини қондириш ва у давлатни бошқаришда шахсан иштирок этиши таъминланади. “Давлатнинг мустаҳкамлиги ва фуқароларнинг ҳуқуқий тенглиги” бундай давлат тузумининг муҳим фазилати деб ҳисоблайди. Цицероннинг “Давлат ҳақида” ва “Қонунлар ҳақида” асарлари давлат ва ҳуқуқ муаммоларига бағишланди. Давлат Цицерон талқинида қадимги юнон мутафаккирларининг концепцияларидаги каби давлатнинг барча эркин аъзоларининг умумманфаати ифодаси сифатидагина эмас, балки бу аъзоларнинг ўзаро бир-бирлари билан келишилган ҳуқуқий муносабатлари мажмуи, муайян ҳуқуқий тузилма, “умумий ҳуқуқий тартибот” сифатида намоён бўлади.

Цицерон давлат тушунчасига биринчилардан бўлиб ҳуқуқий тус беради, бу таълимот кейинчалик жуда кўп мутафаккирлар, шу жумладан “ҳуқуқий давлат” ғоясининг ҳозирги даврдаги тарафдорлари томонидан ҳам эътироф этилди. Цицерон концепциясига биноан, “фуқаролик жамияти” ғояси классик аҳамият касб этди, шу билан бирга, у ўз навбатида янги даврда шаклланган назарий қарашларга асос бўлди. Кўпчилик экспертларнинг фикрича, айнан Цицероннинг ижтимоий-сиёсий таълимотида “фуқаролик жамияти” ўзининг тушунча сифатидаги асосларига эга бўлди.

Фуқаролик жамиятини унсурларига доир ғоялар Марказий Осиё мутафаккирлари ижодида ҳам чуқур ўрганилди. Дарҳақиқат, Марказий Осиё уйғониш даври IX-XV асрларда давлатни бошқариш ва адолатли жамият қуриш, давлат раҳбари ва хизматчиларининг фаолият даражалари таснифлари, ижтимоий масъулияти мезонларининг назарий жиҳатлари ҳақидаги ғоялар Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Низомулмулк, Амир Темур, Алишер Навоий ва бошқалар ижодида кенг таҳлил қилинган.

Хусусан, Абу Наср ал-Форобийнинг (870–950 йй.) “Фозил одамлар шаҳри қарашлари” ва “Давлат арбобининг афоризмлари” асарларида шарқона сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий фикр тарихининг муҳим жиҳатлари - ижтимоий тизим, сиёсат, давлат ва ҳукумат ҳақидаги назариялар ривожлантирилди. Форобий фикрича, адолатли жамият қуриш учун уни мудофаа қилиш ва оқилона бошқариш усулини билиш, одамларга ёвузликдан сақланиш ва эзгуликка интилиш йўллари кўрсатиш лозим. У давлат раҳбарининг бошқарув маҳорати туфайли умумий бахтга эришиш йўли топилади, деб ҳисоблайди. Адолатли давлатни маърифатли ҳукмдор бошқариши, у маънавиятли ва адолат етакчиси бўлиши, ўз фазилатлари билан ўзига қўйилган барча талабларга жавоб бериши лозим. Бу борада Форобий “Фуқароларнинг ўзларидан сайланган раҳбар ёки бошлиқлар ҳокими мутлоқ бўлмайди. Улар одамлар ичидан кўтарилган, синалган, энг олийжаноб, раҳбарликка лойиқ кишилар бўладилар. Шунинг учун бундай раҳбарлар ўз сайловчиларини тўла озодликка чиқарадилар, уларни ташқи душмандан муҳофаза қиладилар”<sup>33</sup>, деб давлат ҳокимиятини жамиятга боғлиқ ҳола таҳлил этади, бошқарув билан боғлиқ ахлоқий ва маданий қадриятларни тизимлаштиради

Шарқ уйғониш даврининг алломаси Абу Райҳон Беруний “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Ҳиндистон” ва бошқа асарларида адолатли жамият ва унинг амал қилиши асосларини шакллантириш ҳақидаги ғояларни илгари сурди. Унинг фикрича, жамиятнинг пайдо бўлишига одамларнинг ўзаро ҳамкорлиги, бирга яшашга эҳтиёжи ва интилишлари сабаб бўлади. Адолатли жамиятни қуриш ахлоқий қадриятларга таяниши ва шу асосда ривожлантирилиши лозим.. Давлат раҳбарининг асосий вазифаси аҳолининг турли қатламлари,

<sup>33</sup> Абу Носир Форобий. Фозил одамлар шаҳри. -Т.:А.Қодирий нашриёти, 1993. -Б.190.

кучлилар ва кучсизлар ўртасидаги сиёсий ва ҳуқуқий адолат мезонларини ўрнатишдадир. Унинг фикрича, бу ҳолатга идеал ижтимоий тузилмани куриш орқали эришилади.

**Абу Али ибн Сино** (980–1037 йй.) фикрича ижтимоий муносабатлар одамлар ўртасидаги тафовут ва тенгликсизлик натижасидир. Хусусан, Ибн Сино “иқтисодий ва ижтимоий ҳамда шахсий хусусиятларга кўра тенгликсизлик – инсон ижтимоий фаоллиги сабаби ҳисобланади” деб таъкидлайди. Идеал давлат куриш эса жамият аъзоларининг маънавий-ахлоқий равнақи билан боғлиқдир. Унинг фикрича, маънавий ахлоқий қадриятларнинг юксак қадрланиши нафақат ҳар томонлама фаровонликни, балки жамиятда адолат ва барқарорликни ҳам таъминлайди.

Бу даврда Шарқда ижтимоий адолат, маърифат ва тенглик нафақат назарий меъёр, балки амалий ҳаёт меъёри, ижтимоий-сиёсий муаммолар ечимини топиш ва жамоа бўлиб яшашнинг асоси сифатида тушунилди, фозил жамиятни (фуқаролик жамиятининг илк лойиҳасини) шакллантиришнинг маърифатли йўли танланган бўлса, Европа ижтимоий-сиёсий тафаккурида эса христианлик догматикаси ҳукмронлик қилиб, жамиятни диний ва дунёвий манфаатлар ўртасида курашлар туфайли “диний” таълимот асосида намоён бўлди.

**Мутафаккир Юсуф Хос Ҳожиб** ўзининг “Қутадғу билиг” достонида давлатни бошқариш амаллари, қоидалари ва сиёсий-ахлоқий муносабатларни жамиятда қарор топтиришга эътибор қаратди<sup>34</sup>. У давлат бошқаруви ва хизматини ташкил этиш турларини ҳамда унинг турли даражаларга мувофиқ сифатларини таснифлайди. Жумладан, “Шоҳликка даъвогарлар онадан ажиб бир истеъдод билан туғилдилар ва улар дарҳол яхши-ёмонни ажратиш фитратига эга бўладилар. Бундайларга Худо идрок, фаросат ва юмшоқ бир кўнгил ато этади, қолаверса яхши иш юритиш уқуви билан ҳам сийлайди”<sup>35</sup> деб таъкидлайди.

Адолатли давлат бошқаруви, унинг мукамал назарий асосларини яратиш борасида улкан илмий мерос қолдирган ўрта асрлар мутафаккири, давлат арбоби **Низомулмулкнинг “Сиёсатнома”** асари муҳим манба ҳисобланади. У мансабдорларни ахлоқий фазилатларига қараб танлаш, адолат ва инсофни оёқ ости қиладиган кишиларни давлат ишларига аралаштирмасликни, давлатни бошқаришни кенгаш билан олиб бориш, бошқарув фаолиятларини мунтазам назорат қилиш, итоат, ижро ва унинг сифати тўғрисидаги қарашлари ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Айниқса, Низомулмулкнинг “кўпчилик бўлиб қабул қилинган тadbир энг савобли бўлади ва шундай йўл тутиш керак”<sup>36</sup> деган фикри аждодларимизнинг давлат қурилишининг адолатли тартиботларига катта эътибор берганлигидан далолатдир.

<sup>34</sup>Юсуф Хос Ҳожиб Қутадғу билиг.-Т.: Фан, 1971.-Б.329.

<sup>35</sup>Ўша асар.-Б.329.

<sup>36</sup>Низомулмулк. Сиёсатнома. Т.:Адолат,1997.-Б.98.

Ижтимоий-сиёсий таракқиётнинг маънавий асосларини ўрганишда Ўрта Осиёда вужудга келган тасаввуфчилик оқимининг аҳамияти ҳам алоҳида муҳим ўрин тутди. Тасаввуф гарчи ислом бағрида илдиз отиб, Қуръон ва Ҳадислар ҳикматидан озиқланган, кўп ҳолларда шариат аҳкомига суянган бўлсада, у расмий диний ақидапарастлик ва мутаассибликка ҳамда ҳоким табақаларнинг айшу-ишратларга ғарб бўлган турмуш тарзи, талончилик ва манфаатпарастликка зид ўлароқ, меҳнаткаш халқ норозилигини ифодалади. Тасаввуф таълимоти асосида адолат, ҳақиқат, тўғрилиқ, меҳр-шафқат, инсоф, иймон, эътиқод, илм, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик каби умуминсоний қадриятларни тарғибот қилувчи футувватга асосланган бир қанча диний, сиёсий оқимлар пайдо бўлди. Улар жамиятнинг ахлоқсиз унсурларига ғоявий куч сифатида қарши қўйилди.

Ижтимоий-сиёсий тафаккур ривожини ва ҳуқуқий давлат ва адолатли жамиятининг асосий шартини – қонун устуворлигини таъминлаш амалиётини қўллаш тажрибасини Шарқнинг буюк давлат арбоби ва саркардаси Амир Темур (1336–1405 йй.) бой ижтимоий-сиёсий ва маънавий меросини мисолида кўриш мумкин. Унинг тузукларида давлат тизими, уни идора қилиш услублари ва воситалари, ундаги турли лавозим-вазифалар даражаси, табақаларнинг тоифаланиши, ҳарбий қўшинларнинг ташкил этилиши, жанг олиб бориш маҳоратлари, давлат хизматчилари рағбатини ташкил этиш омиллари, адолатли солиқ турларининг жорий этилиши, мамлакатни ободонлаштириш тадбирлари миллий давлатчиликнинг юксак маданий ва ҳуқуқий даражада шакллантиришга эришганлигидан адолат беради. “Ҳар мамлакатнинг яхши кишиларига мен ҳам яхшилик қилдим, нафси ёмонлар, бузуклар ва ахлоқсиз одамларни мамлакатимдан қувиб чиқардим. Пасткаш ва разил одамларга ўзларига лойиқ ишлар топширдим ҳамда ҳадларидан ошишларига йўл қўймадим. Улуғларини ва шараф-эътиборли кишиларни ҳурматлаб, мартабаларини оширдим. Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим»<sup>37</sup>.

Маълумки, фуқаролик жамиятининг унсурларидан бири – бу жамият ҳаётлигини ва самарадорлигини таъминловчи куч - қонун устуворлигидир. Шу жиҳатдан, Соҳибқирон Амир Темурнинг қуйидаги сўзлари ҳозирги замон билан ҳамнафасдир: “Тажриба, - деб ёзади у, менга шуни кўрсатдики, дин ва қонунга таянмаган ҳукумат, ўзининг буюк қудратини узоқ вақт сақлаб тура олмайди. Уни ҳар қандай ёвуз киши кириши мумкин бўлган на томи, на эшиги, на панжаралари бор уйга ўхшатиш мумкин. Шунинг учун мен ўз салтанатимни ислом арконлари ва бошқарувда ўзим қатъий амал қилувчи қонунлар асосида қурдим”<sup>38</sup>.

Шу нуқтаи назардан, мувафақиятли бошқарув қонуниятига кўра, Амир Темур раҳбарнинг адолатга таяниб иш қўришини талаб этган. Унинг фикрича, “Раҳбар

<sup>37</sup>Амир Темур тузуклари.-Т.:Ғофур Ғулом нашриёти,1996.-Б.24.

<sup>38</sup>Ўша асар.-Б.81.

учун барча ишларда адолатга амал қилиши керак: у сотилмайдиган ва фазилят эгаси бўлган одамни вазирликка тайинлаши лозим, чунки адолатли вазирнинг ўзи махдуд-рахбар қилган адолатсизликларни тўғрилаши мумкин, аммо вазирнинг ўзи шундай бўлса, ҳалокат яқиндир”<sup>39</sup>. Соҳибқирон фикрича, давлат бошқарувида яна бир муҳим қонуният – қонун устуворлигидир: “Қатъий тартиб ва қонунларга амал қилишим бахт-саодатим калити бўлди”. У асосий қонунлар сифатида диний аҳкомларни ва улар асосида ёзилган фикрларни билди. Кўриниб турибдики, Амир Темур адолатли ва фозил бошқарувга асосланган жамият қуришга муҳим эътибор берган.

Комил инсонлар яшайдиган жамият ҳақидаги ғоялар Алишер Навоийнинг (1441–1501 йй.) сиёсий ва адабий фаолияти асоси бўлди. Навоий идеал ижтимоий-иқтисодий тузум ҳақидаги қарашларини ўзининг “Садди Искандарий”, “Махбуб ул-қулуб”, “Пайғамбарлар ва донолар тарихи” ва бошқа асарларида балкин этди. Ижтимоий-иқтисодий тузум муаммолари фақат адолатли ҳукмдор бошқараётган ва қонун устувор бўлган мамлакатда ўз ечимини топиши мумкин. Шундай қилиб, А.Навоий фикрича, адолат ва қонун ижтимоий тараққиётнинг асоси ҳисобланади. Унинг концепциясида ҳукмдор шахси алоҳида аҳамият касб этади. Фазилятли ва идеал шахс ҳақида мулоҳаза юритар экан, Навоий ўзига хос инсонпарварлик назариясини яратди. Бу назарияда мутафаккир, бир томондан, ҳукумдор ва боғбонни, бошқа томондан, давлат ва боғни бир-бирига солиштиради. Унга кўра, агар боғбон ақлли ва меҳнатсевар бўлса, унинг боғи гуллаб-яшнади. Ҳудди шу тариқа, агар мамлакатнинг ақлли, доно, адолатли, халқи учун қайғурадиган ва уни севадиган ҳукмдори бўлса, у ривожланади ва фаровонлашади.

Навоий назариятчи ва амалиётчи сифатида давлат сиёсатининг адолатли асослари ва унинг маънавий мезонларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Айниқса, унинг адолатсизлик ва зулм давлатни таназзулга, жамиятни жаҳолатга олиб келиши тўғрисидаги қарашлари ғоятда аҳамиятлидир: “...давлат иши билан машғул бўлган мансабдорлик чоғларимда кўнгил мулкани турли одамларнинг ҳужуми булғалади. Гоҳ амирлик ўрнида ўтирдим ва ҳукумат маҳкамасида халқнинг арз-додини сўрдим ва гоҳ подшоҳ ёнида вазирлик қилдим ва менга умидвор назар билан қараб турган элга мурувват кўрсатдим”<sup>40</sup> деб ёзади. Адолатли жамият шаклланишининг асосий омили сифатида Навоий инсоний фазилятлар - адолатлилик, раҳмдиллик, меҳнатсеварлик, ростгўйлик, ватанпарварлик, виждонлилик, инсонпарварлик ва жасоратни кабиларни намуна сифатида келтиради.

Антик давр ва ўрта аср Шарқ алломаларининг фуқаролик жамиятиги оид концептуал-назрий мероси ва назарий ишланмалари ҳозирги даврга қадар ўз

<sup>39</sup>Ўша асар.- Б.83.

<sup>40</sup> Алишер Навоий. Махбуб ул- Қулуб.-Т.: Фофур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти1983.-Б-12.

аҳамиятини йўқотгани йўқ. Улар қолдирган илмий мерос фуқаролик жамияти тамойилларининг ривожланиши, инсоний бирлик сифатида жамият тарихий тараққиётининг муҳим омиллари сифатида ҳозирги фуқаролик жамияти қуриш ғояларини тўлдирмоқда.

Фуқаролик жамиятининг дастлабки турли тарихий қиёфаларининг ифодаси Европа ва Ўрта ер денгизи анъаналари асосида Уйғониш давридаги Италия шаҳар-давлатларида намоён бўлди.. Бунда фуқаролик жамияти шаҳар бошқаруви тизими доирасидаги, муайян шаҳар ҳудудидаги ижтимоий муносабатларнинг тизими сифатида ифодаланади.

Европа жамиятшунос олимлари фуқаролик жамиятининг яна бир тарихий илдизини - олмон маданий доираси таъсиридаги континентал-европа анъаналарига боғлайди. Улар эркин фуқаронинг пайдо бўлиши, биринчилардан бўлиб ўзаро бирлашган ҳунармандлар ва савдогарлар гильдияси – ўзларини феодаллардан ҳимояловчи ва шаҳарлар бошқарувига ҳам таъсир қилиш кучига эга бўлган дастлабки ассоциациялар ташкил топиши сабаб бўлган, деб ҳисоблайди.

Фуқаролик жамиятининг яна бир илдизи ёки унинг замонавий тушунчасини шаклланишида либерал инглиз-американ анъаналари муҳим аҳамият касб этди. Олимлар унга нисбатан турлича фикр билдиради. Масалан, фуқаролик жамияти табиий ҳуқуқ ва эркинлик асосида мулкка эгалик қилиш билан боғлиқлигига доир ғояни Жон Локк, модернизация ва ўз-ўзини бошқаришни фуқаролик жамиятининг муҳим таркибий қисми сифатидаги ғояни Адам Смит, минимал давлат концепциясини А.Фергюсон, фуқаролик жамияти ва зарурий ёвузлик сифатидаги давлатнинг ўта чегараланган роли ҳақидаги ғояни Томас Пейн, америкача демократия таҳлили ғоясини Алексис де Токвил, давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги ўзаро муносабатларни белгилаб берган ва фуқаролик жамиятини давлатдан мустақил бўлиши кераклиги ғоясини илгари сурган Жон Стюарт Милл каби олимларни мисол тариқасида кўрсатиш мумкин.

Фуқаролик жамияти ғоясига турлича тарихий ва методологик ёндашувлар ва шарҳларни бутунлай инкор этмаган ҳолда, янги даврда фуқаролик жамиятини назарий концептуаллашуви жараёнига катта ҳисса қўшган, Уйғониш даврининг машҳур олимлардан бири Никколо Макиавелли (1469–1527 й.) прагматик ва тажрибавий ижтимоий фанга асос солди. Фуқаролик жамияти Макиавелли учун синфий, партиявий қарама-қарши қизиқишлар мажмуидир. Унга кўра, фуқаролик жамияти халқдан ахлоқий асосларни – эзгулик ва фазилатни, ижтимоий манфаатдорликни, шунингдек республика тузилмаси манфаатлари олдида бурчни ҳис қилишни ва жасоратли бўлишни талаб қилади. Бошқача қилиб айтганда, у эркин индивидлар учун муносиб бирлашмадир. Давлатни ҳимоя қилиш учун ҳукмдор қўлидаги барча воситаларни ишга солиши керак бўлади: ёлғон, шафқатсизлик, ҳаттоки уруш ҳам бундан мустасно эмас. Давлат манфаатлари унда

бирламчи аҳамиятни касб этади. Макиавелли давлатнинг мутлақо мустақиллигини талаб қилган. У черковга қарама-қарши ғоя – давлатнинг дунёвийлиги тарафдори бўлган. Макиавелли давлат бошқарувининг ўзига хос сиёсий маҳорат кўрсатиш услуби мактабини яратди Унга мувофиқ давлат ҳеч қандай ахлоқий нормалар билан ҳисоблашмай, “мақсад ҳар қандай воситани оқлайди” деган тамойили асосида ахлоқий кадриятлардан чекинишини оқлаб чиқди..

Лекин, Макиавеллининг бу салбий жиҳатлари фуқаролик жамияти ва давлат масалаларини ривожланиш кун тартибига қўйганлиги билан ювилиб кетди. Унинг ғоялари ортидан қатор файласуфлар фуқаролик жамияти концепциясини янада бойитишга ҳаракат қилди. Хусусан, “Сўз эркинлиги ҳақида” (Джон Мильтон), “Левиафан” (Томас Гоббс), “Давлат бошқаруви ҳақида икки трактат” (Жон Локк), “Қонунлар руҳи ҳақида” (Монтескье), “Ижтимоий келишув ҳақида” (Жан-Жак Руссо), “Илоҳий-сиёсий трактат” (Бенедикт Спиноза), “Фуқаролик жамияти тарихи ҳақида хатлар” (Анри Фергюсон) каби асарларда фуқаролик жамияти назариялари шаклланди. Мазкур асарлар у ёки бу даражада инсон ҳаётининг ўзига хос шакли сифатидаги фуқаролик жамияти муаммолларини илгари суриши билан бирга шахс ва давлат ўзаро муносабатлари, фуқаролик жамиятининг асосий субъекти бўлган фуқаронинг бутун салоҳиятини юзага чиқариш учун зарур бўлган янги сабабиятлар далиллар сифатида очиб берилди.

Янги даврнинг энг муҳим сиёсий ҳодисаларидан бири - бу “фуқаролик жамияти” ғояси ўз тадрижи давомида бир қанча концепция ва талқинларни вужудга келтирди. Бироқ, у кўпинча “давлат” ҳодисасига нисбатан қарама-қарши қўйилди. Фуқаролик жамиятининг либерал талқинлари Т.Гоббс, Ж.Локк ва Ш.Монтескье асарларида намоён бўлди. Улар фуқаролик жамияти тушунчаси сифатида инсониятнинг тарихий тараққиётини акс эттиришга, инсоннинг ибтидоий усуллардан тараққий топган турмуш тарзига ўтишини ифодалади. Инсон давлат ва тамаддундан беҳабар “ёввойи”, “табиий” ҳолатда узлуксиз урушлар ҳамда ўзаро душманлик ҳолатида ривожланиб боради. Бунда тартиб-интизом ва фуқаролик муносабатларини ифодалаган ривожланган жамият билан табиий ҳолатдаги содда (ёки қайсидир маънода жоҳил) жамиятлар бир-бирларига қарама-қарши қўйилади.

Табиат ва инсоннинг жиловланмаган табиий эҳтирослари эмас, балки комиллик, яъни инсоннинг онгли равишда жамоавий ҳаёт кечиришга қодирлиги жамият ва инсон ҳаётининг табиий ибтидоси ҳисобланади. Фуқаролик жамияти инсоннинг озиқ-овқат, уст-бош, бошпанага бўлган асосий эҳтиёжларини қондириш шароити сифатида қабул қилинади. Инсоннинг кундалик эҳтиёжлари қондириладиган турли (иқтисодий, ижтимоий, маданий) соҳаларнинг бир-биридан ажралиши ва эркинлашуви жараёни фуқаролик жамияти пайдо бўлишига олиб келади. Маълумки, инсоният ривожланишининг илк даврида кичик гуруҳлардан иборат қабилалар (уюшмалар) пайдо бўлиб, улар биргаликда озиқ-овқат топиш, уй



қуриш, душманлардан ҳимояланиш, ёввойи ҳайвонлардан, табиий офатлардан сақланиш мақсадида бирлашади. Ушбу уюшмалар оила, уруғ, қабила доирасида ташкил топган бўлиб, уларни бир бутун яхлит ҳолдаги манфаат, яъни табиатнинг тирик бир бўлаги сифатида яшаб қолиш зарурияти асосида бирлашади.

Ижтимоий ишлаб чиқариш ва меҳнат тақсимотини юксалиши натижасида инсонларнинг уюшмаси миқдорий жиҳатдан ўсиб боради, улар функционал жиҳатдан ранг-баранглашади ва барқарорлашади. Умумий манфаат жамият аъзоларини боғлаб турувчи қудратли кучга айланади. Шунга қарамасдан, жамиятнинг барча аъзолари фуқаролик жамиятини ифода этган уюшмаларга аъзо бўлишлари шарт бўлмаган, яъни, мустақил ҳолда яшаш имконияти ҳам мавжуд бўлади. Хусусий мулк ва синфларининг пайдо бўлиши билан жамиятда табақаланиш юз бериб, умумий манфаатлар хусусий, ва гуруҳий манфаатларга ажрала бошлади.

Инглиз маърифатчиси ва файласуфи **Жон Локк** (1632-1704 йй.) ҳақли равишда ҳуқуқий давлатнинг атоқли мафкурачиларидан бири ҳисобланади. У ўз ғояларини “Давлатни бошқариш ҳақида икки трактат” асарида баён этди. Унинг таълимотида одамларнинг табиий ҳолати, фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва давлатнинг ташкил топиши муаммолари аниқлаштирилди. Локк ҳуқуқий давлатнинг бош унсури бўлган ҳокимиятнинг учга бўлиниши назариясининг асосчиси ҳисобланади.

Локкнинг хусусий мулк назарияси меҳнат билан узвий боғлиқдир. У одамлар асосан ўз мол-мулкидан тинч ва хавфсиз фойдаланиш мақсадида жамиятга қўшилади. Бунда мазкур жамиятда қабул қилинган қонунлар уларнинг асосий қуроли ва воситаси бўлиб хизмат қилади, деб ҳисоблайди. Фуқаролик жамиятига бирлашиш – бу қулай, тинч ва фаровон ҳаёт кечириш, ўз мол-мулкидан хотиржам тарзда фойдаланиш ва ўзини мазкур жамият аъзоси бўлмаган одамларга қараганда хавфсизроқ ҳис қилиш учун бошқалар билан келишиш демакдир. Либерализм асосчиси Жон Локк биринчи бўлиб шахсни жамият ва давлатдан, эркинликни – бошқа қадриятлардан устун қўйди. У эркинликни у давлатнинг аралашувидан холи ҳолат сифатида тушунди.

Локк ўзининг “Фуқаролик бошқаруви ҳақидаги иккинчи трактат” деб номланган асарида ҳар қандай одам учун табиий (яъни содда, жоҳил, ибтидоий - муаллиф изоҳи) ҳолатни инкор этган ҳолда фуқаролик жамияти талаблари даражасига етиш учун ягона йўл – бу бошқалар билан келишган ҳолда ижтимоий бирликка қўшилиш ёки бирлашишдан иборат эканлиги ғоясини илгари суради<sup>41</sup>.

Фуқаролик жамияти тушунчасининг либерал талқини, юқорида айтиб ўтганимиздек, Томас Гоббс ва Жон Локк даврида яратилган. Улар “фуқаролик жамияти» тушунчасини кишилик жамиятининг тарихий ривожланиши, инсоннинг

<sup>41</sup>Гоббс Т. Избранные произведения. В 2-х томах. Т.2. М.1956.-С.137.

табий мавжудликдан маърифатли ҳаёт тарзига ўтишини акс эттиришни ифодалайдиган тушунча сифатида илмий муомалага олиб кирди.

Томас Гоббс ижтимоий ҳолатга давлат мавжуд бўлган ҳолда эришиш мумкин деб ҳисоблади. У давлат бўлмаган жойда уруш, қўрқув, қашшоқлик, ёлғизлик, ёввойилик, жаҳолат бўлишини, давлат ҳукм сурган жойда оқилоналик, хавфсизлик, бойлик, тартиб, билим ва олижаноблик ҳукм суришини далиллар билан исботлаб беради.

Томас Гоббс антик давр мутафаккирларига (Платон, Аристотелга) эргашиб, жамият ва давлат тушунчаларини бир-бирига тенглаштиради. У давлат, фуқаролик жамияти ва фуқаровий шахс тушунчалари ўртасига тенглик белгисини қўяди. Бироқ, айти вақтда, у агар давлат фуқаролардан иборат бўлади дейилса, бу ҳар қандай фуқаро ҳам давлат ҳисобланишини англамаслигини қайд этади. Муайян хўжалик, савдо ва тижорат ишларини олиб бориш учун аъзолари ҳамжамият (яъни, давлат) хоҳиш-иродасига тўла бўйсунмаган бирлашмалар, компаниялар, яъни “фуқаровий шахслар” ташкил этилиши мумкин. Айти вақтда, бундай фуқаровий шахслар (ёки ширкатлар) фақат қонунларга бўйсунди. Мазкур мантиқий ҳолатни “фуқаролик жамияти” тушунчасига нисбатан ҳам татбиқ этиш мумкин.

Француз мутафаккири Ж.-Ж.Руссо қарашларининг асосида ижтимоий шартнома назарияси ётган бўлиб, унда инсон, жамият ва давлат муносабатлари атрофлича таҳлил этилади. Руссо ўз даврида рўй берган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларни таҳлил қилар экан, кишилар ўз салоҳиятларини бирлаштирган ҳолда ҳукмрон синфга қарши тура олишлари мумкинлигини, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш мумкинлигига алоҳида урғу беради.

Унинг фикрича, кишилар табиий ҳолатда яшаб қолишларига қарши таъсир кучли бўлганлиги туфайли улар ўз ҳаёт тарзларини ўзгартиришга мажбурдирлар. Улар янги кучни вужудга келтира олмас экан, фақатгина мавжуд кучни бирлаштириш ва йўналтириш билан ўзларини сақлаб қолиш, бошқалар билан бирлашган ҳолда умумманфаат йўлида ҳаракат қилиши мумкин бўлган кучлар бирлигини ҳосил қилишлари мумкин.

Айти вақтда, Руссо бундай бирлашган кучни ҳосил қилиш учун ўз фойдасидан жамоа манфаати йўлида воз кечган инсоннинг энг асосий бойлиги бўлган эркинликни қандай сақлаб қолиши ҳақида ҳам бош қотиради. Бунга жавоб топар экан, “уюшманинг шундай шаклини топиш керакки, унда мужассаам бўлган қудрат уюшма аъзоларининг шахси ва мулкани ҳимоялаши ва асраши, шу туфайли барча билан бирлашган ҳар бир киши кўпчиликка бўйсунди ва айти вақтда, илгаригидек эркин бўлиб қолаверади. Ижтимоий шартнома бажарадиган асосий вазифа ана шудир”, дея ўз фикрини яқунлайди<sup>42</sup>.

<sup>42</sup>Руссо Ж.Ж. Об общественном договоре. Трактаты / Пер. с фр. -М.:“КАНОН-пресс”,“Кучково поле”, 1998.-С.39.

Руссонинг ғоялари ижтимоий шартнома натижасида ижтимоий бирлик қай тарзда шаклланишига қаратилди. “Агар ҳар биримиз ўз шахсиятимиз ва бор кучимизни умумжамоа ва унинг олий иродасига топширар эканмиз, натижада барчамиз учун ҳар биримиз ягона бутунликнинг ажралмас қисмига айланамиз”<sup>43</sup>.

Фуқаролик жамиятини чуқур талқин этган машҳур олимлардан бири Ш.Л. де Монтескьедир (1689-1755 йй.). Унинг асосий ғояларидан бири -ҳокимиятнинг учга бўлиниши принциpidир. У ўзининг “Қонунлар руҳи” номли асарида давлатни фуқаролик жамияти шароитида фуқароларнинг ўзаро адоватларини бартараф этишга қаратилган жамаотчилик келишувининг натижаси сифатида кўриб чиқади. У ушбу икки тушунчага аниқлик киритади ва уларнинг ҳар иккисининг ўзига хос қонунлари (фуқаролик ва давлат) бўлиб, ўзининг таъсир доирасига эгадир. Демак, фуқаролик жамияти фуқароларнинг ўзаро муносабатларини бошқарса (шу билан бирга хусусий мулкка эгалик қилишни), давлат эса инсонларнинг сиёсий ҳуқуқлари ва эркинлигини таъминлайди. Бу борада у ўзининг юқорида қайд этилган асарида қуйидагиларни ёзади: “Фуқаро учун эркинлик ўз хавфсизлиги борасида ишончга асосланган руҳий хотиржамликдир. Бундай хотиржамликка эришиш учун шундай бошқарув бўлиши керакки, бу ҳолатда бир фуқаро бошқа фуқародан кўрқмасин”<sup>44</sup>. Фуқаролик жамияти шароитида қонунларнинг ҳаётда амал қилишига урғу берган олим “мен бирор мамлакатга борсам, у ерда яхши қонунлар мавжудлиги билан эмас, балки қонунларга қандай итоат этилаётганлиги билан қизиқаман...”, деб ёзган эди<sup>45</sup>.

Давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги муносабатлар шартнома асосига қурилади. Ўз моҳиятига кўра бу муносабатлар тараққий топган, негаки, давлат ва фуқаролик жамияти биргаликда, индивидларнинг ҳаёт-фаолиятини таъминлаш ва инсоннинг асосий эҳтиёжларини қондириш учун шарт-шароит яратади. Давлат инсонларнинг асосий ҳуқуқларини ҳимоялайди, ҳокимият ёрдамида табиий душманликни чегаралайди, ўз яқинлари ва қондошлари ҳаётига нисбатан бўладиган таҳдидларни, ўз моддий бойлигидан хавотирликни бартараф этади; фуқаролик жамияти бўлса ҳокимиятни жиловлаб туради.

Фуқаролик жамияти тўғрисидаги А.Фергюссоннинг қарашлари ҳам жуда муҳимлиги билан ажралиб туради. Кўпчилик олимлар фикрича, “фуқаролик жамияти” тушунчасини дастлаб А.Фергюссон қўллаган. Унга кўра “шахсларнинг бахти фуқаролик жамиятининг асосий мақсадидир: аъзоларининг ҳар бири бахтсиз бўлган жамият қандай фаровонликка эриша олади?”<sup>46</sup>. Жамиятнинг бахтини диний нуқтаи назардан талқин этишда унинг диний таҳсил олганлиги таъсир қилган бўлиши мумкин. Унинг фуқаролик жамияти борасидаги асосий қарашлари 1767

<sup>43</sup>Руссо Ж.Ж. Ўша асар. –Б.40.

<sup>44</sup>Руссо Ж.Ж. Ўша асар. –Б.40.

<sup>45</sup>Монтескье Ш.Л. Избранные произведения. О законах, в их отношении к различным существам. -М.,1955. -С.122.

<sup>46</sup>Фергюсон А. Опыт истории гражданского общества / Пер. с англ. Под ред. М.А.Абрамова. -М.,2000. -С.107.

йилда ёзилган “Фуқаролик жамиятининг тарихий тажрибаси” деб номланган асарида мужассамлашган бўлиб, унда ўша вақтда шаклланган жамият - яъни тижорий муносабатларга асосланган жамият ахлоқий нуқтаи назардан танқид қилинди<sup>47</sup>.

Фергюссон фикрича, инсоннинг жамоа бўлиб яшашга бўлган азалий мойиллиги унинг қўпол ёки содда ҳолатдан чиқиб, тамаддуний ривожланганлигини намоён этади. Айни вақтда, бу тараққиёт инсоннинг ахлоқий хусусиятлари такомилга мос келмайди, бу ерда ижтимоий жараёнда ўзига хос тарзда орқага чекиниш кузатилади. Тамаддуний жараён ижтимоий муносабатлар ва институтларни қолиплаштириш, миллатларнинг бойлигини кўпайтириш билан одамларни жамиятдан ажралишига имкон яратади, улар фуқаролик ҳиссини йўқотишади. Бундай тескари ҳаракат коррупцияга олиб келади.

Фергюссон ўз таълимотида инсоннинг ахлоқий қарашларини биринчи ўринга олиб чиқади. У Ж.-Ж.Руссонинг табиий ҳолат борасидаги фикрларига қарши чиқар экан, инсоннинг жамият ичида туғилиши ва жамият ичида қолиши тўғрисидаги Ш.Монтескье фикрига тўлиқ қўшилади. У инсондаги худбинликни қоралар экан, ўта худбин инсон ижтимоий фаолият юритиши мумкин эмаслигини таъкидлайди.

Оммавий фаолият юритиш инсонга хос бўлган энг улуғ хусусият бўлиб, инсоният бахти энг улуғ мақсад, жамият ичида яшаш қобилияти энг улуғ қобилиятдир. Фергюссонга кўра инсон фаолиятининг икки тури мавжуд: эгоистик (худбинлик) ва ижтимоий. Биринчиси ёпиқлик, рақобат ва душманлик ҳиссига яқин бўлса, иккинчиси жамият ичида яшаш, инсонларни бирлаштиришга хизмат қилади.

Инсон жамият аъзоси сифатида бир бутунликнинг қисми бўлиб, аслида у ўзига тегишли эмас. У жамият фаровонлиги йўлига тўсқинлик қиладиган ҳар қандай эркинлик ва бахтдан воз кечиши керак<sup>18</sup>. Кўриниб турганидек, А.Фергюссон фуқаролик жамиятига эришишда жамиятнинг тараққий топганлиги эмас, балки инсоннинг ахлоқий тарбияси муҳим ўрин тутишига эътибор қаратмоқда.

Фуқаролик жамиятини таҳлил қилишга нисбатан бошқа бир ёндашувни Г.Гегель (1770-1831 й.й.) таклиф этгантэди. У фуқаролик жамиятига ўз кундалик эҳтиёжларини меҳнат ёрдамида қондирувчи индивидлар мажмуи деб қарайди. Унинг фикрига кўра, фуқаролик жамиятининг негизини хусусий мулк ташкил этади. Г.Гегель фикрича, тарихий жараёни ҳаракатлантирувчи куч сифатида фуқаролик жамияти эмас, балки давлат намоён бўлади, у барча фазилатларни ўзида мужассамлаштиради, инсон шахси, умумий сиёсий, моддий ва маънавий асосларнинг жамулжам ифодаси ҳисобланади. Давлат инсонни ҳар хил

<sup>47</sup>Фергюссон А. Опыт истории гражданского общества / Пер. с англ. И.И.Мюрберг. Под ред. М.А.Абрамова. -М.: РОССПЕН, 2000.-С.4-10.

тасодифлардан химоя қилади, адолатни таъминлайди, умумий манфаатларни рўёбга чиқаради.

Давлат, оила, қабила, миллат, диний ва бошқа бирликлардан фарқланувчи “фуқаролик жамияти” категорияси XVIII-XIX асрларда тадқиқот предметига айланди. Г.Гегель ўзининг “Хуқуқ фалсафаси” асарида фуқаролик жамияти тушунчасини атрофлича ўрганди ва унга шахсларнинг эҳтиёжи ва меҳнат тақсимоли тизими, адлия (хуқуқий муассасалар ва хуқуқий тартибот), ташқи тартиб (полиция ва корпорациялар) орқали алоқалари (муносабатларга киришиши) сифатида таъриф берди<sup>48</sup>. Ўша давр жамияти ва давлатига нисбатан Г.Гегелнинг қарашлари эскирганлигига қарамай, унинг фуқаролик жамиятининг давлатга нисбатан мустақил бўлган шахсий манфаатлар жабуҳаси, ижтимоий тузум, меҳнат тақсимоли ва мулк шаклларига боғлиқ эканлиги ҳақидаги фикрлари ижтимоий фанларнинг ривожланиш йўлида ташланган муҳим қадам бўлди.

Г.Гегель фикрича, фуқаролик жамияти – бу, аввало, хусусий мулкка асосланган эҳтиёжлар тизими, шунингдек, дин, оила, табақалар, давлат қурилиши, хуқуқ, ахлоқ, бурч, маданият, маориф, қонунлар ва улардан келиб чиқувчи субъектларнинг ўзаро юридик алоқаларидир. Табиий, “номаданий” ҳолатдан “одамлар фуқаролик жамиятига киришлари лозим, чунки фақат шу жамиятда хуқуқий муносабатлар ҳақиқий хусусият касб этади”.<sup>49</sup> Айни вақтда Гегель бундай жамият фақат “ҳозирги дунёда” мавжуд бўлиши мумкинлигини қайд этади. Бошқача айтганда, фуқаролик жамияти ёввойилик, қолоқлик, маърифатсизликка қарши қўйилади.

Г.Гегель фуқаролик жамияти оиладан бошланиб то давлатга қадар диалектик ҳаракатланувчи алоҳида босқич - узоқ тарихий давр давомида ўрта асрдан то янги давргача трансформациялашиб келган тушунчадир. У фуқаролик жамияти ва давлатни аралаштириб юборувчи ўша даврда ҳукмрон бўлган табиий хуқуқ назариясини танқид қилади. Унинг фикрича, ижтимоийлик хусусиятига асосланувчи фуқаролик жамияти, оиланинг ахлоқий ва давлатнинг оммавий ҳаётдан мутлақо фарқланади. У адолатли қонунлар ва одил судларни фуқаролик жамиятининг таркибий қисмлари, деб ҳисоблайди.

Фуқаролик жамиятини ўз меҳнати билан кундалик эҳтиёжларини қондирадиган индивидларнинг мажмуаси сифатида тасаввур этган Гегелнинг ёндашуви ўзгача бир анъанани намоён этди. Унга кўра хусусий мулк фуқаролик жамиятининг негизини ташкил этади. Кишилар, аввало хусусий манфаатларга асосланган ҳолда ҳаракат қилади, аммо улар бир-бирлари билан боғлиқ бўлганликлари туфайли улар ўртасида ижтимоий алоқа ўрнатилади. Фуқаролик жамияти хусусий мулкка асосланган ижтимоий тузилма сифатида бозор

<sup>48</sup>Қаранг: Гегель Г.В.Ф. Философия права. – М.: Мысль, 1990.–С.227.

<sup>49</sup> Гегель Г. Работы разных лет. Том 2.-М.:1973.–С.50.

муносабатлари тизимини, оила ва давлат орасида жойлашган жамиятнинг ҳаётийлигини, фуқаролик ҳуқуқларини таъминлайдиган оралик шаклини ифода этади<sup>50</sup>.

Г.Гегель фуқаролик жамиятига таъриф берар экан, унда хусусий мулкнинг бирламчилигига алоҳида урғу беради. Унга кўра, аввало, хусусий мулкчиликка асосланган эҳтиёжлар тизими, шунингдек, дин, ижтимоий қатламлар, оила, ахлоқ, бурч, маданият, таълим, қонунлар фуқаролик жамиятини ташкил этади<sup>15</sup>.

Асли ирландиялик бўлган инглиз мутафаккири, давлат арбоби Эдмунд Бёрк (1729-1797 йй.) консерватизм мафкурасининг ҳақиқий асосчиси ҳисобланади. Бёркнинг сиёсий рисоласи - “Француз инқилоби ҳақида ўйлар” (1790 йилда ёзилган) асари консерватизм мафкурасининг моҳияти ва ўзига хослигини очиқ берди.

Бёркнинг фикрича, жамиятнинг меъёрдагидек фаолият олиб боришида анъаналар, ахлоқ ҳамда одатлар, дид ва инсонлар эҳтиёжларининг тарихий ривожланиш жараёнида ўзгариб боради. Унинг фикрича, жамиятда мавжуд муносабатлар умуман бошқа йўл билан ўрнатилади: оила қуриш, қариндошлик муносабатлари, бирор миллатга мансублик орқали амалга оширилади. Бёрк тарихийлик асосида фаолият юритадиган сиёсий институтлар легитимликни таъминлашлари мумкин, у ёки бу институтнинг узоқ мавжуд бўлиши халқнинг характери ва эътиқодига мос келишига боғлиқ бўлиб, айнан шу нарса фуқаролик жамияти учун ҳам зарур, деб ёзган эди.

Фуқаролик жамияти ривожини аждодлар анъаналарига боғлиқ бўлиб, агар у тарихий доирадан чиқиб кетса, у бутун ижтимоий организмнинг ҳалокатига олиб келади. Ўтмишни асраш - келажак авлоднинг ахлоқий бурчидир. Бёркга кўра сиёсий тизим ва жамият фаолияти бир бутунлик ҳолида барқарор ва доимий ҳаракатда бўлиши керак. Ушбу ҳолат тадрижий жараёнларга ҳамоҳанг равишда давлатнинг сиёсий ҳамда ижтимоий институтларини халқнинг характери ва ахлоқига мослашишини англатади. Э.Бёрк сиёсатда тарихнинг ролини ўрганишга асосий диққатини қаратди. Унга кўра, тарих сиёсатни белгилашда асосий манба ҳисобланди. Оила, жамоа ва черков каби ижтимоий институтлар тарихий қадр-қимматга эгадир. Маърифатпарварлик даврида бир қатор маҳаллий анъаналарнинг унутилиши рўй берди. Шунинг учун Бёрк ўз даврининг ижтимоий-сиёсий қарашларини анъаналар ва тарихий амалиётга қаратишга ҳаракат қилди.

Э.Бёрк кўплаб ижтимоий-сиёсий ҳодисалар, инсон табиати, фуқаролик жамияти ва сиёсий ҳокимиятга нисбатан янгича ёндашувларга асос солди. Халқларнинг тақдирини тарихий анъаналар билан боғлиқ эканлигини асослаб берди.

---

<sup>50</sup>Гегель ГВ.Ф. Философия права.-М.Мысль,1990.-С.228.

Давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги ўзаро муносабатлар жамиятнинг комиллигига боғлиқ: агар фуқаролик жамияти содда ва тарқоқ бўлса, давлат унинг “ташқи кўриниши”ни ифода этади, холос. Жамият жоҳил бўлса, давлат фуқаролик жамиятини барбод этган ҳолда ўз ҳокимиятини мутлақлаштириш йўлидан бориши мумкин. Ғарб тажрибасидан маълум бўлишича, комилликка етган фуқаролик жамияти шароитида давлат жамият билан ўз муносабатларини мувозанатлашга мажбур бўлади.

Давлат инсонни турли тасодифлардан химоялаган ҳолда адолатни таъминлайди ва умумий манфаатларни амалга оширади. Фуқаролик жамияти ва шахс давлатга бўйсундирилган. Зеро, айнан давлат алоҳида гуруҳлар ва индивидлар ҳаётига мазмун бағишлаган ҳолда уларни бир бутунликка жамлайди. Айни вақтда, кенг қамровли давлатнинг мавжудлиги хавfli бўлиб, у фуқаролик жамиятини “ютиб” юборган ҳолда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашга интирмайди.

Фуқаролик жамиятини концептуал тушунишга Иммануил Кант (1724–1804 й.й.) ҳам қатга ҳисса қўшди. Кант фуқаролик жамиятини бутун инсоният уйи, деб билди. Бу жамиятда ҳар бир инсон ҳатти-ҳаракати олий ахлоқий қонун – қатъий императив билан белгиланади. Унинг фикрича, фуқаролик жамияти мавжуд қонунлар доирасида ҳеч ким томонидан чекланмайдиган интилиш, тамойилларининг эркинлик билан уйғунлиги, бошқача айтганда, фуқароларга мос бўлган жамиятдир.

Ижтимоий ҳаётга оид турли соҳаларнинг вужудга келиши индивид фаолиятининг ранг-баранглашуви ва ижтимоий муносабатларнинг мураккаблашуви жараёнини ифода этади. Ижтимоий алоқаларнинг турличалиги ҳокимиятга тобе бўлмаган ва бошқа индивидлар билан онгли равишда, оқилна муносабатлар ўрнатишга қодир фуқаролик онгига эга бўлган мустақил шахснинг шаклланиши натижаси ҳисобланади.

Кантнинг фикрича, мутлақ монархия фуқаролик жамияти билан умуман мутаносиб бўла олмайди ва у фуқароларнинг эркин бошқаруви шаклига мос келмайди. Бундан ташқари, у хусусий мулк мустақил индивиднинг намоён бўлиши жараёни негизида ётишини, айнан хусусий мулк инсон сиёсий мустақиллиги ва эркинлигининг иқтисодий асоси эканлигини уқтиради<sup>51</sup>.

Эммануил Кант ўзининг “Бутунжаҳон фуқароликда умумий тарих ғояси” асарида фуқаролик жамияти сифатида давлат тузилишини бутун инсоният онгига қандай қилиб сингдириш мумкин, деган муаммоларни қўяди. Бунинг мақсадга мувофиқлигини табиатнинг ўзи тақозо этади. Чунки, айнан шундай жамиятда унинг фуқароларига буюк эркинлик берилади ва бунда зиддиятлар ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Ҳар қалай, эркинликни аниқ таърифлаш ва уни бошқаларники

<sup>51</sup>Мухаев Р.Т. Политология.-М.: Проспект, 2010.-С.240 с.

билан ўзаро мутаносиблигини таъминлаш, инсониятнинг барча сир-синоатини очиб бериш табиатнинг энг олий мақсадидир<sup>14</sup>.

Ижтимоий фанларда узоқ вақтлардан бери давлат ва фуқаролик жамияти бир-биридан ажратилмасдан, яхлит ёки синоним тарзида қўлланилиб келинди. Бироқ, жамиятдаги турли соҳалар бир-биридан ажралиб, давлатнинг қаттиқ назоратидан озод бўла бошлади, ўз ҳуқуқ ва эркинликларига эга бўлган мустақил шахс алоҳида аҳамият касб эта бошлаган давр - яъни XVII асрга келиб тарихий тараққиётдаги икки тамойилни мувозанатлаштириш долзарб аҳамиятга эга бўлди. Бир тарафдан, шахснинг мустақиллик ва эркинликка интилиши, натижада ижтимоий тараққиётда тартибсизлик ва ихтиёрий жараёнларнинг кучайиши ижтимоий фанларда фуқаролик жамияти тушунчасини ифода этган бўлса, иккинчи тарафдан ижтимоий муносабатларда мунтазам мураккаблашиб борувчи тартибсизликлар, низоларни бартараф этиш ва тартибга солиш, бутунликни сақлаш давлат тушунчасини ифода этди. Давлат ва фуқаролик жамияти кўпгина ҳолларда бир-бирига қэрама қарши қўйилди. Шунингдек, ижтимоий фанлардаги талқинга биноан, фуқаролик жамияти ҳокимиятга алоқадор бўлмаган алоқалар ва тузилмаларнинг кўп поғонали ва мураккаб тизими, деган қарашлар ҳам шаклланди.

XX асрга келиб жамият тизимидаги ўзгаришлар – эркин бозор иқтисодиёти, парламентар демократия ва ҳуқуқий давлат, ижтимоий ва сиёсий соҳалар ўртасидаги бўлиниш жараёнлари фуқаролик жамиятини тушунишда янги ёндошув ва концепцияларининг пайдо бўлишига олиб келди.

### **Формацион ёндашув**

Фуқаролик жамияти тушунчаси капиталистик тизимга боғланади ва кенг (яъни жамиятнинг шакли сифатида) ва тор (яъни иқтисодий ва сиёсий муносабатлар ўратсидаги шаклланадиган муаян ижтимоий ташкилотлар мажмуаси сифатида) маъноларда

### **Цивилизацион ёндашув**

Фуқаролик жамиятини цивилизация тарраққиёти контекстида кўриб чиқади. Унинг назарий асосларини О.Шпенглер, А.Тойнби ва П.Сорокин асарларида яратилган. Уларга қараганда, фуқаролик жамияти бошқа ижтимоий шакллардан аввало юксак цивилизация даражаси билан ажралиб туради. Унинг асосий меъзони сифатида эса инсогн, унинг эркинлиги, ривожланиш ва ижодийлик

### **Модернизациявий ёндашув**

Модернизация концепцияларида (А. Турен, Ю. Хабермас, Э. Гидденс, З. Бауман ва б.) фуқаролик жамияти аъанавий жамият урнини эгаллаган ёки замонавий жамиятга хос бўлган белгиларни шакллантирадиган жамияти тушунилади.



тушунилади.

имкониятлари, шунингдек  
бошқа инсонлар билан  
тинчлик в тотувликда яшаш  
қобилиятлари тан олинади

XX аср бошларидан фуқаролик жамияти соҳасида амалга оширилган тадқиқотлар “фуқаролик жамияти” категориясини функционал тавсифларини тушуниш мураккаблашди. Бунинг сабаби фуқаролик жамияти тушунчасини тадқиқ этишда фуқароларнинг ижтимоий ҳаётида долзарб талабларини акс эттирувчи янги мезонларнинг киритилганлигида бўлди. Шу тариқа, фуқаролик жамияти ҳақидаги тасаввурлар ривожини тизимлаштириш қуйидаги шаклларда юз берди: биринчидан, уларнинг ижтимоий-фалсафий асослари таснифлари билан, иккинчидан, мафкуравий асосларнинг хусусиятларига кўра, учинчидан, фуқаролик жамиятининг соф илмий концепцияларини аниқлаш билан белгиланди.

Бироқ, фуқаролик жамияти модели дастлабки таянч ижтимоий-фалсафий назариялар ва концепцияларини икки гуруҳга бўлиш русумга кирди:

- формацион ва цивилизацион ёндашувлар;
- модернизация ва постмодернизм концепцияси.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда фуқаролик жамиятининг қуйидаги ғоявий-фалсафий доктриналари ишлаб чиқилди:

- “бюрократик давлат социализми доктринаси”;
- “авторитар давлат капитализми доктринаси”;
- “демократик социализм доктринаси”;
- либерал-демократик (“бозор демократияси”).

Бюрократик давлат социализми учун фуқаролик жамияти – бу буржуа, капиталистик жамият, у хусусий мулкка ва ёлланма меҳнатга асосланади. Бюрократик-давлат социализми тарафдорлари фуқаролик жамиятини ижтимоий нотенглик ва жамиятда кучайиб бораётган кескинлик сабаби, деб билади.

Авторитар-давлат капитализми фуқаролик жамиятини хусусий бизнес, оилавий-қариндошлик ва бошқа нодавлат муносабатлар соҳаси бўлиб, у ўзида капиталистик давлатнинг ижтимоий-иқтисодий базасини мужассам қилади, деб ҳисоблайди.

Демократик социализм концепцияси тарафдорларига кўра фуқаролик жамияти – бу ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва институтлар мажмуи, у демократик давлат билан бирга ижтимоий (иқтисодий, сиёсий ва ҳоказо) демократия асосини ташкил қилади.

“Бозор демократияси” назариётчилари фуқаролик жамиятини бозор демократияси жамиятига ўхшаш инсоний бирлик деб билади. Улар фикрича, фуқаролик жамияти иқтисодий жамият бўлиб, иқтисодий ҳаётни бошқариш


имкониятларида чекланган ва улар ижтимоий бирлашмалар ва ҳаракатлар томонидан назорат қилинади.

Шундай қилиб, фуқаролик жамияти ғоясининг қайта жонланишида жамиятни давлатлаштиришга, жамият ҳаётида давлат роли ва таъсирининг фавқулодда ўсишига қарши қарашлар ҳам шаклланди. Ч.Тэйлор, Э.Арато, Р.Дворкин ва бошқа тадқиқотчилардан иборат бўлган ўзига хос норматив дискурс ҳам шаклланди<sup>52</sup>. Шунингдек, жамиятнинг нодавлат соҳасининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва ўз-ўзини ташкиллаштиришнинг аҳамияти боғлиқ бўлган муҳим қуйидаги концепциялар ҳам шаклланди:

- либерал анъана концепцияси;
- американча коммунитаризм концепцияси;
- европача неоконсерватизм концепцияси;
- пост-марксча концепция.

Фуқаролик жамиятининг либерал анъана ғояси умуман олганда янгилик эмас. Фуқаролик жамияти ҳақидаги дастлабки тасаввурлар мумтоз инглиз либерализми давридаёқ ишлаб чиқилган эди.

Фуқаролик жамияти концепциясининг америкача маданий ва тарихий ўзгаида “республикачилик” ғояси ётади. У XX асрдаги ўзини ўзи бошқариш ва ўзини ўзи ижтимоий уюштиришга асосланган тенг ҳуқуқли фуқаролар томонидан ташкил этилган америка коммуналари, яъни локал бирлашмаларининг уйғун ва фаолликдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёти ҳақидаги тасаввурларга асосланди.



<sup>52</sup> Гончаров Д. Нормативная дискуссия о гражданском обществе: основные направления. Москва. 2010. С. 86

Мазкур коммуналар ўзини ўзи уюштириши ўзига хос фуқаролик жамияти тури сифатида қўллаб-қувватланган. Бу ҳақда батафсил ахборотлар А. де Токвил асарларида келтирилган. Бунда демократик маданият коммунал ўзаро ҳамкорлик ва шерикчилик, шунингдек христиан ахлоқ кадриятларининг юқори даражада намоён бўлиши билан бошқалардан фарқланади. Шу билан бирга, бу коммуитаристик лойиҳаларга биноан жамоавий кадриятлар индивидуал кадриятлардан устун бўлиб, индивидлар ўзаро ишонч ва ҳамкорлик муҳитида ўз қизиқишларини уюшма қизиқишларига бўйсундиришга тайёр туради<sup>53</sup>.

Турли манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, мумтоз марксизм замонавий дискурсниг алоҳида концептуал йўналиши сифатида фуқаролик жамиятини келиб чиқишини, жамиятнинг феодал-аристократик ва патерналистик тизими ўрнига коммерция капитализми давридаги иқтисодий партикуляризм билан боғлайди. Бироқ, Маркс унда индивидуал эркинлик ва автономияни эмас, синфий жамиятда объектив мавжуд бўлган нотенгликни, эрксизлик ва ижтимоий-иқтисодий бегоналашувни беркитиб турувчи никоьбни, яъни, унинг ташқи шаклини кўрган, холос<sup>54</sup>.


Кейинроқ постмарксистик лойиҳа доирасидаги назариётчилар, фуқаролик жамияти ғоясини қайтадан кўриб чиқишга уринди. Шу тариқа, постмарксистик тушунишга биноан, у қуйидагича асосланади: фуқаролик жамияти “охирги вақтларда пайдо бўлаётган, жамиятнинг эркин эҳтиёрий ассоциациялари, шунингдек, ҳуқуқий ва оммавий институтлари доирасида юзага келган жамоавийликнинг номумтоз шакллари, нафақат давлат тизими доирасидан, балки капиталистик бозор иқтисодиёти чегарасидан ҳам чиқиб кетаётган ижтимоий бирликлар”дир<sup>55</sup>. Бу каби қараш марказида, биринчидан, давлат-бюрократик машинасининг “умумий манфаатлар давлати” шароитида, таъсир доирасининг кенгайиб бориши, иккинчидан, трансмиллий корпорациялар ва глобаллашув даврининг марказлашган иқтисодиётини жамиятга хавф туғдириши ғояси туради.

Фуқаролик жамиятининг замонавий концепцияларини таҳлил этиш шуни кўрсатадики, уларда мазкур феноменнинг онтологик ва гносеологик жиҳатларига нисбатан ижтимоий қарашларнинг хилма-хиллигини кўрамиз. Шунини таъкидлаш ўринлики, фуқаролик жамиятининг замонавий концепциялари ижтимоий муаммолар таҳлилининг тизимли мезонларини ишлаб чиққанлиги ва илмий ҳамжамият олдига муҳим ва зарурий концептуал ва амалий ечимларни талаб қилаётган янги масалаларни кўндаланг қилиб қўйганлиги муҳим аҳамият касб этади. XX аср нафақат техник тараққиёт, балки тизимли фикрлашнинг шаклланиши ва ҳукмронлиги даври бўлганлигини ҳам назардан қочирмаслик лозим.

<sup>53</sup> Walzer M. Concept of Civil Society – Walzer M., ed. Toward a Global Civil Society. Providence RI: Berghahn Books 1995.-P.122.

<sup>54</sup> Baker G. Civil Society and Democratic Theory: Alternative Voices. 2002.-P.91.

<sup>55</sup> Arato A. Civil Society Against the State: Poland, 1980-81.–Telos, 1981.-P.47.



Айнан шу даврдан бошлаб фуқаролик жамияти ижтимоий борлиқнинг тизимли таҳлили объекти сифатида ўрганила бошланади. Бу албатта, бугун олимлар ва файласуфларга замонавий ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларни нафақат моделлаштириш имкониятини беради, балки, уларнинг истқболи ҳақида аниқ тасаввурларни шакллантиради. Ҳозирги даврга келиб ҳам фуқаролик жамиятини ўрганиш масалаларида қатор муаммолар ўз ечимни топгани йўқ: фуқаролик жамиятининг давлат ва жамият дихотомияси ёки ўзаро шериклигининг чегараси, фуқаролик жамияти институтларининг индивид шахсий ҳаётига даҳл қилиши чегараси қаерда, фуқаролик жамиятини тушунишнинг таянч асослари, фуқаролик жамиятини тушунишнинг универсал ёндашувлари ҳали такомиллашмаганлиги кабиларни келтириш мумкин.

Шу билан бирга, фуқаролик жамияти ҳақидаги ғоялар ва тасаввурлар генезиси мазкур феноменни антик ва ўрта асрларда – давлат манфаатлари, ва албатта, турли хусусий манфаатлар устуворлиги остида талқик этилганлигидан далолат беради. Антик ва ўрта асрлар олимлари ижодида давлат институти жамиятдаги ижтимоий муносабатларни бошқариб турган бош институт саналган. Мазкур жиҳат инсоният ривожининг дастлабки босқичида, давлат ва жамият ўзаро ҳамкорлиги ва дихотомияси борасидаги концепциялар йўқлигининг асосий сабаби ҳисобланади.

Фуқаролик жамияти концептуал дискурсининг антик парадигмаси – бу фуқаронинг ижтимоий бошқарув соҳасидаги роли ва ўрнини аниқлашдан иборат бўлди. Агар улардан баъзилари, фуқаролар давлатдан муайян даражада автономдир (Аристотель) деган ғояни илгари сурган бўлса, бошқалари давлат бошлиқларини фуқаро ва жамият ҳаётини мувофиқлаштиришга қилишга даъват этган (Платон). Уларнинг ҳар бири имкони борича идеал давлат қурилмасини ишлаб чиқишга ҳаракат қилди. Айнан шу жиҳат фуқаролик жамиятига доир кейинги концептуал ишланмаларини турли талқинлари ва ёндашувларни келтириб чиқарди.

Ўрта аср мутафаккирларининг антик давр олимларидан фарқи шундаки, улар ижтимоий муносабатларни давлат ва жамият муносабатлари, шунингдек илоҳий тавсифга эга, деган қарашлар нуқтаи назаридан талқин этади. Антик фалсафа эса ижтимоий муносабатларни турли рангларда кўриб чиқади, шу нуқтаи назардан фуқаролик жамиятининг диний парадигмаси ўрта асрларда шакллана бошлаган дейишга асос беради.

Шарқ мутафаккирларининг фуқаролик жамиятини концептуал тушунишидаги ўзига хос жиҳатлар - уларнинг мазкур феноменга оид талқинлари инсоний фазилат, маърифат ва ўзаро масъулият тушунчалари орқали амалга оширилганлигидадир. Бунда ижтимоий-фалсафий фикр ўз диққатини давлат бошқарувчилари ва жамият аъзолари ўртасидаги муносабатларнинг ахлоқий-эстетик жиҳатларига қаратди.

Янги даврда жамиятдаги давлат роли масаласини янгича англаш бошланади: агар антик давр ва ўрта асрларда ижтимоий-фалсафий фикр давлат устуворлигига қаратилган бўлса, бу даврга келиб, мазкур нисбатда инсон (фуқаро) феномени, ўз ҳуқуқлари, эҳтиёжи ва манфаатлари билан биргаликда устувор аҳамият касб эта бошлади. Давлат фақат мана шу манфаатларни мавжуд бўлган қонуний тизим доирасида амалга оширилишини таъминловчи институт сифатида гавдалана бошланди.

Янги давр ижтимоий-фалсафий тафаккурининг асосий ютуғи - бу давлат ва жамият тушунчаларини бир-биридан ажратганлигида, унинг натижасида фуқаролик жамиятини тушунишда классик парадигманинг шаклланишига асос бўлганлигида кўринди. Бу ўз навбатида, “давлат – фуқаролик жамият” дихотомияси кузатиладиган концепцияларнинг шаклланишига олиб келди. Дастлаб янги давр мутафаккирлари давлат ва жамият манфаатларини турлича бўлишига ўз диққат-эътиборини қаратди. Бунда давлат қонун устуворлигига таянса, жамият эса хусусий мулкка таяниши ғояси илгари сурилди. Фуқаролик жамияти ҳақидаги концептуал дискурснинг асосий муаммолари сифатида давлатнинг роли ва давлат ҳамда жамият ўзаро муносабатларининг мезонлари қандай (ахлоқий идеал ва амалдаги сиёсат нисбати мезонлари) бўлади? деган савол пайдо бўлди.

Фуқаролик жамияти феноменининг концептуал жиҳатдан қайта тушунишда кузатилган жиддий ўзгаришлар юз берганига қарамай, илмий нуқтаи назарларни ўрганиш асосида янги давр мутафаккирларининг қарашлари ғоявий асослардан маҳрум эмаслиги аниқланди. Бу ҳолат эса ўз навбатида, фуқаролик жамияти мазмун ва моҳиятини тушунишда субъективизмнинг кучайишига олиб келди. Бу жараёндаги яна бир камчилик сифатида давлат ва жамият ўртасидаги чегараларнинг ханузгача аниқ тарзда белгиланмаганлиги масаласини ҳал этилмаганлиги бўлиб, бу масалани ҳал этилмаганлиги бу соҳада илмий тадқиқот ишларини самарали бўлишига маълум даражада тўсқинлик қилади.

Фуқаролик жамиятини ўрганишда замонавий ижтимоий-фалсафий тафакурнинг муҳим ютуғи - бу соҳани ўрганишинг янги илмий ёндашуви сифатида тизимли парадигманинг шаклланиши ҳисобланади. Ўз навбатида, бу ҳолат фуқаролик жамиятининг меъёрий жиҳатлардан идрок этишдан уни табора трансформациялашиб бораётган фуқаролик жамиятининг замонавий концептуал дискурсининг турли йўналишларини ўрганишда эмпирик таҳлил қилишга устуворлик бериш тамойилларини кучайтирди.

АҚШ олими **Иммануэл Морис Валлерстайн** (1930 й.да туғилган) фикрича, фуқаролик жамиятини шаклланиши учун кучли давлат бўлиши зарур, чунки бу каби давлатнинг қўллаб-қувватлашисиз фуқаролик жамияти ривожлана олмайди. Маълумки, фуқаролик жамияти давлат билан билвосита сиёсий муносабатларга киришиш, давлат томонидан қонунийлашиш асосида фуқароларнинг жамиятдаги кенг иштироки асосида яшайди.

Фуқаролик жамияти инсоний цивилизациянинг энг юқори чўққиси бўлгани ҳолда, у либерал давлатларни шаклланиши учун шарт-шароитлар яратиб берди. Шунингдек, фуқаролик жамияти давлат томонидан яширин ёки ошқора тус оладиган ҳалокатли зўравонликни тўхтатиб қолиш, ёки, пастдан бўладиган хавфли ва синфий ўзбошимчаликларни бостиришнинг омили сифатида ҳам намоён бўлди. Аммо давлат таназзулга юз тутгани сари фуқаролик жамияти муқаррар равишда тарқоқликка юз тутишга мойил бўлиб боради, деб хулоса чиқарган эди И.Валлерстайн<sup>56</sup>.

Келиб чиқиши венгр бўлган иқтисодчи ва файласуф, Сассекс университети профессори (Буюк Британия) **Иштван Мессарош** (1930 йилда туғилган) “Бегоналашишнинг марксизм назарияси” номли китобида фуқаролик жамияти фақат христиан оламида ўзининг мукамал даражасига эришади, деб ёзди. Христианлик дини шароитида фуқаролик жамияти ўзини давлат ҳаётидан мусаво тутди, бунда инсонни худбин сифатида намоён бўлишига шароит туғилади, ва у ёлғизлик ва қарама-қарши кучлар дунёсида кўзга кўринмай кетади. Ж.-Ж.Руссо ва А.Фергюсонни танқид қилган И.Мессарош учун фуқаролик жамияти – бу хусусий мулк таянчи, худбинлик зарурати ва пул устунлиги билан ифодаланадиган қулликнинг замонавий шаклидир.

**Д.Маркуш** (1934 йилда туғилган) социал-либерализм ва ғарб социал-демократияси дунёқарашини қабул қилган, шунингдек бозор иқтисодиёти ва ҳуқуқий давлат принципларини ҳимоя қилди (У “Эҳтиёжлардан устун диктатура” китобини 1983 йилда таниқли олим А.Хеллер билан ҳаммуаллифликда ёзган). У бу китобида Шарқий Европа мамлакатларининг Ғарбий Европа билан яқинлашуви иқтисодий муаммоларни ҳал этишга ёрдам бермайди, балки, улар фуқаролик жамияти концепциясини обрўсизлантиради, ақл-заковат эгалари билан оддий аҳоли

<sup>56</sup> Валлерстайн И. Конец знакомого мира: Социология XXIвека. М.: Логос, 2003. 368-с.

ўртасида тенгсизликни мураккаблаштиради, маънавий кескинликни кучайтиради, ўртада катта тафовутларни юзага келтиради, деб ёзган эди.

Келиб чиқиши немис, АҚШда яшаган файласуф, Франкфурт мактабининг йирик бир вакили **Герберт Маркузе** (1898-1979 йй.) жамоа ва шахс психологиясини ўрганишга эътибор қаратгани ҳолда жамият қандай тарзда шахсни ўзгартириши мумкинлиги тўғрисида тадқиқот олиб боради. У “Бир ўлчамли одам” китобида инсон учун жамият синфийликни юзага келтиради, унда ниқобланган янгича тоталитаризм ҳукм суради, инсонлар бир ёқлама фикрлай бошлайди, оммавий ахборот воситалари ҳар бир шахс онгига ёлғон ва кераксиз ахборотларни тикиштиради, деб ёзади. “Ҳукмронлик ва мувофиқлаштириш тизимини қамраб олган техника тараққиёти, - деб ёзади Г.Маркузе, - зоҳиран тизимга қарши кучларни яраштирадиган, аслида эса истикболда оғир меҳнат ва ҳукмронликдан озод бўлиш йўлидаги ҳар қандай интилишларнинг негизини йўқ қиладиган ҳаёт (ва ҳокимият) шакллари яратади. Айни пайтда, сиёсий ҳокимият машиналаштирилган ишлаб чиқариш ва техникавий қайта ташкил қилиш жараёни устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатиб, ўз мавқени мустаҳкамлаб боради. Ривожланган ва ривожланаётган саноатлашган жамиятдаги ҳукуматлар ўз ўрнини саноатлашган тараққиёт эга бўлган техникавий, илмий ва механик самарадорликни ошириш, ундан фойдаланиш ҳамда сафарбар этиш воситасида сақлаб туриши мумкин”. Унинг фикрича, “капитализмни ривожлантиришнинг юқори босқичида жамият чекланган плюрализм тизимидан иборат бўлиб, ундаги институтлар шахс устидан ҳукмронлик қилишни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шундай бўлса-да, бошқариладиган шахс учун плюралистик маъмуриятчилик жамиятдаги оммавий маъмуриятчиликдан афзалроқдир. Бир институт инсонни бошқасидан ҳимоя қилиши, бир ташкилот иккинчисининг таъсирини юмшатиши мумкин. Қонун ҳокимияти чекланган бўлса-да, қонундан устун ёки уни эътиборга олмайдиган ҳокимиятдан кўра ишончлироқдир...”. “Ҳар қандай ҳолатда, - деб ёзади Г.Маркузе, - марказлашган ҳокимият ва тўғридан-тўғри демократиянинг ўзаро бирлашиши ривожланиш даражасига монанд равишда чексиз жузъий ўзгаришларда ўзини намоён қилиб туради”<sup>57</sup>.

Америкалик социолог ва публицист, ахборот жамияти назарияси асосчиси **Дэниел Белл** учун (1919-2011 йй.) саноатлашувдан кейинги жамиятга ҳокимиятга меритократия<sup>58</sup>, яъни ақл-заковат эгалик қиладиган “профессионаллар” ва “ақл-заковатли кишилар жамияти”дир. “Саноатлашувдан кейинги жамият, - деб ёзади Д.Белл, - вакиллари сиёсий даражада маслаҳатчилар, эксперт ёки технократлардан иборат бўлган интеллектуал синфнинг пайдо бўлишини назарда тутди”.

<sup>57</sup> Маркузе Г. Эрос и цивилизация.-М.,1999.-С.43-47.

<sup>58</sup>Меритократия (“муносиблар ёки лойиқлар ҳокимияти”, лотинча. meritus - муносиб ва юнонча кротос - ҳокимият, бошқариш) – раҳбарлик мансабларини ижтимоий ҳолати ёки келиб чиқиши ёки молиявий аҳволи қандай бўлишидан қатъий назар ақли ва доно одамлар эгаллаши лозим.

Фуқаролик жамияти ичида интеллектуал табақалашув рўй беради. Бундай табақада ақлий меҳнатга нисбатан салоҳияти паст одамлар жамиятнинг энг қуйи поғонасида қолиб кетади. Бундан ташқари, ахборотнинг ниҳоятда устувор аҳамият касб этиши фуқаролик жамияти учун ўзига хос хусусиятга айланади. Д.Беллнинг фикрича, жамиятни ахборот билан таъминлаш сиёсатда иштирок этишга қобил бўлган бошқарув тизими самарадорлигини етарли даражада таъминлайдиган “ваколатли фуқаро” концепциясига мосдир.

Америкалик социолог ва футуролог, саноатлашувдан кейинги жамият концепцияси муаллифларидан бири **Элвин (Олвин) Тоффлер** (1928 йилда тугилган) фикрича, “яқин келажакда ташкил этилиши режалаштирилаётган институтларда диний ва шунга ўхшаш гуруҳлар, глобал корпорациялар, атроф-муҳит ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳаракатлари ва бошқа шаклдаги фуқаролик жамиятлари қай даражада ифодаланади?” деган саволни ўртага ташлайди<sup>59</sup>. Ҳозирги даврда ўзини ичида мустақил давлатни сақлаб қолишга уринаётган жамият оммавий компьютерлаштирилмаслиги даркор. “Фуқаролик жамиятининг фаолият юритиши учун керагидан ортиқ нарсаларни мажбуран қабул қилдиришга ва тузумни абадийлаштиришга қаратилган тартиботлар бемаъниликдан бошқа нарса эмас”, - деб ёзади Э.Тоффлер. Ҳокимият - бу инсонлар ўртасидаги ҳар қандай ўзаро муносабатларнинг муқаррар юз берадиган жиҳатидир, ҳукмдорлар ёки халқнинг одамлар фаолияти, феъл-атвори, онги ва фикрига кескин ҳамда кенг кўламли таъсир кўрсатиш, уларнинг тақдирини бошқариш қобилияти ва имкониятидир. Бизни келажакда ҳокимият учун глобал курашлар кутмоқда, аммо унинг асосини зўравонлик ёки пул эмас, балки замонавий билимлар ташкил қилади.

АҚШ олими **Фрэнсис Фукуяма** фуқаролик жамияти тўғрисида фикр юритиб, қуйидаги фикрни билдиради: “демократик институтлар соғлом фуқаролик жамиятига суянгани каби, фуқаролик жамияти ҳам ўз навбатида, маданий даражада ўз ўтмишдошлари ва шарт-шароитларига эга бўлади”. Замонавий демократик давлатда фуқаролик жамиятининг анъанавий сиёсий ҳамда иқтисодий либерал доктринага хос бўлган тарқоқ шахсияпараст шахсларни тенглаштириши ёки чеклашга қодирлиги унинг аҳамияти ва маданияти даражасини белгилаб беради. Олимнинг фикрича, ҳақиқий кураш айнан фуқаролик жамияти ва маданият даражаси ўртасида рўй беради<sup>60</sup>.

Ҳозирги даврдаги машҳур сиёсатшунос ва файласуфларидан бири **Лари Зидентопнинг** фикрича, (1936 йилда туғилган), маънавий тенгликка доир христиан таълимоти Европада фуқаролик жамиятини яратди. Ислом дини ҳам христианлик сингари универсаллик хусусиятига эгадир. Аммо, Ислом дини фақат Аллоҳга

<sup>59</sup> Тоффлер Э. Метаморфозы власти.-М.:ООО «Издательство АСТ», 2002.-Т.2.-С.566.

<sup>60</sup> Фукуяма Ф. Конец истории и последний человек.-М.:Ермак,АСТ,2005.-С.46.



итоат этишда тенгликка эътибор қаратса, христианлик Аллоҳ олдидаги тенг эркинликни тарғиб қилади.

Л.Зидентоп “ҳокимиятнинг нисбий очиклиги, уни деярли ҳеч нарсани ўзгартирмайдиган расмиятчиликка асосланган ўзаро бир-бирини тийиб туриш ва мувозанат тизими”ни танқид қилади. Франция давлат модели нисбатан бошқа мамлакатларга нисбатан осон экспорт қилиниши мумкин, негаки, у камроқ чекловлар билан қарорлар қабул қилишнинг марказлашган механизмини фақат расмийлаштиришга қаратилган. Мазкур моделнинг мазмун-моҳияти – бу ҳокимиятдир”. Л.Зидентопнинг фикрича, бу борада “ҳокимиятни бўлиб-бўлиб жойлаштирадиган, бир-бирини ўзаро тийиб туриш ва мувозанатда фаолият юритиш тизимига эга бўлган мухтор Европа вакиллик демократияси ҳозирги даврда муҳим аҳамиятга молик масалага айланиши лозим”.

Германиялик таниқли социолог ва файласуф, Мюнхен университети ва Лондон иқтисодиёт мактаби профессори, “релексив модернизация” ва “таваккалчилик жамияти” концепцияси муаллифи **Ульрих Бек** (1944 йилда туғилган) ўрта синф билан фуқаролик жамиятининг ўзини ўзи ташкил этишининг ўзаро узвий боғлиқлиги ҳақида сўз юритиб<sup>61</sup> шундай деб ёзади: “Фақат уй-жойи, доимий ишончли иши ва келажаги моддий таъминланадиган одамларгина демократик қадриятларни ўзлаштириш ва демократияга ҳаёт бағишлашга қодир фуқаролар ҳисобланади”<sup>61</sup>.

Замонавий транзитологиянинг (ўтиш даври назарияси) йирик вакили, америкалик иқтисодчи, Гарвард халқаро тараққиёт институти директори, Гарвард Университетининг профессори **Жеффри Сакс** фуқаролик жамиятининг шаклланиши учун асосий сабаблар – бу жуғрофий жойлашув хусусиятлари ёки қандайдир таркибий шароитлар эмас, балки, собиқ СССР парчаланганидан кейин пайдо бўлган қатор давлатлар, хусусан, Россиянинг чуқур тизимли инқирозидир, , дебтаъкидлайди.

Д.Сакс фуқаролик жамиятини шакллантириш учун юқори сифатли таълим, соғлиқни сақлаш ва яхши овқатланишни кўллаб-қувватлаш бўйича кучли ва самарали дастурлар зарурлигини ёқлайди. Унинг фикрича, буларнинг барчаси – дастлаб Скандинавия давлатлари ўзлаштирган “социал демократия” фалсафасининг доҳиёна ғоясини амалга ошириш натижасидир. Бу ғоя ҳам оддий, ҳам кучлидир: барча одамлар яхши яшаш имкониятига эга бўлишга муносибдир ва жамият уларнинг ҳар бирига бу ғояни рўёбга чиқаришга ёрдам бериши лозим. Энг муҳими – жамият оилалар соғлом бўлиши, тўйиб овқатланиши ва ўқимишли болаларни вояга етказиши учун уларга ёрдам бериш керак. Киритилган кўплаб йирик ижтимоий инвестициялар ва бадавлат одамлар бўйин товламасдан тўлайдиган катта ҳажмдаги солиқлар ҳисобидан молиялаштириш

<sup>61</sup> Бек У. Что такое глобализация? -М.:Прогресс-Традиция,2001.-С.115.

АҚШ олими С.Хантингтон “демократлаштириш ғарблаштириш билан зиддиятга киришади”, деб ўз фикрни илгари суриб, у қуйидагиларни ёзади, - демократия, ўз моҳиятига кўра, космополитлашувга<sup>62</sup> эмас, балки маҳаллий манфаатларни ҳимоя қиладиган жараён ҳисобланади. Ғарб оламига мансуб бўлмаган жамиятлардаги сиёсатчилар ғарбона ғояларга хайрихоҳ эканини очиқ намоёиш қилган тақдирда сайловларда ғолиб чиқмайди. Сайловолди пойгалари, одатда, уларни энг оммавий миллий қадриятларга мурожаат қилишга мажбур этади ва бу нарсалар этник, миллий ва диний масалалар билан чамбарчас боғлиқдир.

“Америкалик одам давлат қурилиши муаммолари борасида ўйлаганида, унинг диққат-эътибори бошқарув органлари ва ҳокимиятни мустаҳкамлашга эмас, балки ҳокимиятни чеклаш ва тақсимлашга қаратилади”, деб ёзади С.Хантингтон. АҚШ жамияти бошқарув тизимини ишлаб чиқишга буюртма олган ҳолда, у конституция, ҳуқуқий қонунлар лойиҳалари, ҳокимиятнинг бўлиниши, назорат этиш ва ўзаро мувозанатлар тизими, федерализм, доимий сайловлар, партиялараро курашлар каби - давлат ҳокимиятини чеклашнинг ажойиб воситаларини таклиф қилади. Машҳур инглиз файласуфи Джон Локк билан боғлиқ бўлган локкча сиёсий фалсафага содиқ бу америкалик олим шу қадар давлатга қарши чиқадики, гўёки давлат унинг учун ҳокимиятни чеклаш воситасидир. Ҳокимият ва тузумни имкон қадар даражада мустаҳкамлайдиган сиёсий тизимни ишлаб чиқиш зарур бўлганда С.Хантингтон қарашлари кераксиз сафсатага айланади. У бутун ҳаётида битта қолипдаги қарашга амал қилди: давлат тизими эркин ва адолатли сайловларга асосланиши керак. С.Хантингтон ҳокимият ва фуқаролик жамияти ўртасидаги ўзаро муносабат ҳақида қуйидагиларни ёзади: “Кўшма Штатларда ҳокимият архитекторлари инсон ҳис этиш мумкин бўлган, аммо кўзга кўринмайдиган кучни яратиши лозим. Ҳокимият панада турганда кучли бўлади, куёш нурлари пайдо бўлганида эса ғойиб бўлади”.

Умуман, ҳозирги замон илғор демократик мамлакатлар жамиятшунос олимларининг фуқаролик жамияти тўғрисидаги назарий қарашлари бир тизимга келтирилса, у ҳолда фуқаролик жамияти бу - жамиятдаги иқтисодий, ижтимоий, оилавий, миллий, маънавий, ахлоқий, диний, ишлаб чиқариш, шахсий ва нодавлат муносабатлар мажмуаси бўлиб, эркин индивидлар, ихтиёрий равишда шаклланган ташкилотлар ва фуқароларнинг турли органлар тазийқлари, аралашилари ёки бир қолипга солишларидан қонунлар воситасида ҳимояланган жамиятидир, унда улар ўзлигини намоён қила олишлари учун барча имкониятларга эга бўладилар.

Фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши бўйича қуйидаги хулосалар чиқариш мумкин:

---

<sup>62</sup>Космополит [юнон. kosmopolites дунё фуқароси] – ватанпарварлик ҳиссидан маҳрум одам, ўз ватани манфаатларидан узилган инсон, ўз халқига бегона, ўзини бирон-бир миллат ва халққа тааллуқли эмасман, деб фикрлайдиган киши.

- Фуқаролик жамиятининг шаклланиши узоқ давом этиб келаётган мураккаб тарихий жараёндир. Фуқаролик жамиятининг баъзи унсурлари қадимги Юнонистон ва Римда намоён бўлди, янги даврда эса унинг бир бутун тизими сифатидаги тасаввурлар шаклланди;
- Фуқаролик жамияти ғояси инсониятнинг антик даврдан буён давом этиб келаётган тафаккурлаш маҳсулидир. Авестода, Қадимги юнон файласуфлари фикрларида, Ўрта аср Шарқ мутафаккирларининг қарашларида, Уйғониш ва Реформация даври ғоялари ва бутун ХХІ аср жаҳон хамжамияти томонидан умуминсоний ижтимоий маданий кадрятлар сифатида эътироф. Маълумки, ҳар қандай фан, ўз мохиятига кўра умумбашарийдир. Дунёнинг барча халқлари катта - кичиклигидан қаъий назар фуқаролик жамияти назариясига ўзларининг ҳиссаларини кўшди. Шу нуқтаи назардан фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши тўғрисидаги ғоялар қарашларга бир ёқлама ёндашиш уларни камситиш мумкин эмас.
- Фуқаролик жамиятининг хусусиятлари, белгилари, тамойиллари ҳар қандай ижтимоий тузумда мавжуддир, бироқ уларнинг ривожланиш даражаси турли хил бўлиши мумкин.
- Фуқаролик жамиятининг шаклланиш жараёнлари холати ижтимоий ҳаётнинг ва давлат ҳокимияти бошқарувининг демократлашиб бориши билан бирга кечади.
- Фуқаролик жамиятининг шаклланиши ҳуқуқий давлатчиликнинг шаклланиш жараёни билан уйғунликда такомиллашиб боради.
- Хар бир давлатда фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши ўзига хос миллий ментал хусусиятларга боғлиқ ҳолда, шаклан миллий моделларда намоён бўлиши мумкин.
- Ҳозирги даврда дунёдаги бирор- бир мамлакат фуқаролик жамияти энг сунги етуқлик босқичига эриша олгани йуқ ва уни такомиллаштириш узлуксиз давом этадиган жараёндир.

## **1. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланишининг методологик концептуал асослари**

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асослариини яратиш ва ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишларни фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланишини уч босқичга бўлинади:

Биринчи босқич ўз ичига 1991-2000 йилларни қамраб олади. Бу даврда, биринчи навбатда фуқаролик жамиятининг асослари яратилди.

Иккинчи босқич 2000-2010 йилларда мамлакатни демократлаштириш ва модернизациялаш бўйича фаол жараёнлар давом эттирилди.

Учинчи босқич 2011-2016 йиллар. Бу даврда фуқаролик жамияти қуришга доир ҳуқуқий асослар ривожлантирилди, фуқаролик жамиятининг ижтимоий таянчи – ўрта ижтимоий қатлам янада мустаҳкамланди.

Тўртинчи босқич 2017 йилда бошланиб, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг амалий жиҳатларини намоён бўлиши билан характерланади. Бу даврда фуқаролик жамияти қуриш ғоялари “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ва “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси”да янада ривожлантирилиб, бу соҳадаги туб бурилиш даврини бошлаб берди. Бу босқичда фуқаролик жамияти шиддат билан ривожланиб, ўзини ҳар томонлама намоён эта бошлади. Бу даврда Президент Ш.Мирзиёев томонидан олиб борилаётган ислохотлар мазмуни янги босқич бошланганидан далолат бермоқда.

Ўтган асрнинг 90 йиллари бошида тоталитар тузумдан эндигина халос бўлган, ўз мустақиллигини қўлга киритган Ўзбекистонда янги жамият ва давлатни бунёд этиш ислохотларнинг жаҳон тажрибасининг қандай йўлидан бориши ҳали аниқ бўлмаган бир шароитда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А. Каримов томонидан мамлакат ривожининг бош йўли танланди. Мустақилликнинг дастлабки кунларидаёқ биринчи Президент И.А. Каримов қуйидаги мақсадни илгари сурди: “ Республикада собитқадамлик билан халқчил адолатли жамият бунёд этиш- бош вазифадир... Янгиланган жамиятнинг сиёсий ва давлат тузилиши инсонга унинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тарзини эркин танлаб олишни кафолатлаши керак”<sup>63</sup>.

Дадрижий ислохотлар йўлига доир ғоялар асосида Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо қилишнинг ўзига хосилмий ва амалий асослари шакллантирилди. Мустақилликнинг дастлабки даврида давлатимизнинг биринчи раҳбари таъкидлаганидек, “ Ўзбекистон келажаги буюк давлат. Бу- мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу – инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий келиб чиқиши, сиёсий эътиқодларидан қатъий назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир. Халқ давлат ҳокимиятининг манбаидир. Унинг хоҳиш- иродаси давлат сиёсатини белгилаб беради. Бу сиёсат инсон ва жамиятнинг фаровонлигини, Ўзбекистон барча фуқароларининг муносиб турмушини таъминлашга қаратилган бўлиши керак ”<sup>64</sup>.

Шу асосда демократик тамойиллар ва ҳуқуқий давлат қуриш назарияси ҳамда амалиёти фуқаролик жамиятининг мазмун – моҳияти, шаклланиш қонуниятларига

<sup>63</sup> Каримов И.А. Каримов Ўзбекистонинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.// Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 44-45 бетлар.

<sup>64</sup> Каримов И.А. Каримов Ўзбекистонинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент: Ўзбекистон, 1992. 15-16 бетлар.

узвий боғлиқ бўлган омиллар ҳисобланиб. “Ўзбек модели” асосида ҳуқуқий давлатнинг институционал заминларини шакллантириш қуйидагилардан иборат деб белгиланди:

- Давлат ҳокимиятининг учга бўлиниши принципига асосланиш;
- Демократик Конституциянинг қабул қилиниши ва қонун устуворлиги тамойилини рўйобга чиқарувчи механизмларини яратилиши;
- Эркин демократик сайлов тизимини кафолатланиши.
- Давлат ва жамият бошқарувини амалга оширишда куппартиявийлик тизимининг яратилиш
- Жамоат бирлашмалари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйилиши;
- Фуқаролар ўз- ўзини бошқариш институтларини ривожлантирилиши;
- Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини, манфаатлари ва эҳтиёжларини таъминлашнинг самарали заминларини вужудга келтирилиши, уларни фуқаролик жамиятини шакллантириш манфаатларидан келиб чиққан ҳолда барпо этилиши.

Тараққиётнинг “Ўзбек модели”нинг моҳияти асосий ғоялари дастлаб давлатимизнинг биринчи раҳбарининг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” номли асарида очиб берилган эди. Кейинчалик мазкур тараққиёт модели ҳақидаги ғоялар Биринчи Президентимизнинг бошқа асарларида янада ривожлантирилди ва такомиллаштирилди. Хусусан, унинг “Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли”, “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларини чуқурлаштириш йўлида” номли асарларида тараққиётнинг “ўзбек модели”нинг асосий мазмуни ва ўзагини белгилаб берувчи тамойиллар ҳар томонлама асослаб берилди. Таъкидлаш жоизки, жамиятимизда демократия ва фуқаролик жамияти ғоясини ижтимоийлашуви ва қарор топишида “ўзбек модели”нинг барча концептуал ғояларидан изчиллик билан фойдаланиб келинди. Тараққиётнинг “ўзбек модели” ғоясига кўра юртимизда янги жамиятни амалга ошириладиган барча ислохотлар заминига инсон омили қўйилди. Яъни “ислохот – ислохот учун эмас, балки инсон манфаатлари, унинг эрки ва фаровонлиги учун”, деган ғоя барча янгиланишларнинг асосий ўзаги этиб белгиланди.

Биринчи Президент И.А.Каримовнинг қарашича, фуқаролик жамияти назарияси ва амалиёти ҳар бир мамлакат миллий кадрятлари, халқнинг миллий менталитети ва миллий ананаларини ўзида ифодалаши зарур. Бу шунинг учун ҳам зарурки, фуқаролик жамияти назарияси ва амалиёти ҳар бир халқ ўз миллий манфаатларини ифода этилишини ҳам англаш лозим. Бу каби ҳолатга эга бўлиш учун миллийлик янги жамият мазмуни шаклу шамойили билан уйғунлашиши лозим. Ўзбекистон эса бошқа мамлакатларга нисбатан адолатли ва халқчил жамият барпо этишга доир миллий мерос ва кадрятларда янги жамият қуриш

ислохатлари инқилобий йўлни ҳам қабул қилмайди. Чунки бу йил ўзининг вайронагарчилиги, миллионлаб аҳолининг ижтимоий аҳоли пасайиб кетиши, жамиятни кутблашган томонларга бўлиниб кетиши, каби салбий ҳолатларни келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам давлат томонидан фуқаролик жамиятининг Ўзбекистон мамлакати учун ўзига хас қўйидаги жихати илгари сурилади: “Шарқда демократик жараёнларнинг қадимдан шаклланган ўзига хос хусусиятлари бор. Буни асло назардан қочириб бўлмайди. Яъни Шарқда демократик жараёнлар узвий равишда ва аста секин тараққий топади. Бу соҳада инқилобий ўзгаришлар яшашга уринишлар ғоят нохуш, ҳатто фожиаги натижаларга олиб келади. Инқилобни Ғарб олимлари ҳам “ижтимоий тараққиётнинг иптидоий ва ёввойи шакли” деб атаганлар. Табиийки, бундай йўл бизга асло келмайди...”<sup>65</sup>

Шунингдек биринчи Президент И.А.Каримов Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланишини таъминлайдиган асосий шарт-шароитлардан бири, бу давлат ҳокимияти ваколатларини чегаралаш, фуқаролик жамияти институтларига жамиятда ўзини ўзи бошқариш учун қанчалик зарур бўлса, шунчалик етарли ваколатлар бериш эканлиги масаласини илгари сурди. Президент фуқаролик жамиятининг ривожланишини фуқароларнинг сиёсий жараёнларда нечоғлик иштирок этишлари билан узвий боғлиқ эканлигини ҳам чуқур англаб етган эди.

Биринчи Президент И.Каримов давлат ваколатларини жамият институтларига бериш асосида ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш мақсадида қўйидаги вазифани қўйди: “Аммо ҳуқуқий миллий раванга биз фақат давлат ҳокимияти вазифаларини қатъий ва мукамал белгилаб ва шу билан бирга чекланиб қўйилган фуқаролик жамияти шароитдагина эришмоғимиз мумкин. Бундай жамиятда давлатнинг бош вазифаси тараққиёт стратегиясини аниқ белгилаш ва уни ҳаётга жорий этиш учун қаттиқ назорат олиб боришдан иборат бўлади... Ана шундай давлат ва жамиятни ққриш- бизнинг бош концепциямиз ва миллий раванқимиз асосидир.”<sup>66</sup>

Биринчи Президент Каримов қўйидаги сўзлари халқнинг, бутун бир мамлакатнинг дастур аъмалига айланди: “бизнинг бош стратегик мақсадимиз қатъий ва ўзгармас бўлиб, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустахкам пойдеворини шакллантиришдан иборатдир.”<sup>67</sup>

Биринчи Президент Каримов фуқаролик жамияти қуришни мамлакатимизнинг асосий стратегик пировард мақсад сифатида эълон қилар экан, бу каби жамиятни

<sup>65</sup> И.А Каримов. Ўзбекистон сиёсий –ижтимоий ва иқтисодий истикболининг асосий тамойиллари.//Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3.-Т.: Ўзбекистон, 1996. 9-бет.

<sup>66</sup> А Каримов. Ўзбекистон сиёсий –ижтимоий ва иқтисодий истикболининг асосий тамойиллари.//Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3.-Т.: Ўзбекистон, 1996. 12-бет.

<sup>67</sup> Каримов И.А Озод ва обод Ватан, Эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т.8.-Тошкент: Ўзбекистон, 2000.-331-бет.

шакллантиришнинг умуминсоний жихатлари хақида қуйидаги фикрни билдиради: “Бинобарин, давлатимиз келажagini ўз қобилимизга ўзалиб қолган ҳолда тасаввур этамиз. Биз истиқболимизни тараққий топган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиб, давлат ва жамият бошқарувини эркинлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, фикрлар ранг-баранглигини ўз ҳаётимизга янада кенгроқ жорий қилишда кўрамиз”<sup>68</sup>.

Мамлакатда фуқаролик жамияти учун муҳим бўлган демократик қадриятларни биринчи Президент И.А.Каримов қуйидагича баҳолаган эди: “Маълумки, демократик жамиятнинг халқаро миқёсда эътироф этилган тамойиллари бор. Инсоннинг ўзи хоҳиш-иродасини эркин билдириши ҳамда уни амалга ошириши, озчиликнинг кўпчиликка бўйсиниши, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги, давлатнинг асосий органлари сайланиши, уларнинг сайловчилар олдида ҳисоб бериши, тайинлаш йўли билан шаклланадиган давлат органларининг сайловчи ташкилотлар олдидаги жавобгарлиги ва бошқалар шулар жумласига киради”<sup>69</sup>.

Мамлакат биринчи Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистонда фуқаролик жамияти барпо этишга доир назарий қарашлари унинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида ўз тақомилига етганини кузатиш мумкин. Бу асарда фуқаролик жамиятининг энг асосий институтлари Ўзбекистон мамлакати шарт-шароитлари, миллий менталитетини ҳисобга олган ҳолда талқин этилади. Айниқса, бу асарда янги жамият қуриш муаммолари «шахс-жамият-давлат» ўзаро уйғунлиги асосида таҳлил этилади. Муҳими, давлат шахс ва жамият манфаатлари асосида фаолият юритадиган сиёсий институт эканлиги, у доимо жамиятни ривожланиши ва унинг ижтимоий-иқтисодий жихатлардан фаровон бўлиши ҳамда барқарорлиги учун масъуллиги юқори даражага кўтарилади. Шунингдек, фуқаролик жамиятининг инсон эркинлиги ва ҳуқуқларининг энг асосий ҳимоячиси эканлигига муҳим эътибор берилади. Асардаги қуйидаги фикрлар фуқаролик жамиятининг янги қирраларини очиб беради: “Биз учун фуқаролик жамияти - ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришга монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади. Айни вақтда бошқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўйилмайди. Яъни эркинлик ва қонунга бўйсунуш бир вақтнинг ўзида амал қилади, бир-бирини тўлдирди ва бир-бирини тақозо этади. Бошқача айтганда, давлатнинг қонунлари инсон ва фуқаро ҳуқуқларини камситмаслиги лозим. Шунинг баробарида барча

<sup>68</sup> Каримов И.А. Юсак маънавият-енгилмас куч.-Т.: Маънавият, 2008, 114-бет.

<sup>69</sup> А Каримов. Ўзбекистон сиёсий –ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари.//Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3.-Т.: Ўзбекистон, 1996. 8-бет.

одамлар қонунларга сўзсиз риоя қилишлари шарт”<sup>70</sup>.

Шунингдек бу асарда “Ҳокимият тузилмаларининг демократик мазмуни кўп жиҳатдан давлатни бошқаришда фуқароларнинг иштирок этиши масаласи қанчалик ҳал қилинганлиги билан белгиланиши маълум. Ўзбекистонда ушбу ҳуқуқнинг амал қилиши учун қонун асослари яратилган. Бироқ ҳали жамият ва фуқаролар давлатни бошқаришда иштирок этиш, ўзлари қандай бошқарилаётганлиги ҳақида маълумот олиш ҳуқуқини англай бошлашига ва ҳуқуқдан фойдалана оладиган бўлишларига эришиш керак. Шундай шароитдагина давлат ва унинг институтлари, мансабдор шахслар жамият ва фуқаро олдидаги ўз масъулиятларини ҳис қиладилар. Бунинг учун фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш зарур”<sup>71</sup>, - деб таъкидлаган.

Биринчи Президентимиз И.Каримов “Ўзбекистон XXI асрга интиломқа” (1991 й.) асарида мамлакатимизнинг янги асрдаги тараққиёти учун 6 устувор йўналишни белгилаб берди<sup>72</sup>. Унда аввало сиёсий, иқтисодий ҳаётни, давлат ва қурилишни янада эркинлаштириш биринчи устувор вазифа қилиб қўйилади. Бунда сиёсий соҳани эркинлаштириш билан бирга давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда асосий эътибор қуйидаги масалаларга қаратилган эди.

- ҳокимият барча тармоқларининг мустақил фаолиятини таъминлаш;
- нодавлат ва жамоа ташкилотларни, фуқаролик жамиятини босқичма - босқич эркинлаштириш. Бунда “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” концепцияси белгилаб берилди.

Бу масалаларни бевосита амалиётда тадбиқ қилиш учун Биринчи Президент И.А.Каримовнинг “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз” рисоласида (2000 й.) 7 та устувор вазифадан биринчи ва иккинчи вазифа қилиб сиёсий соҳада қуйидаги масалалар белгилаб берилди.

Сиёсий соҳада:

- сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш;
- кўппартиявийлик муҳитини таъминлаш;
- фикрлар хилма - хиллигига эришиш, Оммавий ахборот воситаларини том маънодаги “тўртинчи ҳокимияти” даражасига кўтариш;

инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, одамлар онгида демократик кадриятларни қарор топтириш;

Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасида:

ҳокимият органларининг конституциявий асосда бўлинишини таъминлаш;

<sup>70</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. //Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6.- тошкент: Ўзбекистон, 1998. 151-бет.

<sup>71</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. //Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6.- тошкент: Ўзбекистон, 1998. 153-бет.

<sup>72</sup> И.Каримов. “Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 2.7 жилд, //Ўзбекистон XXI асрга интиломқа”-Т., “Ўзбекистон”. Б.361-362



- маъмурий соҳадаги амалаг оширилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш;

- кадраларни танлаш, жой - жойига қўйиш, янгилаш тизимини такомиллаштириш<sup>73</sup>.

Биринчи Президент И.Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг VIII сессиясида ўз маърузасида фуқаролик жамияти куришнинг янги босқичи ва тамойилпарини илгари сурди: “Бизнинг олдимизда турган яна бир муҳим ва долзарб вазифа - у ҳам бўлса, «Кучли давлатдан - кучли жамиятга ўтиш» деган тамойилини амалда рўёбга чиқаришдир. Бу мақсадга эришиш учун, биринчидан, давлатимизнинг марказий ва юқори бошқарув органлари ваколатларини босқичма-босқич қўйитизимга, шу жумладан, ўзини ўзи бошқариш тузилмаларига ўтказиш талаб қилинади. Булар қаторида биз, биринчи навбатда, ўзини ҳар томонлама оқлаган маҳалла тузилмасини кўзда тутамиз. Иккинчидан

- жамиятимизда нодавлат, жамоат ташкилотларининг, аввало фуқаролик институтларининг ривожланишига кенг имкониятлар очиб бериш ва уларнинг фаоллигини оширишга кўмак ва ёрдам кўрсатиш даркор”<sup>74</sup>.

Мамлакатда фуқаролик жамиятига хос бўлган демократик сиёсий тизимнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг демократик тамойилларини ривожлантириш масалалари биринчи Президент И.А.Каримовнинг биринчи ва иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг сессияларидаги (1995-2004 йиллар), шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатиниш кўшма мажлисидаги (2005, 28 январь) маърузалари «Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари» концептуал сиёсий дастурнинг асосини ташкил этди.

Бунда устувор йўналишлардан бири сифатида «Кучли давлатдан -кучли фуқаролик жамияти сари» деган тамойилни амалда ҳаётга жорий этиш мақсадларидан келиб чиқиб биринчи Президент И.А.Каримов қуйидаги вазифаларни илгари сурди; «Хаммамизга аёнки, бу йўналиш ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ кўп масалаларни ҳал қилишда давлат тузилмаларининг ролини камайтириш ва бу вазифаларни босқичма-босқич жамоат ташкилотларига ўтказиш боришни тақозо этади. Бунинг учун, авваламбор, давлатнинг иқтисодий соҳага, хўжалик юритувчи тузилмалар, биринчи галда, хусусий сектор фаолиятига аралашувини чеклаш лозим... Ҳаётимизни эркинлаштириш йўналишларининг яна бир муҳим йўли -марказий ва юқори давлат бошқарув идоралари вазифаларини давлат ҳокимиятининг қуйи тузилмаларига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш

<sup>73</sup> Каримов И.А Озод ва обод Ватан, Эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т.8.-Тошкент: Ўзбекистон, 2000.- Б 319-321-бет.

<sup>74</sup> И.А.Каримов Янгилаш ва ўзгаришлар жараёни орта қайтмайди.// Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10.-Т.: Ўзбекистон, 2002.325-бет

органларига босқичма- босқич ўткази боришни таъминлашдир»<sup>75</sup>.

Биринчи Президент И.Каримов Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуриш ислохотларини янада чуқурлаштириш, унга мутаносиб равишда ҳуқуқий давлат қуриш мақсадларидан келиб чиқиб жамиятнинг сиёсий соҳасини эркинлаштириш (либераллаштириш) концепциясини ишлаб чиқди ва унинг қуйидаги йўналишларини белгилаб берди:

-мамлакат сиёсий ҳаётининг барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш;

-мамлакат сиёсий ҳаётида ҳақиқий маънодаги кўппартиявийлик муҳитини қарор топтириш;

-нодавлат нотижорат тузилмалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини янада мустақамлаш ва ривожлантириш;

-жамиятда фикрлар хилма-хиллиги ва қарашлар ранг-бараншиги, уларни эркин ифода этиш шароитини таъминлаш;

-инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, одамлар онгида демократик кадриятларни янада мустақамлаш ва ривожлантириш.

Биринчи Президент И.А.Каримовнинг асарларида адолатли демократик жамият қуришнинг концептуал назарий асослари янада бойитилди. Президентнинг қуйидаги фикри мамлакатда фуқаролик жамияти барпо этишнинг энг асосий йўналишларини белгилаб берди: «Ҳаммамизга аёнки, бу йўналиш ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ кўп масалаларни ҳал қилишда давлат тузилмаларининг ролини камайтириш ва бу вазифаларни босқичма-босқич жамоат ташкилотларига ўткази боришни тақозо этади. Бунинг учун, авваламбор, давлатнинг иқтисодий соҳага, хўжалик юритувчи тузилмалар, биринчи галда, хусусий сектор фаолиятига аралашувини чеклаш лозим... Ҳаётимизни эркинлаштириш йўналишларининг яна бир муҳим йўли - марказий ва юқори давлат бошқарув вдоралари вазифаларини давлат ҳокимиятининг қуйи тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўткази боришни таъминлашдир»<sup>76</sup>.

Мамлакатда «Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилидан келиб чиқиб, фуқаролик жамияти қуриш мақсадларида давлат ҳокимиятининг аксарият ваколатларини маҳаллий ҳокимият органлари ва ўзини ўзи бошқариш органларига бериш жараёнлари бошланди. Марказий давлат ҳокимияти тасарруфида эса асосан, фақат конституцион тузумни, мамлакатнинг мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, ҳуқуқ-тартибот ва муҳофаа

<sup>75</sup> Каримов И.А Ўзбекистон демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари //Биз танлаган йўл- демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли.Т.11- Тошкент: Ўзбекистон, 2003. 27-29 бетлар

<sup>76</sup> Каримов И.А Ўзбекистон демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари //Биз танлаган йўл- демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли.Т.11- Тошкент: Ўзбекистон, 2003. 27-29 бетлар.

қобилиятини таъминлаш, инсон ҳуқукдари ва эркинликларини, мулк эгаларининг ҳуқуқларини, иқтисодий фаолият эркинлигини ҳимоя қилиш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, самарали ташқи сиёсат олиб бориш каби ваколатларни қолдириш кўзда тутилган.

Шунингдек, Юртбошимиз мамлакатда фуқаролик жамиятининг ҳақиқий инсонпарварлик гоёсини қуйидагича ифодалайди: “Ҳамма нарса инсон учун, унинг келажаги учун”, - деган эзгу тамойилни тўлиқ амалга ошириш учун доим энг муҳим устувор вазифа бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади”<sup>77</sup>.

Мустақиллик давридаги буюк ўзгаришлар ҳақида Биринчи Президент И.А.Каримов қуйидаги фикрларни билдиради: “Бугун инсоннинг ўзи ўзгармоқда, унинг гражданлик ва сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти ўсмоқда. Биз коммунистик мафкура асоратларидан, боқимандалик кайфиятидан, турли сохта қолиплардан тўла халос бўлиб бормоқдамиз. Мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларга эга, ҳаётга янгича қарайдиган, собиқ мустабид тузумга хос тушунчалардан озод бўлиб вояга етаётган, ўз фикри ва қарашларига эга бўлган навқирон ёшларимиз ҳаётга ишонч билан кириб келмоқда, жамиятимизда мустаҳкам ўрин олмоқда ва мамлакатимизнинг тараққиёти йўлида ҳал қилувчи кучга айланмоқда. Ҳаётимизда амалга оширилаётган бундай ўзгаришлар аввало нимани англатади? ...Бу амалий ишлар авваламбор мамлакатимизда замонавий демократик жамият қарор топаётгани ва изчил ривожланаётганидан, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатининг юксалиб боришига замин бўлаётган иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсаётганидан, Ўзбекистонимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора ортиб бораётганидан дарак беради”<sup>78</sup>.

Биринчи Президент Ислам Каримов Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида (2010 йил 12 ноябрь) устувор йўналишлардан бири сифатида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ҳамда раванқ топишига алоҳида эътибор қаратиб, “Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилни амалда тўлиқ татбиқ этишнинг аниқ ва равшан қирраларини белгилаб берди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатда “Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили асосида “Мамлакатда ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш” концепциясини амалиётга қўллаш жараёни натижасида фуқаролик жамиятига ўтиш жараёни ҳуқуқий давлат қуриш, мамлакатни модернизациялаш, иқтисодиётни диверсификациялаш каби ислохотларни чуқурлашиб боришини таъминлади.

“Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва

<sup>77</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис, вазирлар Маҳкамаси ва Президент девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маъруза. 2007 й. 30 август. -Тошкент: Ўзбекистон, 2007 46бет.

<sup>78</sup> Каримова И.А. Амалга оширилаётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш-ёруғ келажагимизнинг асосий омилдир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2013 йил 7 декабрь. -Т.Ўзбекистон, 2013.-Б.12

фуқаролик жамиятини ривожлантири концепцияси” да таъкидлаганидек, “Фуқаролик институтлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари бугунги кунда демократик кадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқца... Бугунги кунда жамоатчилик ва фуқаролик назорати институти жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамларнинг кайфиятини, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланмоқца”<sup>79</sup> .

Фуқаролик жамиятини қуриш йўлидан собитлик билан илгарилаб боришимизда жамоатчилик назоратининг зарурияти бошқарувдаги камчиликларнинг ўз вақтида олдини олиш, шунингдек салбий ҳолатларга бутунлай барҳам бериш учун самарали ишлайдиган изчил назорат тизими ва механизмларини шакллантириш лозим. И.А.Каримов таъбири билан айтганда, “бу тизим шундай ишлаши керакки, борди - ю бирор - бир мансабдор шахс давлат сиёсатидан чекиниб, қонунга хилоф ишлар билан шуғулланадиган, ўз манфаатини давлат, халқ манфаатидан устун қўядиган бўлса, у кимлиги, кимнинг қариндоши, қайси раҳбарнинг оғайниси эканидан қатъий назар, муқаррар равишда жазосини олиши шарт. Яъни, бундай жазонинг муқаррарлигини шу одамдан юқори лавозимда ўтирганлар эмас, балки тизимнинг ўзи талаб этиши зарур”<sup>80</sup>.

Миллий мустақиллик йилларида Ўзбекистонда янги давлат ва жамият қуриш масаласида ривожланган мамлакатларнинг илғор тарихий тажрибасини чуқур ўрганиш натижасида фуқаролик жамиятини барио этишдаги «Ўзбек модели»нинг назарий асослари ишлаб чиқилди. Унинг назарий қарашлари «Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари» концептуал дастурда ва Ўзбекиветсияда фуқаролик жамиятини шакллантириш амалиётида ўз ифодасини топди».

Биринчи Президент И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, “фақатгина биз танлаган босқичма-босқич тадрижий ривожланиш йўли халқимиз кўзлаган эзгу ниятларга эришишга, замонавий демократик Тингловчиларга жавоб берадиган давлат, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий кадрият бўлган, қонун устуворлигини таъминлайдиган жамият барио этишга олиб келиши муқаррар. Демократик жараёнларни сунъий равишда тезлаштириш, шошма-шошарлик, турли инқилобий тўнтаришлар йўли қандай аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини бугун ҳаётнинг ўзи исботлаб бермоқца” .

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев истиқлол йилларида эришилган ютуқларга баҳо бериб, “...биз мухтарам Биринчи Президентимиз Ислон Абдуганиевич

<sup>79</sup> И.А.Каримов Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси/Т.: “Ўзбекистон”. 2010. Б 41-43

<sup>80</sup> И.А.Каримов Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13.-Т., “Ўзбекистон”, 2005-Б.237

Каримов бошлаб берган кенг кўламли сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар йўлини оғишмасдан, қатъий ва изчил давом эттирамиз. Бу йўл - эркин, демократик, инсонпарвар давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, Ватанамиз иқтисодий қудратини юксалтириш ва янада равнақ топтиришнинг мустаҳкам заминидир” - деб таъкидлаган эди.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев истиқлол йилларида эришилган ютуқларга баҳо бериб, “...биз мухтарам Биринчи Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов бошлаб берган кенг кўламли сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар йўлини оғишмасдан, қатъий ва изчил давом эттирамиз. Бу йўл – эркин, демократик, инсонпарвар давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, Ватанамиз иқтисодий қудратини юксалтириш ва янада равнақ топтиришнинг мустаҳкам заминидир” 144 – деб таъкидлаган эди. Бугунги кунда олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамият ривожини янги босқичга кўтариш, ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш бўйича энг муҳим устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони (7.02.2017) қабул қилиниши мамлакатда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг янги босқичини бошлаб берди. Жамиятнинг барча соҳаларини модернизациялашга қаратилган мазкур дастураъмол бешта йўналишдан иборат бўлиб, уларда республикамизда, алоҳида олинган ҳудудлар, турли тармоқлар ҳамда йўналишлар бўйича яқин беш йил ичида модернизациялаш мақсадлари мужассамлашган. 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқиш жараёнида асосий эътибор, энг аввало, давлат ва жамият қурилишини тубдан ислоҳ қилишга қаратилди. Шунинг учун ҳам ушбу вазифа биринчи устувор йўналиш сифатида белгилаб олинди ва “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” концепцияси қоидаларни тўлиқ ўзида акс эттирди. Бу борада давлат Дастурининг I – бўлими 50 дан ортиқ норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек концепция ва “Йўл хариталари” ишлаб чиқиш билан боғлиқ 53 та бандни ўз ичига олган бўлиб, давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор вазифаларини амалга ошириш мақсадида 81 та норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Бунинг натижасида: Давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг роли оширилиб, унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатига оид муҳим вазифаларни ҳал этиш ва ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатлари янада кенгайтирилди, давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг роли кучайтирилди; - “Электрон ҳукумат” тизими такомиллаштирилди, давлатхизматлари кўрсатишнинг сифати оширилди; - Жамоатчилик бошқаруви тизими янгиланди, халқ билан мулоқотнинг самарали

механизмлари жорий этилди, шунингдек маҳалла институтининг жамият бошқарувидаги ўрни ва фаолияти такомиллаштирилди. Ҳаракатлар стратегиясида Президент Ш.М.Мирзиёев илгари сурган - “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” – принципини ижтимоийсиёсий ҳаётда амалга оширишга доир дастурий мақсадлар мужассамлашган. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг жойларда ишларнинг ҳолатини ўрганиш ва халқ билан мулоқот қилишга доир фаолиятини тубдан такомиллаштиришга оид Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг кўшма қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш, унда ҳудудлардан сайланган депутат ва сенаторлар ҳар ойда 10-12 кун давомида бир туманда бўлиб, давлат ҳокимияти органлари фаолиятини ўрганиб, таҳлил қилиши, тегишли раҳбарларнинг ҳисоботини халқ депутатлари Кенгашлари сессияси муҳокамасига киритиши ҳамда тегишли хулосалар бериши, шунингдек Қонунчилик палатаси Спикери ва Сенат Раиси иштирокида ўрганиш натижалари бўйича тегишли халқ депутатлари Кенгашлари сессияларини ўтказиш, Олий Мажлис Сенати томонидан ҳар бир вилоятда навбатма-навбат намунавий халқ депутатлари Кенгашлари ишини ташкил этиш масалалари амалга оширилмоқда. Агар парламентнинг халқ иродаси ва манфаатлари асосида фаолият юритиши ҳамда қонунлар қабул қилиши энг асосий демократик қадриятлардан бири эканлигига эътибор берилса, депутатлар ва Сенат аъзоларининг ўз сайловчилари билан ўзаро мулоқотлари, жойлардаги муаммолардан хабардор бўлиши, уларнинг ечимларини топишда иштирок этиши, маҳаллий вакиллик органларини жонланишига кўмаклашиши мамлакатимизда фуқаролик жамияти тамойилларининг ривожланишига шарт-шароитлар яратди. Чунки, олий вакиллик органи депутати авваламбор ўз сайлов округидаги фуқароларнинг вакили, Сенат аъзоси эса ўзи сайланган минтақа маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг вакилидир. Шунинг учун ҳам парламент аъзоларининг халқ ичида кўпроқ фаолият юритиши давлатимиз барқарорлигини янада мустаҳкамлаш омилларидан биридир. Бу стратегик вазифаларни илгари сурилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрда қабул қилинган “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чоратадбирлар тўғрисида”ги Фармонида биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ишлар бошқармасининг Фуқаролар қабулхонаси негизида тузилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, шунингдек ҳар бир туман ва шаҳарда тузилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси вазифалари ва ваколатларини белгиланиши билан узвий равишда боғлиқдир.

Биринчи Президент Фармонида уларнинг аҳоли билан тўғридан-тўғри

мулоқотни ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга қаратилган, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги ва самарали тизими фаолиятини таъминлаш, фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентига, Олий Мажлисга, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига, Ҳукуматга, давлат бошқаруви органларига, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, бошқа давлат ташкилотларига ва хўжалик бошқаруви органларига мурожаат қилишга оид конституциявий ҳуқуқларининг сўзсиз амалга оширилиши учун шароитлар яратилмоқда. Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонага келиб тушган ҳамда тегишлилиги бўйича давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органларига юборилган мурожаатлар кўриб чиқилиши устидан тизимли мониторинг ва назоратни амалга оширилмоқда. Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонага келиб тушаётган мурожаатларнинг қайд этилиши, умумлаштирилиши, тизимлаштирилиши ва кўриб чиқилиши устидан назорат қилиниши бўйича ягона электрон ахборот тизимини жорий этиш ва юритиш йўли билан мурожаатлар билан ишлашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш йўлга қўйилган. “Ҳаракатлар стратегияси” лойиҳасининг бир неча ой аҳоли ва кенг жамоатчилик томонидан муҳокама қилиниши, уни шакллантиришда олимлар, тадбиркорлар, барча фуқароларнинг таклиф ва тавсияларини инобатга олиниши, уларни меҳнат жамоаларида кенг муҳокама қилиниши халқимизнинг ҳуқуқий ва сиёсий онгини оширишда муҳим аҳамият касб этди. Бу чоратадбирлар ўз ўрнида лойиҳанинг аҳолининг реал манфаатлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштиришга имкон яратди.

Ҳаракатлар стратегияси умумжаҳон амалиётида синаб кўрилган тараққиёт дастурларида назарда тутилган мақсадлари, амалга ошириш муддати каби жиҳатлари, қўллаш механизмлари билан улардан фарқ қилади: биринчидан, кўзда тутилган мақсадларни амалга ошириш билан боғлиқ вақт омилининг аниқ ва равшан тарзда қўйилиши, иккинчидан, бу мақсадларни рўёбга чиқариш имкониятларини ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини олдиндан яратилиши, модернизация жараёнини молиялаштириш манбаларини белгиланиши, мамлакатдаги миллий шарт-шароитларни эътиборга олиниши ва ҳоказо. Шунингдек, “Ҳаракатлар стратегияси” асосида амалга ошириладиган модернизация муддатининг нисбатан қисқа – беш йил ичида амалга ошириш лойиҳасини барча даражадаги экспертизалардан ўтганлиги, ундаги кўрсаткичларни мамлакат салоҳиятига монандлиги каби жиҳатлари билан халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда.

Мамлакатни модернизациялашга оид давлат дастурларида кўзда тутилган

мақсадларни амалга оширишда мамлакатнинг ички имкониятлари, шу билан бирга, халқаро майдонда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий жараёнлар ҳам ҳисобга олинган. Ҳозирги даврда халқаро муносабатларнинг берқарор, тез ўзгарувчан, яхши мувозанатлашмаган хусусиятлар касб этиб бораётганлиги ҳисобга олинган ҳолда “Ҳаракатлар стратегияси” қисқа муддатли тараққиёт дастури сифатида қабул қилиниши унинг истиқболли ва самарали стратегик мақсад эканлигини ифодалайди.

Президент Ш.М.Мирзиёев ўз фармон ва қарорларида Ҳаракатлар стратегиясида мўлжалланган мақсадларни амалга оширишнинг аниқ вақт механизмларини ишлаб чиқди. Айниқса, 2018 йилга “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб –қувватлаш йили”, деб номланиши муносабати билан қабул қилинган давлат дастурида Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишнинг асосий шарт-шароитлари белгилаб берилди.

Президент Ш.М.Мирзиёев ўзининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва бу соҳадаги муаммолар тўғрисида тўхталиб, “Эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида амалга ошираётган ислохотларимизда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ва роли беқиёс эканини алоҳида таъкидлаш жоиз. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш, уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган алоҳида фармон ва қарорлар қабул қилинди. Аммо ана шундай муҳим саъй-ҳаракатларга қарамасдан, аҳолининг муаммоларини тизимли ўрганиш, уларни аниқ ҳал этиш, айниқса, ижтимоий шароити оғир аёлларни қўллаб-қувватлаш, ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни иш билан таъминлаш масалаларида бу ташкилотларнинг иштироки етарли даражада сезилмаяпти. Улар фақат номига йиғилишлар ўтказиш билан машғул бўлиб қолмоқда. Нодавлат нотижорат ташкилотлари бугун айtilган танқидий гаплардан хулоса чиқариб, ўз фаолиятида бурилиш ясайди, деб ишонамиз” - деб таъкидлаган эди.

Ҳозирги даврда “Ҳаракатлар стратегияси”ни амалга ошириш унда кўзда тутилган вазифаларни бажариш мақсадида қабул қилинаётган қонунлар, Президент фармонлари, қарорлари, ҳукумат қарорлари, уларни амалга ошириш натижалари жамиятнинг барча соҳаларини ривожланишига ижобий таъсирқилмоқда. «Давлат бошқаруви асослари тўғрисида»ги; «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»; «Давлат хизмати тўғрисида»ги; «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонунлар лойиҳалари тайёрланиши ва қабул қилиниши, Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар Концепцияси ҳамда Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар ўтказиш бўйича чора-тадбирлар дастури лойиҳаларини ишларнинг белгиланиши аҳолининг давлат ҳокимият органлари билан ўзаро муносабатларини



замонавий талаблар асосида йўлга қўйиш, қабул қилинаётган қонунлар, қарорларнинг халқчил бўлишига, халқнинг давлат бошқарувида иштироки кенгайтишига олиб келади.

Президент Ш.Мирзиёев 2017 йилни юртимизда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилди. Бундан мақсад, мамлакатдаги демократлаштириш жараёнлари самарадорлиги ва сифатини тубдан яхшилаш, фуқароларнинг эркинликлари, ҳуқуқлари, муносиб турмуш тарзи ва манфаатларини таъминлаш, бунда давлат идоралари масъулиятини кучайтириш, халқ билан очиқ мулоқотларни йўлга қўйишда янги самарадор воситалар ва усулларни жорий этиш, “Инсон манфаатлари — барча нарсадан устун” шиори остида иш олиб бориш ҳисобланади. Президент Ш.Мирзиёев давлат ва бошқарув органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилот мутасаддилари фаолиятига нисбатан таъкидлаганларидек, “Биз кейинги пайтда одамлар билан мулоқот қилишни унутиб қўйдик. Уларнинг ичига кириб, очиқ ва самимий гаплашиш, дардини эшитиш бизнинг фаолиятимизда, афсуски, охириги ўринга тушиб қолди” . Халқ қабулхоналарининг барча ҳудудларда иш бошлагани, халқ билан кенг миқёсда мулоқот олиб борилаётгани давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқошкоралигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишларни янги босқичга олиб чиқди.

Бу ҳолат “Ҳаракатлар стратегия”даги вазифаларни босқичмабосқич амалга оширилаётганлигини англатади. Бу жараёнда Президентнинг Вертуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари ислохотлар учун зарур бўлган муҳим ишларни амалга оширмоқда. Зеро, уларга келиб тушаётган мурожаат, ариза ва таклифларни ўрганиш асосида муаммоларни ҳал этиш, ривожланишга шартшароитлар яратиш ишлари бажарилмоқда. Таъкидлаш керакки, фуқаролар ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўз кундалик ҳаёти мисолида билади, қабул қилинаётган қонунлар, давлат дастурлари таъсирини рўй бераётган ўзгариш ва янгиланишлар орқали теран англаб етади. Шу маънода, давлат органлари фаолиятининг очиқлигини, давлат хизматлари шаффофлигини ва сифатини кучайтириш, “Электрон ҳукумат” тизими салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш аҳолининг хабардорлигини оширишга, пировардида уларнинг фаоллигига замин яратиш, жамиятда боқимандалик кайфиятини йўқотишга, одамларни барча давлат ишида бевосита иштирок этишга ундайди. Ҳозирги даврга келиб “Ҳаракатлар стратегияси” жаҳонга тараққиётнинг миллий модели сифатида танилди ва халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилди. Ўзбекистон ўтган давр ичида давлат бошқарувини номарказлаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш, мулкдорлар ижтимоий қатлами учун қулай ҳуқуқий ва молиявий шарт-шароитлар яратиш, инновациялар ва инвестицияларни мамлакатга кириб келишини рағбатлантирадиган, ривожланган давлат ва халқаро ташкилотлар томонидан қисқа муддат ичида эътироф этилган давлат сифатида

ўзини намоён қила бошлади. Албатта, бу ҳолат давлатимизни фуқаролик жамияти сари жадаллик билан интилаётганлигини англатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони (3.02.2017) фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни самарали ҳал қилишдаги ролини ошириш, фуқаролар йиғинларининг муштарак манфаатларини ифода этадиган уюшмага бирлашиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган ташкилий ҳуқуқий чора-тадбирларни белгилаб берди:

- фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги ўрни ва ролини янада кучайтириш, уларни жойларда халқнинг чинакам маслакдоши ва кўмакдошига айлантириш;

- жамиятимизда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини шакллантиришда, миллий ва умуминсоний кадриятларни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантиришда маҳаллаларнинг аҳамияти ва нуфузини янада ошириш;

- ёшларни маънавий бой ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, уларнинг бандлигини таъминлаш, ёш авлодни мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини, кекса авлод вакиллари ижтимоий қўллабқувватлаш борасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;

- жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда, фуқароларда қонунга ҳурмат ҳиссини кучайтиришда маҳаллаларнинг бевосита иштирокини кенгайтириш;

- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳамда улар фаолиятини мувофиқлаштиришнинг самарали механизмларини жорий этиш, маҳалла тизимида ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини таъминлаш каби масалаларни ўз ичига олади.

Давлат бошқаруви тизимидаги мавжуд камчиликлар жамиятнинг ўсиб бораётган талабларига лозим даражада муносабат билдириш, жойларда тўпланиб қолган муаммоларни ҳал қилиш, иқтисодиётни жадал ривожлантириш, оқибатда эса одамларнинг ҳаётида кутилаётган ижобий ўзгаришларга эришишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” (08.09.2017. ПФ-5185) Фармони қабул қилинди. Фармонда давлат бошқарув тизимини ислоҳ қилишнинг 6 та устувор йўналиши белгилаб берилган бўлиб унда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг таъсирчан механизмларини яратиш, уларнинг фаровонлигини ва ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятдан қаноатланиш даражасини янада ошириш, мақсадида қуйидаги

вазифаларга эътибор қаратилган:

- давлат органларининг жисмоний ва юридик шахслар билан ҳуқуқий муносабатларини аниқ тартибга солишга қаратилган маъмурий тартиб-таомилларни такомиллаштириш;

- ижро этувчи ҳокимият органларининг қарорлари ва ҳаракатлари устидан шикоят қилиш тартибини такомиллаштиришни, жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини коллегиял эшитиш механизмларини жорий этишни назарда тутувчи маъмурий адлия тизимини ривожлантириш;

- "Электрон ҳукумат" тизимини такомиллаштириш орқали давлат хизматлари кўрсатишнинг самарадорлигини ошириш;

- жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш. Маъмурий ислохотларни самарали амалга оширишнинг пировард натижасида "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган ғоя ҳаётга тўлиқ татбиқ этилиши лозим. Бу бўйича қирқдан ортиқ аниқ тадбирларни назарда тутувчи "Йўл харитаси" асосида давлат ва хўжалик бошқаруви органлар фаолиятини қайта кўриб чиқиш белгиланган. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини амалга ошириш, шунингдек, аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимининг сифат жиҳатидан янги даражага ўтишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрьдаги ПФ-5278-сон "Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чоратадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Бундан асосий мақсад: давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида уларнинг сифати, тезкорлиги, шаффофлиги ва фойдаланиш имкониятини тубдан ошириш орқали «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган улуғвор ғояни сўзсиз амалга ошириш;

- тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказларини ҳам юридик, ҳам жисмоний шахсларга «ягона дарча» тамойили бўйича хизматларни тақдим қилувчи Давлат хизматлари марказларига ўзгартириш;

- давлат хизматларининг ҳар бир тури бўйича «Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади» тамойилига кўра давлат хизматлари кўрсатиш механизмини, энг аввало, ортиқча тартибтаомилларни бартараф этиш, ваколатли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар зарур ҳужжатлар ва ахборотларни бошқа тузилмалардан мустақил равишда олиши ҳисобигасоддалаштиришни назарда тутувчи маъмурий регламентларни тасдиқлаш;

- давлат хизматларини, шу жумладан олис жойларга чиқиш орқали («мобиль давлат хизматлари») кўрсатишнинг мақбул, қулай ва шаффоф

услугларидан, мазкур соҳада бюрократия ва коррупция юзага келишини бартараф этишга қаратилган навбатни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими ва ишларнинг узайтирилган жадвалидан фойдаланиш каби масалаларга асосий эътибор қаралиб, бугунги кунда у ўзининг амалий ифодасини топмоқда. Мазкур Фармон ва Қарор давлат хизматларининг сифати, тезкорлиги, шаффофлиги ва фойдаланиш имкониятини тубдан ошириш бўйича комплекс ташкилий – ҳуқуқий чора –тадбирларни, “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган тамойилини сўзсиз амалга оширувчи асосий ғояларни белгилаб берди. Мазкур ғояларнинг амалда тадбиқ этилиши давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида “Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади” деган муҳим тамойилни жорий этиш имконини беради. Хусусан, мазкур соҳадаги давлат сиёсатини амалга оширишга маъсулият юкланган алоҳида давлат органи –

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилди. Амалга оширилаётган ушбу ислохотларнинг уйғунлиги ва изчиллигини таъминлайди, давлат хизматларини сифатли бажариш учун ваколатли органлар ва ташкилотларнинг жавобгарлигини оширади. Шу билан бирга, аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида бошқарувни амалга оширишнинг аниқ ташкилий – институционал асосларини шакллантириш таъминланмоқда. Мамлакатда фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши жамоатчилик назоратининг ўратилиши билан боғлиқ. Бир томондан, жамоатчилик назоратининг ривожланиши фуқаролик жамиятининг ривожланиши йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга хизмат қилса, иккинчи томондан фуқаролик жамияти ривожланиб боргани сари жамоатчилик назорати учун кенгроқ имкониятлар ва истикболлар пайдо бўлади. Жамоатчилик назоратининг мақсади давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг мавжуд қонунларга мослигини текширишдан иборат. Мамлакатимизда ўтказилаётган туб ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг 2016 йил кузидан бошланган янги босқичи жамоатчилик назоратини ривожлантиришга янги талаблар қўйди ва айти пайтда янги имкониятлар очди. Жамоатчилик назорати олдида янги талаблар қўйилиши шу билан изоҳланадики, белгиланган янги вазифалар, Ҳаракатлар стратегиясини тўла амалга ошириш жамоатчилик назоратини кескин кучайтиришни тақозо қилади. Иккинчи томондан, Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган саъйҳаракатлар давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришнинг долзарблигини янада ошириб юборади.

Фуқароларнинг давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш орқали Конституцияда кафолатланган жамият ва давлат ишларини бошқаришга бўлган ҳуқуқлари амалга оширилиши билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш мақсадида «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонуни (2018 йил

12 апрель, ЎРҚ-474-сон) қабул қилинди. Қонунда фуқаролик жамиятининг ривожланишини таъминлашга қаратилган жамоатчилик назорати субъектлари, объектлари, асосий принциплари, шакллари белгилаб берилган.

Хусусан, жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг асосий тамойиллари қуйидагича кўрсатилган:

- қонунийлик;
- фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги;
- жамоатчилик назоратини амалга оширишда иштирок этишнинг ихтиёрийлиги;
- жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг оммавийлиги ва очиқлиги;
- жамоатчилик назорати субъектларининг холислиги ва беғаразлиги;
- жамоатчилик назорати натижаларининг ишончлилиги;
- жамоатчилик назорати субъектларининг давлат органлари, уларнинг мансабдор

Шахслар фаолиятига асосиз аралашувига ва уларга ғайриқонуний таъсир кўрсатишига йўл қўйилмаслиги. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2018 йил 4 май куни “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонни имзолади. Фармонда Ўзбекистон Республикаси президенти ҳузурда Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича Маслаҳат Кенгаши ташкил этилиб, унинг вазифалари асосан қуйидагилар этиб белгиланган: давлатнинг ва фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатни янада жадал ва ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини бирлаштирувчи замонавий, демократик ҳамда очиқ-ошкора майдон сифатида уларнинг юқори даражадаги тизимли ва самарали мулоқотини йўлга қўйиш;

Ўрта муддатли ва узоқ муддатли истикболда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини аниқлаш ва миллий моделини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Илмий ва экспертлар гуруҳлари иштирокида фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни ташкил этиш юзасидан ташаббус кўрсатиш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги давлат сиёсати ва унинг амалий натижалари ҳақидаги жамоатчилик фикрини тизимли равишда ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлил қилишни ташкил этиш;

Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини такомиллаштириш, ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш, мазкур институтларнинг жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш учун қулай шароитлар яратиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси президентига таклифлар киритиш; фуқаролик

жамиятининг ривожланишини, фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ҳамкорлиги аражасини, шунингдек, уларнинг мамлакатни ижтимоийиқтисодий ривожлантиришга қўшаётган ҳиссасини баҳоловчи кўрсаткичларни ишлаб чиқиш, бу кўрсаткичлар асосида даврий ва махсус, шу жумладан муқобил маърузалар тайёрланишини ташкил этиш;

Фуқаролик жамияти институтларига уларнинг халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришда, илғор халқаро тажрибани ўрганишда ва ушбу тажрибани Ўзбекистон шароитида жорий этишда кўмаклашиш. Юқорида кўрсатилган меъёрий- ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва амалга оширилаётганлиги республикамизда “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилсин” ғояси халқимизнинг фуқаролик позицияларининг янада кучайишига олиб келди. Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг таъбирича бугунги кунда жамиятнинг барча соҳасида амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг асосий мақсади халқни рози қилиш, уларга мақбул шарт – шароитлар яратиб беришдан иборат.

### **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:**

1. Фуқаролик жамияти ғоялари эволюция .
2. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланишининг методологик концептуал асослари.
3. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланишининг босқичларининг хусусиятлари.
4. “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилсин” концептуал ғоясининг амалга ошириш жараёнлари.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021

йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.

### **3-МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ**

#### **РЕЖА:**

1. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти куришнинг назарий-методологик асослари. Янги тараққиёт босқичида фуқаролик жамиятини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар.
2. Ўзбекистонни янада ривожлантириш стратегиясининг асосий мақсади ва йўналишлари. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш бўйича узоқ истиқболга қаратилган стратегиясининг ўзига хос хусусиятлари.
3. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини юксалтириш истиқболлари.

Давлатчилик ривожини ва унинг тараққиёт мезонлари миллатнинг маънавий даражаси билан белгиланади. Зеро, фақат ўзлигини англаган, муштарак мақсадларда якдил, муддаолари уйғун, ор-ноъмуслари устун, ягона маслақдаги маданиятга эга халқларнинг ривожланиш тарихи барқарор ва истиқболли бўлиши кишилиқ жамияти тажрибаларида ўзининг исботини топган. Инчунун, бугунги кунда мамлакатнинг стратегик сиёсати миллий давлатчилигимизнинг сиёсий-ижтимоий, маънавий-маданий меросини янгича тафаккур асосида англаш ва уни бевосита жамият бошқарувига татбиқ қилиш билан жаҳон ҳамжамияти интеграциясига киришиш имкониятлари кенгайиб бормоқда.

Тараққиёт ва юксак ривожланишга эришган давлатлар тажрибасига кўра ҳар бир халқ ўз олдида улуғ ва истиқбол мақсадларни қўйиши ҳамда уни амалга ошириш салоҳиятлари билан жаҳон ҳамжамиятига кириб келади. Стратегик тафаккурга эга, узоқни кўрувчи сиёсатчилар, том маънодаги халқнинг ҳақиқий хизматкорлари жамиятда содир бўладиган муоммоларни олдиндан илғаб, уларнинг самарали ва истиқболли ечимларини топа билганлар. Айниқса, миллат учун мураккаб ва масъулиятли шароитларда жамият ривожини белгилаб беришга қодир “архитектор”ларнинг вужудга келиши ҳам даврнинг тақоза билан боғланади. Трумэн, Черчилль, Японияда Макартур, Сингапурда Ли Куан Ю, Хиндистонда М.Ганди, Хитойда Мао Цзэ-Дунларнинг узоқни кўра билиши миллатнинг фаровон келажагини таъминлашга эришиш салоҳиятлари билан баҳоланади. Айниқса, Франция, Германия, Малайзия, Жанубий Корея давлатлари иккинчи жаҳон урушлари талатўпларидан сўнг халқнинг орзу-умидларини рўёбга

чиқаришда мисли кўрилмаган оммавий сафарбарлик ва жасорат наъмуналарини намоён қилиши билан барча халқларга ибрат бўлдилар.

Тарихий ривожланиш қонуниятлари аниқ ва тўғри мулжалли стратегия жамият орзуларини реал ҳаётини натижаларга айлантириш мумкин эканлигини исботлади. Бугун Ўзбекистон ҳам ўз тарихининг ана шундай масъулиятли чорраҳасида турибди. Президент Ш. Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган ҳаракатлар стратегияси истиқболимиз тақдирини ҳал этувчи муҳим ва янги давр босқичини ифодаловчи миллий ғояга айланмоқда. Шу маънода, халқлар ва миллий давлатчилик тарихининг мураккаб эврилишлар асосида кечган сиёсий-ижтимоий жараёнларини ўрганиш бугунги кун истиқбол мақсадларимизни ойдинлаштириш, асослаш, янги марралар ва вазифаларни белгилаш каби имкониятларни яратади.

Шундай экан, ўз-ўзидан совол туғилади? Ривожланиш нима ва у қандай таъминланади? Унинг барча жамиятлар учун умумий ёхуд қандайдир алоҳида қонуниятлари мавжудми? Ривожланишни таъминловчи қандай ижтимоий омиллар ва талаблар ҳукмронлик қилади? Таълимотларга кўра, ривожланиш – бу бир сифатдан иккинчи бир сифатга ёки бир ҳолатдан бошқа бир ҳолатга ўтишда табиат ва жамиятда содир бўладиган ўзгаришлар ҳамда ҳаракатлар тури. Фалсафанинг ҳукмрон тасаввурларига кўра материя ва онгнинг яхлит ҳолатда ривожланиши спиралсимон чексиздир. Зеро, унинг орқага қайтиши ва турғунлиги эътироф этилсада, унинг тамойиллари оддийликдан мураккаб шакллар томон ўсиб боради. Яъни у ривожланиш объектнинг ўзида мавжуд бўлган ҳаракатларга асосланади.<sup>81</sup> Биз буни жамият ривожига дахлдор бўлган “инновация”лар, “концепция”лар каби ғоялар орқали таъминлаймиз.

Бундан ташқари ҳар қандай ривожланиш жараёни ижтимоий ўзгаришдан бошланади. Ўзгаришлар ижтимоий, иқтисодий, маънавий, маданий, сиёсий соҳолар орқали амалга оширилади. Яъни ҳар бир соҳанинг миқдорий, мазмунли, структуравий ҳолатининг алмашинуви натижасида сифат кўрсаткичлар вужудга келади. Лекин, ҳар қандай ўзгаришлар ривожланишни таъминламайди. Ўзгаришлар ижтимоий-оммавий яхлитликда ривожланишга олиб келади. Шундай қилиб, ривожланиш жамият тизимининг мураккаблашиб, такомиллашуви жараёнида ташқи шароитларга самарали мослашувчанлигида, воқелик кўламнинг кенгайишида, бирон бир соҳадаги сон ўсишида ва уни амалда таъминлашнинг структуравий қурулмаларнинг вужудга келишида намоён бўлади.

Тараққиёт ва юксак ривожланишга эришган давлатлар тажрибасига кўра ҳар бир халқ ўз олдида улуғ ва истиқбол мақсадларни қўйиши ҳамда уни амалга ошириш салоҳиятлари билан жаҳон ҳамжамятига кириб келади. Шунинг учун табиий ривожланиш жараёнларини босиб ўтиш барча халқларга хос, аммо ўтиш

<sup>81</sup> Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Тошкент, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти 187-бет.



йўллари танлаш, амалга ошириш ва таъминлаш жамиятнинг миллий-маданий хусусиятлари билан белгиланади. Яъни бу мақсадлар давлатнинг стратегик йўналишларида ўз ифодасини топади. Хўш шундай экан, стратегия нима? У давлатнинг қандай жабҳаларини қамраб олади? Стратегия давлат ва халқ манфаатларини уйғунлаштиришнинг қандай истиқболларини белгилаб беради?

“Стратегия” тушунчаси грекча сўздан олинган бўлиб аслида “жанг санъати” маъносини билдиради. Бугунги кунга келиб “стратегия” кенг тушунча бўлиб, турли сиёсий-ижтимоий соҳаларда қўлланилмоқда. Жумладан, “Давлат стратегияси” сиёсий терменология сифатида бугунги кунда фан назарияси ва амалиёти даражасида ўзининг алоҳида тушунча ва категорияларига эга бўлиб;

- 1.) Ўзоққа мулжалланган режалаштириш санъати.
- 2.) Бошқарув ва раҳбарлик маҳорат санъати.
- 3.) Сиёсий ва ижтимоий жараёнларни идора қилиш санъати.
- 4.) Аҳолини маълум мақсадлар сари сафарбар этиш санъати.
- 5.) Мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш санъати.
- 6.) Таксимлаш ва самарадорликни таъминлаш санъати каби тушунчаларни

қамраб олади.<sup>82</sup>

Стратегия – бу таълимотни излаш, ифодалаш ва ривожлантириш тизими бўлиб, у изчиллик билан ва тўлиқ амалга оширилганда узоқ муддатли мувоффақиятни таъминлайди. Стратегия бу – стратегик фикрлаш, чуқур билим ва интуиция асосида муҳитни, келгуси шартларнинг мавжуд прогнозларини тизимли таҳлил қилиш натижасидир. Ушбу таҳлилнинг якуний маҳсули – бу ўзидан аввалги прогноз, вазифа, нуктаи назар, устуворликлар ва узоқ муддатли мақсадли вазифаларни режалаштириш орқали бажарилишини талаб қилади. Стратегия бу – келажак ва ноъмалумлик парокандалиги орқали синовдан ўтган устуворликлар ва мақсадлар сари йўналтирувчи ғоялар мажмуаси. Бу ресурс чекланганлигини баҳолаш орқали ҳаракатларнинг тўғри танланган йўналиши билан бойитилган донишмандлик<sup>83</sup>.

XXI асрга келиб стратегия тушунчаси анча кенгайди. Стратегия деб, дунё миқёсида ва давлат ички ҳаётидаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳамда бошқа соҳаларда вужудга келган инқирозий вазиятларни прогнозлаштириш ва бартарф этишга қаратилган бошқарувни ташкил этиш масалаларига доир тушунчаларни қамраб олади<sup>84</sup>. Шундан келиб чиқиб, давлат стратегияси бир бири билан ўзаро боғлиқ, лекин алоҳида хусусият касб этувчи кўплаб тушунчаларда ифодаланади. Яъни, “сиёсат”, “доктрина”, “миллий манфаатлар”, “миллий хавфсизлик”, “модернизация”, “инновация”лар давлат стратегиясининг моҳиятини белгилайди.

<sup>82</sup> Буланова Е.А. Политика и стратегия в механизме государственного регулирования социально-экономических процессов. Вестник Чувашского университета. 2006 г. №3, С 148

<sup>83</sup> Квинт В. Стратегиялаш назарияси ва амалиёти. Т.; “TASVIR”. 2018й. 18 б.

<sup>84</sup> Юрина А. О стратегии государственного управление. www.odn2gu.

Шундай қилиб, давлатнинг стратегияси аниқ мақсадларни белгилаш имкониятини яратувчи воситаларни танлаш асосида самарали бошқарув таъминлаш орқали жамиятнинг ижтимоий асосларини ривожлантиришга, мамлакат суверенитети ҳамда хавфсизлигини таъминлашга қаратилган комплекс ҳаракатлар мажмуи бўлиб ҳисобланади.

Стратегиянинг моҳияти тактик вазифаларни белгилашдан иборат. Сиёсат, стратегия ва тактика – стратегик раҳбарлик ва бошқарув жиҳатлари билан боғлиқ учта мустақил категориядир. Уларнинг фарқи шундан иборат: стратегия тасдиқланган ва амалга ошириш учун қубул қилинган бўлса, унинг жорий қилиниши стратегиялаштирилаётган объектнинг йўл кўрсатувчисига, маъғига айланади. Тактика эса стратегик вазифаларни амалга ошириш бўйича кундалик, ойлик ва йиллик (жорий) режаларни ва уларнинг ечими бўйича тадбирларни тақозо этади. Сиёсат – бу стратегия ва тактикани ягона самарали амал қилувчи тизимга агрегация ва интеграция қилинишидир. Бошқача айтганда: Стратегия + Тактика= Сиёсатга тенг<sup>85</sup>.

Давлатнинг стратегик бошқаруви бошқа давлат ва халқларнинг тарихий тажрибасидан ўзлаштириб ёхуд нусха олиб бўлмайди. Зеро, ҳар бир халқнинг ўзига хос тарихи, сиёсий-ижтимоий, демографик, иқтисодий, маданий вазиятилари мавжуд. Айнан шу ижтимоий омиллар маълум ижтимоий шароитларни вужудга келтиради. Шунга кўра, давлат стратегиясининг универсиал формуласини шакллантирадиган муассасалар мавжуд эмас. Барча давлатлар учун хос бўлган умумий тажрибалар ҳам йўқ. Улар учун махсус стратегик командалар, комиссиялар, тезкор гуруҳлар тузилади. Стратегия сиёсий партияларнинг дастурий ғояларида ёки давлат аппарати томонидан шакллантирилади. Стратегия жамият тафаккур маҳсули сифатида очик ва оммавий ёки қаттиқ назорат остига олинган тартибларда амалга оширилиши мумкин. Барча учун мувоффақиятли тартибот жамиятда турли қарашларнинг шаклланишига имконият ва танқид қилишга шароит яратган муҳитнинг мавжуд бўлиши билан белгиланади. Маълумки, ҳар қандай давлат мазкур вазифаларни ҳал этишнинг структуравий механизмларига муҳтож бўлади. Давлат стратегияси – бу давлат идоралари ўз ваколатлари доирасида ижтимоий аҳамиятга молик бўлган мақсадларга эришиш йўлида мавжуд ресурслардан тизимли равишда фойдаланиши демакдир.

### **1. Давлат стратегиясининг тизимли бошқарув омиллари.**

Давлат стратегияси ўз мазмунига кўра, назарий ва методологик асосларига эга, ривожланиб келаётганлар фанлардан. Бугунги кунда давлат стратегиясини амалга оширишнинг тамойиллари, структуравий функционал асослари

<sup>85</sup> Квинт В. Стратегиялаш назарияси ва амалиёти. Т.; “TASVIR”. 2018й.44 б.

ривожланган мамлакатлар таълимотида назарий жиҳатдан муқим шаклланганлигига гувоҳмиз. Мазкур назарий методологик асослар ислохотларнинг изчил йўналишларини кафолатлашга хизмат қилади.

Стратегик мақсадлар қандай омиллар орқали эришилади? Бу вазифа умумий ва хусусий, бирламчи ва иккинламчи омилларни ўзаро боғлиқ ҳаракат қонуниятларини идрок этиш ва уйғун фаолиятини таъминлашга эришишдан бошланади. Ҳукуматлар аксарият ҳолларда миллий стратегик мувоффақиятларни ЯИМнинг ўсишида, фуқароларининг фаровонлик даражасининг юксалишида деб қарайди. Яқин ўтмишда давлатнинг бирламчи вазифалари ҳудудларини кенгайтириш, ҳосилдорликни ўстириш, олтин-нефтни кўпайтириш, армияни мустаҳкамлаш билан изоҳланган. Бугун миллий қадриятлар билан қуролланган давлатнинг стратегик мақсади фуқароларнинг ғоявий эътиқоди, билим-салоҳияти, жамиятдаги мукамал қонунлар ва барқарор ижтимоий институтларнинг мавжудлиги бирламчи омил сифатида қаралади. Ғоявий ирода жамиятни ҳаракатга келтиради. Ҳаракатсиз ҳаражат нолга тенг. Бу номоддий ресурсларнинг кенгайиши билан моддий имкониятларнинг ривожига хизмат қилади. Яъни, илм янги билимларни вужудга келтиради. Барқарор институтлар иқтисоднинг ривожига, жамият институтларининг такомиллашувига, провард натижада ижтимоий фаровонликка олиб келади. Стратегик хатога йўл қўйган давлатлар ислохотларни иқтисодий омиллардан бошлайди.

Давлат стратегиясининг методологик асослари амалий фаолиятни режалаштиришда маълум назарий меъёрларга амал қилишни тақозо қилади.

Биринчидан, ижтимоий воқелик ва вазиятни англаш. Давлат стратегик вазифаларни қабул қилгунича жамиятда турғунлик, мавҳумлик ёхуд инқирозий ҳолатлар мавжуд бўлади. Стратегик режаларнинг қабул қилиниши билан мазкур вазиятнинг мураккаб жиҳатлари аниқланади ва мақсадга эришиш йўлидаги мавжуд ресурслар имконияти баҳоланади. Шундай қилиб, соғлом прагматик қарашлар ижтимоий вазиятни тан олиш орқали стратегик мақсадларга олиб келади.

Иккинчидан, ворисийлик анъанасига амал қилиш. Ҳукумат амалдорларининг ўзгариши ворисийлик кафолатларини таъминланса, унда жараёнлар ривожланмайди. Давлат органлари амалдорларининг тез-тез ўзгариши стратегик мақсадларининг шаклланмаганлигидан далолат беради. Зеро, давлат стратегияси шу мақсадларга мувоффиқ етакчиларни танлашни тақозо этади. Мадомики, шундай экан, даставвал кадрлар тизимини шакллантириш стратегик мақсаднинг кейинги амалий босқичга ўсиб ўтиш имкониятини таъминлайди. Инчунун, бошқарувни самарали мақсадга хос ташкил этиш стратегиянинг гарови бўлиб хизмат қилади.

Учинчидан, агар давлат эълон қилган стратегиясига собит бўлса, у

фуқароларда ҳукуматга нисбатан ишончни уйғотади, мутлақо янги ижтимоий кадриятларни таклиф қилади, жамиятда ижтимоий ҳамжиҳатликнинг асосларини белгилаб беради. Яъни барча учун бирдек мақбул бўлган ғоя керак. Бу ўз навбатида фуқаровий сафарбарликни таъминлашга хизмат қилади. Аслида стратегия давлат ва жамият ўртасида ўтиш даври учун келишув шакли сифатида намоён бўлади.

Тўртинчидан, давлат стратегияси сиёсий кучларнинг фаолиятини стратегик вазифалар асносида бирлаштиришни тақоза этади. Расмий ва ошкора яқдиллик жамиятда кучлар мувозанатини ягона мақсад йўлида уйғунлаштиради. Бундан ташқари жамиятда гуруҳлар, тоифалар, қатламлар ҳам муштарак мақсадларга интилишларини таъминлаб беради. Мувоффақиятсизликларга дуч келган тажрибалардан маълумки, ижтимоий ўзгаришлар юқорида ҳокимият ва мулк тақсимооти доирасидан ташқарига чиқа олмай қолиб кетади.

Бешинчидан, жамиятда эълон қилинган стратегия албатта танқидга олиниши табиий. Фақат танқид конструктив, соғлом ва асосли муаммоларга қаратилиши лозим. Стратегия мавжуд экан, танқид тактик масалаларнинг моҳиятига қаратилади ва бундай ҳолатни тўхтатиш ёки унга тусиқ қўйиш бошқа иллатларнинг келиб чиқишига олиб келади.<sup>86</sup> Ғоялар хилма-хиллиги, конструктив муҳолифат, соғлом рақобат стратегик ҳаракатлар жараёнини муолажа қилиб туради.

Замонавий стратегияларнинг аксарияти айнан, инвестициялар орқали инсон капиталига ва у орқали адолатли қонунларнинг, ижтимоий институтлар қоидаларини ташкил этилишига қаратилади. Муаммо шундан иборат бўладики, давлатнинг стратегик вазифасини жамият аъзолари томонидан идрок эта олмаслиги ёхуд аксинча жамият талабларига даъватан давлат бошқаруви тайёр бўлмаслиги натижасида миллатнинг ривожланиш истиқболлари рўёга айланади. Шунинг учун ҳар қандай ислохотлар инсон капиталини ривожлантириш билан амалда унинг таъмал тоши мустаҳкамланади. Президент Ш.Мирзиёев - “Бинобарин, инсон капиталига эътиборни кучайтиришимиз, бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этишимиз шарт. Чунки жамиятимизда олий маълумотга эга, юксак малакали мутахассислар қанча кўп бўлса, ривожланиш шунча тез ва самарали бўлади”<sup>87</sup>, деб давлат стратегиясининг уствор вазифаларини очиб беради.

Давлат стратегиясини бошқариш тизимларининг назарий ва методологик асослари белгиланган узоқ ва яқин муддатли дастурларнинг пухта ва мукамал режалар билан таъминлашда изоҳланади. Танланган мақсадларнинг стратегик режаси, тамойили, изчил ва ўзаро боғлиқ ижроси, структуравий

<sup>86</sup> Сергей Дацюк. Государственная стратегия. <https://gtmarket.ru/laboratory/expertize/>

<sup>87</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи. 2018й, 29 декабрь.

интеграциялашувини талаб қилади. Мазкур жараёнлар стратегик бошқарув режаси ва тамойиллари асосида таъминланади. Стратегик вазифаларни режалаштир қандай меъзонларга асосланади? Улар;

- ташкилот миссиясини аниқлаш; ташкилотнинг мавжудлик мазмунини белгилаш, мулжалланган, юкланган масъулиятларни ифодалайди.

- ташкилот мақсади ва вазифасини шакллантириш; хизмат кўрсатиш турининг сони ва сифат даражаси рағбатлантириш тизимига асосланиб фаолият самарадорлигини белгилайди.

- ташқи муҳит таъсирини баҳолаш ва таҳлил қилиш; ички хулқ-атворнинг ташқи муносабатларга кириш даражаси ва натижалари, коммунакатив ҳолат ифодаси. У объектнинг ҳолати, ресурсларнинг мавжудлиги, ҳукуқий-меъёрий асосларнинг таъминланганлиги, илмий-техникавий база, ижтимоий-маданий муҳит ва инфраструктуранинг лаёқатлилигини таҳлил этади.

- ички структурани баҳолаш ва таҳлил қилиш; белгиланган мақсадларга эришиш йўлида ички имконият ва салоҳиятларни ўрганиш, ҳисобга олиш орқали ташкилот миссияни аниқ белгилаш мумкин бўлади. Улар кадрлар салоҳияти, бошқарувни самарали ташкил этиш, режани тўғри молиялаштириш ва маркетинг билан боғлиқ бўлади.

- муқобил стратегик тавсияларни ишлаб чиқиш ва қиёслаш; мазкур йўналиш стратегик режалаштиришнинг юраги ҳисобланади. Зеро, унда муқобил тавсиялардан энг самаралиси танланиб, мақсадга эришишнинг мақбул вариантлари жорий этилади.

- стратегияни амалга ошириш; бу йўналиш энг масъулиятли ҳамда таҳликали жараён. Агар у реал вазиятни тўлиқ қамраб олган яхлит ва бир бутун режа бўлса, унинг мувоффақияти таъминланади. Мобода бошқача бўлса, унда турғунлик юзага келади. Бунга сабаб, нотўғри таҳлилий маълумотлар, хулосалар, кўтилмаган шароитлар, ресурслардан оқилона фойдалан олмасликдир.

- стратегияни баҳолаш ва назорат қилиш; бу жараён стратегик режалаштиришни мантиқий яқунловчи омил бўлиб ҳисобланади. У ҳодисаларнинг қайта алоқаланиш циклини таъминлаш жараёнида структуравий бўғинлардаги боғланиш имкониятларини кўзатади, таҳлил қилади, баҳолайди, аниқлайди, хулосалар чиқаради. Заруротда стратегик режаларни коррективировка қилади.<sup>88</sup>

Давлат стратегик режалари аниқ ва ўзгармас тамойилларга бўйсиндирилиши муҳим. Улар ислохотларнинг бир маъромда, изчил йўналишини таъминлашга хизмат қилади. Жумладан;

#### 1. Илмийлик.

<sup>88</sup> Шамгун Р.Н. Стратегическое планирование или управление - что выбрать?. [www.cfin.ru](http://www.cfin.ru).

2. Мақсадлилиқ.
3. Ўзгарувчанлиқ.
4. Бирлиқ.
5. Шароит яратиш.

Илмийлиқ. Раҳбар ўз вазифаларини амалга оширишида турли илмий соҳалардаги маълумотлар ва хулосалар билан қуролланмоғи, бундан ташқари импровизация қилмоғи, қуйилган вазифалар ечимини топишда индивидуал ва креатив ёндашувларни ташкил этиши.

Мақсадлилиқ. Стратегияни шакллантириш ва стратегиявий таҳлиллар мақсадли бўлиши лозим. Яъни давлатнинг устувор мақсадларини бажаришга йўналтирилиши лозим.

Ўзгарувчанлиқ. Мазкур тамойил олдин қабул қилинган қарорни ўзгартириш эҳтимоли ёки ўзгарувчан вазиятдан келиб чиқиб хоҳлаган дамда қайта кўриб чиқиши демакдир.

Бирлиқ. Стратегик дастур ва режанинг уйғунлиги. Турли даражада қарорларнинг мустаҳкам боғлиқлиги ва ҳамжиҳатлилиги мувоффақиятнинг шартли кафолатидир. Мазкур бирлиқ давлат органларнинг структуравий буғинларида стратегик ҳаракатларни бирлаштириш, барча функционал бўлим режаларининг келишуви билан таъминланади.

Шароит яратиш. Стратегияни амалга ошириш имкониятини тўғдиради. Стратегик режанинг мавжудлиги ҳали мувоффақиятли амалга ошишини кафолатламайди. Стратегик бошқарув жараёнида дастур ва режани амалга ошириш учун ташкилий шароит яратилиши лозим. Улар мустаҳкам ташкилий структура, рағбатлантириш тизими ва бошқарув тизим самарадорлигини оширишга қаратилади.<sup>89</sup>

Мазкур тамойиллар ҳокимият органлари фаолиятидаги ижро интизомининг паст сўратларига, шахсий масъулиятсизлигига барҳам беради, кадрлар лаёқати даражасини оширишни талаб қилади, мураккаб ва чигал иш тартибларини содда ҳамда тезкор ёндашувлар билан таъминлашга хизмат қилади. Энг муҳими стратегик йўналишларни белгилашнинг мавҳум ва номаълум жиҳатларини ойдинлаштириш орқали тартиблаштиришга хизмат қилади. Бу масалалар қуйидаги тамойиллар билан аниқлаштирилади:

- Мақсад – нега у ёки бу ҳаракатлар бирламчи бўлиб ҳисобланади. Яъни нима учун долзарб ва реал вазиятда, турли ижтимоий эҳтиёжлар талабида, кўрқув ва иккиланиш шароитида муҳим вазифаларни ажратиб олиш керак?

- Ташқи шароит - қайси нуқтада мақсадга эришиш кўзда тутилмоқда. Зарур ресурслар мавжудлигини аниқлаш ва амалга ошиши лозим бўлган ҳозирги ва келгусидаги шароитлар тақоза қиладими? Ҳукумат ана шу икки нисбат

<sup>89</sup> Государственное стратегическое управление. Общ.ред. проф. Ю Кузнецова. Питер, 2014. С134

ўртасидаги омилларни қандай меъзонлар билан танлаши лозим?

• Йўналиш – нимага эришишни хоҳлаймиз, белгиланган, исталган мақсад ва натижалар қандай? Бу ўз навбатида кейинги ҳаракатни белгилайди:

• Ҳаракат – ҳукумат ва идоралар белгиланган мақсадга эришишнинг қандай режасига эга: стратегияда ифодасини топган тамойиллар қандай қонунлар ва дастурларда кафолатланмоқда, жамиятни қандай омиллар етаклайди, рағбатлантирувчи куч нимада? Мазкур ҳаракатлар кўтилмаган оқибатларга олиб келиши мумкин бўлганлиги учун стратегия таълимга боғлиқ бўлади:

• Таълим – жамият тасаввурларини шакллантириш тизими сифатида танланган йўналишни ва шунингдек, мақсадни қайта кўриб чиқиш, имкониятларни белгилаш асосида қанчалик амалий натижаларга эришилаётганлиги ҳамда қайси соҳаларда имкониятлар бой берилаётганлигини аниқлаш, таққослаш, қиёслаш индекаторларини (илмий услубларни) жорий этиш талаб этилади.<sup>90</sup>

Давлатнинг стратегик бошқаруви тизими белгиланган мақсаддан келиб чиқилган янги йўналишларни танлашдан, шунга мувофиқ ҳокимият органларининг қайта ташкиллаштирилишидан ҳамда умум ижтимоий-маданий аҳамиятга молик мақсад йўлида жамият кучларини сафарбар этиш билан белгиланади. Давлат стратегик бошқаруви тизими индекаторлари мазмуни қуйидаги саволларга жавоб топишга қаратилади.

1. Қачон, қаерда ва нега?

2. Ижтимоий ва маданий аҳамиятга молик мақсадларни аниқлаш (нимага?).

3. Инсоний, табиий, техник-технологик, молиявий, ишлаб чиқариш ресурсларини аниқлаш (нима учун, қандай қилиб, нима билан?).

4. Аҳоли бунёдкорлиги ва ташаббускорлигини оширишда тегишли моддий таъминот асосларини яратиш (қанча ва қандай сифатда?).

5. Малакали мутахассисларни тайёрлаш (қанча, қандай харажат ва қийматда?).

6. Ижтимоий институтлар ва давлат ҳокимияти органларини ўз вақтида ислох этиш (қандай қилиб ва қандай воситалар билан?)<sup>91</sup>

Давлат стратегиясининг функционал вазифалари турли бўлишга қарамасдан, уларнинг мазмун-моҳияти учта асосий функциянинг элементлари ҳисобланади. Уларсиз бошқарув тизимлари, айниқса, стратегик раҳбарлик ва бошқарув тизимлари тўлиқ самарали ишлай олмайди. Булар стратегик режалаштириш, стратегик рағбатлантириш ҳамда стратегик мониторинг ва назорат.

Биринчи элемент аниқ истиқболли сиёсатни шакллантириш жараёнини қамраб олади. Унинг дастлабки устуни сифатида мазкур сиёсатни омма

<sup>90</sup> Джефф Малган. Искусство государственной стратегии. М.: изд. институт Гайдара. 2011. С 14

<sup>91</sup> Юрина А. О стратегии государственного управление. www.odn2gu.

эътиборига ҳавола этиш, онгига сингидириш, тадбиқ этиш вазифаларини белгилашга, имкониятларни ҳисобга олишга қаратилади. Яъни режалаштириш.

Иккинчи элемент мақсадга эришиш йўлида моддий ва маънавий ресурсларни тўғри тақсимлаш, кетма-кет боғлиқ вазифаларни аниқлаш орқали эришилинадди. Бунда асосий эътибор режаларни амалга ошириш фаолиятини тўғри рағбатлантириш муҳим аҳамият касб қилади.

Учинчи элемент фаолият натижаларининг мониторингини ташкил қилиш, самарали омилларни такомиллаштириб бориш, назоратни кўчайтириш лозим, деб қарайди. Мазкур унсурлар яхлит жараён сифатида бири иккинчисини мустаҳкамлашга хизмат қилади.<sup>92</sup> Агар биринчи вазифалар таъминланмаса, қолган босқичлар амалга ошмайди. Ёки расмиятчилик ҳолати вужудга келади. Шу сабабдан ушбу қонуниятлар бир-бири билан зиддиятларга ҳам киришиши мумкин. Бундай вазиятлар стратегия жамият соҳаларини тўлиқ қамраб олишга эришмаганлигидан далолат беради. Масалан, фан-таълимни ривожлантирмай туриб юқори технологияга эришиб бўлмайди. Ёки тадбиркорлик ва хусусий мулк ваколатларини кафолатламасдан туриб, иқтисодиёт, инвестиция соҳаларини ривожлантириб бўлмайди.

Хулоса қилиб айтганда стратегия, бу – фундаментал фан ҳисобланади. Унинг асосий тамойиллари ва илмий категориялари ҳар бир миллатнинг ўзига хос хусусиятлари асосида такомиллаштирилади ҳамда мувофиқлаштирилади. Аммо, ҳар қандай стратегия – стратегиялаш объектидан қатъи назар, умумий табиатга эга ва, демак, умумий назарий асосларга эга бўлиши лозим. Шу сабабли стратегиянинг яхлит тизими миллий, минтақавий, соҳавий ва корпоратив стратегияларни интеграциялашуви жараёнларидан ҳосил бўлиб боради.<sup>93</sup>

## **2. Ўзбекистон миллий тараққиёти янги босқичи.**

Ҳар бир давр ўзига хос сиёсий вазияти билан ижтимоий ҳаёт ривожига таъсир кўрсатади. Ҳар бир даврнинг ўз таълимоти ва ёндашув тамойиллари юзага келади. Ушбу вазиятни англаш, шунга мос йўл-йўриқ танлаш стратегик тамойилларнинг талабларидан ҳисобланади. Ривожланишнинг ўз қонуниятлари мавжуд бўлгани каби, фавқулотда ижтимоий ўзгаришлар ҳам ривожланишнинг моҳиятига зид келади. Бошқача қилиб айтганда, инқилобий таъсирни жамиятнинг ўзи инкор қилади. Тадрижий таълимот ижтимоий қонуниятларнинг жамият имкониятларига мувофиқлаштирилгани, уйғун сиёсий ислохотлар белгилангани билан самарали натижалар беради. Иқтисодий ислохотларнинг бозор муносабатларига йўналтирилиши, инфратузулмаларнинг жорий этилиши, ишлаб чиқариш муносабатларини ташкил этиш, мулкдорлар қатламининг ўсиб бориши

<sup>92</sup> Джефф Малган. Искусство государственной стратегии. М.: изд. институт Гайдара. 2011. С 232

<sup>93</sup> Квинт В. Стратегиялаш назарияси ва амалиёти. Т.; "TASVIR". 2018й.42 б.



билан жамиятда инсон манфаатлари, қонун устуворлиги, ижтимоий ҳимоя каби демократик қадриятлар таъминланади. Шу тариқа янги жамият асосларига дахлдор ижтимоий омиллар бири иккинчисини тўлдиришга хизмат қилади.

Кўриб турганимиздек, мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар стратегик таълимотларга тўлиқ мос келади. Улар республикамизнинг босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани даврида давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришда намоён бўлмоқда. Инчунун, олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакат тараққиётининг комплекс дастурини илгари сурди. Бу ҳужжат «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»<sup>94</sup> деб номланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26 йиллик тантаналарига бағишланган маърузаларида муҳтарам Президент –“ Асосий қомусимиз негизида яратилган Ҳаракатлар стратегияси бугунги кунда жонажон Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришда, инновацион ва индустриал ривожланиш сари одимлашда беқиёс ўрин эгалламоқда»<sup>95</sup> деб, улкан ўзгаришларга дахлдор янги ғояларни илгари сўради.

Мазкур дастур нафақат ички ва ташқи сиёсатдаги ислохотлар сари ташланган қадамда, балки, энг аввало, давлатнинг халққа бўлган муносабатини ўзгарганлигида намоён бўлмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 28 декабрь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида ҳам мавжуд ўткир муаммоларга эътибор қаратилиб, уларни ҳал этишнинг аниқ йўллари кўрсатиб берилди. 2017 йил «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилиниши, 2018 йил “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш” йилларида амалга оширилган ислохотлар асосида «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун» деган инсонпарвар ғоя изчиллик билан ҳаётга татбиқ этишнинг дастурий чора-тадбирлари белгиланди. Бу борада давлат органлари ҳамда фуқароларнинг ўзаро муносабатига бўлган ёндашувни тубдан қайта кўриб чиқишни давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қайд этилди. Мазкур эришилган натижалар заминида 2019 йил “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” сифатида давлатнинг стратегик йўналишлари янада самарали,

<sup>94</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Фармони. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”// Веб-сайт Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>95</sup> Халқ сўзи. 2018 йил 8 декабрь.

мустаҳкам ва изчил қарорлар билан бойитилди.

Ушбу вазифалар аввало демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда парламент ва сиёсий партияларнинг ролини янада ошириш, давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш, давлат хизматининг маъмурий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, “Электрон ҳукумат” тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш, жамоатчилик назорати механизмларини амалда тадбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини оширишга йўналтирилган давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришга қаратилади. Бу йўналишлар кўйидаги стратегик тамойилларда ўз ифодасини топди:

## **ЎЗБЕКИСТОН ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ**

### **I. Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари;**

1.1. Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш:

1.2. Давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш:

1.3. Жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш:

### **II. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари**

2.1. Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш:

2.2. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш:

2.3. Маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш:

2.4. Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш:

2.5. Суд-ҳуқуқ тизимида қонунийликни янада мустаҳкамлаш:

2.6. Юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш:

### **III. Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари**

3.1. Макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш:

3.2. Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш:

3.3. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш:

3.4. Иқтисодийда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш:

3.5. Вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш:

#### **IV. Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари**

4.1. Аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш:

4.2. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш:

4.3. Арзон уй-жойлар барпо этиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш:

4.4. Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш:

4.5. Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш: V. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар.

**V. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар:**

5.1. Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш соҳасидаги устувор йўналишлар:

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми, суверенитети, ҳудудий яхлитлигини муҳофаза қилиш;

ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида ва муносиб қаршилик кўрсатиш;

фуқаролик, миллатлараро ва конфессиялараро тинчлик ҳамда тотувликни мустаҳкамлаш;

давлатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг жанговар қудрати ва салоҳиятини ошириш.

Давлат ва жамият қурилиши шундай бир мураккаб тузилмаки, унинг таркибидаги бир-бирига боғлиқ бўлган ва бир-бирини тўлдирадиган соҳа ва жабҳаларни бир вақтнинг ўзида жадал ривожлантиришни талаб қилади. Уларнинг ҳар бири иккинчисига замин яратади. Қайсидир асосий соҳа аввал ривожланиб, бошқа соҳа ва тармоқлар учун локаматив вазифасини ҳам бажариши мумкин.

Албатта, бу жараёнда ҳар бир соҳанинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш, объектив таҳлил қилиш, ўз вақтида тегишли чора-тадбирлар қабул қилиш, уларни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, самарали ишлаш механизмларни янги технологиялар асосида ташкил этиб бериш каби вазифаларни ҳал қилиш талаб этилади.

Ҳаракатлар стратегиясининг етакловчи лакоматив куч - бу давлат ва унинг органлари. Ундан чиқди, ислоҳотларнинг гарови ва қафолати лаёқатли ҳокимиятнинг фаолияти билан боғлиқ ҳодиса. Шундай экан, давлат ва жамият бошқаруви тизимларини такомиллаштирмасдан туриб мамлакат ҳаётини модернизация қилиб бўлмайди. Модернизация ўз умрини поёнига етказган бошқарув усулларини янги сифат ва талаблар даражасига кўтариш билан мамлакатни ривожлантиришга олиб келади. Бу жараёнлар бевосита маҳаллий ҳокимиятларнинг ҳудудларни ривожлантиришга оид масалаларни ҳал этишда мустақил қарорлар қабул қилишнинг ҳуқуқий асосларини шакллантиришни тақоза қилади. Шу нуқтаи-назардан Президент Ш.Мирзиёев “Мурожаат”ида парламентнинг муҳим қарорлар қабул қилиш ва қонунлар ижросини назорат этиш фаолиятини кучайтириш, ижро ҳокимияти тизимини оптималлаштириш, маъмурий ислоҳотларни давом эттириш ва давлат бошқарувида замонавий менежмент усулларини кенг қўллаш, давлат бошқарувида самарадорликни ошириш мақсадида давлат хизматига малакали мутахассисларни жалб этишга қаратилган ягона кадрлар сиёсатини шакллантириш, маҳаллий ҳокимият органларининг ваколат ва масъулиятини қайта кўриб чиқишимиз, уларнинг мустақиллигини янада ошириш вазифалари белгиланади.<sup>96</sup>

Бошқарувда адолатли давлат бошқаруви тизимлари шаклланмас экан, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари – иккинчи узвий боғланувчи муҳим тамойил таъминланмайди. Улар суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш орқали амалга оширилади. Бундай тизимнинг самарали фаолияти фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш қафолатларини таъминлашнинг реал имкониятларини вужудга келтиради. Олий суд – олий ҳакам сифатида жамиятнинг яхши - ёмони, фойда – зиёнини белгилаб берувчи маънавий барометрга айланадики, бундай ижтимоий муҳитда жиноят қилишдан кура бунёдкорлик қилиш авфзаллиги устуворлик касб қилади. Шу маънода Президент Ш.Мирзиёев суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш мақсадида судьяликка номзодларни танлаш ва тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш лозимлигига аҳамият бериши стратегик мақсадларнинг муштараклигини

---

<sup>96</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи. 2018й, 29 декабрь.

таъминлашга қаратилади.<sup>97</sup>

Жамиятда адолатли бошқарувнинг вужудга келиши шубҳасиз иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларини такомиллаштириш имкониятини яратади. Улар макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаш, таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодийнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш, унинг рақобатбардошлигини ошириш, айниқса, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришнинг янги инновацион технологияларининг тадбиқ этилиши имкониятларини яратади. Яъни ривожланишнинг ички қонуниятларига кўра, янги сифат босқичга кўтарилишнинг мураккаб, аммо такомиллашган шакллари пайдо бўлади. Бу ўз навбатида иқтисодий давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни тадбиқ этишни талаб қилади. Натижада мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали жойларда мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ўсиш суръатлари вужудга келади.

Жамиятда ижтимоий онгнинг ўзгариши билан ижтимоий муносабатлар ҳам ривожланиб боради. Жамият ва унинг ҳолати аслида инсон онгининг инъикоси. Фуқаро қандай эзгу амаллар маърифати билан қуролланган (тарбияланган) бўлса, ана шу руҳий қудрат истакларининг ҳосиласини олади. Бу жараён улкан тўлқин сифатида миллатнинг муштарак мақсадларида намоён бўлади. Бу ўз навбатида ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида янги тармоқларнинг, ишчи ўринларнинг пайдо бўлишига хизмат қиладики, табиий равишда аҳолининг реал даромати ва шунга мувофиқ ижтимоий ҳимояси, турмуш даражаси ҳам ошиб боради.

Ҳаракатлар стратегиясининг самарали натижаси бевосита мамлакатда хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат самарадорлиги билан боғлиқ ҳодиса. Бундай дейишимизга сабаб, ташқи сиёсат ички сиёсатга, ички сиёсат ташқи сиёсатнинг натижаларига боғлиқ бўлади. Инчунун, миллат улуғ мақсадлари йўлида собитқадам ва муштарак бўлсалар, фаолият амаллари юксак бўлса, бундай халқ жаҳон ҳамжамиятнинг муносиб аъзосига айланиб бориши билан ўз қудратини ҳам мустаҳкамлаб боради.

Дастурларда белгиланган ҳаракатлар стратегияси барча йўналишлари таҳлили бир-бирига боғлиқ узвий қонуниятлар билан боғланганлигини кўрсатиб турибди. Улар давлат бошқаруви тизимларининг мураккаблашуви асносида

---

<sup>97</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи. 2018й, 29 декабрь.

фуқароларнинг ижтимоий ҳаётга иштирокини соддалаштирилишида, талаб ва эҳтиёжларга мос ишлаб чиқариш воситаларининг такомиллашувида, сон кўрсаткичларнинг ўсишида, жамиятнинг структуравий ўзгаришларида, ижтимоий соҳаларнинг ривожланишида намоён бўлмоқда. Албатта, стратегиянинг мувоффақиятли жорий этилиши фақатгина ундаги иқтисодий ва технологик омиллар билан белгиланмайди, бунда етакчилар ва қарор қабул қилувчи раҳбарларнинг обрўси, инсоний фазилатлари, стратегияга доир шижоати ҳам муҳим роль ўйнайди.<sup>98</sup> Энг катта ва ҳал этувчи куч – бу халқнинг иродаси бўлиб қолади.

### **Назорат саволлари:**

1. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сон Фармони қабул қилинишининг бош мақсади ва аҳамияти.

2. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда давлат бошқарув ва жамият тизими.

3. Ўзбекистонда давлат бошқаруви ҳокимиятининг устувор тамойиллари.

4. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги ҳамда жамоатчилик назоратининг аҳамияти.

5. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда жамоа ташкилотлари ёки сиёсий партияларнинг ўрни ва аҳамияти.

6. Ўзбекистон Республикаси суд тизимининг ихтисослашуви ва уни янада такомиллаштириш зарурияти.

7. Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда иқтисодий судлар ташкил этилишининг аҳамияти.

8. “Хабеас корпус” институтининг мазмун-моҳияти.

9. Фуқаролар мурожаатларини ҳал этишда виртуал қабулхоналарнинг ўрни ва аҳамияти.

10. Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш самарадорлиги.

11. Мамлакатимизда диний экстремизм, терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашишга қаратилган қонун ҳужжатлари ва уларнинг аҳамияти.

12. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни мазмун-моҳияти.

13. Жамиятда аҳоли ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасининг юксаклиги – демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг муҳим мезони.

---

<sup>98</sup> Квинт В. Стратегиялаш назарияси ва амалиёти. Т.; “TASVIR”. 2018й.41 б.

14. Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлашда Ўзбекистоннинг ўрни.

15. Таълим-тарбия соҳасининг яхлит, узлуксиз тизимини шакллантириш ва мустаҳкамлаш борасидаги ислохотлар ҳамда уларнинг аҳамияти.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
3. М.Бекмуродов ва бошқ. Харакатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгилашни сари, – Т.: “Ғофур Ғулом НМИУ”. 2017, - 236 б.
4. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти (Услубий қўлланма) – Т.: “Info Capital Group”, 2019. – 432 б.
5. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.

## **4-МАВЗУ: “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШДАН МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШГА” КОНЦЕПТУАЛ ҒОЯСИ**

### **РЕЖА:**

1. Ўзбекистоннинг дастлабки тараққиёт давридаги миллий ўзликни англаш ва миллий кадриятларимизни тиклашга доир амалга оширилган ишлар. Шу даврда миллий тикланиш борасида амалга оширилган ишлар.

2. Янги тараққиёт босқичида мамлакатимизни ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги амалга оширилаётган туб ислохотлар. Ўзбекистонни ривожланишининг янги концепцияси.

3. Янги тараққиёт босқичида “Миллий тикланишдан миллий юксалишга” ғоясини илгари сурилиши. Миллий юксалиш сари амалга оширилаётган ишлар ва истиқболлар.

### **1. Ўзбекистоннинг дастлабки тараққиёт давридаги миллий ўзликни англаш ва миллий кадриятларимизни тиклашга доир амалга оширилган ишлар.**

Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг етакчи олимлари томонидан демократиянинг миллий, умумбашарий тамойилларини ҳар бир халқнинг кадриятлари билан уйғунлаштириш ва тўлдириш борасида бирмунча ишлар қилинди. Шунга қарамай, мамлакатимизда демократик жамият барпо этиш жараёнида уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва намоён бўлиш хусусиятлари жиддий

ўрганишни талаб этади. Ваҳоланки, демократиянинг муҳим умумжаҳон еътироф этилган асосий тамойиллар мавжуд. Улар қуйидагилардан иборатдир:

- еркин ва адолатли сайловлар:
- очиқ ва ҳисобот берувчи ҳукумат:
- инсон ҳуқуқларининг устиворлиги:
- ҳокимият органларининг сайланиб қўйилиши:
- сўз, матбуот ва виждон еркинлигининг Конституция ва қонунлар билан кафолатланиши:
- қонун устиворлиги:
- фуқароларнинг сиёсий ва иқтисодий ҳуқуқлари мавжудлиги ва тенглиги:
- тайинлаш йўли билан шаклланадиган давлат органларининг сайлаб қўйиладиган органлар олдида ҳисоб бериш бурчлилиги:
- кўппартиявийлик тизимининг мавжудлиги:
- умуммиллий масалаларнинг ҳал этилишида референдумларнинг ўтказилиши:
- мулк шаклларининг хилма-хиллиги ва уларнинг тенглигини кафолатловчи қонунларнинг мавжудлиги:
- сиёсий муҳолифатнинг очиқ фаолият кўрсатиши:
- жамиятда плюрализм, яъни фикрлар хилма-хиллиги, ранг-баранглигини кафолатловчи қонунларнинг мавжудлиги ҳамда уларни амалий ҳаётга жорий этиш масалалари самарасининг ортиши.

Маълумки, Ўзбекистон халқи ўз мустақиллигига еришгач, Ер шарининг кўпчилиги аҳолиси каби ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик жамиятни барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Табиийки, бундай жамиятни шакллантиришда, авваламбор, Ўзбекистон тараққиётининг ўзига хос миллий тамойилларини жаҳонда кечаётган умуминсоний тамойиллар билан уйғунлашаётганлигини назардан кочирмаслик керак.

Ўзбекистон аҳолисининг бозор иқтисодига асосланган демократик жамият қуришида истиқлолизмнинг дастлабки йилларидаёқ Биринчи Президентимиз Ислон Каримов қуйидаги миллий тамойилларга жамоатчилик диққатини қаратди. Бу миллий тамойиллар «Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар» ҳамда «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарларида илмий жиҳатдан ҳар томонлама асослаб берилди. Бу Ўзбекистоннинг ўзига хос, ақл-идроққа асосланган тараққиёт йўли жаҳон афкор оммаси томонидан ҳақли равишда «тараққиётнинг ўзбек модели» деган ном олди.<sup>1</sup> Айнан ана шу тамойилларда бир томондан миллийлик, иккинчи томондан умуминсонийлик йўналишлари

<sup>1</sup> М.С.Гафарли, И.А.Касаев. ривожланишнинг «Ўзбек модели»: тинчлик ва барқарорлик – тараққиёт асоси. – Т.: Ўзбекистон, 2001. 430 – бет.



уйгунлашди ёки уларнинг диалектик мутаносиблиги ўз аксини топди. «Биринчи тамойилимизда, - деб ёзган еди И.А.Каримов, - аввал – иқтисод, кейин сиёсат деган шиорни олга сурдик».<sup>2</sup> Бошқача қилиб айтганда, иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги назарда тутилади. Иқтисодий ислохотлар сиёсатдан ортда қолмаслиги зарур.

Иккинчи тамойил – бу давлатнинг бош ислохотчи еканлиги. Янгиланиш ва ўзгаришлар сиёсатини ишлаб чиқиш ва уларни изчиллик билан амалга оширишни давлат ўз зиммасига олади.

Учинчи тамойил, ўз навбатида жамият ҳаётида, барча соҳаларда қонуннинг устуворлиги таъминланади. Айнан Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституцияси ҳам умуминсоний ва миллий тамойилларнинг мужассамлашган ёрқин намунасидир.

Тўртинчи тамойил, бу – аҳолининг демографик вазияти, айниқса, унинг 60 фоизидан кўпроги ёшлар ташкил етганлиги, кам таъминланган оилаларни, болаларни, нафақахўрларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш ҳисобланади.

Бешинчи тамойил, бу – халқимиз анъаналари, урф-одатлари ҳамда бозор иқтисодиётининг объектив қонун - қоидаларини ҳисобга олган ҳолда унга «шок терапияси» асосида емас, балки эволюцион тадрижий асосда, пухта ўйлаб босқичма-босқич ўтиш назарда тутилади.<sup>1</sup>

Шундай қилиб, ушбу тамойиллар ёки тараққиётнинг «Ўзбек модели» Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятига ўтишнинг ҳамда унинг жаҳон ҳамжамияти билан изчиллик асосида интеграцилашув концепциясининг негизини ташкил этади.

## **2. Ўзбекистонда кечаётган демократик ўзгаришларнинг жамиятнинг маънавий янгиланишига боғлиқлиги.**

Демократик жамият концепциясида миллий, умуминсоний кадриятлар билан бир қаторда, диний кадриятларнинг ўрнига алоҳида еътибор қаратилмоқда. Негаки, улар ўртасида қатъий чегара йўқ. Бундай фикр билдиришимизга муайян тарихий шароитларда объектив заруратлар туфайли жамият ривожланиши учун алоҳида аҳамият касб етувчи миллий кадриятлар диний қарашлар бағрида шаклланганлиги асос бўлади. Шунга кўра, бизнинг миллий кадриятларимиз фақат ислом заминиде вужудга келмаган, балки зардўштийлик, буддавийлик каби динлардан ҳам кўп нарсаларни олган. Бинобарин, ҳар қандай кадриятларнинг бош манбаи ижтимоий ҳаётдир. Бунинг исботи сифатида ҳозирги даврда мамлакатимизда кўпгина тарихан дин билан боғлиқ кадриятлар ўзларининг диний

<sup>2</sup> Каримов И.А. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар . – Т.: Ўзбекистон, 2001, 36-38, 177-бет.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд, Т.: Ўзбекистон. 1996, 177-180 бетлар.

мазмунини ўзгартириб, дунёвий, миллий қадриятларга айланганлигини еътироф этиш мумкин. Айни, пайтда, демократик жамиятни барпо этишда дин ҳар доим унинг тарафдори бўлавермайди. Айниқса, ҳозирги мураккаб ўтиш даврида ислом гоёлари ва қарашларидан бир-бирига тубдан қарама-қарши мақсадлар йўлида фойдаланишга уринишлар жонланган бир пайтда, ана шу омилнинг ўрнини алоҳида таҳлил этиш зарур. Айни замонда, тажовузкор ақидапараст кучлар ислом дини халқимиз учун муқаддас қадрият еканлигидан фойдаланиб, Ўзбекистонни демократик, маърифий тараққиёт йўлидан оғдиришга интилоқдалар. Кейинги йилларда дунё миқёсида исломдан қарама-қарши мақсад йўлидан фойдаланишлар яққол мисоллардан намоён бўлмоқда.

Ўзбекистонда демократик жамиятни барпо этишда миллий тамойилларнинг асосини ташкил етувчи қадриятлар ҳам алоҳида ўринга егадир. Миллий ва умумбашарий қадриятлар тўғрисида бир қатор мамлакатимиз олимларининг фикр ва мулоҳазаларини умумлаштириш лозим. Негаки, Ўзбекистонда барпо этилаётган ҳуқуқий демократик давлат ва очик фуқаролик жамияти умуминсоний қадриятлар билан бир қаторда, миллий қадриятларимизга асосланади.

“Қадрият” дейилганда, инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган миллат, елат ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қиладиган ва шу туфайли улар томонидан баҳолаиб, қадрланадиган табиат ва жамият неъматлари ҳодисалари мажмуини тушунмоғимиз лозим.<sup>1</sup>

“Қадриятлар – жамиятда кишилар ўртасида обрўга, еътиборга, ҳурматга, нуфузга, аҳамиятга ега кишилар, муносабатлар, ҳолатлар, моддий нарсалар ва маънавий бойликлар мажмуаси”<sup>2</sup> деган таъриф мавжуд. Қадриятларни бундай таърифлаш унинг моҳиятини анча ёрқин ифодаласа-да лекин қадриятларга берилган таърифлар ичида ўзининг илмийлиги билан бошқа таърифлардан ажралиб туради деган фикрдамиз. Бизнингча “умуминсоний қадриятлар тушунчаси бутун жамият аҳамиятига ега бўлган инсониятнинг мавжудлиги ўтмиши бугуни ва келажagini яшашнинг асосий йўналишлари қонун-қоидаларини талаб ва тартибларини одамларнинг енг азалий орзу-умидалри ва идеалларини ўзида акс еттирадиган қадриятларининг умумий шаклларини ифодалайди. Умуминсоний қадрият тушунчасининг объектив асоси ижтимоий муносабатлар ва жараёнлар инсониятнинг узлуксиз ҳаётини ва турмуш тарзини умумлаштирадиган жамиятдир”. Дарҳақиқат “умуминсонийлик” тушунчасида қадриятларни тирик табиатнинг бир қисми бўлган одам зотининг ҳаёти ва камолоти унинг тарихий тараққиёти сиёсий ва бошқа бирликлар учун аҳамияти ўз

<sup>1</sup> Қадриятлар ва ижтимоий тараққиёт (илмий ишлар тўплами). – Т.: Ўзбекистон, 1997, 198-бет; Т.Комилова, С.Абидова. Миллий ахлоқий қадриятлар ва уларнинг тарбиявий аҳамияти. – Т.: Фан, 2000, 20-бет; Б.С.Ерасов Культурология, 2-е изд., - М.: Аспект – Пресс 1997 591 – бет; Н.Ортиқов Маънавият: Миллий ва умуминсоний қадриятлар - Т.: Ўзбекистон 1997 48-бет.

<sup>2</sup> Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп лугат. А.Жалолов ва Қ.Хоназаров умумий таҳририда. – Т.: Шарқ 1998 279-бет.

ифодасини топиши керак. Демак инсониятнинг энг умумий жамоаси бўлган жамиятгина умуминсоний кадриятларнинг яратувчиси ва сақлаб турувчисидир.

### **3. Жамиятнинг маънавий янгилини демократик фуқаролик жамиятини барпо этиш омили.**

Демократик кадриятларнинг муайян шароитларда маҳаллий миллий минтақавий ва умуминсоний шаклларда намоён бўлади. Бинобарин ҳар бир жамият маънавий имкониятларини одамлар онгида маънавий ва ахлоқий кадриятларини ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур ета олмайди.

Халқларнинг маданий кадриятлари маънавий мероси минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Биринчи Президентимиз Ислам Каримов бу борада фикр юритиб шундай деб таъкидлаганлар: «Узоқ вақт давом етган кучли мафкуравий тазйиққа қарамай Ўзбекистон халқи авлоддан-авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий кадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишига муваффақ бўлди».<sup>1</sup> Бинобарин ҳар бир кадриятнинг моҳияти ва аҳамияти табиат жамият ва руҳий олам ҳодисаларини билиш илмий умумлаштириш ижтимоий ва маънавий тараққиётга таъсир этиш имкониятлари асосида белгиланади.

Демократик жамиятни умуминсоний ва миллий кадриятларсиз барпо этиб бўлмайди. Кадриятлар ҳақида фикр юритганда унинг иккита таркибий қисмини назарда тутмоқ керак. Бундан энг аввало инсоннинг объектив оламга нисбатан бўлган актив фаолиятини алоҳида таҳлил қилиш зурур. Умуминсоний кадриятлар тушунчасига моддий ва маънавий муҳит яшаш шарт-шароитларининг ривожланиши ва ворислик содир бўлиб янги-янги кадриятларнинг шаклланишига ўтишдан мерос бўлиб қолганлари еса давр руҳи янги ижтимоий еҳтиёж ва тараққиёт учун асос бўлган кадриятлар киради. Умуминсоний кадриятларнинг асосий вазифаси оламни билиш ва уни амалий ўзгартиришнинг муҳим омилидир.

«Миллий кадриятлар – миллат учун муҳим ва жиддий аҳамиятига ега бўлган жиҳат ва хусусиятлар. Ўз миллий кадрияти бўлмаган миллат ёки елат йўқ. Миллатнинг таназзули – миллий кадриятнинг таназзулидир. Миллий кадриятлар миллатнинг тарихи яшаш тарзи келажаги уни ташкил етган авлодлар ижтимоий қатламлар миллий онг тил маънавият ҳамда маданият билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади».<sup>2</sup> Негаки миллий кадриятлар нафақат мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлайдиган маънавий асослардан бири балки демократик адолатли ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг асосий манбаи ҳамдир. Марказий Осиё халқларининг асрлардан-асрларга мерос бўлиб келаётган

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон 1997 14-бет.

<sup>2</sup> Мустақиллик изоҳли илмий-оммбоп лугати. А.Жалолов ва Қ.Хоназаров умумий таҳририда. - Т.: Шарқ 1998 141-бет.

миллий қадриятлари узоқ тарихий жараёнда шаклланган ва кўплаб огир синовларни бошдан кечирди. Дарҳақиқат минтақамиз халқлари 3000 йилдан ортиқ даврни ўзида мужассамлаштириш орқали Марказий Осиё цивилизациясини ярата олган.

Марказий Осиё халқларининг миллий қадриятлардаги ўзига хос жиҳатларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

А) тугилган макон ва она юртга еҳтиром:

Б) аждодлар хотирасига садоқат:

В) катталарга ҳурмат ёшларга иззат:

Г) инсоний муомалада мулозамат:

Д) ҳаё андиша вазминлик сабр-тоқат кабиларнинг устуворлиги.

Маълумки демократик қадриятлар муайян шароитларда шаклланади. Шу сабабли улар маҳаллий миллий минтақавий умуминсоний мазмунда намоён бўлади.

Миллий қадриятлар қандайдир ўзгармас ҳодисалар емас. Миллат тараққиёти билан боғлиқ бўлган ижтимоий иқтисодий маънавий ҳаётнинг такомиллашиб бориши яшаш ва меҳнат қилиш шароитлар ўзгариши билан миллий қадриятлар ҳам ривожланиб боришига имкон яратилади. Ҳар бир қадрият маълум конкрет давр шароит ва еҳтиёжларнинг маҳсулигина емас балки унинг кўзгуси ҳамдир. Шу нуқтаи назардан қадриятларнинг демократик тамойиллар билан қарор топишидаги ўрнига баҳо беришдан олдин улардан фойдаланишга икки омилга алоҳида еътибор бериш керак: биринчиси - қайси бир қадриятларнинг юзага келган аниқ тарихий шароитлар иккинчиси ўша даврларга хос бўлган имконият ва еҳтиёжлар. Шунингдек умумбашарий демократик қадриятларни минтақавий қадриятларми миллий қадриятларми - унинг қайси замин еҳтиёжи асосида вужудга келганлигини улар ўртасида қандай уйғунлик мавжуд бўлганлиги ворисийлик масалаларини ҳам ўрганиш зарур. Бу ҳолатлар Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг муҳим шартидир.

Ҳар бир халқнинг миллий онгида шу халққа хос ва мос бўлган тарихий шаклланган асосий жиҳатлар борки у шу халқнинг руҳиятини менталитетини характерини ифодалайди ва улар мамлакатнинг сиёсий тизимида ўзининг изларини қолдирмаслиги мумкин емас. Умуминсоний қадриятга айланган демократиянинг ҳамма учун муҳим ва аҳамиятли бўлган жиҳатларини тан олиб унинг ҳар бир халқ миллий-маънавий руҳияти асосида қарор топиши ва умуминсоний ҳодисага айланишини еътироф етмаслик жиҳат ривожига демократик тараққиёт мантигига тўғри келмайди. Демократия қанчалик умуминсоний маъно ва қадрият касб етмасин унинг негизини унга руҳий куч-қувват берадиган уни бойитиб турадиган ранг-баранглигини таъминлайдиган миллийлик миллий руҳият миллий-маънавий қадриятлардир. Демократия

миллийликнимиллий руҳиятни ҳисобга олмаса унга таянмаса ўз моҳиятига зид бўлиб қолади.

Умуминсоний кадриятлар инсон маънавий-ижтимоий камолотининг қандайдир алоҳида бошқалардан ажралган томони емас. Умуминсоний кадриятлар миллий ва минтақавий кадриятларнинг умумлашган ифодасидир. Умуминсоний кадриятлар бутун инсониятга хос кадриятлар асосида ташкил топади ва ривожланади. Улар айна вақтда барча миллий кадриятларнинг бири-бирига яқинлашиши ва ривожланишига ҳам хизмат қилади.

Инсонпарварлик гояларига садоқат, демократия, ижтимоий адолат ҳамма ерда барқарор бўлишга интилиш, инсон ҳуқуқлари поймол етилишига йўл қўймаслик, ҳамма халқларнинг миллий мустақиллик учун бўлган курашларини ҳимоя қилиш, кишиларни дўстлик, ҳамкорлик ва ҳамдардликка чорлаш, ҳамма ерда тинчлик, осойишталик қарор топишга ҳаракат қилиш, атроф- муҳитни тоза сақлаш умуминсоний кадриятларнинг ҳозирги кунда катта аҳамият касб етаётган жиҳатларидир.

Бу кадриятлар бутун инсоният томонидан қўлга киритилган фан, техника, маданият, ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатларини ривожлантириш борасидаги янги жиҳатлар, демократия қонунчилик, адолатни барқарорлаштириш борасидаги ютуқлардан ҳам иборат бўлиб, улардан оқилона фойдаланиш республикамизни жаҳондаги ривожланган давлатлардан бирига айлантириш ишига хизмат қилади. Бу борада бирор чекинишларга, миллий маҳдудликка ва калондимогликка йўл қўйиш ниҳоятда катта йўқотишларга олиб келиши мумкин.

Шу жиҳатдан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси муқаддимасида Ўзбекистон халқи:

- инсон ҳуқуқларига ва давлат суверинитети гояларига содиқлигини тантанали равишда еълон қилиб,

- ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак маъсулиятини англаган ҳолда,

- ўзбек давлатчилги ривожининг тарихий тажрибасига таянади,

- демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб,

- халқаро ҳуқуқнинг умум еътироф етилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда,

- республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб,

- инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо етишни кўзлаб,

- фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида,

- ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилади дейилган.

Ўзбекистон суверент демократик давлат бўлиб, халқ давлат ҳокимиятининг асосий манбаи ҳисобланади. Бу ҳақда Конституциянинг 13-моддасида шундай дейилган: «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади».<sup>1</sup> Демак, демократик давлатда халқ давлат ҳокимиятининг асосий манбаи бўлиб, умуминсоний тамойилларини амалга ошириш орқали инсон ва жамиятнинг фаровонлигини, барча халқнинг турмуш даражасини ошириб боришга еришади.

Катта ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятга ега бўлган минтақавий қадриятлардан яна бири – жамоатчилик фикридир. Жамоатчилик фикри одамлар ўртасидаги бир-бирига яқинлик, ўзаро ҳурматнинг ифодаси бўлиб, кенг фойдаланиш мумкин бўлган қадриятдир.

Хулоса қилиб айтганда, қадриятлар жамият тарихий тараққиёти жараёнида шаклланган ва ривожланган, ўтмишда, ҳозирги кунда ва келажакда ҳам ижтимоий тараққиётга ижобий таъсир етадиган, кишилар онгига сингиб, ижобий аҳамият касб етган моддий, маънавий бойликлардир. Шу нуқтаи назардан, тарихий тажриба, анъаналарнинг мерос бўлиб ўтиши – буларнинг барчаси янгидан-янги, авлодларни тарбиялайдиган қадриятларга айланиб қолиши лозим.

Демак, миллий қадриятлар умуминсоний демократик тамойиллар билан уйғунлаштирилса, шундагина жамият тараққиётнинг ривожланишида унинг ўрни алоҳида аҳамиятга ега бўлади. Аммо шўролар даврида қадриятлар бир томонлама ёритилар, бу борада кўп тадқиқотлар олиб борилган еди. Лекин миллий қадриятларнинг мавжудлиги еътибордан четда қолиб келган. Бундай «тадқиқот» лардан мақсад ҳар бир миллатнинг ўз муайян тарихий тажрибаси асосида ўз қадриятлари тизими шакллангунигача қадар кишиларнинг еътиборини тортмасдан демократиянинг умумжаҳон ва умумбашарий тамойиллари еса синфий асосда талқин етиш еди. Танлаб олинган ва умумжаҳон тамойиллар ҳамда қадриятлар ичида енг нуфузли жойни улуг миллатнинг қадриятлари егаллаб туради.

### **Назорат саволлари:**

1. Демократиянинг муҳим умумжаҳон эътироф этилган асосий тамойиллар қайсилар?
2. Ўзбекистонда кечаётган демократик ўзгаришларнинг жамиятнинг маънавий янгиланишига боғлиқлиги.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – т.: Ўзбекистон 2014 11-бет.

3. Миллий ва умумбашарий қадриятлар тўғрисида қандай фикрларга эга бўлдингиз?
4. Қадриятлар деганда нимани тушунасиз?
5. Жамиятнинг маънавий янгилашиши демократик фуқаролик жамиятини барпо этиш омили.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б

### **5-МАВЗУ: ФАНИНГ ПРЕДМЕТИ, ОБЪЕКТИ, МАҚСАДИ, ЎҚУВ, ИЛМИЙ, АМАЛИЙ, ТАРБИЯВИЙ ВАЗИФАЛАРИ, ФУНКЦИЯЛАРИ ВА БОШҚА ИЖТИМОЙ ФАНЛАР БИЛАН ЎЗARO БОҒЛИҚЛИГИ ҲАМДА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

#### **РЕЖА:**

1. Фуқаролик жамияти фанининг предмети, объекти, мақсади. Фуқаролик жамияти фанининг ўқув, илмий, амалий ва тарбиявий вазифалари. Фуқаролик жамияти фанининг функциялари ва бошқа ижтимоий фанлар билан ўзаро боғлиқлиги.

2. Фуқаролик жамияти фанининг ўзига хос хусусиятлари. Фуқаролик жамиятининг вужудга келиши. Фуқаролик жамияти тушунчасининг тарихий илдизлари ва уларнинг турли тавсифлари. Фуқаролик жамиятининг асослари.

3. Фуқаролик жамияти тушунчасининг умумийлиги ва ўзига хос жиҳатлари. Фуқаролик жамияти ва адолатли жамият. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг асосий белгилари. Фуқаровийлик, фуқаровий онг ва фуқаровий фаоллик. Фуқаролик жамиятида ҳуқуқий маданият.

**1. Фуқаролик жамияти фанининг предмети, объекти, мақсади. Фуқаролик жамияти фанининг ўқув, илмий, амалий ва тарбиявий вазифалари. Фуқаролик жамияти фанининг функциялари ва бошқа ижтимоий фанлар билан ўзаро боғлиқлиги.**

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш ислохотлари жараёнида жаҳондаги турли мамлакатларда шу каби жамият асосларининг яратилиш тажрибаси, бу соҳадаги ислохотларнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий асосларининг шакллантирилиши, уларга доир назарий ишланмаларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, фуқаролик жамиятининг бу инсоният учун муҳим бўлган ижобий жиҳатлари (тамойиллари ва ва яшаш муҳити) ўтиш даврини ўз бошидан кечираётган мамлакатларда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва ҳуқуқий давлат сари ривожланиш сари интилишига доир ислохотларида муҳим тажриба сифатида намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан қараганда, фуқаролик жамиятига доир фанни олий таълим тизимида ўқитиш муҳим долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Фуқаролик жамияти фани жаҳонда бир неча минглаб йиллар давомида йиғилган умуминсоний кадриятларни ҳозирги умуминсоний ва демократик кадриятлар илан уйғун ҳолда ўрганиши ва улардан хулосалар чиқариши туфайли ёш авлодни шакллантиришда муҳим рол ўйнайди. Бу фан инсониятнинг энг сўнги тараққиёт босқичи ва инсоний бирлиги тўғрисидаги таълимотларни ҳозирги давр билан мустаҳкам боғлиқлик ҳолида ўрганайди, инсонни жамият қонуниятлари ва кадриятлари асосида яшашга ундайди, бу йўлдан инсон манфаатдорлигини асослаайди. Бу жараёнда Фуқаролик жамияти фани бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар билан ҳамкорлик қилади. Умуман олганда, бу фан инсонни ҳозирги даврнинг сўнги цивилизацияси – фуқаролик жамиятининг ривожланиш қонуниятлари, тамойиллари ва унинг шахсни камолга етказишдаги ролига доир билимлар билан қуроллантиради.

Ҳозирги даврга келиб дунёдаги ривожланган мамлакатларда фуқаролик жамиятининг қурилганлиги, мазкур жамият сиёсий институти сифатида ҳуқуқий давлат бунёд этилганлиги, бу каби жамият ва давлатлар муҳитида инсон ва унинг фаолияти учун эркинлик яратилиши, инсон ҳуқуқларини ҳимоялашнинг миқёси ниҳоятда кенг эканлиги каби омиллар демократия қуриш йўлидан кетаётган давлатларни қизиқтироқда. Шунинг учун ҳам ўтиш даврида яшаётган мамлакатлар сиёсий элитаси фуқаролик жамиятини нафақат ижтимоий модель сифатида, балки уни таълим тизимида жорий этиш асносида ёш авлодни шакллантириш омили сифатида ҳам эътироф этмоқда.

Ўзбекистон давлати мустақилликка эришганидан кейин бозор иқтисодиёти муносабатларига асосланган мустақил фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этиш, инсон манфаатларини қондириш, улар ҳуқуқ ва эркинликларини



таъминлаш, жамиятда қонун устуворлигига эришиш асносида барча фуқароларнинг қонун олдида тенглигига ва адолат принцларини амал қилишига эришиш каби эзгуликларга асосланадиган муҳитни яратиш учун фуқаролик жамияти қуришни асосий стратегик мақсад сифатида эълон қилди.

Шунинг учун ҳам биринчи Президент И.А.Каримов мустақилликнинг илк давридаёқ «бизнинг бош стратегик мақсадимиз қатъий ва ўзгармас бўлиб, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдеворини шакллантиришдан иборат»<sup>99</sup> деган ғояни илгари сурган эди.

2016 йилнинг сўнгги чорагидан бошлаб мамлакатимизда давлат раҳбари сифатида ўз фаолиятини бошлаган Ш.М.Мирзиёев мамлакатда фуқаролик жамиятини ривожланиши учун муҳим куч-қудрат манбаи - “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган ғояни илгари суриши, унга монанд бўлган ҳуқуқий асослар ва жиддий ўзгаришларни амалга ошириши натижасида Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуриш ислохотлари авж олди, унга нисбатан халқимизнинг ишончи юксала бошлади. Мамлакатимиз раҳбари Президентликни бажариш учун киришган дастлабки кундаёқ қуйидаги концептуал ғояни илгари сурди: “Мустақил тараққиёт йилларида Конституциямиз юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатлари ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодиётни қуриш, халқимиз учун тинч, обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда”<sup>100</sup>.

“Фуқаролик жамияти” тушунчаси – инсониятнинг бир неча асрлар мобайнида шаклланган тафаккур маҳсули бўлиб, у инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг таъминлаш даражасининг нақадар юксалганлиги даражаси мезони сифатида намоён бўлди. Фуқаролик жамиятининг пойдевори ва асосларини яратиш учун авваломбор у ҳақдаги ғояларнинг генезисини ва ривожланишини билишга зарурат туғилади. Фуқаролик жамиятини шаклланиши учун унинг асослари (иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, маънавий) яратилиши лозим. Фуқаролик жамиятининг асослари қуйидагилардан иборат:

иқтисодий асос - шахс ва жамият манфаатларининг умумийлигига асосланган мулк шакллариининг хилма-хиллиги, иқтисодий плюрализм, кўп укладлилик, эркин бозор муносабатлари; жамиятнинг ҳар бир аъзосини ўз мулкига эга, у бу мулкни ўз хоҳиши билан тасарруф эта олиш эркинлигининг мавжудлиги, бу мулкдан

<sup>99</sup>Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.: Ўзбекистон. 2000. 8-жилд. -Б-331.

<sup>100</sup>Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. //Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. -Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2017.- Б.102-103..

фойдаланиш ва уни сарфлаш ҳуқуқига эга бўлиши, хусусий мулк дахлсизлиги, ҳар бир шахснинг давлат томонидан кафолатланган тадбиркорлик, меҳнат ва истеъмол фаолияти эркинлиги билан таъминланганлиги.

ижтимоий-сиёсий асос – фуқаролик жамияти қурилаётган давлатнинг мустақил ва суверен эканлиги, иқтисодий ва сиёсий ҳокимиятларнинг бир-биридан ажратилганлиги; фуқароларнинг ўз мақсадларини ҳимоя қилиш мақсадида маълум нодавлат ташкилотларга бирлашган бўлиши, ҳокимиятни учга бўлини принципи амалда ўз аксни топганлиги, ҳокимиятларни турли марказлар, гуруҳлар ёки шахслар қўлида тўпланиб қолмаслиги; сиёсий плюрализмнинг мавжудлиги; давлат ҳокимияти ваколати функцияларининг секин-аста секинлик билан қуйи вакиллик органлари ва ўзини ўзи бошқариш органларига бериб борилиши;

ҳуқуқий асоси – жамиятда инсоннинг яшаши ва ривожланиши учун муҳим зарурат бўлган эркинлик, тенглик, адолат қадриятларининг қарор топганлиги, шахслар ва фуқаролар ўртасида ўзаро тенгликнинг таъминланганлиги, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини давлат томонидан тўлиқ равишда эътироф этилиши; адолат принципларига амал қилиниши; бир шахснинг эркинлиги иккинчи шахснинг эркинлигига дахл этса, унинг эркинлиги шу ерда тўхталиши, давлат, жамият ва шахс манфаатлари ўзаро муштарклигининг шаклланиши;

маънавий асос – инсонлар ўз кадр-қимматини ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қила олиш қобилиятини шаклланганлиги, халқнинг жамият қадриятлари ҳимоя қила олиш салоҳиятининг мавжудлиги, виждон эркинлигининг амал қилиши, жамиятда ахлоқий меъёрларга амал қилиш урф-одатларининг шаклланганлиги, бирон-бир мафқуранинг яқка ҳокимлик қилишга уринишларининг чеклаб қўйилганлиги, фуқароларнинг маънавий ва ижтимоий жараёнларда бевосита ва билвосита иштирок этишлари учун барча шарт-шароитларнинг мавжудлиги, ҳар бир фуқаронинг ўз мустақил фикрлаши ва қарашига эга эканлигини намоён қилиш учун барча шароитларнинг мавжуд эканлиги, маънавий жараёнларни фақат жамият ва фуқаролар томонидан амалга оширилиши, ҳар бир фуқаронинг қандай дунёқараш ёки динга кириши унинг ўзи томонидан ҳал этилиши, диний эркинлик, барча динлар ва мафқураларнинг ўзаро ҳамкорликда яшашлари учун зарур бўлган шарт-шароитларнинг яратилганлиги.

Умуман олганда “фуқаролик жамияти” атамаси турли хорижий адабиётларда умумий моҳиятга эга, шу билан бирга, ҳар бир мамлакатнинг миллий анъанларини ҳам уйғунлаштирадиган тушунча бўлиб, у ҳозирги даврдаги талқинларда жамиятнинг муайян шакли (ҳолати ва хусусияти)ни, унинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий табиатини, ривожланиш даражасини ифодалайди. Фуқаролик жамиятини шакллантириш масалалари доимо давлатни такомиллаштириш, ҳуқуқ ва қонуннинг родини юксалтириш муаммолари ҳал этиш билан чамбарчас тарзда ўзаро боғлиқдир.

Баъзи олимларнинг фикрича, демократик жамият – бу «энг аввало, фуқаролик жамиятидир. Чинакам демократиянинг олий мазмуни — шахслараро, миллатлараро, давлат ва ижтимоий-сиёсий муносабатларни уйғунлантиришдан иборат. Бунда инсон ва жамият, жамият ва давлат ҳокимияти тинч-тотув яшайди». Фуқароларнинг давлат ҳаётида иштирок этиши жараёни анча кучайиб бормоқда ва сиёсий партиялар, ноҳукумат ташкилотлар фаолиятида, ҳаётнинг барча жабҳалари, шу жумладан инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳам органлар ва мансабдор шахслар фаолиятининг ижтимоий назоратини ҳамкорликда амалга оширишга қаратилган оммавий ахборот воситаларининг фаоллашувида ўз аксини топмоқда.

Фуқаролик жамияти — бу, ижтимоий-сиёсий масалаларни ҳал этишда фаол қатнашадиган, давлатнинг бедодлиги ва аралашувига йўл қўймайдиган ҳуқуқ ҳукмрон бўлган, фуқаролар ва давлат ҳамкорлик асосида ишлайдиган онгли индивидлар жамиятидир. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фуқаролик жамиятига таъриф берилмаган бўлса-да, унда фуқаролик институтларини ташкил этиш ва улар фаолиятининг ҳуқуқий асослари эътироф этилган, уларнинг давлат билан ўзаро ҳамкорлиги принциплари белгиланган<sup>101</sup>.

Фуқаролик жамияти фанининг предмети сифатида фуқаролик жамиятининг шаклланиши, ривожланиши, ҳар бир миллий давлатда фуқаролик жамияти қарор топишининг умумий, ўзига хос қонуниятларини ва тамойиллари, Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси йўналиши ўрганилади. Фуқаролик жамияти фанининг **предмети** – кишилиқ тарихида инсонларнинг ўзаро муносабатлари натижасида юксак жамиятга доир қадриятлар ва тузилмавий унсурларнинг шаклланиши, уларнинг ривожланиб бориши натижасида идеал жамиятда инсонлар ўзаро алоқаларининг қонуниятларини шаклланиши, ривожланган мамлакатларда узок тарихий ривожланиш натижаси ўлароқ шаклланган юксак инсоний бирлик – фуқаролик жамиятининг институтлари фаолияти, Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси йўналишилари амалга ошириш назарий ва амалий жиҳатлари тизимли ўрганишни ташкил этади. Фаннинг **объекти** – бу инсоний жамиятнинг оддийдан мураккабга, ўзини ўзи такроран яратиб турадиган инсоний бирликка ўсиб ўтиши, ва ниҳоят, ривожланган мамлакатларда шаклланган фуқаролик жамияти ва унинг институтлари ҳисобланади. Ана шу тарихий воқеликларга уйғун тарзда Ўзбекистонда фуқаролик жамияти унсурларига доир ғояларнинг ривожланиши, мустақиллик даврига келиб фуқаролик жамияти институтларининг ривожланиши, ундаги тамойилларнинг ривожланган давлатлар билан қиёсий таҳлиллари ҳисобланади.

Фанни ўқитишдан мақсад - Тингловчи ёшлар онгида фуқаролик жамиятига доир тасавурларни сингдириш, уларда жамиятни ривожлантиришга доир мустақил фикрлаш кўникмаларини шакллантириш Ўзбекистонни ривожлантириш

<sup>101</sup>Фуқаролик жамияти: ютуқлар, муаммолар, истиқболлар. Т.: Академия. 2007.

стратегияси йўналишилари, Ватанга садоқат ҳис-туйғуларини юксалтириш кабилардан иборатдир.

## **2. Фаннинг ўқув, илмий, амалий ва тарбиявий вазифалари:**

-жаҳон тажрибаси ва миллий воқеликларни ўрганиш асносида фуқаролик жамиятига доир классик ва замонавий концепциялар мазмун-моҳиятини очиб бериш;

-Тингловчиларга фуқаролик жамиятига доир тушунчаларни таҳлил қилишда, унга доир назарияларни ўрганишда ҳар томонлама кўмаклашиш, уларнинг жамиятга доир қарашларини бойитиш; Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясининг асосий йўналишилари бўйича тўлиқ тасаввурга эга бўлиш;

-фуқаролик жамияти қуриш ислохотларида шахснинг ролини очиб бериш асносида Тингловчиларда шахсий фуқаролик нуқтаи назарларни шакллантиришга ёрдамлашиш;

-Тингловчилар онгига фуқаролик жамияти қуриш жараёнида пайдо бўладиган муаммолар ва уларнинг ечимларига доир билимларни сингдириш;

-Тингловчиларга фуқаролик жамиятига доир назарий ишланмаларни таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантиришларида уларга ҳар томонлама кўмаклашиш;

-тараққиётнинг “Ўзбек модели” ва фуқаролик жамиятини барпо этишнинг илмий-методологик асосларига доир билимларни ўзлаштиришларига кўмаклашиш;

-Тингловчиларга ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг асосий белгилари ва ўзаро таъсир этиш механизмларига доир тушунчалар, билимлар бериш;

-фуқаролик жамиятини барпо этишнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий асосларини очиб бериш;

-фуқаролик жамиятининг иқтисодий таянчи – давлат ва хусусий мулкчилик, тадбиркорлик ва фермерликни ривожлантиришга доир билимлар бериш;

-Тингловчилар онгини фуқаролик жамиятининг маърифий ва руҳий асоси – миллий маънавиятни тиклаш ва уни ривожлантиришга доир билимлар билан бойитиш;

“Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилининг мазмун-моҳиятини тушунтириш;

-“Адолат – қонун устуворлигида” тамойилининг моҳияти ва аҳамиятига доир билимлар бериш;

-Инсон манфаатларининг ҳамма нарсадан устунлиги;

-Ҳаракатлар стратегиясида фуқаролик жамиятини ривожлантиришга доир концептуал мақсадларнинг мазмун-моҳияти;

-Президентнинг “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилади” деган ғоясини аҳамиятини очиб бериш;

-сайлов ҳуқуқи эркинлиги - фуқаролик жамиятининг муҳим мезони эканлигини асослаш;

-фуқаролик жамияти институтлари ривожланишида жаҳон тажрибасининг ўрнини очиб бериш;

-ижтимоий инновацияларнинг фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланишига таъсири тўғрисида билимлар бериш;

-сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳаларни эркинлаштириш ислохотларини фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги аҳамиятини очиб бериш;

-жамиятда фуқаролар манфаатлари мувозанатини таъминлаш масаласи ҳақида тушунчалар бериш;

-фуқароларнинг моддий фаровонлигини ошириш бўйича “халқ бой бўлса, давлат бой бўлади” тамойилининг моҳиятини тушунтириш;

-фуқаролик жамиятини ривожлантиришда сиёсий партияларнинг ўрни ва аҳамиятини кўрсатиб бериш;

-нодавлат нотажорат ташкилотларининг фуқаролик жамияти институти сифатидаги ўрнини очиб бериш;

-оммавий ахборот воситаларини эркинлаштиришга доир билимлар бериш;

-фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ёритиб бериш;

-ижтимоий шериклик тўғрисида;

-жамоатчилик назорати ва давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш масалаларини ёритиш;

-ёшларда фаол фуқаролик позицияларини шакллантириш механизмларига доир билимлар бериш.

-Тингловчи ёшларда коррупцияга қарши муросасиз кураш интеллектларини шакллантириш.

Фуқаролик жамияти фанини Тингловчилар томонидан ўзлаштириш жараёнида уларда қуйидаги билим, кўникма шакллантириш мўлжалланади:

-фуқаролик жамияти тўғрисида назарий билимлар ва уларнинг Ўзбекистондаги ислохотлар жараёнида амал қилиши, намоён бўлишининг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида; Тингловчиларда фуқаролик жамиятига доир назарий билимлар ва кўникмалар; ривожланган давлатларда фуқаролик жамиятининг шаклланиш ва ривожланиши тажрибалари; фуқаролик жамияти институтларининг ривожланиши ва фаолият юритиши тўғрисида; ўтмиш, бугун ва келажак воқеаларини баҳолашда илмий билишнинг турли услубларидан фойдаланиш; фуқаролик жамиятини ривожланишига уйғун равишда давлат бошқарув органларини демократлаштириш ва модернизациялаш жараёнлари; давлат ҳокимияти органлари тизими ва фуқаролик жамияти ўзаро муносабатлари; фуқаролик жамияти институтлари ва давлат бошқарувининг ўзига хос жиҳатлари;

фуқаролик жамияти қуриш ислоҳотларининг мазмун-моҳиятига доир муайян билимларга эга бўлиши;

-фуқаролик жамият қуришнинг миллий ва умуминсоний демократик тамойилларини; фуқаролик жамият қуришга доир илғор тажриба ва усулларни; ривожланган давлатларда мамлакатни демократлаштириш ва модернизациялашнинг асосий тамойиллари ҳамда уларнинг “Ўзбек модели” тамойиллари билан қиёсий таҳлилини амалга оширишни; фуқаролик жамиятини қуришнинг ҳуқуқий асосларини; тараққиётнинг “Ўзбек модели” тамойиллари моҳиятини билиши ва улардан эркин равишда фойдалана олиши, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳиятини билиши ва уни амалга ошириш жараёнида иштирок этишга мойиллик туйғуларини уйғотиш;

-марказлашган режали иқтисодиёт ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг бир-биридан фарқли томонларини англаб етиш; мамлакатни демократлаштириш ва бозор иқтисодиётига ўтишининг инқилобий ва тадрижий (эволюцион) йўлларининг ютуқ ва камчиликларини баҳолай олиш; мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ва бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишнинг моҳияти ва босқичлари; мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш ва диверсификациялаш, кучли ижтимоий сиёсатнинг моҳиятини англаб етиш, уларни амалда қўллай олиш кўникмаларига эга бўлиши;

-Тингловчиларнинг мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳиятини англаган ҳолда ўз мутахассислиги бўйича улардан самарали тарзда фойдаланиш; “Ўзбек модели” асосида эришилган натижаларни билиш ва уларни аҳоли ўртасида тарғиб этиш; Ҳаракатлар стратегияси вазифаларини амалга ошириш, унга доир ислоҳотларнинг моҳиятини ўзлаштириш, мамлакатда фуқаролик жамиятини қуриш жараёнига доир ўз мустақил муносабатларини билдира олиш қобилиятини эгаллаш; мамлакатимизнинг жаҳон интеграциясига кириб бориш жараёнлари, бу соҳадаги ютуқларни эркин таҳлил қила олиш малакаларига эга бўлиши кўзда тутилади

Барча фанлар қатори Фуқаролик жамияти фанининг ҳам ўзига ҳос қонуниятлари, тушунчалари мавжуд. Фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши тўғрисидаги умумэътироф этилган қонуниятларни 2 гуруҳга ажратиш мумкин.

1-гуруҳ. Фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланишига доир умумэътироф этилган қонуниятлар.

- мулкий муносабатларнинг қарор топиши ва ривожланиши;
- инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларининг реал ва амалда таъминланиши;
- давлат ҳокимияти бошқарув органларининг номарказлашуви;
- жамиятнинг плюралистик ғоялар асосида ривожланишининг устуворлиги;

-фуқароларнинг давлат бошқарувига оид қарорларни қабул қилишда таъсири ва мавқеининг ошиб бориши;

-фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий ҳаётидаги мавқеининг ошиб бориши;

-фуқаровийлик ва фуқаро фаоллигининг жамият ҳаётига таъсирини кучайиб бориши ва б.қ.

2-гурух. Ҳар бир мамлакатларнинг миллий ва тарихий ривожланишидаги ўзига хос жиҳатларини ҳисобга оладиган қонуниятлар.

-Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси асосий йўналишилариининг тизимли ривожланиши;

-ўрта мулкдорлар қатламининг шаклланиши;

-ўз-ўзини бошқариш институтларининг жамият бошқарувидаги ўрни ва ролининг ошиб бориши;

-ижтимоий ҳимоянинг манзилли ташкил этилиши ва амалга оширилиши;

-маънавий етукликка эришиш имкониятларининг ошириб бориши ва ёшларнинг бунёдкор кучга айланиши ва б.қ.

Фаннинг асосий тушунчалари: фуқаро, фуқаролик жамияти, давлат, ҳуқуқий давлат, сиёсий институтлар, фуқаролик жамияти институтлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги, инсон ҳуқуқлари, жамиятининг ижтимоий тузилмаси, жамиятининг иқтисодий асослари, демократик институтлар, қонун устуворлиги, сайлов, сайлов ҳуқуқи, фуқаровийлик, фуқаровий фаоллик, Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси, юрт тинчлиги, ватан равнақи дахлдорлик ҳисси, оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш, ўзини-ўзи бошқариш, Миллатлар ва конфессиялараро тотувлик, бағрикенглик жамоатчилик назорати, давлат органлари фаолиятининг очиклиги, ижтимоий шериклик кабилардир.

Фуқаролик жамияти фанини ўқитиш жараёнида илмийлик, тарихийлик, мантиқийлик, тизимлилик, қиёсий таҳлил методларидан фойдаланилади.

*Илмийлик* – фуқаролик жамияти тўғрисидаги ғоялар, назариялар, замонавий концепцияларни таҳлил қилиш асосида унинг методологик назарий асосларини кўрсатиш.

*Тарихийлик* - фуқаролик жамиятининг шаклланишининг тарихий босқичлари, уларнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилган ҳолда жаҳон тажрибасида эришилган ютуқлардан фойдаланиш асосида таҳлил этиш.

*Мантиқийлик* – фуқаролик жамияти шаклланишининг генезисидан то бугунги ҳолатигача бўлган жиҳатларини (асосий белгилари, омиллари, тамойиллари, функциялари) узвийлик асосида таҳлил қилиш.

*Тизимлилик* – фуқаролик жамиятини бир бутун тизим сифатида ва ҳар бир белгиларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва тизимдаги ўрни ва ролини аниқлаш.

*Қиёсий таҳлил* – фуқаролик жамияти шаклланиш ва ривожланиш тажрибаларини солиштириш, ҳар бир давлатдаги ўзига хос жиҳатларини кўрсатиш.

Фуқаролик жамияти фани бакалаврият босқичи ўқув режасидаги Ўзбекистон тарихи, Фалсафа, Миллий ғоя, Иқтисодиёт назарияси, Диншунослик каби фанлар билан ўзаро боғлиқдир. Бу фанларда фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланишининг турли йўналишларидаги ҳолати, қонуниятлари, тамойиллари ўрганилади. Фуқаролик жамияти фаннинг ўзига хослиги шундан иборатки, у жамиятни ривожланиб боровчи бир бутун яхлит тизим ва тизимнинг таркибий қисмлари сифатида ўрганади. Ижтимоий фанларнинг хулосалари асосида фуқаролик жамияти фани жамият тараққиёти қонуниятларини умумлаштирувчи функцияни бажаради.

Фуқаролик жамияти фанининг *методологик функцияси* ижтимоий фанларнинг ривожланиши ижтимоий жараёнларни ўрганишнинг умумий йўналишларини белгилашда, ишлаб чиқилган меъёрларнинг дастурил амал сифатида фойдаланишда яққол кўзга ташланади.

Фуқаролик жамияти фанининг *прогностик (башорат қилиш) функцияси* жамиятнинг ривожланиш истиқболларини олдиндан кўришга инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг намоён бўлишида кўринади. Жамиятнинг ҳар бир фуқароси ўз касби-кори ва ихтисослигидан қаътий назар жамият ривожланиши тўғрисидаги билимлари чуқур эгаллаши орқалигина ён атрофида рўй бераётган воқеа ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатларини билиши, уларни бошқаришда бевосита ёки билвосита иштирок этиш, бунёдкор кучга айланиши мумкин.

Ижтимоий-сиёсий фанларда “фуқаролик жамияти” ва “давлат” тушунчалари узоқ даврлар бир-биридан унчалик фарқланмай келди, улар айнан бир мазмундаги тушунчалар сифатида ишлатилди. Бироқ, XVII аср ўрталаридан бошлаб, жамиятнинг турли жабҳаларини табақалашини, нодавлат ўзини ўзи бошқариш унсурларини шаклланиши, баъзи фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қўлга киритиши, эркин фикрлайдиган ва мустақил индивидни шаклланиши жараёни ижтимоий тараққиётнинг икки тамойилини юзага келтирди. Улар энди фан объекти сифатида ўрганила бошланди.

Давлатда ҳокимиятнинг учга бўлиниш принципини асосланиши, сиёсий партиялар, манфаатлар гуруҳлари (касаба уюшмалари, оммавий ахборот воситалари ва ҳ.к.) пайдо бўлиши билан жамият ҳаёти мазмуни энди фақат давлат ҳокимияти билан чекланиб қолмасликни тақозо этди. Жамият бошқаруви



дунёсига янги иштирокчи институтлар кириб кела бошлади, улар сиёсий қарорлар қабул қилиш, фуқаролик жамияти стратегиясини ишлаб чиқиш, шахс фаолиятининг умумий мақсад ва мазмунини шакллантириш жараёнига сезиларли даражада таъсир кўрсата бошлади.

Фуқаролик жамияти тушунчаси абсолютизм режими ағдарилганидан сўнг шаклланган янги ҳаётни, яъни фуқароларнинг шахсий ҳаётини давлат тазйиқидан халос этишни акс эттира бошлади. Фуқаролик жамияти унсурлари давлатнинг жамиятдаги нодавлат ижтимоий тузилмаларидан ажралиши, нодавлат ижтимоий муносабатларнинг нисбатан мустақилликка эришиши натижаси ўлароқ пайдо бўлди. Фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланиши жараёнига монанд равишда ҳуқуқий давлат шакллана бошлади.

Фуқаролик жамияти категорияси тарихан инсоният ривожланишининг шундай бир алоҳида йўналишини акс эттирадики, у ҳар бир даврнинг ўзига хос фикрлайдиган мутафаккирининг оқилоналик, эркинлик, фаровонлик ва адолат ҳукм сурувчи идеал жамият моделини яратишга интилиши билан тавсифланади. Давлат, оила, қабила, миллат тушунчалари, диний ва бошқа бирликлардан фарқ қилувчи фуқаролик жамияти категорияси, юқорида қайд этиб ўтганимиздек, XVIII-XIX асрларга келиб ўрганила бошланди.

Европа ва Шимолий Америка мамлакатларида фуқаролик жамиятининг шаклланиши янги даврда бошланди. Олимлар ва мутахассислар фикрига кўра, фуқаролик жамиятининг ривожланишини уч босқичга ажратиш мумкин. Бунда бир босқичдан кейинги босқичга ўтишда жамият ва давлат тузумида юз берган катта ўзгаришлар, ижтимоий ва сиёсий тангликлар, оммавий ҳаракатлар, ижтимоий қатламлар ва синфларнинг тўқнашувлари, жамият мафқурасида туб ўзгаришларнинг рўй бериб туриши анъанага айланди.

*Биринчи босқич* шартли равишда XVI-XVII асрларни ўз ичига олади. Бу даврда фуқаролик жамиятининг иқтисодий, сиёсий ва мафқуравий асослари яратилди. Улар жумласига саноат ва савдонинг ривожланиши, ишлаб чиқариш турларининг ихтисослашуви, меҳнат тақсимотининг теранлашуви, товар-пул муносабатларининг ривожланиши киритиш мумкин. Шунингдек, ягона марказлашган давлатларнинг ташкил топиши билан феодал тарқоқлик даврида мавжуд бўлган тенгсизлик, ҳуқуқсизликларга барҳам беришга эътибор берила бошланди.

*Иккинчи босқич* XVIII аср охиридан XIX аср охиригача давом этди. Бу даврда энг ривожланган мамлакатларда умумий юридик тенглик ва эркинлик, шунингдек иқтисодий эркинлик ва шахсий ташаббусга асосланган дастлабки капитализм кўринишидаги фуқаролик жамияти шаклланди.

*Учинчи босқич* (XIX аср охири ва ундан кейинги давр) вертикал феодал тузилмалар ўрнини эркин одамларнинг ҳуқуқий тенглиги ва ўзаро битимларига

асосланган горизонтал муносабатлар эгаллагани билан тавсифланади. Инсониятнинг кўп асрлик тарихида барча одамлар, ижтимоий келиб чиқиши ва мавқеидан қатъи назар, жамият ҳаётининг ҳуқуқий жиҳатдан тенг иштирокчилари деб эътироф этилиши муҳим ижтимоий аҳамият касб этди. Улар ҳар кимга ўзини эркин хоҳиш-иродага эга бўлган, ўз ҳаракатлари ва уларнинг ҳуқуқий оқибатлари учун ўзи жавоб беришга қодир шахс сифатида намоён этиш имкониятини берувчи қонунлар билан эътироф этилган қатор ҳуқуқлар ва эркинликларга эга бўла бошлади.

Фуқаролик жамиятининг ҳаётда юзага келишига Ҳуқуқлар ҳақидаги билль (Англия, 1689 й.; АҚШ, 1791 й.) ёки Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси (Франция, 1789 й.) каби инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимояловчи ҳуқуқий актларнинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди. Фуқаролик жамияти – ўз шахси, ижодий ташаббусини эркин намоён этувчи тенг ҳуқуқли одамлар жамияти, ортиқча таъқиқлар ва ортиқча маъмурий тартибга солишлардан холи бўлган тенг имкониятлар жамияти сифатида шаклланди.

Фуқаролик жамиятининг давлатдан ажралиши айнан ижтимоий табақалар ўртасидаги тенгсизликни тугатиш ва ижтимоий муносабатларни давлат тасарруфидан чиқариш жараёни ҳосиласи ўлароқ юз берди. Бу жараёнга бутун аҳоли номидан иш кўришга асосланган вакиллик давлат органларининг шаклланиши асос бўлди.

Натижада одамларнинг ҳуқуқий ўзаро тенглиги уларга ҳуқуқ ва эркинликлар бериш воситасида, яъни қонунларда белгилаб қўйиш йўли билан тан олинди. Табақавий тенгсизлик ўрнини эгаллаган умумий ҳуқуқий тенглик шахснинг мутлақо янги ижтимоий ҳолатини белгилаб берди. Энди индивидлар, уларнинг ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, эркин ҳамда ижтимоий ҳаётнинг тўлақонли иштирокчилари, деб эътироф этилди.

“Фуқаролик жамияти” ва “ҳуқуқий давлат” тушунчалари XVIII асрда пайдо бўлган. Одамлар ҳаёти ва фаолиятининг икки томони: уларнинг шахсий манфаатлари, ташаббуси, ихтиёрий фаолияти жабҳаси ва одамлар ҳуқуқ-атворларини давлатнинг хоҳиш-иродасига бўйсунувчи халқ ҳокимияти жабҳаси шу тушунчаларда ўз ифодасини топди.

Фуқаролик жамияти – очик ижтимоий тузилма. Унда сўз эркинлиги, шу жумладан, танқид қилиш эркинлиги, ошкоралик, ҳар хил ахборотлар олиш эркинлиги, ҳар бир ҳудудга эркин кириш ва чиқиш ҳуқуқи, бошқа мамлакатлар билан кенг миқёсда, доимий асосда ахборот, таълим технологиялари алмашинуви, чет давлатлар ва жамоат ташкилотлари билан маданий ва илмий ҳамкорлик, халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларига мувофиқ халқаро хорижий бирлашмалар фаолиятига кўмаклашиш таъминланади. У умумий инсонпарварлик

тамойилларига содиқ бўлиб, дунё миқёсидаги шундай тузилмалар билан ўзаро алоқа қилиш учун очикдир.

Фуқаролик жамияти – мураккаб таркибли ва плюралистик тизим. Табиийки, ҳар қандай ижтимоий организм тизимнинг муайян хоссалари мажмуига эга бўлади, бироқ фуқаролик жамиятига уларнинг тўлиқлиги, барқарорлиги ва самаралилиги хосдир. Ранг-баранг ижтимоий шакллар ва институтлар (қасаба уюшмалари, партиялар, бирлашмалар, тадбиркорлар, клублар ва ҳ.к.)нинг мавжудлиги индивидларнинг турли туман эҳтиёжлари ва манфаатларини ифодалаш ва рўёбга чиқариш, одамзотнинг барча қобилиятларини намоён этиш имконини беради.

Фуқаролик жамияти – ўзини ўзи ривожлантирувчи ва ўзини ўзи бошқарувчи тизим. Индивидлар ҳар хил ташкилотларга бирлашиб, бир-бири билан ранг-баранг муносабатлар ўрнатиб, ўзларининг баъзан қарама-қарши, баъзан умумий манфаатларини рўёбга чиқариб, жамият сиёсий ҳокимияти кучига эга бўлган давлатнинг аралашувисиз уйғун ва изчил ривожланишини таъминлайди. Фуқаролик жамияти давлатдан мустақил равишда ўзини ўзи ривожлантиришнинг ички манбаларига эгадир.

Фуқаролик жамияти – ҳуқуқий давлат билан уйғунликда яшайди. Бу ерда инсон ва фуқаронинг табиий ва ўзлаштирилган ҳуқуқларини тан олиш, таъминлаш ва ҳимоя қилиш уларни бир-бирига боғловчи омил сифатида амал қилади.

Фуқаролик жамиятининг асосий унсури айрим шахс бўлса, фуқаролик жамияти институтлари, ташкилотлар, гуруҳлар ва ҳоказолар уни шакллантирувчи омиллардир. Улар шахснинг манфаатлари, мақсадлари, ниятлари ва бошқа эҳтиёжларини рўёбга чиқаришга кўмаклашади. Шу сабабли иқтисодий ва сиёсий ҳокимиятни бир-биридан ажратиш - ҳақиқий фуқаролик жамиятининг юзага келиши ва қарор топишининг бош омилли ҳисобланади. Иқтисодий ҳокимият билан сиёсий ҳокимият қўшилганида муқаррар тарзда иқтисодий ҳокимиятнинг бир марказ, бир одам ёки шахслар гуруҳи қўлида жамланиши юз беради. Агар сиёсий ва иқтисодий ҳокимиятлар турли марказлар, бошқа-бошқа қўлларда жамланса, улар бир-бирини чеклаб туради.

Фуқаролик жамияти ҳокимиятнинг оқилоналиги ва одилоналиги, шахс эркинлиги ва фаровонлиги ҳақидаги ғояларнинг ҳуқуқий устунлиги, ҳуқуқ ва қонуннинг бирлиги, давлат ҳокимиятининг турли тармоқлари фаолиятини ҳуқуқий чегаралаш ғоялари билан муштаракдир.

Ҳуқуқий давлатни фуқаролик жамияти ривожланишининг натижаси ва унинг ўзини ўзи янада такомиллаштириши омилли, деб ҳисоблаш мумкин. Ҳуқуқий давлатчиликнинг шаклланиш жараёни, ҳеч шубҳасиз, анча узоқ давр давом этади. У фуқаролик жамияти шаклланиши билан бирга такомиллашиб борди. Ҳар бир давлатда бўлганидек, ҳуқуқий давлат ҳокимиятининг суверенлиги ҳам мамлакат ичида унинг барча фуқароларга ва улар ташкил этувчи нодавлат ташкилотларига

нисбатан устунлигида ва ундан ташқарида давлатнинг ташқи сиёсатни юритиш, бошқа давлатлар билан муносабатлар ўрнатишда ва мустақиллигида намоён бўлади.

Етук фуқаролик жамиятисиз ҳуқуқий давлат қуриш мумкин эмас. Чунки, онгли ва эркин фуқароларгина кишилик жамиятининг энг оқилона шакллари яратишга қодирдир. Шундай қилиб, фуқаролик жамияти эркин индивид ва давлат хоҳиш-иродаси ўртасида боғловчи бўғин ҳисобланса, давлатнинг вазифаси парчаланиш, тартибсизлик, танглик, таназул кабиларга қарши иш кўриш, эркин шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратиб беришдан иборатдир.

Ҳуқуқий давлат – бу шундай бир давлат ҳокимиятдирки, у ҳуқуқ нормаларига биноан ва улар доирасида иш кўради, бу нормаларни бузиш, бекор қилиш ёки чеклашга журъат этмайди, фуқаролар ва уларнинг бирлашмаларининг узвий табиий-тарихий ҳуқуқларини эътироф этади.

Тоталитар давлатда хавфсизликни таъминлаш ҳуқуқий тартиботни муҳофаза қилиш, одамлар хулқ-атворини давлат белгилаган ҳуқуқий қоидаларга мувофиқлигини таъминлаш фаолиятдан иборат бўлади, давлат ҳокимиятига татбиқан хавфсизликни давлат хавфсизлиги ва фуқаролик жамияти хавфсизлигига ажратиш юз бермайди.

Фуқаролик жамиятининг хавфсизлиги (жамоат хавфсизлиги) қуйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланади:

- ижтимоий адолат;
- давлат билан ўзаро муносабатларда фуқароларнинг ва умуман жамиятнинг ҳуқуқларини эътироф этилиши;
- қонунийлик тартиби;
- фуқароларнинг иқтисодий фаровонлиги;
- демократик плюрализм;
- жамиятнинг очиқлиги;
- фуқаролик жамиятининг шаклан миллий, мазмунан умуминсонийлиги.

Фуқаролик жамиятининг юзага келиши инсон ҳуқуқлари ва фуқаро ҳуқуқларининг фарқланишини белгилаб берди. Инсон ҳуқуқларини фуқаролик жамияти, фуқаро ҳуқуқларини – давлат таъминлайди. Иккала ҳолатда ҳам шахс ҳуқуқлари тўғрисида сўз юритилади, бироқ биринчи ҳолатда айрим инсон сифатидаги шахснинг яшаш, эркинлик ҳуқуқлари назарда тутилса, иккинчи ҳолатда – унинг сиёсий ҳуқуқлари назарда тутилади.

Инсон ҳуқуқлари ва фуқаро ҳуқуқлари ўртасидаги фарқ муайян асосларга эга бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1) инсон ҳуқуқлари давлат томонидан эътироф этилгани ва қонун йўли билан мустаҳкамланганидан, уларнинг эгаси - инсон у ёки бу давлатга мансублигидан

қатъи назар мавжуд бўлиши мумкин. Фуқаро ҳуқуқлари эса мазкур шахс қарашли бўлган давлат томонидан ҳимоя қилинади;

2) дунёда ҳали анчагина одамлар умуман фуқаролик мақомига эга эмас (фуқаролиги бўлмаган шахслар - апатридлар). Бинобарин, улар расмий даражада фуқаро ҳуқуқларига эмас, балки инсон ҳуқуқларига эгадирлар. Фуқаролик жамиятининг вазифаси ижтимоий ҳаётнинг ривожланишини таъминлашдан иборатдир. Шу сабабли, унинг асосий таркибий қисмларининг вазифалари қаторига бу жараён нормал кечиши учун шарт-шароит яратиб берувчи институтлар фаолияти ташкил этади.

Фуқаролик жамиятининг асосий қадриятларини оила, мулк, шахс, эркинлик, ҳуқуқ, маънавият, тартиб, давлатчилик кабилар ташкил этади. Бунда ҳаммани мажбурий тартибда мулкдорларга айлантириш назарда тутилмайди – уларнинг кўпчилиги буни хоҳламайди, бироқ бундай имконият ҳар ким учун сақланиши лозим. Мулк ҳар доим шахс ва бутун жамият эркинлигининг бош омили сифатида амал қилади. Мулкка нисбатан ҳурмат мавжуд бўлмаган жойда шахсга нисбатан ҳурмат ҳам мавжуд бўлмайди.

Фуқаролик жамияти тузилмалари “юқоридан” туриб эмас, балки “қуйидан” - фуқароларнинг ташаббуси билан, ихтиёрий асосда, табиийки, муассисларнинг манфаатлари, қизиқишлари ва мойилликларига мувофиқ тузилади. Уларнинг эркинлиги давлат тузилмаларига қарам эмасликда, ички қоидалар билан назарда тутилган вазифаларни ҳал қилишга қаратилган ўзини ўзи бошқариш фаолиятида намоён бўлади.

Фуқаролик жамиятининг асосий белгилари мавжуд бўлиб улар қуйидагилардир:

- эркин индивидлар уюшмаси;
- ўзаро ҳамкорликка асосланган ижтимоий тузилма;
- мураккаб тузилишга эга бўлган плюратилстик тизим;
- ўзини ўзи ривожлантирадиган ва ўзини ўзи бошқарадиган нодавлат тузилмаларнинг мавжудлиги.

Фуқаролик жамиятининг энг муҳим омиллари:

1) иқтисодий эркинлик, мулк шаклларининг ранг-баранглиги, бозор муносабатлари;

2) инсон ва фуқаронинг табиий ҳуқуқларини сўзсиз эътироф этиш ва ҳимоя қилиш;

3) ҳокимиятнинг қонунийлиги ва демократик хусусияти;

4) қонун ва одил суд олдида ҳамманинг тенглиги, ҳар бир шахснинг юридик жиҳатдан ишончли ҳимояланганлиги;

5) ҳокимиятнинг учга бўлиниши ва ҳокимиятларнинг ўзаро алоқаси принципига асосланган ҳуқуқий давлат;

6) сиёсий ва мафкуравий плюрализм, конструктив муҳолифатнинг мавжудлиги;

7) сўз ва матбуот эркинлиги, оммавий ахборот воситаларининг мустақиллиги;

8) фуқароларнинг шахсий ҳаётига давлатнинг аралашмаслиги, уларнинг ўзаро мажбуриятлари ва бурчлари;

9) синфий ва миллий тотувлик, ижтимоий шерикчилик;

10) одамларнинг ўзларига муносиб турмуш даражасини таъминловчи самарали ижтимоий сиёсат.

Фуқаролик жамияти қатор тамойилларга таянган ҳолда фаолият кўрсатади. Жумладан:

- сиёсий соҳада ҳамма одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг тенглиги;

- бутун жаҳон ҳамжамиятида юридик кучга эга бўлган қонунлар асосида фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланган ҳуқуқий ҳимоя;

- индивидларнинг мулкка эга бўлиш ва ҳалол меҳнати учун адолатли ҳақ олиш ҳуқуқига асосланган иқтисодий мустақил эканлиги;

- қонун билан кафолатланган фуқароларнинг манфаатлари, касбий белгилари бўйича давлатдан ва сиёсий партиялардан мустақил ижтимоий бирлашмаларга бирлашиш имкониятлари;

- сиёсий партия ва фуқаролик ҳаракатларини ташкил этишда фуқароларнинг эркинлиги;

- фуқароларни эркин, маданиятли, маънавий ва ижтимоий фаол, жамият аъзоларини қонун олдида маъсулиятли қилиб шакллантирадиган фан, маданият, таълим ва тарбия учун зарурий моддий ва бошқа шарт-шароитларни яратиш;

- фақат қонун билан чекланган давлат цензурасидан ташқари эркин аолият юритадиган ОАВ яратиш ва фаолият юритиш эркинлиги;

- давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги муносабатларни барқарорлаштирадиган механизмнинг (консенсуснинг) мавжудлиги, ҳамда фуқаролик жамияти хавфсизлигини давлат органлари томонидан таъминланиши. Бу механизм, расмий бўладими, норасмий бўладими, у ўз ичига қонуний актларни, халқ вакилларини демократик сайлов йўли билан ҳокимиятнинг, ўз-ўзини бошқаришнинг турли органлари кабилар воситасида тайинлаш кабиларни олади.

Иқтисодий соҳада фуқаролик жамият асосини кўп укладли иқтисод, мулкнинг турли шакллари ва бошқариладиган бозор муносабатлари ташкил этади; Ҳуқуқий соҳада эса – ҳокимият бошқаруви ваколатларини марказда йиғилиб қолмаслиги, ҳокимиятлар бўлиниши, сиёсий плюрализм, фуқароларнинг давлат ва жамоат ишларида иштирок этишлари, қонун устиворлиги, ҳамманинг улар олдида тенглиги; маънавий соҳада - ягона мафкура ва дунёқарашнинг яқка ҳокимлигини мавжуд эмаслиги, виждон эркинлиги, маданийлик, юқори маънавият ва ахлоқ ташкил этади.

Фуқаролик жамияти шахс эркинлигисиз яшамайди. Эркинлик меъёрий кўринишга эга бўлгани учун, бундай шундай хулоса келиб чиқадики, бир томондан инсон эркинликка унинг норматив талабларига бўйсуниб қобиляти натижасида эга бўлади, бошқа томондан, шахс эркинлиги борлигининг ташқи шакли - бу эркинликнинг чегараларини белгиловчи ижтимоий меъёрлар мавжудлигини англатади. Ва фақатгина, жамият учун ёки инсоннинг ўзи учун энг муҳим аҳамиятга эга, энг асосий ҳисобланган соҳалардагина давлатнинг ўзи эркинликнинг ўлчовини, меъёрини белгилаб беради. Бу эса ҳуқуқий меъёрлар, қонунлар, конституция ёрдамида амалга оширилади.

Бунда ҳуқуқ ва эркинликларнинг ўзи, жумладан, бир томондан, конституциявийлиги, иккинчи томондан, фуқаролик жамиятининг ривожланганлик даражаси билан, шунингдек унинг иқтисодий, ижтимоий, ижтимоий-сиёсий уюшганлигининг етуклиги даражаси билан белгиланади. Бошқа томондан қараганда, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинлигининг тўлиқлиги, уларнинг қафолатланганлиги даражаси, уларни ҳаётдаги изчиллиги фуқаролик жамиятининг ҳақиқий эркинлик ва ижтимоий адолатли жамият сифатида муҳим тавсифларини намоён этади. Демак, фақат фуқаролик жамияти шароитидагина инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ҳар томонлама рўёбга чиқади. Шу тариқа фуқаролик жамияти қатор муҳим функцияларни бажаради:

1. Қонун устуворлиги асосида у инсоннинг ва фуқароларнинг шахсий ҳаёт соҳасини давлат ва бошқа сиёсий тузилмаларнинг асосланмаган қатъий мувофиқлаштиришидан ҳимоя қилишни таъминлайди.

2. Фуқаролик жамияти уюшмалари асосида ижтимоий (жамоатчилик) ўзини – ўзи бошқариш механизмлари яратилади ва ривожлантирилади.

3. Фуқаролик жамияти давлатнинг демократик органларини, унинг барча сиёсий тизимини шаклланиши ва содда кўринишга келтиришига кўмак беради; бунда у турли воситалардан фойдаланади: сайлов кампаниялари ва референдумлар, норозилик ёки бу ёки у талабларини қўллаб-қувватлаш акцияларида, у ёки бу масаладар бўйича жамиятни шакллантиришда фаол иштирок этиш кабилар.

4. Фуқаролик жамиятининг институтлари ва ташкилотлари ўз эътиборини инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалда қафолатлашни ва давлат ва жамоат ишларида тенг иштирокини таъминлашга қаратади.

5. Фуқаролик жамияти ўз аъзоларига нисбатан ижтимоий назорат функцияларини бажаради: у давлатдан мустақил равишда восита ва санкциялар беришга эга бўлиши мумкинки, уларнинг ёрдамида у индивидларнинг жамоа талабларига риоя қилишларига мажбурлаши, фуқароларнинг ижтимоийлашувини ва тарбияланишини таъминлаши мумкин.

6. Фуқаролик жамияти коммуникациявий вазифани бажаради. Бу жамият давлат органларига фуқароларнинг аниқ манфаатлари ҳақида ахборотлар бериб

туради, бу манфаатларни амалга ошириш эса фақат давлат органларига тегишлидир.

7.Фуқаролик жамияти ўз институтлари ва ташкилотлари воситасида барқарорлаштирувчилик вазифасини бажаради. У давлат фаолиятида танг ҳолатлар юз берганда унга ёрдам беради, жамият ҳаётини яшашини таъминлайдиган мустаҳкам тузилмаларини яратади.

Маълумки, Ватанимиз мустақилликка эришганидан сўнг бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдеворини шакллантириш бош стратегик мақсад сифатида белгиланди. Шу каби жамиятгина Ўзбекистон халқининг муносиб турмушини, ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаши, миллий анъаналар ва маънавиятимизни қайта тиклаши, шахс сифатида инсоннинг маънавий-ахлоқий камол топишини таъминлай олиши эътироф этилди.

Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий мезонларидан бири -бу унинг ҳуқуқий негизини яратишдан иборат бўлганлиги боис, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий пойдеворини ўрнатишга, унинг асосий қоида ва талабларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамловчи ҳуқуқий нормаларининг ўз ифодасини топишига алоҳида эътибор берилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқаролик жамиятининг асосий қоида ва талабларини акс эттирувчи принциплар аҳамиятга эга бўлган нормалар сифатида давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул эканлиги (2-модда), халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи ҳисобланиши (7-модда), Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими - ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланиши (11-модда), Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланиши, ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслиги (12-модда)<sup>102</sup> каби фуқаролик жамиятининг асосий принциплари юридик жиҳатдан мустаҳкамлангандир.

Мустақиллик даврида фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича Конституциямизда қайд этилган асосий принциплар ва нормалар асосида давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, демократик бозор ислохотларини ва

<sup>102</sup>Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Т.:Ўзбекистон, 2016.-Б.4-6.



иктисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш бўйича тадрижий ислохотлар амалга оширилди.

Фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши бўйича қўйидаги хулосалар чиқариш мумкин:

-фуқаролик жамиятининг шакилланиши узоқ давом этиб келаётган мураккаб тарихий жараёндир. Фуқаролик жамиятининг баъзи бир унсурлари қадимги Юнонистон ва Римда намоён бўлди, Янги даврда эса унинг баъзи шаклланиш унсурлари кашф этилди, ҳозирги даврда эса унинг бир бутун тизим сифатидаги тасаввурлар шаклланди;

- фуқаролик жамияти ғояси инсониятнинг антик даврдан буён давом этиб келаётган тафаккурлаши маҳсулидир. Авестода, Қадимги юнон файласуфлари фикрларида, Ўрта аср Шарқ мутафаккирларининг қарашларида, Уйғониш ва Реформация даври ғоялари ва бугун XXI аср жаҳон ҳамжамияти томонидан умуминсоний ижтимоий маданий кадриятлар сифатида эътироф этилди. Маълумки, ҳар қандай фан, ўз моҳиятига кўра умумбашарийдир. Дунёнинг барча халқлари ўзининг катта-кичиклигидан қатъий назар фуқаролик жамияти назариясига ўзларининг ҳиссаларни кўшди. Шу нуқтаи назардан фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши тўғрисидаги ғоялар қарашларга бир ёқлама ёндашиш уни уларни камситиш мумкин эмас;

-фуқаролик жамиятининг хусусиятлари, белгилари, тамойиллари ҳар қандай ижтимоий тузимда мавжуддир, бироқ уларнинг ривожланиш даражаси турли хилда бўлиши мумкин.

-фуқаролик жамиятининг шаклланиш жараёнлари ҳолати ижтимоий ҳаётнинг ва давлат ҳокимияти бошқарувининг демократлашиб бориши билан биргаликда кечади.

-фуқаролик жамиятининг шаклланиши ҳуқуқий давлатчиликнинг шаклланиш жараёни билан уйғунликда такомиллашиб боради.

-ҳар бир давлатда фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши ўзига хос миллий ментал хусусиятларга боғлиқ ҳолда, шаклан миллий моделларда намоён бўлиши мумкин;

-ҳозирги даврдаги дунёдаги бирон-бир мамлакат фуқаролик жамияти энг сўнги етуклик босқичига эриша олгани йўқ ва уни такомиллаштириш узулуксиз давом этадиган жараёндир.

### **Назорат саволлари:**

1. Фуқаролик жамияти фанининг предмети.
2. Фуқаролик жамияти фанининг объекти.

3. Фуқаролик жамияти фанининг қонуниятлари.
4. Фуқаролик жамиятининг асослари нималардан иборат?
5. Фаннинг ўқув, илмий, амалий ва тарбиявий вазифалари нималардан иборат?

#### **Фойдаланиган адабиётлар рўйхати:**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Жалилов А. ва бошқ. Фуқаролик жамияти асослари. – Т.: Вактриа press, 2015.
4. Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраймов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.
5. Ишмухамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va technology», 2014. 60 б.
6. Ли Кан Ю Из третьего мира - в первый. История Сингапура. 1965-2000. – М.: Манн, Иванов и Фербер, 2016. – 420 с.

## IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### 1-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ: Фуқаролик жамияти қуриш мамлакатимизнинг асосий стратегик пировард мақсади

#### РЕЖА:

1. Стратегияси тушунчаси ва унинг назарий асослари.
2. Давлат стратегиясининг тизимли бошқарув омиллари.
3. Ўзбекистон миллий тараққиёти янги босқичи.

#### “Қандай?” иерархик диаграммаси



#### Мавзу бўйича блимс-сўров саволларига жавоб бериш

1. Ривожланиш стратегияси фанининг қандай вазифаларини биласиз?
2. Ривожланиш стратегияси фанининг ўрганилишдан мақсади нима ?
3. Ривожланиш стратегияси фанининг объекти ҳақида нималарни биласиз?

**БББ жадвалини ўлдириш**

1. Таянч ибора ва тушунчалар билан танишиб чиқинг.
2. БББ жадвалини тўлдириш учун таянч ибора ва тушунчаларнинг тартиб рақамидан фойдаланинг.

Биламан	Билишни истайман	Билиб олдим
1	2	3

### Тушунчалар таҳлили технологияси

Тушунчалар	Мазмуни
Давлат	
Жамият	
Фуқаро	
Фуқаролик	
Идеал давлат	

## 2-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ: ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ - ИНСОНИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЮҚОРИ БОСҚИЧИ

### Режа:

1. Фуқаролик жамияти ғоялари эволюция.
2. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланишининг методологик концептуал асослари.

### ФСМУ технологияси

Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда ҳамда ўқув жараёнини баҳс-мунозарали ўтказишда қўлланилади, чунки бу технология талабаларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга маданиятини ўргатади. Тингловчиларга тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.


Ф-фикрингизни баён этинг

С-Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг

М-кўрсатилган сабабингизни исботловчи далил келтиринг


У- фикрингизни умумлаштиринг

Савол	Идеал давлат тушунчасининг Форобий қарашларида ифодаланиши
Ф-фикрингизни баён этинг	
С-Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
М-кўрсатилган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
У- фикрингизни умумлаштиринг	



### **«Ажурли арра» қоидалари**

1. Топшириқ ва матнни бир неча асосий қисмларга қирқилади.
2. Биринчи гуруҳлар: ҳар бир гуруҳ аъзолари қирқилган мавзуни оладилар ва экспертга айланадилар.
3. Эксперт гуруҳлар: Қўлида бир мавзуга оид ўқув топшириқлари мавжуд бўлган мавзуни муҳокама қилиш, бошқаларга ўргатиш режасини эгаллаш учун эксперт гуруҳга бирлашадилар.
4. Бирламчи гуруҳлар: ўзларининг бирламчи гуруҳларига қайтадилар ва эксперт гуруҳларда ўрганганларини ўқитишади.




**3-МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ  
БОСҚИЧИДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА  
РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ**

**РЕЖА:**

1. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуришнинг назарий-методологик асослари.
2. Давлат стратегиясининг тизимли бошқарув омиллари.
3. Ўзбекистон миллий тараққиёти янги босқичи.

## «Қандай» органайзерини тўлдириш



### “SWOT - таҳлил” жадвали

Адам Смит минимал давлат концепцияси	Алексис де Токвил америкача демократия ғояси
Тарбиялаш	Чалғитувчи объектлар


## 4-МАВЗУ: “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШДАН МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШГА” КОНЦЕПТУАЛ ҒОЯСИ

### РЕЖА:


1. Ўзбекистоннинг дастлабки тараққиёт давридаги миллий ўзликни англаш ва миллий қадриятларимизни тиклашга доир амалга оширилган ишлар.
2. Ўзбекистонда кечаётган демократик ўзгаришларнинг жамиятнинг маънавий янгиланишига боғлиқлиги.
3. Жамиятнинг маънавий янгиланиши демократик фуқаролик жамиятини барпо этиш омили.



## “Нима учун?” организерини тўлдириг




## Венн диаграммаси



**5-МАВЗУ: ФАНИНГ ПРЕДМЕТИ, ОБЪЕКТИ, МАҚСАДИ, ЎҚУВ, ИЛМИЙ, АМАЛИЙ, ТАРБИЯВИЙ ВАЗИФАЛАРИ, ФУНКЦИЯЛАРИ ВА БОШҚА ИЖТИМОЙ ФАНЛАР БИЛАН ЎЗARO БОҒЛИҚЛИГИ ҲАМДА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

### РЕЖА:

1. Фуқаролик жамияти фанининг предмети, объекти, мақсади.
2. Фаннинг ўқув, илмий, амалий ва тарбиявий вазифалари



### Блиц суров

№	Саволлар	Жавоблар
1.	Фуқаролик жамияти тушунчаси?	
2.	Фуқаролик жамиятининг моҳияти нима?	
3.	Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик деганда нималарни тушунасиз?	
4.	“Халқ давлат идраларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” иборани изоҳланг?	
5.	“Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади” иборани изоҳланг?	

## Концептуал жадвал

Ёндашувлар	Тавсифлар		
	Формацион	Цивилизацион	Модернизацион

## V.КЕЙСЛАР БАНКИ

### Кейс-стади: Жамият барқарорлигини таъминлашнинг ижтимоий-ғоявий асослари ўзаро мослиги нималарда акс этади?

#### 1-кейс

Мамлакатимиз ижтимоий тараққиётга асос бўлувчи бош ғоямизнинг ўзига хос хусусияти нимада?

#### 2-кейс

Мамлакатимиз ижтимоий тараққиётга асос бўлувчи асосий ғояларнинг аҳамиятли томони нимада?

#### 3-кейс

Ривожланишнинг «Ўзбек модели»ни ижтимоий тараққиётда мафкуравий жараён сифатида эътироф этиш мумкинми?

#### 4-кейс

Мамлакат ижтимоий тараққиёти учун мафкуравий жараёнларда қандай илғор ғояларни тадбиқ этиш мумкин?

#### 5-кейс

Фуқоролик жамияти тушунчаси ва унинг маънавий ахлоқий негизини Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов асарларига таянган ҳолда асосланг.

#### 6-кейс

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов асарларида жамият ривожига доир янгича ғоя ва қарашларнинг асосий йўналишларини кўрсатинг.

#### 7-кейс

Жамият ривожига цивилизацион қарашнинг афзалтомонларини илмий асосланг.

#### 8-кейс

И.А.Каримов асарлари асосида демократик жамият ривожининг ҳуқуқий давлат ва фуқоролик жамияти билан боғлиқлигини таҳлил этинг.

#### 9-кейс

Президент Ш.Мирзиёевнинг “Харакатлар стратегияси” да ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг асосий негизлари ва хусусиятларга оид қандай фикрларини биласиз ва уларни таҳлил этинг.

### **10-кейс**

Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида амалга оширилаётган туб демократик ўзгаришларни аҳамиятини қандай баҳолайсиз?

## VI. Глоссарий

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
Аболиционизм	(лот. бекор қилиш) бирор қонунни бекор қилишга қаратилган оммавий ҳаракат. XVIII аср охири ва XIX асрнинг биринчи ярмида АҚШда негрларни қулликдан озод қилиш учун бошланган ҳаракат иштирокчилари – аболиционист деб аталган.	(lat. cancellation) a mass action aimed at the abolition of a law. Participants in the movement, which began at the end of the XVIII century and in the first half of the XIX century in the US to free the Negroes from slavery, were called – the abolitionist.
Автономия	(юнон. autos+nomos-ўзи+қонун); 1.ягона Давлат миқёсида ҳудудий-миллий тузилмаларга (вилоят, ўлка) ўзини ўзи бошқариш ваколатларини бериш; 2.Маъмурий-ҳудудий бирлик; 3.Қандайдир органлар (хўжалик, давлат, партия ва бошқалар) фаолиятларидаги ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи.	(Greek. autos+nomos-self+Law); 1.granting self-government powers to territorial-national structures (region, country) at the level of a single state; 2.Ma Muri -territorial unit; 3.The right to self-government in the activities of some organs (farm, state, party, etc.).
Автономия	(юнон. autos+nomos-ўзи+қонун); 1.Ягона давлат миқёсида ҳудудий-миллий тузилмаларга (вилоят, ўлка) ўзини ўзи бошқариш ваколатларини бериш; 2.Маъмурий-ҳудудий бирлик; 3.Қандайдир органлар (хўжалик, давлат, партия ва бошқалар) фаолиятларидаги ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи.	(Greek. autos+nomos-self+Law); 1.Granting self-government powers to territorial-national structures (region, country) at the level of a single state; 2.Ma Muri -territorial unit; 3.The right to self-government in the activities of some organs (farm, state, party, etc.).
Агрегация	(лот.) нодавлат ва жамоат ташкилотлари айрим манфаатларни агрегация қилиш,	(lat.) non-governmental and public organizations aggregate certain interests,

	<p>яъни турли мунозаралар ва муҳокамалар воситасида турли манфаатлар уйғунлаштирилади ва улар ўртасида муайян муносабатлар тизимини шакллантиради. Бу жараёнда асосий ва муҳим манфаатлар танлаб олинади уларни қондириш чора ва тадбирлари кўрилади</p>	<p>that is, through various discussions and discussions, different interests are harmonized and a certain system of relations is formed between them. In this process, the main and important interests are selected and measures and measures are taken to satisfy them</p>
Адвокатура	<p>ҳуқуқий институт, адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларнинг мустақил, кўнгилли, касбий бирлашмаларини ўз ичига олади. Ўзб.Рес. фуқаролари, ажнабий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахсларга, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга юридик ёрдам кўрсатади. Ўзбекистон Республикасининг адвокатура тўғрисидаги қонуни 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган</p>	<p>the legal institution includes independent, volunteer, professional associations of persons engaged in advisory activities. Your own.Usage provides legal assistance to citizens, foreign citizens, stateless persons, enterprises, institutions, organizations. The law of the Republic of Uzbekistan on advokatura was adopted on December 27, 1996</p>
Адлия	<p>(араб.-адолат)-суд муассасаларининг бутун мажмуини, уларнинг одил судловни амалга ошириш фаолиятини, шунингдек, суд идорасини билдирувчи атама</p>	<p>(Arabic.- Justice) - a term denoting the entire set of judicial institutions, their activities for the implementation of Justice, as well as the judicial office</p>
Алармизм	<p>интеллектуал ва экспертларни бирлаштирувчи замонавий ғоявий оқим. У хавф солаётган глобал муаммолар – яровий, экологик в.х. – борасида огоҳлантиради</p>	<p>intellekt modern ideological flow uniting professionals and experts. It is a global problem that poses a threat-ecological, environmental v.the x. - warn ontiradi</p>
Амнистия	<p>жиноят содир этган шахсларни жиноий жавобгарликдан тўлиқ</p>	<p>the release of persons guilty of a crime from criminal</p>

	ёки қисман жазодан озод қилиш, шунингдек, илгари суд томонидан белгиланган жазони ўтаб бўлган шахслардан судланганликни олиб ташлаш. Амнистия акти норматив хусусиятга эга, яъни амнистия акти билан белгиланган талабларга жавоб берадиган барча шахсларга нисбатан қўлланилади	liability in full or in part, as well as the removal of conviction from persons who have previously passed the sentence established by the court. The amnesty act has a normative nature, that is, it applies to all persons who meet the requirements established by the amnesty act
Анахронизм	(юнон. ана-орқага, chromos-вақт, замон); янглиш ҳолда бир даврдаги воқеа ёки ҳодисаларни бошқасига алмаштириб қўйиш	(Greek. ana-back, chromos-time, time); to replace events or events of one period with another without error
Артикуляция	(лот.) нодавлат ва жамоат ташкилотлари индивидлар ва ижтимоий гуруҳларнинг тарқоқ карашлари, ижтимоийруҳий кечинмалари ва умидларини аниқ ва маълумсиёсий мақсадлар ва талабларга айлантиришжараёнини англатади	(lat.) non-governmental and public organizations mean the process of transforming the views, social experiences and expectations of the individ and social groups into clear and informed goals and requirements
Бозор механизми	бозор иқтисодиётининг фаолият қилишини тартибга солишни ва иқтисодий жараёнларни уйғунлаштиришни таъминлайдиган дастак ва воситалардир	it is the support and tools that ensure the regulation of the functioning of the market economy and the harmonization of economic processes
Ватанпарварлик	Ватанининг озодлиги ва ободлиги, унинг сарҳадлари дахлсизлиги, мустақиллигининг ҳимояси йўлида фидойилик кўрсатиб яшаш, она халқининг ор-номуси, шон-шарафи, бахту саодати учун куч-ғайрати, билим ва тажрибаси, бутун ҳаётини бахш этишдек дунёдаги энг муқаддас ва	Freedom and prosperity of the motherland, inviolability of its borders, self-sacrifice for the protection of its independence, the strength, knowledge and experience for the honor, glory, happiness of the Native people is a human feeling, which symbolizes the



	олижаноб фаолиятни англатадиган инсоний хис-туйғудир. Ватанпарварлик - она-юртнинг, халқнинг тарихи ва тақдирига чуқур ҳурмат билан қарайдиган, Ватан манфаатлари йўлида фидойилик намуналарини кўрсатишга қодир бўлган шахсларга хос фазилат	most sacred and noble activity in the world as a gift of all life. Patriotism is a virtue inherent in Persons with a deep respect for the history and fate of the native land, people, capable of showing examples of self-sacrifice in the interests of Vatan
Виждон эркинлиги	фуқароларнинг истаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқи	the right of citizens to the religion they want or not to any religion
Гуманизм	(инсонпарварлик) – тенглик, адолат, ўзаро ҳурмат, инсон қадрини ардоқлаш, одамлар фаровонлиги учун ғамхўрлик қилиш ғоялари сингдирилган дунёқараш	(humanism) – integrated worldview of ideas of equality, justice, mutual respect, pursuit of human dignity, care for the well-being of people
Демократик институтлар	жамият ҳаётида демократик тамойилларни қарор топишга хизмат қиладиган ташкилотлар ва тузилмалар мажмуаси	democratic principle in the life of societyillarni a complex of organizations and structures that serve to find a decision
Диверсификация	лот. diversification – ўзгариш, турли-туманлик, фаолиятни ҳар томонламава турли-туман йўналишларда ривожлантиришга стратегик мўлжал олиш. Масалан, капитални диверсификациялаш – иқтисодий таваккалчиликнинг хавфли оқибатини камайтириш мақсадида капитал маблағларни турли объектлар ўртасида бўлиб-бўлиб жойлаштириш	the lot. diversification-change, diversity, activity in all directions and development in different directionstirishga get a strategic goal. For example, the diversification of capital – the place of capital funds between different objects in order to reduce the dangerous consequences of economic risks

## **VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажак фақат буюк бўлади. 3-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

### **II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар**

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий

таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

### Ш. Махсус адабиётлар

18. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.

19. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010, 204.

20. H.Q. Mitchell “Traveller” B1, B2, MM Publications. 2015. 183.

21. H.Q. Mitchell, Marileni Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publications. 2015. 191.

22. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan. 2013. 175.

23. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan 2010.

24. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.

25. Борис Капустин Гражданство и гражданское общество. – М.: “Высшая школа экономики”. 2011. – 224 с.

26. Гулобод Қудратуллоҳ кизи, Р.Ишмухамедов, М.Нормухаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.

27. Д.Дж.Грин Возвращение в гражданское общество: социальное обеспечение без участия государства. – М.: “Новое издательство”. 2008, – 220 с.

28. Джим Л. Коэн, Эндрю Арато Гражданское общество и политическая теория. – М.: “Весь мир”, 2011. – 784 с.

29. Джон Кин Демократия и гражданское общество. – М.: “Прогресс - Традиция ”, 2001. – 400 с.

30. Ж.Мавлонов Коммуникативные основы деятельности институтов гражданского общества: тенденции и инновации (Монография) - Т.: “Адабиёт учқунлари”, 2018. 12 б.т.

31. Жалилов А. ва бошқ. Фуқаролик жамияти асослари. – Т.: Vaktriya press,

2015.

32. Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраймов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.

33. Ишмухамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.

34. Ли Кан Ю Из третьего мира - в первый. История Сингапура. 1965-2000. – М.: Манн, Иванов и Фербер, 2016. – 420 с.

35. М.Бекмуродов ва бошқ. Харакатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари, – Т.: “Ғофур Ғулом НМИУ”. 2017, - 236 б.

36. Мохаммад Хотами Ислам, диалог и гражданское общество. – М.: “РОССПЭН”. 2001. – 242 с.

37. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти (Услубий қўлланма) – Т.: “Info Capital Group”, 2019. – 432 б.

38. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.

39. Образование в цифровую эпоху: монография / Н. Ю. Игнатова; М-во образования и науки РФ; ФГАОУ ВО «УрФУ им. первого Президента России Б.Н.Ельцина», Нижнетагил. технол. ин-т (фил.). – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с. [http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0\\_2017.pdf](http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0_2017.pdf)

40. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. [https://hiedtec.ecs.uniruse.bg/pimages/34/3\\_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf](https://hiedtec.ecs.uniruse.bg/pimages/34/3_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf)

41. Р.Хасанов, А.Ўтамуродов Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт (Ўқув қўлланма) – Т.: 2016. 14 б.т.

42. Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. Книга 16 / О.К. Асекретов, Б.А. Борисов, Н.Ю. Бу-гакова и др. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с. <http://science.vvsu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>

43. Трудным путём демократии: Процесс государственного управления в США (Перевод с англ. А.Н.Кулик). – М.: “РОССПЭН”, 2006. – 656 с.

44. У.Бўтаев Жамият барқарорлиги: Ўзбекистон тажрибаси. – Т.: “Фан ва технологиялар”, 2017. 11.9 б.т.

45. Уил Кимлика Современная политическая философия. Введение. – М.: “Высшая школа экономики”, 2013. – 585 с.

46. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш.–Т.: “ТКТИ” нашриёти, 2019.

47. Ўтамуродов А. ва бошқ. Фуқаролик жамияти (Ўқув қўлланма) – Т.: “Университет”, 2018. 21 б.т.

48. Ўтамуродов А. ва бошқ. Фуқаролик жамияти фанидан тушунча ва атамалар луғати. Лотин ёзувида. – Т.: “Турон-Замин-Зиё”. 2017. 23 б.т.
49. Ўтамуродов А. ва бошқ. Фуқаролик жамияти: Ғоялар эволюцияси (Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари талқинида). Лотин ёзувида. – Т.: “Адабиёт учқунлари”, 2018. – 96 б.
50. Фуқаролик жамияти. Дарслик лойихаси – Т.: 2016. Ziyonet.uz Муаллифлар жамоаси.
51. Хакимов Н.Х., Садиков А.К. Стратегия развития страны. Гражданское общество (Учебное пособие) - Т.: “Иқтисодиёт”, 2020. - 252 с.

#### **IV. Интернет сайтлар**

52. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: [www.edu.uz](http://www.edu.uz).
53. Бош илмий-методик марказ: [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)
54. [www. Ziyonet. Uz](http://www.Ziyonet.Uz)
55. Открытое образование. <https://openedu.ru/>
56. <https://foxford.ru/wiki/obshchestvoznanie/grazhdanskoe-obshchestvo>
57. <https://www.linguee.com/russian-english/translation>
58. [https://enc.for.uz/w/index.php?title=Fuqarolik\\_jamiyati&variant=uz-cyrl](https://enc.for.uz/w/index.php?title=Fuqarolik_jamiyati&variant=uz-cyrl)
59. <http://www.uzbekembassy.ir/Development.aspx>
60. <https://icscentre.org/tag/civil-society/>